

# ЎЗБЕК ҲАҚУБИ

1997

3

---

АДАБИЙ-ИЖТИМОЙ ЖУРНАЛ

---

66-ЙИЛ ЧИҚИШИ

*БОШ МУҲАРРИР*

Уткир ҲОШИМОВ

*ШАҲРИР ҲАТТОВАЛЛИ*

Омон МУХТОР, Юсуф ФАЙЗУЛЛО, Мурод МАНСУР,  
Икром ОТАМУРОД, Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН,  
Алиназар ЭҒАМНАЗАР, Асад ДИЛМУРОД

МУАССИСЛАР:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

# СИЗДАН КЕЛГАН ХАТЛАР

Ассалому алайкум, азизлар!

Камина узоқ йилдан бери «Шарқ юлдузи» журнаliga обуна булиб келганман. Шу мавзудан келиб чиқиб, қувончимга сигмай кетдим, чунки журналнинг 1996 йил, 6-сонида мен уқимаган янги асарлар бор экан. Бунинг учун, сиз азизларга, раҳматлар айтдим. Ушбу соннинг «Сунгги сўз» матнидаги фикр ва таклифга қушиламан.

1966 йили эски уйимизни бузаётган эдик. Ерга яқин қисмидан бир илон чиқди ва қузғалиб бир тешикка кириб кетди. Унинг 8 дона тухуми бор экан, отам (ушдан 76 ёшда эди) илон тухумларини олди ва мояги шишганларга дори бўлади деди. Маҳалламизда яшовчи Қучқор, Қамбарали, Баҳриддинларнинг мояги шишиб юрганлигини мен билардим. Тухумларни уша оилаларга булиб бердик ва қайнатиб сувини ичириш кераклигини айтдик.

Болалар 1-2 ой ичида соғайиб кетди, шишдан асар ҳам қолмади. Йигитлар уйланди, фарзандлари бор. Мен бу ҳақда 1967 йили «Фан ва турмуш» журнаliga хабар берган эдим. Улар мени грижаси бор экан, мутахассис врачга учранг, деб жавоб ёздилар. Мана, уша жавоб хати:

**«Фан» нашриёти**

**Ҳурматли Уртоқ Содиқов Ҳ.**

Мактубингиз билан танишиб чиқдик. Грижа касаллигидан шифо топиб кетиш мумкин. Бунинг учун хирург мутахассисга мурожаат этишингиз позим.

**Салом билан, редакция ходимаси (С. Одипова)**

Азизлар! Сизнинг бу олижаноб ва машаққатли ишларингизга Яратгандан ютуқлар тилайман.

Ҳалимжон СОДИҚОВ,  
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани,  
Қаюмов ж/хужалиги, Тинчлик кучаси-80.

*Азиз дустлар!*

*«Шарқ юлдузи»нинг бу йилги 6-сонини ҳам ярим журнал, ярим китоб ҳолида нашр этмоқчимиз. Сизни қизиқтирган АСАРЛАР босилади. Обуна булишингиз ва журнални кузатиб боришингизни сўраймиз.*

© «Шарқ юлдузи» № 3, 1997 йил.



## ШЕЪР — ЮРАК ГУЛИ

*Ўзбекистон халқ ёзувчиси,  
Давлат мукофоти соғриндорни  
Қуддус Муҳаммадий билан  
шоёр Рауф Шалиб сўхбати*

— Қуддус ака, аввало, сизни табарруқ тўқсон ешингиз билан қўтлаймиз.

— Раҳмат.

— Қуддус ака, элимизнинг олти ешли қизу углонидан тортиб, олтимиш ешли бобосигача шеърларингизни ёд билади. Китобларингиз қўлдан-қўлга, шеърларингиз тилдан-тилга утиб юради. Сизни ҳақли равишда авлодлар устози, авлодлар шоири, дегим келади. Айтинг-чи, болалар шоири бўлишингизга сабаб нима?

— Отам Муҳаммад Алибек адабиётга жуда ихлосманд эдилар. Болалик кезларимда менга Навоий, Бедил, Ҳувайдо, Яссавий газалларини ўқиб бериб, адабиётга меҳримни оширганлар. Менинг асл касбим — ўқитувчилик эди. 30-йилларда мактабда ботаникадан дарс утардим. Дарс мавзуларим: барг, илдиш, гулларни утар эканман, қизиқарли бўлиши учун бу мавзуларда шеърлар ёзиб, синфда болаларга ўқиб берардим. Болаларнинг узлари менга мавзу беришиб, илҳомлантиришарди. Мен ишда ҳам, кучада ҳам, уйда ҳам доимо болалар орасидаман, улар билан доимо мулоқотдаман. Шундай бўлгач, болаларга шеър ёзмай иложим қанча?

Қулимга қалам олиб, биринчи ёзган шеърим ушбудир:  
Чумчук, читтак чирқиллашиб, тонг юзини очганда,  
Чимен тоғнинг қир учида қуёш нури уйнайди.  
Юмшоқ шамол кенг далага уйнаб-уйнаб оққанда,  
Оқ чечаклар чехрасига марвариддан хол қўйди.

— Устоз, сиз ўзбек болалар шеърлятида мактаб яратган шоир-сиз. Бу адабиётнинг узига хос хусусиятлари, урни ва вазифаси ҳақида гаплашсак...

— Аввало, ёш авлодга асар ёзаман, деган ижодкор, боладай бола кунлига кириши керак. Уларнинг севинч-ташвишларига шерик булмай туриб, болалар учун ёзиш мушкул. Болаларга битиладиган ҳар бир асар она сугидай покиза неъматдир. Болалар шоири — поклик куйчисидир. Биз фарзандларимизга атаб талай асарлар яратдик. Биз шеърларимиздан одам ясаб юбордик, у уз оёғи билан юриб кетди. Кейин нима будди? Уни мушук адаштирар жойга ташлаганча, узимиз ялло қилиб кетавермадикми? Ҳукиз совугар пайт узликиб қолмадими? Ҳаётнинг кунига ярадимми? Ёки кўр булиб, йул тополмай юрибдимми? Қизиқмаймиз. Лирик қаҳрамонларимиз оловда яланг оёқ югуриб юрмасин, балки ҳақиқий дунёга илдиз булсин. Уткир қалб сузда қолгани каби, уткир суз ҳам қалбда қолади. Шунга қобил булмаган суз кепак булиб сочилиб кетади.

Республикаимиз аҳолисининг ярмидан купрогини болалар ва усмирлар ташқий этади. Улар шеърятга, гузалликка чанқоқ... Уларнинг кунгил кузини очадиган, фикрларини уйғотадиган, юракларини гурур-фаҳрга тўлдирадиган шеърлар керак. Ёш авлодни тарбиялашда асарларимизнинг кучи етмай қолаяпти. Шеърларимиз ҳаётнинг ич-ичига кириб кетмаяпти. Болаларга уринли айтилган шеър — эрта баҳорда экилган ниҳолдир. У уз самарасини берини табиий.

— Сиз Ислом шоирга котиблик қилган экансиз...

— Шундай... 1941 йил эди. У пайтлар Мирзачул ҳаётдан асарлар ёзиш ниятида Сирдарёга кучиб кетгандим. «Зарбдор» хужалигида ўқитувчи булиб ишлардим. Бир кун: «Сизни Ҳамид Олимжон йўқлаяпти», дейишди. Ёзувчилар уюшмасига келсам, Ҳамид Олимжоннинг ёнларида худди офтобдан тушгандай нуроний бир отахон утирибди. Мени таништиришди. У киши машҳур бахши — Ислом шоир Назар ўғли эканлар. Шунда Ҳамид Олимжон менга юзланиб деди:

— Сиз бу киши билан доим бирга буласиз, ҳар бир сузларини ёзиб оласиз, котиблик қиласиз... Халқ оралаб юриб, йигитларни жангга отлантирасиз.

Шунда мен булажак туйим ҳақида гапирдим.

— Мулла Ҳамид, буни қаранг, — дедилар Ислом шоир. — Гитлер деган ҳароми юрт бузаман, бузиламан, дейди. Бу йигит булса тузиламан, дейди. Бир-икки кун қолиб, шу йигитнинг туйини утказганим булсин.

Ҳамид Олимжон уюшма жамғармасидан Темур Фаттоҳни чақириб, туйим учун пул ажратдилар. Икки улкан ижодкор туйимга бош-қош булишди. Туйда Ислом шоир:

— Эссизгина, Елгорой, арзон кетди ер-ер, — деб терма айтиб, думбира чертиб, туйни қизитдилар. Туйни утказиб, Самарқандга, Нарпайга отландик. Мен Ислом шоирдан куп нарса ургандим. Халқнинг бой ижоди билан чуқур танишдим, халқ термаларини ёзиб олдим. Ислом шоирнинг туйларда тонготар дoston айтиб, халқ юрагига қаңдай таъсир қилишини кузатиб, суз кучига, суз қудратига тан берганман. Асарларимнинг халқ оҳангларига яқинлиги шуңдан.

— Дисримизнинг қай бурчагига борма, қайси мактабга крмай, қайси бола билан учранмай, у сизнинг китобларингизни ўқи-



ган еки сиз билан мактабда учрашган булиб чиқади. Сиз Тошкентдаги барча мактабларнинг азиз меҳмони булгансиз. Уқув жараёни, таълим-тарбия муаммолари ҳақида уқитувчилар билан суҳбатлашгансиз. Мактабларда болаларнинг уқиши учун ҳамма шароитлар муҳайёми? Мактаблардаги ҳозирги аҳвол сизни қониқтирадими?

— Рауфжон, тугри айтдингиз, мен тез-тез мактабларга бориб тураман. Мактаб — менинг жону дилим. Мактаб, таълим-тарбия, болалар адабиети... буларни бир-биридан сира ажратиб булмайди. Болалар адабиетига тарбиянинг негизи, деб қараш керак. Тарбия учоғи эса мактабда. Бир пайтлар болалар ёзувчиларини мактабларга бириктириб қуйилган эди. Ҳозирги кунда улар нима қилишти, ҳеч ким билмайди.

Мактаб — улуг даргоҳ, пирхона, нурхонадир. Мактабларга эътиборимизни қаратишимиз керак. Шурулар даврида ҳамма нарсани хаспшладик. Томи босиб тушай, деб турган, молхонадан фарқи йуқ мактабларни курсак ҳам, курмаганга олдик. Хужалик раҳбарлари мактаб куриш урнига, данғиллама меҳмонхонаю шийпонлар тиклаб, даври даврон суришти. Чекка мактабларда фикр доираси тор, адабиётдан узок, кунгил кузи берк, уз қобигига уралашиб қолган уқитувчиларни куриб, куйиб-пишиб, узингни қаерга қуйишингни билмай қоласан киши. «Қатиқ тукилса, юқи қолар, айрон тукилса неси қолар?» Токайтача болаларни уларга тошшириб қуямиз?

Болалар дарс тайёрламай қуйди, уларнинг фикр-хаёли бозор учарда булиб қолди.

Бадиий китоблар ҳақида-ку, гапирмасак ҳам булади. Уларга мулжалланган китобларнинг ўзи кам. Болалар учун махсус «Чулпон» нашриёти ташкил этилган эди. Купи қувонгандик. Аммо, бу нашриёт кейинги йилларда қайси болалар ижодкорининг китобини чиқарди?

Мустақил юртнинг эгалари — болалардир. Шундай экан, уларни билимдон, удабурон, қирқни қирқ ёрадиган қилиб тарбиялаш биринчи вазифамиздир. Ҳазрати Навоий бобомиз айтганларидек, болалик — баҳорлик, демакдир. Инсон умр баҳори — болалигида фан сирларини эгаллаши, ҳунар урганиши, илмни булоқ сувидай шимириши керак. Токи ёшлик — ёзлик шифил ҳосилга кирсин. Китоб уқиш — маънавиятимизнинг биринчи асоси. Менимча, китобсиз уй — офтобсиз кун. Китоб — инсоннинг ақл, нақл мевасининг нурқиёмидир.

Кейинги пайтларда лицей, гимназия, нафйс санъат мактаблари очилди. Аммо бу ҳали кам...

Хулоса қилиб айтганда, болалар ёзувчиси ҳам уқитувчи каби тарбия ишига масъулдир. Болалар адабиёти — бу келажак авлод тарбиясидир.

— Устозларингиз ҳақида гапирсангиз...

— Мени ижодга йуллаган, доим қўллаб-қувватлаган Гафур Гулом ва Ойбек булади. 1930 йилда, «Ер юзи» журналида «Селекцион» шеърим босилди. Бу шеър Гафур аканинг эътиборини тортди, ижодим билан қизиқиб қолдилар. Гафур ака мени ҳар қурганда «Қуддус, нима ёздингиз?» деб сурардилар. «Шеърни боқиб ётибман, Гафур ака», десам, у киши: «Биламан, биламан, бек, сиз эл боласига

керакли бир гапни топиб айтасиз, албатга», дердилар. Бир уни Гафур акага «Қиш ҳам чиройли» шеъримни уқиб бердим. «Шеърингиз болалигим кечган маҳалламни, Қумлоқ тепани куз унгимда якқол гавдалантирди», дедилар. «Буви сандиқ қиссаси»ни эшитиб, «Жуда топиб айтилган», «Этик» шеъримни «Жуда етук бўлибди», дегандилар. Мен Гафур акадан ҳозиржавобликни, даврнинг энг муҳим масалаларини қаламга олишни, ҳаминша халқ билан ҳамнафас бўлишни ургандим. Ойбек ака ҳам менга раҳнамолик қилганлар. «Тонг уйини» номли илк шеърим мактабимизнинг «Қуеш» номли деворий газетасида босилган эди. Уша пайтларда, Ойбек ака танилган шоир. директоримиз Маҳмуд Ҳакимий билан бирга уқиган, дуст эдилар. Ойбек ака деворий газетани куриб, мени суриштирибдилар. Мени топиб суҳбатлашдилар. 1946 йили Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлишимга тавсиянома ёзиб бердилар. Касал бўлишларига қарамай, Ёзувчилар уюшмасига келиб, сузга чиқиб, мен ҳақимда гапирдилар. Мен янги асар ёзсам, дарров Ойбек акага уқиб бериб, фикрларини олардим. «Қунғизой ва Сичқонбой» эртагимни Ойбек аканинг таклифи билан ёзганман. Ойбек ака китобхонлар билан учрашадиган булсалар, уйимга машина юбориб мени чақиртирар эдилар.

— 1970 йиллар эди. Бир уни Юсуф Шомансурни учратиб қолдим. «Булаётган хангомалардан хабаринг борми?» деб қолди Юсуф ака. Мен елка қисдим. «Устозинг Қуддус ака Давлат мукофотига номзод қилиб қўйилганлар. Кеча йигин бўлди. «Қуддус Муҳаммадийнинг туртта шеърдан бошқа йирикроқ асари булмаса? Нимасига Давлат мукофоти берамиз?» деб баъзи ёзувчилар тиш-тирноғи билан қарши чиқди. (Уша пайтларда ҳақиқий ижодкорлар четда қолиб кетиб, мукофотни адабиётшунос ва танқидчилар олиб кетарди.)

Ҳамма гапни вазминлик билан эшитиб утирган уюшма раиси Комил Яшин «Ўзбек болалар адабиётида Қуддус Муҳаммадийдан ортиқ ким бор? Қани, айтинг? Нега буни тан олгимиз келмайди?» деди. Мана курасан, Қуддус ака, албатга, мукофот олади», деган эди ушанда Юсуф Шомансур. Қуддус ака, шу гаплардан хабарингиз булганми?

— Болалар адабиётига менсимамай қарашларидан хабарим бор. Рауфжон, мени қандай одамлигимни яхши биласиз. Ҳаётимда мукофотга, минбарга интилган эмасман. Мен асарни ёзиб қўйиб, орқасида тураман. Шеърларим узи учун узи курашади.

Давлат мукофотига сазовор ҳам булдим. Аминманки, талантли ижодкорлар ҳеч қачон бировларга ғайирлик қилмайди.

— «Дум» шеърингизни танқид қилинган экан...

— «Дум»ни болалар адабиётининг узига хос хусусиятларидан келиб чиқмай, танқид қилишган. Шеър бошқа халқ тилларига таржима қилинган, машҳур бўлиб кетди. Инглиз, француз, немис тилларида нашр этилди. Шеър дарсликларга киритилиб, болаларнинг севимли асарига айланиб қолди.

— «Думдоғ» деган кичик саҳна асари ҳам ёзгансиз...

— Яхши эслатдингиз. Мактабларда «Дум» шеърини уқиб юрдим. «Бир мактабда гап миш-миш, Турғуннинг думи бормиш»...

Шунда аълочи Турғунлар мендан хафа булишди. Уйланиб қолдим. Айбимни ювиш мақсадида «Думдоғ»ни ёздим.

— Бугунги болалар шеърияти ҳақида фикрингиз...

— Ҳозирги давр болалар шеъриятига катта вазифаларни юк-ляяпти. Ҳақ-ноҳақ нима, савоб-гуноҳ нима, буларни англатишимиз керак. Болаларга ҳаётни буюмасдан, ҳақиқатни очиқ айтадиган вақт етди. Болаларни пайпаслаб, текис, асфальт йулдан шунча бошлаб юрганимиз етар. Болаларга урф-одатларимизни, миллий қадриятларимизни, утмишимизни ҳикоя қилувчи китоблар ҳали-ҳануз йўқ... Ҳозир ешларга мустақиллигимизни улуғлайдиган, уз-узини англашга ердан берадиган, виждонини уйғотадиган, ўзбек-ни шарафлайдиган теран фикрли шеърлар керак.

Болалар учун жон куйдириб меҳнат қилаётган шоирлар бармоқ билан санарли. Биз ҳали-ҳануз ешлар деб ҳисоблаб келаётган Ҳабиб Раҳмат, Миразиз Аъзам, Қамбар Утаев, Сафар Барноев, Анвар Обид-жон, Турсунбой Адашбоев каби шоирлар ҳалол ижод қилишяпти. Уларнинг китобларини варақлаб, шеъриятимизнинг буйи-бастини, камолини курсатадиган асарлар борлигидан доим қувонганман. Улар биз айтолмаган гапларни айтишяпти. Мен санаган шоирларнинг олди олтмиш ешга туляпти. Аммо, ҳали-ҳануз уларнинг ижодий хирмонини курсатадиган сайланма китоблари нашр этилгани йўқ. Уларнинг меҳнати қадрлангани йўқ. Купинча, қоғоз тақчиллигини рукач қилишади. Усти ялтироқ, олди-қочдини, фаҳшни тарғиб қилувчи таржима китоблар пештахталарни тулдириб етибди-ку?

Болалар ижодкорлари бола табиат, содда, торгинчоқ буладилар. Улар тегишли идораларга кириб, уз ҳақларини талаб қилишни бил-майдилар.

Мен матбуотдан адабий жараенни кузатиб бораман. Адабиети-мизга гуррос-гуррос талантли ешлар кириб келяпти. Аммо уларнинг ичида болалар ижодкорлари йўқлигини куриб, хафа булиб кетаман. Бунинг сабаби, болалар адабиетига эътиборнинг йўқлигидир. Сой жилгалар билан тулиб, айқириб оққани каби, адабиетни ҳам ижод-корлар тулдириб туриши керак. Афсус... Эртага болалар адабиети-нинг аҳволи нима булади?

Болалар адабиетига энг охирги адабиет сифатида қаралади. Ак-синча, у биринчи уринда турадиган адабиет булиши керак.

— Қуддус ака, машғум 38-йилларда куп езувчиларга тазйиқ ут-кашишган. Сизнинг бошингизга ҳам мусибатлар тушганми?

— Уша даврларда ҳар бир ижодкорнинг асарини элак-элак қили-шар, ҳаётидан, оиласидан «нуқсон» излашар, буйнига турли айблар куйишарди. Бир куни мени ҳам Марказкомга чақиришган. Мафкура булимида ишлайдиган Шевердин мен билан суҳбатлашиб, деди:

— Уртоқ Муҳаммадий, таржимаи ҳолингиз билан танишиб чиқ-дим. Сиз беклар авлодидан экансиз. Амакингизнинг кимлиги бизга маълум. Бой хонадондан була туриб, тагин совет болаларига шеър-лар ёзасиз. Асарларингиздан эски тузумнинг ҳиди келади.

Мен узимни оқлашга уриндим:

— Отамлар вафот этгач, етим қолиб, совет мактаб-интернатида тарбияланганман.

У гапни бошқа еққа бурди.

— Куни кеча Собир Абдулла билан суннат туйига борганингиз-чи?  
Мен оғиз очолмай қолдим.

Оғир пайтлар эди. Шундай таъна-таъқиблар кун ёзувчиларнинг бошига тушган...

— Сизнинг шеърларингизни таржима қилган Р. Моран шундай дейди: «Қуддус Муҳаммадий эрта баҳорда гуллаган бодом ҳақида ҳам, ёмғир чувалчанги — ер трактори ҳақида ҳам алоҳида муҳаббат, эҳтиром билан ёзади. У тасвирлаган табиат ҳодисалари фақат узбек ерида тугилиб усган узбек фарзанди, кагга талант эгаси томонидан яратилган. Шу сабабли, Қ. Муҳаммадий асарлари уз ери, уз осмони билан бутун бир дунедир...»

— У менинг ижодимни тўғри тушунибди. Фарзанд отасига тортади, деганларидай, шеърларимнинг узимга ухшаши табиий.

Агар урушдан кейинги давр узбек болалар шеърлятига назар солсангиз, нусха кучириш авж олганлигига гувоҳ буласиз. «Улуғ оға»ларимизга эргашган, тақлидчи шоирлар юзага чиққанини кура-сиз. Нашриятнинг булим мудири, болалар адабиётининг таниқли вакили тушламимни варақлаб кургач:

— Сизнинг шеърларингиз на Маршакка, на Бартога ухшайди, — деб елка қисди.

— Нега бировга ухшаши керак? — тутоқдим мен.

— Ужарсиз, ужарсиз, — деди у тушламимни қулимга қайтариб бераркан.

Мен уз йулимдан қолмай, кунг билан ижод қилавердим. Ҳар хил оқимларга қушилмадим, фақат қалбим буюргангани ёздим.

Бир куни Ёзувчилар уюшмасида асарларим муҳокама қилинди. Шукур Саъдулла шеърларим ҳақида тухталди:

— Қуддуснинг яхши шеърлари ҳам, ҳали маромига етмаган шеърлари ҳам бор. Масалан: «Ўткиржон билан вақт»ни олайлик.

Вақт — умрнинг куринмас  
Энг олғир угриси, бил!  
Кимки ялқов, ким гумроҳ,  
Унга ем бўлгувчи, бил!

Каранг, қандай совуқ шеър? Бунақа сузлар болаларни бузди-ку? Болаларга угрилар ҳақида эмас, тугрилар ҳақида ёзиш керак. Шундай эмасми, Абдулла ака, — дейди Шукур Саъдулла йиғинга раислик қилаётган Абдулла Қаҳҳорга мурожаат қилиб.

Абдулла Қаҳҳорнинг қошлари чимирилиб, шеърни такрор-лайди:

— Менимча, жуда топиб айтилган гап. Хулди мақолга айланиб кетибди-ку! Энди, Шукурвой, болаларга аччиқ ҳақиқатни ҳам айтиш керак, фақат ширин-шакар гаплар билан болаларни алдаш ярамайди.

Бир шеъримда:

Чиқ мактабинг томига  
Синчиклаб атрофга бок.  
Кел, дер, дарё, тик тоғлар  
Хазинам ол, эй уртоқ! — деб ёзганман.

Бу шеъримни баъзилар тор маънода тушуниб: «Биз болаларни томдан тушира олмаймизу Қуддус Муҳаммадий томга чорлайди», деб жар солишган...

Абдулла Қаҳҳордай, Ғафур Ғулумдай зукколар шеърларимнинг дунё юзини қуришига, китобларимнинг нашр этилишига ердам беришган. Ун турт шеърим учун ҳукумат орден билан мукофотлади.

— «Табиат алифбеси» ҳақида сузлаб берсангиз...

— «Табиат алифбеси» беш китобдан иборат бўлиб, уни болаларнинг «Ҳамса»си дейиш мумкин. Бу беш китоб мавзуларга қараб дасталанган. Биринчиси оламнинг тузилиши ҳақида. Иккинчиси «Боғларда болалар» деб номланиб, наботот дунёсини уз ичига олади. Учинчиси — «Қанотли дустлар». «Чупон бобо қушиги» — туртинчи китоб ҳисобланади. «Одам-олам қушиги»да оламнинг сарвар гултожи инсон улуғланади. Бу асар табиатни севишда, дов-дарахтларни парваришда, жону жондорларни ардоқлашда болаларимга керакли қулланма булса дейман.

«Табиат алифбеси» — умрим давомида халқимга, болажонларимга аталган арзигулик совғамдир.

— Қуддус ака, китобларингизни варақлаб утириб, ҳайрон булман. Нега қушлар тўғрисида кун шеърлар ёзгансиз?

— Мен болалик кезларимда жуда шўх эдим. Чувалачи қишлоғимиздаги энг баланд Қунғирок тепага чиқиб, болалар билан халала қамтув уйнашиб, ёшан утнинг остига бекинардик. Пастда эса, Калас ва Золариқ анҳорлари шовиллаб оқар, биз балиқдай тулқинлар билан уйнашар эдик. Мен, айниқса, қушларга кун бермасдим. Дарахтга чиқиб, полапонларни угирлардим. У пайтларни эслаб, энди узумдан уяламан. Қушлардан узр сурагим келади. Шеърлар ёзиб, уларни эркаласам, мақтасам, дейман. Ҳар йили айвонимиз шифтга ин қуриб, учирма булган қалдирғочларни курганда беҳад қувонаман.

— «Олтмишдан ошгандан ақл сура», дейдилар. Қуддус ака, сиз табаррук ёшга кириб, қирчиллама йигитдай юрибсиз. Илоё, кўз тегмасин. Узоқ яшаш, яшарин сирлари нимада?

— Менинг бу ёшга кириб, боладай диконлаб юришимнинг сабаби доим табиатга яқинлигим, табиийликка интилганим... Табиат узи менга куч беради. Учқоранинг кишимиши, Конибодомнинг бодоми, тоғнинг ғалвирак енгоғи уйимиздан аримайди. Енгоқ, бодом, майизларни ховончада туйсангиз, офтобҳолва тайёр! Бай-бай, бу офтобҳолвани емабсиз, оламга келмабсиз. Оғзингизга солишингиз билан эриб кетади. Эрталаб бир туйиб олсангиз, кун буйи туқсиз.

Мен доим яёв юраман. Темир халта — лифтни кутиб утирмайман. Доим болалар билан биргаман. Улардан куч-қувват оламан, яйрайман. Болаларча завқ-шавқимни, шухлик қилиқларимни қуриб, кеннойингиз ҳали-ҳануз: «Вой, Қучқорбек, сиз қачон катта буласиз-а?» деб қўяди. Мактаб, боғчаларга бориб чарчаймайман. Баъзи одамларни қуриб, жонли қуғирчоққа айланиб қолаётганига ачинаман. Хизматчилик, кун буйи курсида утиради-да, кечқурун уйнинг тағигача машинада келади. Лифтда юқорига кутариладию хонага кириб «уф» деб узини диванга ташлайди. Ҳаракатсизликдан қон босим,

жон босим, деган касалликлар чиқаверади. Ҳазрати Навоий яна айтадиларки, «Жаҳолат, дилозорлик, асаббузарлик одамнинг умрига оғу қушади».

— Қуддус ака, сиз қуша-қуша угил-қизлар, келин-куевларнинг отаси, қирқдан ортиқ невара-чевараларнинг бобоси, куплаб шогирдларнинг ардоқли устози, минг-мигглаб уқувчиларнинг севикли шоирисиз. Айтинг-чи, ҳаётингиздан мамнунмисиз?

— Худога шукр. Угил-қизларим элу юрт хизматида. Набиралар усиб-улгайишмоқда. Ёдгорой кеннойингиз билан қуша-қариб, кексалик гаштини сураямиз. Мен уз ижодий ишимдан, турмушимдан жуда мамнунман.

Шеър ёзиш — менга ҳаводан нафас олишдай ҳаётий заруриятдир. Усиз ҳаётимни тасаввур эта олмайман. Ҳар янги шеър ёзганимда, узимда янги ҳавас, ғайрат сезаман.

Шеър — юрак гули, орзу-тилак гули!

Шеър ёзиш — кунгил конини очин демакдир.

Шеър мени яшашга ундайди, кучимга-куч қушади, юрак дарёдай қайнаб тошади.

Асарларимни фарзандларимдай, уқувчиларимни фарзандларимдан ортиқ қураман. Шеърларимни ҳар гал ширин-шакар угил-қизлар тилидан эшитганимда яйрайман.



Үсмон Азим

# Сиз бишдайгиздан Зайондагид

Ҳикоялар

## Бахши

Кундузи бошингизда пулнинг ҳисоб-китоби, кечқурун кўзингиз ойнаи жаҳонда — бизнинг замонлар эсингиздан чиқиб кетган. Мен — Эломон бахши нур тўла лаҳадимдан чиқиб, хуноба рўзгорингизга қўшилиб юрарканман, шунча ўтган доно дунёдан буларни олиб қолгани мана шу Алдарқўса кутию неча пасткаш аждарҳолар сассиқ бағрига босган пул экан-да, деб, ўпкам тўлади. Ҳа, эси йўқлар! Ҳа, умрнинг қадрини билмаганлар! Боши борлини юкинтириб, тиззаси борлини букилтириб, кузи борлини ёшлантириб, осмону ернинг ишини ташлатиб, дoston айтган мендай одам ҳам турмушингизга аралашмаганим маъқул дейман. Аммо, ўзбакнинг шер йигитлари, сахна деган тепада думбасини ликиллатмасдан, бизнинг думбирани ҳам бир эшитиб кўринглар. Ёқаяптими? Боболарингизни инграган бу оғоч сизни тек кўярмиди? Шу дириллаб турган икки торга бир улуснинг юрагини жойлаганман-да! Худо кўрсатмасин, кўкрагингизда дард қолмаганини билганингиз кун чақиринг, думбирамнинг ўзи келиб, ўтганнинг ғамларидан бир йиғласа, дунёнгизда кўнгил пайдо бўлиб, жимиллаб турганини кўрасиз. Ҳа, думбирам олдин келади. Бу ёруғ жаҳонда мендан фақат думбира қолган. Алпомишнинг бўза ичиб қутирган йигитлари бостириб келишганда, Асқартоғнинг белида юрагим билан сўзлашиб, юлдузлар билан бўзлашиб ўтиргандим. Судраб жўнадилар. Думбирам қолиб кетди бир арчанинг тагида. Биз айро тушдик. Энди ичи дардга тўлиб соғинса, торларини шамолда титратиб чақиради.

«Кел» дейди. Кўймайди. Мен — Эломон бахши бу титроқдан тулганиб, уйкумдан уйғониб, дунёнгиздан хабар олгани кўзголаман... Йўқ, мен айтаётган Алпомиш бошқа Алпомиш. Гапни чайнаб бўлса ҳам, яна қайтарай, бу алдаркўса қутига термулавериб, сассиқ пулни бағрингизга босавериб, миянгиз торайиб, кунглингиз қорайиб қолган. Утган билан ўртангизда девор қургансиз. Ортингизга қарасангиз, шаматалоқ ҳам кўринмайди. Аммо ортингизга ҳам бундай бурилиб қараб туринг-да, ўзбакнинг валломатлари!..

Аслида гап бундай бўлган.

Алпомиш Қалмоқдан қайтмади. Ултонтознинг жабридан элнинг кўзи тўрт, жигар-бағри хун — қадди эгилиб қолди. Осмон пасайиб елкасига тегди. Юрай деса, ер ёрилиб кетган... Алпомишнинг отаси Бойбўрибий отбоқарга тенглашиб, уюрга эргашиб, яхши кунларини ёдлаб, «воҳ болам», деб додлаб бу оламдан ўтиб кетди. Икки чўпон жанозасини ўқиди. Алпомишга оқ сут берган энаси Қунтуғмиш Ултонтознинг кирини ювиб, уйини супуриб, чўриликда кун кўриб, боласини соғиниб, Ёдгорини кўрганда овуниб, паналарда йиглаб-йиглаб жон берди. Учта Ҳизидан кўрмаган жанозасига келди. Тобутини кўтаргани тўртинчи одам топилмади. Синглиси Қалдирғоч тақдирнинг уйинига кўниб, товонлари тиканга тўлиб, қисматнинг дастида, Ойнакўлнинг даштида туя боқиб — Қалмоқнинг йўлига қараб, худодан эмчақдошини бир кўрсатишни сўраб умрини ўтказди. Бир тиканнинг тагида, бор алами бағрида ўлиб қолди. Жасадини кўзгуну жондор еб кетгандан кейин билишди. Туялар нималарга ўкириб юрган экан деб хабар олишса, бий қизининг суюяги оқариб ётган чиқди. Барчин келинга Ултонтоз одам кўйди, кўнмаганига қарамай тўйни бошлаб юборди. Тўй кўни Барчин «алпимлаб» ёр-ёр айтди, зориллаб йўлларга қаради. Ёдгорни кучоқлаб увлади, утовдан Ултонтозни қувлади. Унга атаб ясатилган қирқ увқли уйнинг чангароғига ўзини осди. Бир кўрсатса, чархи кажрафтор кўрсата берар экан, мулла «жаноза макруҳ» деб туриб олди. Жаноза ўқиган Қултой чолнинг Ултонтоз бошини олди. Сағира Ёдгор «отамни қўтқазиб келаман» деб Қалмоққа пою пиёда кетганича бедарак йўқолди. Бойсин-Қўнғирот эгасиз қолди.

Шунда бахшиларнинг бахшиси Ҳаққул шоир чидай олмади. Қўнғиротнинг бошидан ўтганларни эслаб, нор туядай бўзлаб бир янги дoston айтди. Элидайн мунграиб, юртидайн инграиб, овозини созлаб, қаддини ростлаб, душманни қастлаб, «ростини айтмоқ — тариқат, отам ҳам, энам ҳам — ҳақиқат» деб айтди. Алпомиш Қалмоққа кетганини, Мاستон кампирнинг қошига ётганини, зиндонга тушганини, хат олиб ғозлар учганини... ҳаммасини айтди. Ёв Алпомишни чиритганини, Қўнғиротнинг илдизини қуритганини ҳам айтди. Ҳар сўзни йиғлатиб, одамларни хўнгратаиб айтди. Қош қорайгандан тонг отгунча айтди. Ултонтознинг зулминиям битта қолдирмай, дўмбирасини толдирмай айтди. Айтди, биродарлар, оғзини тулдириб, ёлгонларни ўлдириб айтди. Ҳамма дostonда ўзини кўрди, элу юртининг аҳволини билди. Ҳаққул бахши дostonни тиндириб, дўмбирасини керагага уриб синдириб, ҳеч кимга қарамай чиқди-кетди. Шунда мен — Ҳаққул бахшининг шогирди — овлоқ-овлоқда хиргойи



қилиб юрадиган ёш бола — оқсоқоллар фарзандларига қиргин келгандай изиллаганларини; аёллар сочларини юлиб, қарсоқарсига садир тушганларини — Алпомишни йўқлаб, етти қават осмонга эшитарле гўянда айтганларини кўрдим. Йигитлар кўкракларигадаги тошдай босган ўкрикни ҳеч ким кўрмас жойларга ташлаб келгани адирнинг ичига от сурдилар...

«Алпомиш» деган достон шу тарзда дунёга келди. Ичида дарди борнинг тили бийрон бўлади. Ҳаққул бахши чидаёлмаганидан «Ё Ҳақ» деб айтди, эл суйнадиган бир дostonни Яратганга суйниб яратди... Оғиз очолмай утирганингизни кўп кўрдим, эй ўзбакнинг пул талвасасида гапирганларингни эса, ана, шамол оғизларингдан чиқмасдан учириб кетади...

«Алпомиш» тилдан тилга, дилдан дилга кўчди. Кўнғирот шоирли юрт. Ким бир оҳанг, ким бир сўз кўшди, бошдан ўтганини йўғирди — дoston осмон жасадли катта қайғу булиб, ўрак ўртар нолага айланди. Бахшилар Алпомишнинг чоҳда ўлиб кетганини айтиб, ҳамманинг кўнглини бузиб, дўмбираларининг торини узиб, тонг чоғи-тонг чоғи дostonни тугатганларида, дунёда кўёшнинг борлигига ҳайронликда қарайдиган бўлдик. Нажот йўқдай — Ултонтоз мангудай эди.

Шунда мен — Эломон бахши ўн саккизга тўлдим. Бу аҳволда омон қолмоғимиз гумон эканлигини билдим. Бир орға бориб кирдим. Қирқ кун йиғладим. Қирқ кун жим утирдим. Қирқ кун дўмбира чертдим. Қирқ кун «Алпомиш»ни айтдим. Тангри равиш бериб, Алпомишни ўлимдан олиб қолдим, эсон-омон чоҳдан чиқардим. Бойчиборига миндириб ота-онасининг дийдорига тўйдирдим, Барчинини бағрига бостирдим. Ёдгорга оталик, юртига эгалик қилдирдим. Бойсин-Кўнғиротни мурод-мақсадига етказдим...

Фордан чиқиб, юртга жўнадим. Кўклам чоғи. Гуллару кўкатларнинг ҳиди офтобнинг нурига айқашиб анқийди. Дашт адоғидаги булутлар этакларини ерга судраган кўйи кут-баракаларини тўкиб тоғлар томонга кетяптилар. У ер-бу ерда йилқиларнинг уюрлари думларини силкий-силкий майсаларни чимдийдилар. Она сутидан маст тойчоқлар қур атрофида дикирлаб уйнайдилар. Туялар бўйинларини осмонга қўзиб бўкиради. Сурувлар даштнинг бағрида якто вужуддай аста ҳаракатланадилар. Қўзисини эслаб маъраганча бош кўтарган қўйлар ўйноқлаб келган болаларини ут исини анқитиб бир ҳидлашгач, кўнгиллари жойига тушиб, кўм-кўк чимга ҳафсала билан бош урадилар... Кўнглим тўлиб дунёга қарайман. Шундай дунёда гапимни эркин-эркин айтиб ўлсам, армоним йўқ, дейман. Отим сувлиқ гашига тегиб, бошини сарак-сарак этганича кишнаб қўяди. Унга раҳим келиб, ёлини слайман...

Бир қирнинг устига чиқдим. Пастга қарадим — қирқ оқ ўтов тикилган. Ҳар утовнинг олдидаги қирқ қозон бурқсиб турибди. Қирқ қозондан қирқ таомнинг ҳиди уфуради. Қирқ чангароқдан қирқ юзбоши бахшининг овози ошиб тошаяпти. Дашт чангиган — тумонат чобагон кўпқари чоғиб тортишган. Одам босган чавкида қирқ жуфт полвон ёқа ушлашиб, «Ё ота!» деб наъра тортиб туришибди.

Бу жойлар Тала Ялтоқ деганининг баҳорги юрти. Эниб келиб бир четда отдан тушдим. Билдим — Алпомиш бедарак кетгандан сўнг Ултонтозга суйкала бериб, Талабой деб ном чиқарган Ялтоқ довруққа тўй беряпти. Уртадаги энг катта ўтовга кириб, пойгакда чуқдим. Турда Ҳаққул юзбоши — дўмбирасининг торини юрагидан эшиб, дуненинг тошларини боврини тешиб, Алпомишдан эмрани айтаяпти. Ҳаққул бахшининг тенгсизлиги бор, овозининг денгизлиги бор — овозига чуқмаган, ёшини тўкмаган қолмаган — Бойбурининг алп ўгли чоҳ тубида ётиб, қайғуга ботиб, юртини соғинчида сўйлаган армонидан бўзлаяпти. Узбакнинг беармон ўғлонлари! Армон катта қўшиқ! Жигарингдан босса, «жоним» деганингни билмай қоласан!.. Кўзларимни юмдим. Ҳаққулнинг бу айтишини кўзи очиқ одам эшитса, омон қолмайди... Тебраниб-тебраниб, тўлғониб-тўлғониб ҳам дарёсида оқаёпман. Бадамни тўла гужур. Ҳаққул! Бу дунёда сендан улуг шоир йўқ! Файрат қил! Нафасинг етади, бир зўр бер! Алпомиш чоҳдан чиқиб кетсин! Ватанга ватанини қайтарсин! Ултонтозга кунимиз қолмасин! Тилингдан айланай, Ҳаққул! Яна бир эмран! Алпомишдай осмон феълли йигитни зиндонда чиритма! Бойчиборни юбор! Қоражонни юбор! Ҳеч бўлмаса, Алпомишга интиқ бўлиб ётган Қалмоқнинг маликаси Тавуа ойимни жўнат! Қўмак беришсин! Алпомишдан қайтмаса, Бойсин-Кўнғиротдан қайтади, Бойсиндан қайтмаса, мен бор!.. Ҳаққул, қўрқма, айт, Эломон бор де!.. Ҳаққул! Айт!.. Ҳаққул! Тўхтама!..

Кузимни очиб қарасам, давра бош кўтаролмай қолган. Алпомиш зиндонбандликда қолса, ким ҳам бош кўтаролади?

— Э бола! — деди Ҳаққул бахши, — пешонангни пешонамга уриб оляпсан. Нарироқ ўтир!

Қарасам, Ҳаққулга мадад бера-бера, интила-интила юзбошининг олдига бориб қолибман. Ҳаққул аҳволимни билди. Кўзимга тикилиб қаради:

— Э бола, бунчалик интилиб кепсан, дўмбирамни берсам, айтасанми?

«Айтаман» деганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Шунда мен — Эломон бахши дўмбирани қўлимга олдим. Эниб бармоқларимга келган юрагимнинг шарпасидан дўмбиранинг торлари титраб жўнаганини пайқосладим. «Алпомиш»ни зиндонда қолган жойидан бошладим. Қирқ минг сўзни қирқ минг оҳангда қирқ минг дардимга кўшиб, ҳар сўзимда қирқ минг қарич усиб айтдим. Инсон чиқолмайдиган пардаларда нола қилдим. Инсон кўтаролмайдиган дардларни кўтардим. Юраклар кўрмаган ғамлардан куч олдим. Тоғу тош дарё бўлиб, йиғлаб оқиб кетаверди. «Оҳ» урдим — одамни чумолича билмасдан, босиб кета берадиган чархи кажрафтор ўйланиб тўхтади. Алпомишни, бир «ҳайт» деб, ҳаммасининг кўзи ўнгида, зиндондан олиб чиқдим. Назаркарда Бойчиборнинг белига ўтқаздим. Бир авж қилдим — Бойсин-Кўнғиротга етди. Ота-онасининг дийдорига тўйди. Барчининг эгик бошини силади. Ёдгор қулундай югуриб келиб, отасининг бўйнига осилди. «Ўзинг кўлла» деб мавж урдим — Ултонтоз тахтидан учиб тушди, Алпомиш салтанатга эғалик қилди...

Мен — Эломон бахши эл белининг қуввати, ўзбекликнинг сурати — Алпомишнинг дostonи шу хилда якунладим!

Кўзимни очдим. Қарасам, очик жойда — даштда турибман. Атрофимни қирларнинг устигача халойиқ босган. Кўёш тепамда чарақлаб турибди. Ҳаққул баъши келиб, пешонамдан ўпди.

— Қўнғиротга Худо бурибди, халойиқ! Улуғ шоирларинг муборак бўлсин! — деди у одамларга юзланиб. Одамлар бир тўлқинланиб мени қўтладилар. Қўнғиротни ҳайқирик босиб кетди.

— Қилган ишингдан хабардормисан? — деб сўради Ҳаққул баъши мендан. — Бир авж билан қирқ уйдаги даврани йиғиштирдинг. Бир нолангдан сўнг одамлар биз утирган ўтовни кутариб олиб кетдилар. Бир нафасда тонг оттириб, кунни пешин қилдинг. Бир сўз билан одамларни йиғлатдинг, бир сўз билан кулдирдинг. Алпомиш тирик қайтгандай бўлди...

— Алпомиш тирик! — дедим мен.

— Ўзингни бос, — деди Ҳаққул баъши соқолини тараб, менга раҳми келгандай қараб. — Елгон айтма!.. Ҳали ёшсан. Дунёда нима кечган бўлса, шуни қўшмай айт. Елгон айтиб, халқни алдама!

— Илҳом парвардигорнинг муруввати — олий ижозатидир. Айтганларимнинг ҳаммаси — илҳом оловида куйиб, қирқ минг томиримдан жондай сугурилган! Ҳаммаси чин! Халойиқнинг кўз олдида, худонинг иродаси билан мен — Эломон баъши Алпомишни зиндондан олиб чиқдим! Худо хоҳласа, айтганим ижобат бўлиб, Қўнғиротга ҳам келиб қолар!..

Ҳаққул шоир индамади.

— Халойиқ - — деб ҳайқирдим мен, — Алпомиш тирикми?!

— Тирик! Тирик!.. Тирик!!!

Халойиқ мени авлиёдай тавоф қила бошлади. Яқинимга келганлар «Алпомишнинг ҳиди келяпти» деб шивирладилар. Юрагимдан тошган элу юртимнинг меҳру муҳаббати Бойсин Қўнғиротга таралаётган эди.

Шу кундан Қўнғирот эгасининг соғ-омонлиги ҳақида гап тарқади. Мен — Эломон баъши йигитлар қўрининг тўрида бу чин гапни тасдиқлаб, ишончга ишонч қўшиб, Алпомишдан айтиб турдим. Бир кун «Алпомиш келяпти», деган хабар етди. Элдан уч-тўрт оқсоқол олдимга элчи бўлиб келдилар.

— Алпомишни зиндонда ётганидан буюн бир-икки замон шамолдай ўтиб кетди. Алпомишни худонинг инояти билан тирилтирган бахшиларнинг беги — уни сендан зиёд ким билсин? Юр, келаётган одамни кўзинг билан кўр. Алпомиш бўлса, Алпомишлигини айт, Алпомиш бўлмаса, бу дарди ҳаринани келган жойига қайтарайлик...

Улар билан келган Ҳаққул баъши:

— Фақат ҳақиқатни айт, бўйингдан! Фақат тўғрисини айт, шоирларнинг улуғи! — деб, нимадандир хавотирлангандай алпанг-талпанглаб елкамга қўқди.

Отланиб жўнадик. Асқартоғнинг белига етганимизда, бир паҳлавон келбат йигит отини етаклаганча, арчазорни оралаб, бизларни қоралаб эниб, кела берди. Яхшилардан улгу, фаришталардан кулгу олганга ўхшайди — юзу кўзи табассумдан ёришиб келяпти. Оқсоқоллар тўхтаб, менга қарадилар. Йигит Алпомишга кўпам ўхшамас эди. Бироз аллатовур бўлиб турдим.

Аммо Алпомишни согинган эдим. Бир Алпомиш бўлса, шу йигитча булар деб уйладим.

— Тўғрисини айт, шоирларнинг улуғи! Тўғрисини айт!

Ҳаққул бахши хатарни сезгандай тайсаллаётган отининг живини маҳкам тутиб, бу сўзларни тинмай тайинларди. Кўз олдига Ултонтознинг зулми тагида эзилиб ётган Бойсин-Кўнги-ротим — ҳаётим, мамотим, кечалари фарёдим, кундузлари ҳайҳотим келди. Шунда мен — Эломон бахши «Алпомишман!» димоқдан кўрқмаган бу йигитни танигандай бўлдим:

— Шу! — дедим. — Алпомиш шу!..

Отдан ўзимни отиб-ташлаб, йигит билан кучоқлашиб кўришдим. Елкаларимиз ёшларимиздан ҳўл бўлди. Оқсоқоллар ҳам Алпомишни бағирларига босдилар. Ортимиздан Алпомишнинг дийдорига ошиқиб келаётган неча бўз болалар Алпомишнинг келганини, Асқартоғдан ошиб тушганини мамлакатга ёйгани бе-довларига қамчи босиб, шитоб билан қичаб жўнадилар. Шунда отини буриб кетаётган Ҳаққул бахшига кўзим тушди.

— Бахай, ака? — дедим мен. — Шундай қўтлуғ кунда биз билан бўлмайсизми?

— Ёлгон гапирдинг, шоирларнинг улуғи, — деди у зўриққанидан бўзариб. — Алпомиш зиндонда чириб кетди. Бу йигит Алпомиш эмас.

Мен — Эломон бахши унга қаҳр ичида қарадим.

— Оллоҳнинг инояти билан Алпомишни чоҳдан чиқариб, мамлакатига олиб келяпман... Нарн туринг! Халақит берманг!

— Бу Алпомиш эмас! — деб гапимни узиб, кўнглимни бузиб хезланди у. Сўнг отини этигининг пошнаси билан ниқаб, ортига қарамай арчазорни оралаб кетаверди. Алпомиш турганда, Ҳаққулга ким қарайди? Ана энди Алпомишни ўртага олиб, юртга кўриниш бериб келяпмиз. Тул туллигини, қул қуллигини, боғ-бонлар гулини, бойбоблар пулини, жиянлар холасини, хотинлар боласини, кўрқоқлар кўрқинчини, гамлилар ўкинчини ташлаб, кўнгилларини хушлаб, «Юртга эга келтирган шоирдан айланайлик», деб этагимни ушлаб, кўзларига суртиб, сўнг бир-бирини туртиб, юртнинг суянган тоғи Алпомишни бағрига босишарди. «Алпомиш қалмоқдан қайтибди» деган гап дунёни тутди. Ўзбекнинг кўпни кўрган фаросатли йигитлари! Алпомиш топилгандан кейин, ҳамма нарса топилишини мендан яхши биласиз!.. Илҳомим қайнади. Бир мўсафид нор туядай ўкириб келиб, Алпомишни бағрига босди. Оқсоқоллар менга қарадилар. «Бойбўри шу!» дедим бир тўлғониб. Бир аёл «боламлаб» алпни кучди. «Онаси — Кунтуғмиш бекач шу!» дедим дарёдай тошиб. Бир келинчак «чоҳлардан учган лочиним, келдингми, ёруғ очиним» деб бўйнига осилди. «Барчин келин шу пошикастанинг ўзи!» дедим гуриллаб. Оёқлари қонаган бир бола ҳаллослаб «оталаб» бузлаган кўйи Бойчиборнинг узангисига осилди. «Кўтариб ол, ал! Ёдгоринг шу!» дедим хўлқам йиғига тўлиб. Худонинг қудрати билан Алпомишнинг бағрини тўлдирдим.

Туман-тумандан туман-туман одам келаверди. Мол яйловда, қўш далада қолди. Бекорчига иш топилди, дўконлар ёпилди. Бозорларда одам, юракларда алам қолмади. Ҳамма ҳаддидан ошган, Алпомишни кўришга шошган, бир-бирини чақиришган,

кўнгил кўтардига бақиришган; йўлларга поёндоз тўшатгани қанча, осмонга ўқ-ёй бўшатгани қанча; нечаси гап сотаяпти, нечаси курашиб нечасини отаяпти; найзасини сулқиллатгани ҳам бор, ҳаммани кулдириб тўлқинлатгани ҳам бор... Мен — Эломон бахши дўмбирам қўлимда, от устидаман. Алпомишни бир-бир айтаяпман, айтганим кўз олдимда бажо бўлиб кетяпти! Қалдир-ғочойимни оғаси билан соғ-омон дийдор кўриштирдим. Қора-жонни дўстининг қошига етказдим. Ана, лўкки чўбирини терга ботириб, Ултой чол хушхабар етказди. Эл Алпомишнинг қадамига пешвоз чиққач, ўрдасида бир ўзи қолган Ултонтоз шошиб қолганини, сўнг поё пияда қочиб қолганини унга айтдирдим. Алпомишни элтиб тахтига ўтказдим. Алпомиш ҳам душманларимни куйдириб, устимга заррин тўнлар кийгизиб, «Мен билан бул, Эломон! Салтанат сен билан ободдир» деб кўнглимни хушлади. Салтанат пойига етганлар аввал менинг суҳбатимдан баҳраманд бўлгач, сўнг Алпомишга — улуғ бийга арзи ҳол этгани равона бўлардилар... Мен — халқимга Алпомишни қайтариб берган Эломон бахши умримни шундай ўтказа бошладим.

Энди гапни Ҳаққул бахшидан эшитинг. Уни тилидан терс гапи тушмади. Қаерга борса, «Алпомиш ўлиб кетган» дейди. Халқни чалғитади. «Бу бийимиз Алпомиш эмас» дейди. Тўхмат таркатади. Мен айтганларни қўшмасдан, «ўзимники тўғри»лаб, эски достонини қайтаради. Қургур юрагининг пардасини топса, юрак деганнинг тўрт-бешовини эргаштирар чоғи бор эмасми, Алпомишнинг Алпомиш эканлигига шубҳа қиладиганлар ҳам чиқиб қолди.

— Ҳаққул ака, Ҳақнинг қули ака! Ҳақиқат битта бўлади! — дедим бир кун унга мен — Эломон бахши. — Элни бузманг! Нима бўлса ҳам, Бойсин-Кўнғирот Алпомишли бўлиб қолди. Бир Алпомиш бўлса, шунчалик бўлар...

— Топиб айтдинг, Эломон, ҳақиқат битта бўлади! — деб кўзимга тик қаради Ҳаққул. — Кўра берасан ҳали, бу Алпомишнинг Ултонтоздан ҳам ўтади...

— Эл сизга эл, давлат сизга давлат, Кўнғиротга салтанат берди...

— Ўз номидан қила берсин эди! Нима қилади Алпомишни ўртага қўшиб... Бу дунёга бандаси худо берган ўз номини қолдириш учун келмайдими? Бу Алпомиш эмас... Алпомиш ўз номи қолиб, бировнинг номини олиб юрадими? Гайратингни сигди-ролмадинг. Ёшлиқ қилдинг... Кимдан Алпомиш ясаганингни биласанми?..

— Ҳаққул ака, гашлик қилманг! — дедим оғриниб. — Сиз эмас, мен Бойбўрибийнинг ўғлини зиндондан чиқариб, Бойсин-Кўнғиротнинг тахтига қайта ўтказдим. Алам қилмасин! Сизга ҳам насиб қилгани булар!..

— Сени худонинг паноҳига топширдим! Бошқа гапим йўқ...

Ҳаққул бахши мен билан негадир кучоқлашиб, қаттиқ-қаттиқ бағрига босиб хайрлашди.

— Қайта кўришамизми, йўқми... Тангри таоло йўлимизни айро қилган кўринади... — деди у ерга қараб, сўнг юмшаб кулди: — Ёлғонга ишонтириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сен шоирларнинг улуғисан... Билиб қуй, улуғисан!..

Бу суҳбатдан хабардор Алпомиш мени чақиртирди. Бошига тожни кундириб, ўрдасини тўлдириб ўтирибди.

— Ҳаққул шоир нима деди? Ҳозир ҳам Алпомиш бўмапманми? Гапидан қайтмади денг? Майли, ўзидан кўрсин...

У ёмон кулди. Кулгуси кўрқинчли эди. Бирдан у шу кулишида кўзимга Алпомишга ўхшамай қуринди. Баданим вижирлаб, сесканиб кетдим. Гўё юзи — худди омонатдай! — ноҳос ерга тушди-да, совуқ тиржайишли асл башараси «лип» этиб кўриниб кетди. Мен ҳатто Алпомиш шошганча энгашиб, юзини олаётганини ҳам кўргандай бўлдим... Бу кўрим Ҳаққул бахши билан суҳбатимизнинг таъсириданми деб ҳам ўйладим.

— Салтанат — элники, — деди Алпомиш ўзига қайтиб. — Салтанатга ганимлик, элга ганимликдир. Аммо бир бахшининг эркалигини эл кўтарса, биз ҳам кўтарамиз... Эломон, айтинг! Кўнғиротга қайтишимдан айтинг!..

У мени ниманидир сезганимни билгандай, кўнглимни олиб гапирди. Дилим хира эди. Айтгим келмади. Достон айтишга булутсиз осмондай кайфият керак, ўзбакнинг достон айтмаган болалари! Бир нарсани баҳона қилиб, ўрдадан чиқиб жўнадим. Елкам сезди — ўрданинг эгаси ортимдан ёмон қараб қолди...

Шундан кейин Ҳаққул бахшининг изидан фалокат эргашди. Гоҳ у меҳмон бўлган тўйхонада ўтов ёниб кетади, гоҳ у ўтирган даврада жанжал чиқади, гоҳ бахшини зиёд мақтаган одамни қароқчилар сўйган чиқади... Мен Алпомишга ҳаммасини бир-бир айтаман. У аркони давлатни зириллатиб гуноҳкорларни излатади. Қани топилса... «Худо буйирган кун топилади», дейди Алпомиш. Ёмон кулади.

Ҳаққул бахшини Ойнакўлнинг четида бўғизлаб кетишганда, ҳаммасини тушиндим. Тўғри ўрдага бордим. Узини шер чоғлаган мушукнинг боласидай биров тахтда талтайиб ўтирибди. А, мени худо урган экан, хато йўлга бурган экан! Бўлмаса, шу мушукбаччани Алпомиш дейманми! Шунда мен — Эломон бахши бутун Бойсин-Кўнғирот эшитадиган қилиб, баралла айтдим:

— Сен Алпомиш эмассан!

Мушукбачча тахтдан думларини ликиллайтиб, тушиб келди. Юзу кўзимдан ялади.

— Қизишманг, ҳали Алпомишлигимни кўп кўрасиз. Ҳозир овга отланиб турибмиз. Бизга ҳамроҳ бўлинг, шояд гина-қудратни нутиб келсак... Ҳаққул бахшининг қотилларини эса, иншооллоҳ, топиб, бошини дорга тортамиз. Ҳеч хафа бўлманг.

Охири нима билан тугашини билиб турсам ҳам, эргашиб овга жўнадим. Бир арчазорга етганда, беш-ун шотир отдан йиқитиб, таппа босдилар. Судраклаб, арчага боғлашди.

— Мен ким? — деди мушукбачча шерга менгзашга уруниб.

— Сен Алпомиш эмассан! — дедим.

— Ўнг қўлини кесинглар! — деди у мушукнинг урғочисидай миёвлаб. У яна:

— Мен ким? — деб сўради.

— Сен Алпомиш эмассан. Итдан тарқаган мушукбаччасан! — дедим.

— Сўл қўлини кесинглар! — деди у бўғзига сичқон думи тикилгандай хириллаб.

У қирқ марта «Мен кимман?» деб суради. Мен қирқ марта «Сен Алпомиш эмассан!» дедим. У қирқ марта мени кесдирди. Бўзимгача тўграб келди.

Мен — Эломон бахши шу тарзда дунёдан ўтдим.

Ана шундан кейин «Чин Алпомиш келаётган экан» деган хабар етди. Келади! Худо буюргандан кейин келади! Чунки мен — Эломон бахши қирқ кун жим ўтиргандим. Қирқ кун йиғлаганман. Қирқ кун дўмбира чалганман. Қирқ кун қирқ минг сўзни қирқ минг оҳангда қирқ минг томирим эшилиб айтганман... Мен фақат озгина шошдим. Алпомишни тезроқ кўргим келганидан, элу юртни яхши кўрганимдан адашдим. Булмаса, Бойсин-Кўнгиротнинг яхши кунларини кўриб, ўз ажалим билан ўлармидим?.. Майли... Шоирларга бесабр яшамоқ Одам Ато давридан мерос қолган...

Алпомиш келганини эса ўзингиз ҳам яхши биласиз, ўзбакнинг доно йигитлари! Ҳозир ўзбак тилида гапириб, ўзбакчасига кулиб-ўйнаб юрганингиздан ҳам англайверинг-да!..

Ахир, мен Эломон бахши Алпомишни зиндондан олиб чиқдим. Назаркарда Бойчиборнинг белига ўтқаздим. Одамларнинг кўз олдида, тахтга ўтқаздим!..

Ўзбакнинг оркаш ўғлонлари, мендан сизга қолган ёдгорлик шу — бир дoston — Алпомиш...

## Салтанат

Ҳукмдор ғамгин эди. У тўрт жуфт бедов кўшилган ҳашамдор арава — улкан гилдираклар устига ўрнатилиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, олтин суви юритилиб, анвойи рангларда ҳаво берилган маҳобатли тахтиравонда ястанганича хаёл суларди. Чағаниён деб еру осмонга довруғ солган бу мамлакатнинг янги удумига кўра эъзозлана бошланган — оми фуқаро кўнглига ҳам, тақдир тақозасига жон-ҳаҳди билан кўникишга ҳаракат қилгувчи аслзодалар дилига ҳам бир қадар кўрқинчу ваҳима ташлаб йўлбарслар шаклида ишланган тахтиравоннинг икки қанот суюнчиқлари аравани аждардай домига тортиб, эгилиб-букилганича тўлғонаётган баланд-паст йўллардан кўзларини узмай боришар — ҳар дамда уф тортиб, гоҳ у ёнбошга, гоҳ бу ёнбошга ўзини ташлаб келаётган ҳукмдорнинг тирсақлари залвори уларга сезилмагандай эди. Олдинда — маълум масофада саф тортиб бораётган суворий кўриқчилар; тахтиравон изидан мартабаю мансабларига мос тарзда олдин-кейин от суриб келаётган сарой аҳли; хос замбилни кўтариб олишган — ҳар ймога маҳтал йўрга қуллар; ҳар лаҳзада, ҳар қандай ша-роитда дастурхон ёзишга шай ҳукмфармо дастурхончилар; бу дунёга бир қадар баланддан қаровчи, гўё самовий ўй-хаёллари билан банд қоҳинлар — ҳамма-ҳамма маҳобатли тахтдан тарқалаётган парижонликни ҳис қилишган, тобе одамларга хос хаво-тиру ҳушёрлик кўнгилларига гўлгула сола бошлаган эди. Ҳамма ниманидир кутар, ҳаётнинг Еру Осмондаги таянчи — адолатпарвар Буддадан неки рўй берса ҳам, яхшиликка бўлишини сўрашиб, ичларида тиловат айтардилар. Мамлакат ҳудудининг ши-

молида — қорли тоғлар оралигида ўзининг амри билан бунёд этилган янги ибодатхонага Будда руҳини боғлаш маросимида қатнашиб, энди пойтахтга қайтаётган ҳукмдор — кучу қудрат, илму ҳақиқат маркази Чағаниённинг буюк соҳиби Артиб эса оғир хаёллар қўршовида — ён-атрофдаги далаларни; қўшу омовларини ташлаб, йўлга етмасдан — шудгорланган пайкалларда қапишиб, бош ҳам кўтаролмай ётган қулларни; тўй-ҳашамдагидай ранго-ранг безаниб, олампаҳоҳнинг қутлуғ қадами ни бир зиёрат этиш иштиёқида қалъа ва қўргонларни тўлдириб чувиллаб турган безовта шаҳар аҳлини кўрмагандай ўтиб борарди. Одамлар қизил-яшил байроғу тўғларни силкитишар, тахтиравонга гуллар отишар, унинг қиёфасидаги улкан ҳайкаллар атрофида рақсга тушишар; аёллар ҳукмдорнинг мўъжаз сопол ҳайкалларини жазавага тушганча, алоҳида ҳурмат ишорасида, қўшқўллаб бошларига кўтаришар, сеҳрли табассумларга ўраб бағирларига босишар; оломон эса жўрликда: «Артиб!.. Артиб!» деб ҳайқиради — гўё бутун Чағаниён фақат унинг — элу юрт соҳибининг шону шуҳрати билан тўлгандай эди... Аммо тахтиравондан кўчган чигал ўйлар ҳавода хавотирга айланиб, юракларни зирқиратгани-зирқиратган, кўкраклар торайиб бораётгандай эди. Айниқса, Истарк шўҳрининг ишбилармон ва уддабурон ҳокими саёйи ҳаракати билан улўғвор работнинг деворига йўлчи назарбоп этиб ўрнатилган — ҳукмдорнинг жанг майдонида ғолиб қилич тортаётгани акс эттирилган улкан сурат ёнидан ҳам ҳеч нарса кўрмагандай ўтиб кетилгандан кейин безовталиқ кучайди. Энди бу таҳлика оғирлиғу ваҳима касб этган — у кўзга кўринмаётган бўлса ҳам, одамларнинг вужудларини чангаллаб, бир беэшиқ қафасга йиғиштираётгани шундоқ сезилиб турарди. Қулларнинг қадами янада бесас кучди, олдинда кетаётган қўриқчилар ёвнинг шарпасини сезгандай сергаклик ичида тева-ракка назар ташлай бошладилар. Шаҳар ҳокими «Қуёш чиқди, қуёш чиқди» оҳангида оламга овоза солаётган созанда хонандаларни, тантанавор тарзда биланглаётган раққосларни ҳайронликда қўл силтаб тўхтатди-да, бироз гарангсиз тургач, ногоҳ даҳшатли бир нарсани тушунгандай бирдан кичрайиб, сайис қелтирган отга довдираб ўлтирдию ҳукмдор карвони ордидан тезкор, бироқ аллақандай қисиниб йўлга тушди.

Одамлар ҳукмдорни бундай кайфиятда кўрмаган эдилар. Илгари ҳукмдорнинг мамлакат бўйлаб ҳар бир саёҳати байрамга айланар, йўлга тайёргарлик асносида юрт кайвонилари шаҳру қишлоқларда уни бесабрлик билан кутишяётганини соат сайин — янги-янги тафсилотлар билан маълум қилиб туришар, бу майда муждалар Артиб кўнглини фаҳру ифтихор билан тўлди-рарди. Ҳақиқатан ҳам, саёҳат чоғида халқнинг шоду хуррамлиғи унга ҳам юқар — давлатни бошқаришдай оғир юк елкасидан тушгандай бўлар, байрамга ўйнаб-қулиб аралашиб кетар, вужудига енгиллик, руҳига ёруғлик кўчар — узини бу одамлардан бири деб ҳис қилар ва бу туйғудан баттар кайфияти кўтариларди. Артиб Рагинани ҳам саёҳатнинг йўл-йўлакай байрамларидан бирида учратиб, бир қарашдаёқ ошиғу беқарор бўлиб қолганди... Кейин эса — тўй куни — севимли малика киндик қони тўкилган тупроқда ибодатхона қуришни илтимос қилдиким, эн-



ди билса бу илтимос, минг воҳим, тилига бекор келмаганга ўхшайди.

Ҳукмдор қарвони энди бевосита Чаганиён шахрига туташган дашдан ўтиб борарди. Кузги ғариблик кўнгилларда зимиллаб оғриқ солганича тепалару сойлар сиртида юзтубан йиқилиб ётар; мовий осмон ернинг ҳасратидан чўчигандай баландлаб кетган; узокда қўйларнинг суруви қорин ғамида, ризқини териб тентирар — баъзан-баъзан титранган маърашлар ҳазинликда жонга санчилиб утарди. Артибнинг нигоҳи бирдан жон-жаҳди билан югуриб келаётган икки кимсага тушди. «Чўпонлар бўлса керак» деб хаёлидан ўтказди. Югураётганлардан бири ҳар қанча уринса ҳам олдинда олиб кетаётганига этолмасди. «Қари экан» деб уйлади ҳукмдор ва бирдан ўша кимсанинг зўриққанидан ўқловдай бўртган бўйин томирларини, нафаслари тикилиб ҳал-лослашини ва уни бу тарафга судраб келаётган... ваҳимани тасаввур қилди. Бу ваҳима бутун кузги далани тутган — баҳайбат ва даҳшатли эди. Артибнинг ўзи ҳам бу кўрқинчнинг маҳобатига тоқат этолмай, беихтиёр кўзларини юмди. Бу махлуқнинг ҳамма залвори югиргилаб келаётган ўша шурликнинг елкасида эканлиги кўнглидан ўтгач, ноҳос сесканиб, кўзларини очди.

— Тўхтат! — деб бақирди у, овозини ўзи танимасдан.

Сўнг гилдираклар ҳаракати сўнмасданоқ, тахтиравондан сакраб тушди-да, майда тошлар сочилган чимли сайхонликдан югураётганлар тарафга юрди. Қарвон бетартиб тўхтади. Олий мақом зотлар отдан тушиш ҳаракатида ғимирлай бошлаганини сезган Артиб, уларга кўл кўтариб «кўзғолманлар» ишоратини берди. Фақат вазифасига кўра ёнида бўлиши лозим бош кайвони чаққонлик билан ўзини ерга олди. У чопқиллаб ҳукмдорга етганда, олдинлаган кимса Чаганиённинг тож-тахти эгаси пойида — «Бахтимизга буюк Артиб омон бўлсин, бахтимизга буюк Артиб омон бўлсин», дея хирқираганича хитоб қилиб, ўмганини ердан узолмай ётар, тождор зот эса, унинг хитобларини эшитмагандай, яқинлашиб келаётган иккинчи кимсадан кўз узмай турарди. Мўйсафид яланг оёқларини судраб яқин келган сайин жулдур кийимлари, терлаб-пишиб кетган юзи, нафаси етмаганидан олайган кўзлари, зўриқишдан қарракдай очилиб қолган оғзи — юракни увиштирадиган бир қиёфага кирдиким, ҳукмдорнинг юзлари беихтиёр бужмайди. Чол гандираклаб келиб, ўзини ерга ташлади. У ўзини ирода этолмас — ниманидир айтмоқчи булар-у, ўпкаси оғзига тикилиб, пихилларди, холос. Артиб бўғизланган қўйдаи типирчилаётган бу жулдирвоқининг бўғиздан чиқаётган бетартиб шовқин ичидан «бахтимизга... бахтимизга...» деган сўзни англади. Англадию бу сўз билан бошландиган қўтловшиорни қишлоқлар, шаҳарлар, қалъалар, кўрғонлар, ибодатхоналар; бойлару бечоралар, аскарлару лашкарбошлар, ёшу кексалар — бутун мамлакат бетўхтов такрорлаб уни шарафлашини эслади.

— Нега булар...

Бош кайвони — ҳукмдорнинг ҳар ҳаракатию сўзини ўйланган заҳотиёқ ҳис этадиган сезгир ва тажрибали олий хизматчи — Артиб фикрини айтишга қийналаётганини фаҳмлади-да, ҳурмат билан жавоб берди:

— Фуқароларингиз сизни яхши кўради, олампаноҳ. Қуёшли истиқболингизга улар нақадар шошилганларини ўзингиз кўрдингиз.

— Ҳа...

Артибнинг бу «ҳа...»сида ниманидир охиригача англаб етиш бор эди. У анча жим турди. Унинг бу туриши хувиллаб ётган беадад кузнинг сийратига мос эди. Ҳукмдор дунёни тўлдирган кузги ҳол вужудига қаршиликсиз кириб келаётганини англади ва бу кўримнинг илк шарпаси кеча ибодатхонада нозил бўлган ваҳийдан кейин пайдо бўлганини уйлади. У пойида юзтубан ётганларга биринчи бор кўргандай қаради-да, мартабасига мос тушмаган маъюслик билан сўради:

— Нега югурдиларинг? Зўриқиб...

Бош кайвони ҳукмдорнинг бу аҳволдан пинҳона уялиб, кўзларини ерга тикди. Пойи муборақда хокисор бўлиб ётганлар ажабсиниб, бош кўтардилар. Мўсафид қаршисида ким турганини унутмай, аммо саҳройиларга хос соддалик билан:

— Кўрқдик... — деб жавоб берди.

— Нимадан? — ажабсинди Артиб, — нимадан кўрқдинг, мўсафид?

— Буюк Артибнинг ўтиб кетишидан...

— Шафқатли Будда ҳақи, қизиқ одам экансан, мўсафид, — деб кулди Артиб, — ўтиб кетсам, осмон ўйилиб ерга тушмайди-ку! Ўлиб-нетиб қолсанг...

— Ўйилиб тушади, — деди чол тўсатдан, ҳукмдорнинг гапи бўлинди. Беодоб чўпоннинг бу бефаҳмлигидан бош кайвони бетоқатликда томоқ қирди.

— Нима ўйилиб тушади? — Ажабсиниб сўради Чағаниённинг буюк соҳиби.

— Осмон... Бизнинг бошимизга... Агар сизнинг ҳурматингизни бажо этолмасак...

Мўсафиднинг кўзи бош кайвонига тушди-да, унинг ҳеч қандай ҳис-ҳаяжон акс этмаган юзида «бас қил», деган қатъий таъқиб сояси липиллаб турганини фаҳмлади. Гапи томоғига тикилиб тўхтади. Артиб чол тарафга кескин эгилди.

— Демак сен...

Осмоннинг йиқилишини энди аниқ сезган мўсафид яна ерга қапишди. Ҳукмдор силкиниб қаддини ростлади. Унинг бу ҳаракатидаги шиддат ҳамон қарахтликда қотиб турган қарвонга худди зил-зила етгандай таъсир этди. Қуллару хизматкорлар, мулозимлару аскарлар, лашкарбошилари олий мақом зотлар бир лаҳзада ўзларини ерга ташладилар. Йул ўлим худосининг шамоли тегиб ўтган манзарага менгзар — одамларнинг буюк Артиб ҳурмати учун ерга кўкрак босиб ётишларида аллақандай ўлик бир оғирлик бор эди. Фақат яғдоқ қолган отлар бу итоаткорлик ўртасида тик турган — ногоҳон тўлғониб, шиддатини вужудига сиғдиrolмаётган одамга — бамайлихотир ботиниб қарашар, у зотнинг миясида шакл топаётган аллақандай ўйлар хулосаю қарорлар томон нурланиб бораётганини бемалол қуришарди. Ҳукмдор юзтубанликда бежондай чўзилиб ётган бош кайвони тарафга қаради. Ҳукмдорнинг ҳар бир ҳаракатию нигоҳини елкаси билан ҳам кура оладиган бу пойи тахт хизматкори

енгил, ҳатто уйноқлаган бир тарзда ўрнидан турди. У хос кийимларига ёпишган хору хасларни ҳам қоқмасдан, хизматга тайёр эканлигини билдириб, таъзимда икки букилди. Артиб ҳозиргина оламнинг бутун даҳшатли сир-асрорини кашф этган одамдай тезкор бир гайрат қанотида эди.

— Булар, — деди у аллақандай ботиний кучдан овози титраниб, ер билан битта бўлиб ётган чўпонларга имо қиларкан, — мени яхши кўришарканми?

— Бу мамлакатнинг жаъми фуқароси...

Артиб унинг гапини бесабрлик билан бўлди.

— Ана улар ҳамми? — деди у мутеликда бош кўтаролмай ётган карвон аҳлига нигоҳи билан ишора этаркан. Бош кайвони шундоқ юзига бостириб келаётган таҳдиднинг нафасини ҳис қилди, тилига келган жавоб бушлашиб ичига — ўзлигини йўқотган бушлиққа тушиб кетди.

— Сен ҳам мени яхши кўрасанми?

Ҳукмдорнинг бу саволи қилич соясидай бош узра айланиб ўтиб, бўғизга қадалди. Бош кайвони бутун баданини жиққа тер босганини, юраги тез ура бошлаганини; томирлари торайиб, суяклар қатига сингиб кетишга ҳаракат қилаётганини; қорни тортишиб, умуртқасига жонҳолат ёпишганини, ҳатто боши елкасига қисиниб товонига етганини аён ҳис қилди.

— Ҳукмдор! — деди у бор саботини йиғиб. — Мен сизни...

— Ёлгон! — деди Артиб. У бу сўздан мислсиз лаззат олаётгандай кўзларини бир дам юмиб турди. Сўнг қовоқларини оғир кўтарди-да, парчаланиб кетаётган вужудини йиғиштиролмаётгандай зўриқиб турган садоқатли хизматкорига танимаган каби тикилди. Шу куйи аллатовур алфозда бурилиб, бушашганча тахтиравонга қараб юрди. Ерни кечиб бораётгандай юриши машаққатли эди. Артиб тахтиравонга ўзини ташлаб, тевааракка бир кур кўз югуртираркан, яна кўркүвни кўрди. У Чағаниённинг фуқароларини, дала-даштарини, тоғу тошларини чексиз-чегарасиз залвор билан эзгилаб, уфқлардан тошиб борар, мамлакатнинг ташқарисига — рақиблару дўстлар бошига ҳам хавотирли кўланкасини ёйган эди. Юрт эгаси ўзини кўркүвнинг марказида турганини; тахтиравондан таралаётган аллақандай сеҳрли қудрат унинг вужудига жўшиб аралашгач, дунёга ваҳма бўлиб таралаётганини пайқади. Соҳиби даврон алданган боладай мунгайиб, йўлга тушишга ишора берди. Кўз очиб юммасдан ҳамма ўзини от устига олди. Муҳташам карвон эгилиб-букилган йўлдан илондан биланглаб олға интилди.

Артибнинг буйруғига кўра унинг ҳузурига қоҳинлар сардорини чақириб келишди. Чағаниёнликларга хос ўктамлик билан йўрга от устидан тўхтамай бораётган аравага ўзини олаётган бу зотга у одатдагидай меҳрибонлик кўрсатиб кўмаклашди. Соқоли кўксига тушган мўйсафид подшоҳга синовчан разм ташлаб, пойи тавобга тиз чўқди. Артибнинг қаршисидаги хос курсига авайлаб ўлтирди. Силкиниб кетаётган аравага ихтиёрини ташлаб қўймаслик учун курсининг икки қанотини билдирмай маҳкам ушлади. Ҳукмдор тубсиз хаёллар қаърига чўкиб ўлтирарди.

— Кеча ибодатхонада... — деди у ниҳоят ўша тубсизликдан

ва сўзларини фалакда ҳам кимдир эшитиши керакдай тепага қараб олиб. — Кеча ибодатхонада менга ваҳий келди.

Коҳин бир сесканиб, Буддага сиғингани қўлларини кўтардию, Артибнинг юзида бу ҳаракатга далда берувчи бирор-бир ифода йўқлигини кўргач, яна шошиб курси қанотларини ушлади-да, ҳаяжон билан хитоб қилди:

— О! Будда каломини эшитган буюк ҳукмдор!

— Ваҳийда айтилдиким, мен ўзимни бу дунёдан кўз югнимни халққа эълон этиб, элу юрт кўзидан уч кун пинҳон яшашим керак экан.

Ҳукмдор бу сўзларни коҳиннинг юзига қараб айтаётган бўлса ҳам нигоҳи фақат ўзигагина аён кимсагадир тикилиб турар, фақат унгагина кўринаётган учинчи бир кимса билан гаплашаётгандай эди. Дунёни тушуниксиз бир қудратнинг шарпаси босган — бу гапу сўзларни; арава устида тебраниб кетаётган тахтиравонни; илоҳий ваҳийни эшитгани ҳақида изҳори дил этаётган — бугун аллақандай бир сеҳрли ботиний қиёфа кашф этган ҳукмдорни; бу ботинийликдан кўзгалаётган сирли мавжларда гарансиб кетаётган карвонни; аллақачон қандайдир хатарнинг нафасини сезиб, хавотирли сукунатга чўккан Чаганиённи; шамолни, қуёшни, осмонни; кундуздан яшириниб, тун келишини кутиб пинҳонликда яшаётган юлдузларни; уларнинг ортидаги чексиз-чегарасиз беададликларни, бу беададликлар ёнидан сирғалиб ўтаётган Вақтни — ҳамма-ҳамма нарсани бу қудрат бошқариб турганини коҳин ҳозир бирдан сезди ва бу сезгидан аъзойи бадани титраниб сўради:

— Кейин-чи? Бошқа ҳеч нарса айтилмадими?

— Айтилди, — деди Артиб овози туманга чўкиб кетаётгандай. — Кейин ихтиёрим ўзимда экан...

Чаганиёнликлар удумига кўра бемор ҳукмдорнинг қошида фақат бош коҳингина хос хизмат кўрсатади. Ажал ҳукмдор руҳини осмону фалакка топширганда ҳам, уч кунгача фақат бош коҳин Буддадан раҳм-шафқат сўраб, марҳумнинг қошида ёлғиз тоат-ибодат этади. Муқаддас оловлар ёқиб, Будданинг руҳи сингиган табаррук гиёҳларни тутатади... Бош коҳин нима учун қақирилганини тушунди. Ҳукмдорнинг бу ғалати «ўлими» билан қандай пинҳон дардларингни ошкор этмоқчисан, шафқатли Будда? Одамлар эшитмаган яна қандай дарсларинг бор!? Бошимиздан яна нима ёғдирасан — нурми, зулматми?

Бош коҳин ҳукмдорга кўз қирини ташлади.

— Бу сирдан яна кимларни воқиф этсак...

Артиб ялт этиб унга қаради.

— Будда ва мен билан ёлғиз ҳамсуҳбат бўлиш сенга ёқмаяптими? Яна кимларни шерик этмоқчисан? — Унинг бу истеҳзоли саволи кутилмаганда қилич гилофидан чиққандай таҳдидкорона совуқ ялтиради.

Коҳин бирдан дунёни унутиб, Артибнинг пойига ўзини ташлади.

— Васли Бўсагадан касал бўламан! Қалъага кирганимиздан кейин эса руҳим фалакка — асл Ватанига учиб кетганини эълон этасан! Тушундингми?

Бош коҳин ҳаммасини тушунган эди.

Васли Бўсага — Чаганиён қалъасидан беш чақирим беридаги ҳашаматли работ. Одатда сафардан қайтаётган мамлакат соҳибини сарой аҳли, қариндош-уруғлари, қалъа атрофидаги оддий фуқаро шу ерда кутиб олади. Юзлаб чодирлар тикилади, қурбонликка сўқимлар сўйилади, дошқозонлар лаззатли таомлар бўйини тараб бурқсийди. Хунармандлар узлари ясаган рўзгорбоп жайдари буюмларни юрак хаёли қўшиб бунёд этилган зебу зийнатларни, антиқа шаклли — нимага кераклигини ҳеч ким тушинмайдиган ғаройиб нарсаларни пештахтага ёйиб, харидорлар кўнглини овлашади. Дорбозлару кўзбойлагичлар одамларни энтиктириб хунарларини намоёйиш этадилар. Деҳқонлар турфа меваю савзавотни уйиб ташлайдилар. Жаллоблар бу юртнинг етти иқлимга машҳур бели ингичка отларини сагрисини силаганларича, тобини келтириб обдон мақтайдилар. Тошошаталаб оломон бу шовқинзор хилқатнинг бетартиб ҳаракатини бўшаштирмасликка қасам ичгандай бир зум тиниб-тинчимайди. Бу талотумдан нарироқда — тош танли работнинг иморати ёнида ранго-ранг чодирлар кўнгилга тасалли бергувчи салобатда тизилиб турадилар. Уларнинг атрофидаги йўлчаларда ботартиб либосли сарой аҳли — сирли суҳбатларда босиқ қадам ташлайдилар. Ҳар бир имога мунтазир қуллару канизлар хўжалару бекаларнинг ортидан товушсиз қадамларда юринадилар. Чаганиённинг муқаддас туғи тикилган хиргоҳдан — малика Рагинанинг қароргоҳидан дилларни мастурликка чорловчи ёқимли мусиқа саси таралади. Калта қиличларини яланғочлаб олган кўриқчилар оми халқ билан аслзода орасини бўлиб турган кўринмас тусиқлар бўйлаб важоҳатли бир тарзда кезинадилар. Подшоҳнинг сафардан қайтишига бағишланган бу тўю томоша роса уч кун давом этади. Ҳукмдорнинг ўзи ҳам бу томошадан иштирок этади. Ҳатто унинг деҳқонларга қўшилиб шароб ичганини ҳали-ҳануз бутун мамлакат фахру гурур билан афсонага айлантириб ҳикоя қилиб юради.

Кун пешиндан оққанда малика қароргоҳида мусиқа тинди. Созандалару раққосалар хиргоҳдан шошилиб чиқиб, шарпадай гойиб бўлдилар. Сўнг базм қатнашчилари — Артиб сафарга кетарида тожу тахтни ишониб топширган давлат арбоблари хиргоҳ эшигидан салобат билан бирин-кетин чиқиб, карвон кўринадиган йўлга қараб саф тортдилар. Бироз ҳаяллаб Чаганиённинг енгилмас қўшинлари сардори — шавкатли Тарзуб виқору дабдаба билан келиб уларга қўшилди. Унинг мускуллардан иборат баҳайбат гавдаси узига ярашиқ, қайдадир — ичида ёнаётган алангадан кўзлари ловуллаб турар, ҳаракати енгил — ҳар бир гапни ҳазилга буриб гапиришидан диомоги чоғ эди. Атрофдагилар эса — унинг ҳазилларига пойма-пой жавоб беришар, чиндан ҳам табиийга ўхшатиб кулганга ўхшашар, аммо кўзлари йўлда, гўё тақдири азални қаршилашаётгандай безовта эдилар. Бу қимор дунёнинг сўқир кўзли тақдири азали шўрлик пешонадаги қайси ёзиқни ногаҳон шариллатиб ўқийди? Қайси кундузлару қайси кечаларга бошлайди? Қудратли Будда! Барчамиз сенинг фазилатларингнинг жамулжами, заминингдаги қуёш — Артибнинг қулларимиз! Умримиз унинг қўлида: у истаса — осмонга яқинмиз, истамаса — умримиз хоки тубо! Ё Будда!..

Ниҳоят Тарзуб ҳазилларига ҳеч ким кулишга ҳам ҳаракат қилмаётганини, одобли сарой аҳли тавозени ҳам эсдан чиқарганича, сукутда қотганини фаҳмлади. Гуё уларнинг ақлу ҳуши аста-аста ўзга бир гирдибодга беихтиёр тушиб кетаётгандай эди. Лашкарбоши оғзидаги ҳазилини ярмига ҳам етказмай, ун-гайсизланиб гапиришдан тўхтади. Сукунат Тарзуб тахмин қилганидан ҳам улкан эди. Унинг муқаддас туғ тикилган хиргоҳ атрофидан бошланган, кўнгилни орзиқтирадиган жим-жит совуқ тўлқинлари работ теграсини қаърига ютиб, уфқлар сари асабий бир ваҳшатда — шовқинсиз сел каби борарди. Бу сел аввал туғдор хиргоҳ ёнида турган аслзодаларни бир ямлаб ютиб, сўнг қуриқчилар оша, хурсандчилик қилаётган оми халқни ҳам тинч ваҳимасига кўмиб юборди. Оломон бетартиб ҳаракатини унутиб, жонини топширгандай тик ҳолатда ногоҳ тўхтаб қолди. Ҳатто сўқимга ҳайдаб келиниб, вақтинча кўраларга қамалган кўчқору хўкизлар, дехқонларнинг уловлари — эшагу хачирлар, жаллоб қўли сағирасида тек қотганини сезиб, депсинишдан тўхтаган отлар ҳам — қулоқларини динг қилган кўйи, пусиб қолдилар. Ҳамма бир кўз бўлиб йўлга тикилган — вужуддаги бор-йўқ сезгилар бу нигоҳда жам бўлгандай эди.

Йўл бошида от чоптириб келаётган чопар кўринганда, бутун работ аллақандай ингроқ ичида бирдан энтикиб юборди. Сукунатда музлаб турган халойиққа кўзи тушгач, чопар найзаси учига боғланган байроқни силкитганича, «Буюк Артиб пойтахтига ташриф буюряпти!» деб ҳайқирди. У бу кутлуғ хабарни етти иқлимга маълум этишга бел боғлагандай, ҳар дам ҳар дам кучининг борича ҳайқириб, Чағаниённинг баланд туғи тикилган хиргоҳ томон шитоб билан келарди. Халойиқ биринчи ҳайқириқдан сўнг ногоҳ шамол теккан майсадай бир тўлғониб бош эгди. Иккинчи ҳайқириқда ўта тубан таъзимда белларини букдилар. Учинчи ҳайқириқдан сўнг ўлимдан эмас, жаллоддан кўрққан дор тагидаги қурбон каби апил-тапил тиз чўкишга тутиндилар. Чопар отдан чаққон тушди. Малика чодири тарафга уч-тўрт қадам босди-да, маълум масофада ҳар бир ҳаракатидан беҳад иззату иқром кўрсатиб тўхтади. Шу заҳотиёқ хиргоҳ эшигининг заррин дарпардаси кўтарилиб, ҳабаш қуллар, уларнинг ортидан малика хизмати учун Чин-Мочиндан келтирилган канизаклар кўринди. Сўнг бутун майдонни малоҳатга ва алланечук тансиқ тасаллига тўлдириб малика Рагина халққа кўриниш берди. Малика чиройли эди. Унинг ҳусни жамоли бу дунёнинг жами ёвлиги дўстлик аҳдини тузмоғига, ёҳуд барча дўстлиги ёвлиқнинг ёвуз йўлига кирмоғи учун етарлидай эди. Малика бу улуг муждадан қанот топгандай, учиб бориб чопарнинг илкидан олийнишон мактубни олди. У маликага соғлиқ тилаб, сафар қаригани ҳақида ҳукмдорнинг расмият доирасида ёзилган сатрларига ғоят ҳурмат билан кўз югуртирди-да, соғинган кимсасининг буйлари сингиган сўзлар битилмиш мактубни эрка бир севинч ила юзу кўзига суртиб ҳидлади, севимли юракнинг тафти қоғозни суйиб-суйиб ўпди, ютоқиб бағрига босди.

— Тарзуб! Тарзуб! — деди у ниҳоят қувончдан эс-ҳушини йўқотиб. Лашкарбоши икки ҳатлаб маликанинг ёнида пайдо

булди. Унинг бахайбат вужудида — Рагина ишора этса — Будда даъвосини этгулик ғайрат бор эди.

— Тарзуб! Шодлигимдан ақлу ҳушим бесаромжон. Бу мактубни сенга топширдим. Жонингдай асра, Тарзуб!

Тарзуб мактубни оларкан, тавоф адо этди...

Худди шу пайт тепаликлар орасидан чиқиб келган йул бошида карвон куринди. Тахтиравоннинг тўрт тарафи пардалари туширилган — ҳукмдор ҳижоб ортида эди. Ё қудратли Будда! Чағаниён бошига қандай синовларни юбормоқчисан?! Яна қандай синоатларинг бор?! Кургиликларингдан ўзинг асра!..

Ота-боболардан қолган расмга кўра ҳукмдор фақат касал булгандагина тахтиравонга бу тахлит кўриниш бериларди.

Артибнинг нигоҳи тиз чўккан оломонни оралаб югурганча келаётган Рагинага тушди. У беихтиёр парда оралигини каттароқ очиб қаради. Малика муҳаббат у авотир, соғинчу беқарорлик — салтанат ўрнатган улкан сарҳадларнинг ҳамма тўғонларини ағдариб ташлаб, интиқ юраклар ўртасига майда-чуйда удумлар ташлаган занжирчаларни кунпаякун этиб, пасту баланд фуқаронинг зимдан ташлаган минг турфа қарашларини назар-писанд қилмай, ҳатто Будда ўрнатган метин қоидаларни ҳам нари суриб кўйиб — минг асрлик тутқунликдан сўнг эркакка чиққан қуш каби — ўзининг ягона озодлиги — Артиб сари дунёсини унутганича учиб келарди. Унинг кенг оқ кўйлак устидан тортиб кийган ақиқдай қип-қизил қабоси шамолда хилпираб, қонли шаршарадай орқасида тўлғонар, қора сочлари эса қон исини сезган қўзғундай бошига маҳкам ёпишиб безовталиқда мавжланар — Рагина бу ваҳшатнинг қўтқусидан қочиб, Артибнинг паноҳи томон жон-жаҳди билан талпинаётгандай эди. «Бу аёл мени севади» деб ўйлади ҳукмдор беҳад фахрланиб. У шу заҳотиёқ тахтиравондан ўзини отиб ташлагиси, бу фаришта аёл қаршисига югургилаб боргиси, юзу кўзларидан жону жаҳонини бериб ўпгиси, бағрига босиб вужудига сингдириб юборгиси, дунёлар етмаган бир антиқа сўзларни топиб эркалатгиси — ўзини зарра ҳам қолдирмай унга бағишлагиси келди. Аммо ваҳий эсига тушгач, энди ихтиёри ўзидан кетганини — бемор юрт соҳибининг хизматини фақат бош қўнғини бажариши лозимлигини, Артиб билан юз кўрмоқни ҳам Будда энди фақат унга насиб этишини ўйлади. Вужудини Рагина тарафга итқитиш истагида бостириб келган телба кучни шу лаҳзадаёқ қул каби итоаткор ироданинг оёқлари билан топтаб ташлади-да, бу кўнгилисиз курашдан беҳолланиб, кўзларини юмди. Кўзларини очганда, Рагина тахтиравон пойига етай деб қолган, бош қўнғин эса ибодатга чоғлангандай қўлларини баланд кўтарганча, у томонга югуриб борарди. Малика мўйсафидга урилгудай бўлиб тўхтади.

— Ҳукмдорга нима булди?! Ҳукмдорга нима булди?! — деб зориллади у. — Уни кўзим билан кўрмасам, кўнглим тўлмайди! Мени ўтказиб юборинг!..

У хўнграб йиғлади.

Рагинанинг бу титраб-қақшаб йиғлаши ногоҳон сағирлигини сезган боланинг такдир ҳукмини рад этишга талпинган ноилож фарёдига менгзарди. «У мени севади» деб яна ўйлади Артиб бутун борлиги билан фахрланиб...

— Тухта! Малика, тухта! — деб хитоб қилди мўйсафид. — Узингни босиб ол! Будда бизга инъом этган расму русум олдида бошингни эг-да, фарёд уришни бас қил! Яхшиси ибодат эт!..

— Артиб! Артиб! — Рубарасига Будда номи билан қўйилган деворни бузиб ўтолмаслигига кўзи етган Рагина чидаёлмаслигининг ишига кўчди. — Ҳеч булмаса овозингни эшитай! Овоз бер!..

Ҳукмдорнинг бадани қизиби, ўзини аллатовур саодатмандлик тумани ичра учиб юргандай ҳис қилди.

— Рагина.

У шивирлаган бўлса ҳам, беихтиёр айтилган бу сўзни бутун дунё эшитганини сезди. Ҳақиқатан ҳам бутун дунё бу сўзни, бу сўздан кейин айтилиши лозим бўлган барча сўзларни ҳам англаб-тушуниб етган — уфққа сингиб кетаётган сўзларнинг улгвор мусиқасига мафтунликча қулоқ тутиб, оромбахш бир сукунатда турарди. Артиб работ майдонига кўз ташлади. Чўкка тушиб ётган одамлар дунёнинг бу ҳолатидан беҳабардай эдилар. «Агар хабардор бўлганларида, ўринларидан туришарди», деб ўйлади у негадир...

Карвон урнидан кўзғолди.

Эртаси тонгда бош қоҳин сарой дарвозасидан чиқиб голиб туғли Чаганиён мамлакатининг шавкатли ҳукмдори Артиб дунёдан ўтганлигини эълон этди. Ҳукмдорнинг ҳолу аҳволидан хабардор бўлгани келган шаҳар аҳли миясига тиқилиб қолган шум хабарни ҳазм этолмай, чурқ этмасдан тарқала бошлади. Улар бу фожиани охиригача ўйлашдан ҳам чўчишиб, кўзларини ердан узмасдан боришар — ҳатто ботин ўйларидан ҳам кимдир воқиф бўладигандай, бир-бирлари билан ҳам бу маъшум кўргуликни муҳокама этишмас — тилларини тийишга ўрганган эдилар. Аммо бевақт ўлим хабари санокли лаҳзаларда бутун мамлакатга тарқалди. Мамлакат хатарни сезган улкан ҳайвондай — уни на гору на дара, на ўрмону на саҳро, на еру на осмон — ҳеч нарса яшира олмаслигини фаҳмлаб, такдирга тан берганича, тек қотди. Одамлар қочиб қутулиб бўлмайдиган офатни кутаётган алфозда эдилар. Ниҳоят кун пешиндан оққанда, майхоналар маҳалласидан кимдир кучининг борича бир сархуш овоз билан ҳайқириб қолди:

— Охир ўлибди-ку! Охир ўлибди-ку! Ҳе онасини...

Чаганиён, ногоҳ қиш тушган каби музлади. Гўё осмон парчапарча бўлиб бошларига тушадигандай одамлар елкаларини қисиб, кичрайиб қолдилар; ер эса ёрилиб ҳаммани ютадигандай эди. Аммо вақт ўтган сайин ҳеч нарса рўй бермаётганини англашиб, теваракка кўз ташладилар. Осмон жойида — кузги булутлардан холи парчасида қуёш чарақлаб турар, ер ҳеч кимни ютмаган — ҳамма соғ-саломат эди. Аммо шу пайт мамлакатга бирдан тобора кучаяётган ғовур аралаш, ажабтовур жонла-



ниш кирди. Одамлар тўхтовсиз гапиришга, кулишга, йиглашга тушдилар. Биров бировни эшитмас эди. Бу говур кучайиб шовқинга, шовқин эса кучли шамолга, шамол эса мислсиз тўфонга айланди.

Эл оралаб юрган жосуслар бу тўфон келтирган мислсиз офатнинг тафсилотларини оқизмай-томизмай саройга ташиб келтиришар, бош коҳин эса бу узук-юлуқ маълумотлардан чиқарган умумхулосасини, оппоқ соқолига ёшларини оқизиб йиглаганича ҳукмдорга соат сайин баён этарди. Айтишларича, кўча-куйда байрам бўлаётганмиш: одамлар бир-бирини қутлаб уйнаб-кулаётганмишлар, шароб тўлдирилган хумлар кўчаларга чиқазиб кўйилганмиш, ашулачилар аллақандай ҳурлик ҳақидаги кўшиқларни майдонларда тўхтамай куйлашаётганмиш, кечагина саройда — Артиб овқатланаётганда қилпиллаб турадиган раққоса қизлар энди оломоннинг кўнглини овлаётганмишлар, қасос ҳақидаги қандайдир шиорларни бақириб юрган бир тўда одамлар ҳукмдорнинг муқаддас ҳайкалларини супалардан йиқитиб, шаҳар оралатиб судраб юришганмиш, голиб лашкарбошилару садоқатли аскарлар ҳам оломонга кўшилиб кетганмиш, ҳатто шаҳар ҳокимлари...

Мўйсафид упкасини босолмади. Кўксини тўлдирган ўкирик отилиб чиқди. У Буддадан кўмак тилаб, ибодат қилишга тутинди.

Артиб бу даҳшатли воқеалар тафсилотларини узига тегишли эмасдек сабр билан эшитар ва бедов отининг жилови кўлида маҳкам турганини тушуниб турган суворийдай босиқ жилмаярди. У ваҳийнинг масъул уч куни ўтиб, ўзининг халққа куриши берадиган онни тасаввур этди. Ушанда бу нобакорларга сичқоннинг ини минг танга бўлишини кўз олдига келтириб, кўнгли ёришди. У уч кун фақат шу орзу билан яшади. Ҳатто Рагина ҳақида ҳам сўраб-суриштиради. Нима буларди? Эртага Будданинг иродаси билан юз берадиган мўъжизадан хабари йўқ — унинг мотамини тутиб, ғаму ғуссада ўлтиргандир-да! Рагинадан Артибнинг кўнгли тўқ эди. Шунинг учун ҳам тонг отиб, учинчи кун ҳам ниҳоясига етаётганда, бўлажак оловли курашларнинг сачраган учқунларидан тобора қизиби бораётган юрагини чалғитиш учунгина коҳиндан сўради:

— Маликанинг аҳволи қандай?

У кўз ёшларини тўхтатолмай ҳамон шивирлаб ибодат қилаётган мўйсафид дуо ўқишдан тўхтаганини пайқади. Жавоб ҳаяллаётгандан безовталаниб, мўйсафидга бош кўтариб қарадию даҳшатли бир ҳол рўй берганини бирдан англади. Бош коҳиннинг кўзлари қўрқинч ва аллақандай раҳм-шафқатда унга қараб турарди.

— Ҳукмдор! Будданинг раҳматига сазовор бўлгур! Менга раҳм эт! Бу саволга жавоб беришдан озод қил!

Артиб мўйсафиднинг тарзига тикилиб қарагани сайин рўй берган фожеанинг номаълум даҳшати бош коҳиннинг кўзларидан унга ўтиб, ҳамма ҳужайраларини оғритиб тўлдирди бошлади. У оғриқдан буралганича:

— Мўйсафид! Падарингга минг лаънат! Тезроқ жавоб берсанг-чи! Маликага нима бўлди? — деб ҳайқирди.

Бу ҳайқириқдан бош қоҳин негадир тинчланди.

— Малика Рагина, — деди у салмоқлаб, — мана уч кунки, лашкарбошингиз Тарзуб билан роҳат-фароғатдалар...

Хукмдор гўё ерга тушиб кетаётган бошини ушлаб қолаётгандай, калласини маҳкам чангаллаганича узоқ ўлтирди. Мана, уч кун ўтди. Ваҳийда йўл курсатилганидай энди инон-ихтиёри ўзида эди...

— Бир фаслдан кейин малика ҳузуримга кирсин, — деди у ниҳоят. Унинг аянчли буйругининг гуссали оҳангида қатъий қарор бор эди.

Мўйсафид ичкарига кирибоқ нима бўлганини дарҳол англади. Малика қурбонликка суйилган жонлигдай қон-қушига беланиб ерда типирчилаб ётар, Артиб эса қонга ботган олтин сопли ингичка ханжарини ҳали жони узилмаган қурбоннинг оқ кўйлагига артган кўйи намойишкорона сокинликда чўккалаб ўлтирарди. У мўйсафидни кўриб ўрнидан турди. Хукмдорнинг қиёфаси ниҳоятда чарчоқ — қариб қолганди.

— Кўрдингми? — деб сўради чайқалганича. Жон талвасасида хириллаётган қурбон тинчиб қолгани қадар у шу алфозда чайқалиб турди. Сўнг дилни ўртовчи бир мулоимликда мўйсафидга қаради:

— Мендан кўрқма...

Бош қоҳин Артибнинг тиззалари букилаётганини сезгани ҳамон югуриб келиб хукмдорни суяди. Уни ўриндиққа ётқизди.

— Мен заҳар ичдим...

Негадир хукмдор гуноҳкорона жилмайди.

— Буюк Артиб! Васият қил, халқингга нима дей?

Артиб «нима қилсанг қилавер» дегандай қўл силтади-да, кўкрагига чиқиб келаётган охириги кучини йигиб пичирлади:

— Мендан кўрқма...

Уша куниеқ бош қоҳин Чағаниённинг энг катта ибодатхонаси зинасидан туриб, Буюк Артиб жонини фалакка топширганини; Малика Рагина эса яшашдан кўра бу оламдан ўз севган кишиси билан бирга кетишни афзал кўрганлигини маълум қилди. Ғайрати жушиб турган халойиқ алланечук маънос тортди. Қоҳинлар оташкадаларга ўт ёқиб, жаноза маросимларини бошладилар.

Яқинда Тибет саёҳатидан қайтган манбашунос дўстим Фарҳод Шопур кўнгироқ қилиб қолди. Чағаниён тарихи билан қизиқшимни биладиган Фарҳод саёҳатдан менга кутилмаган совға олиб келганини айтди. Мана ҳозир уша кўлёмзани дўстим билан бирга варақлаб ўлтирибмиз. Унинг айтишича, номаълум шоир қаламига мансуб бу шеърини дostonда Чағаниён подшоҳи Ортиқ билан унинг суйикли хотини Роҳила уртасидаги ишқ-муҳаббат тараннум этилган экан. Ортиқ вафот этганда, Роҳила ҳам тирикликдан воз кечган экан...

Биз одамлар бу дунёни ҳамisha аслидан кўра гўзалроқ кўрмоқ истагида яшашлари ҳақида узоқ гаплашиб ўлтирдик.

# Алпомиш ва Қоражон

«...Кунгиротда тўй-томоша бўлиб, Алпомиш мурод-мақсади-га етди»...

Холиёр бахши дўмбира торларига сўнги бор бармоқ юри-тиб, ҳали шиддатидан тўхтаб улгурмаган ҳаяжонини вужудига сиғдиrolмай, бир фасл кўзларини юмганча, ўйнаб-қулаётган бир элатни ҳавода даст кўтара қайларгадир тўлғониб келаётган ўз овозининг жарангига қулоқ тутиб туради. Оғриқдан эгилиб-буралаётган сўзлари бир ёруғ туман бутунликни ташкил этган, танҳо Оллоҳгагина маълум мангу маконлари сари чексиз сукут қамровида учиб борадилар. Улар Курраи арзнинг йўлини эслаб қолмоқ учунми, ёхуд бахшининг қайда қолганини хотираларида маҳкам тугиб қўйганми — кўзларини ердан узмасдан қанот қоқ-дилар. Фақат улардан ажралиб қолган ёлғиз байтгина — пола-понини илон ютаётган қушдай хонада чирқираб чарх уради. Бахши қулоқ тутиб, ўз овозини эшитади: «Анов тоғнинг бошин чалган туманма? Ғамли кунда мудом охирзамонма?...» Қўшиқ-нинг дардига чидаёлмасдан, ичидан отилиб келаётган ингрок бугзидан ўтганини сезиб, тишларини қапиштиради. «Ғамли кун-да... Охирзамонма?»... Ғамли кунда... Охирзамон! Охирзамон! Охирзамон бўлмаса... у кўзини очиб қарайди. Саттор командир устолга ўмганини тираган — бармоқлари чангалидаги боши ҳа-нuz юрагида ушланиб қолган оҳанг маромида тебранади. Эшик олдидаги шалоқ курсида ўлтирган Ғаппор милиса кўзидан ас-тойдил оқаётган ёшларини бармоқлари билан артади. Дераза-дан Чагананинг бир парча серюлдуз осмони ҳеч кимга керак эмас дардларини оламга сочганча чарақлайди. Айтгандай, ҳа-лиги учиб кетаётган қўшиқлари эҳтимол шу юлдузлар тарафга кетаётгандирлар? Шеърнинг сиру асрори унга аёнмас, фақат баъзан фалак ўртаниб кўнглига ташлаган сўзларни қайтараёт-ганлигини сезади. Ўзининг осмону ер ўртасидаги бир восита эканлигини, шу йўсинда юрагини тангри соз каби созлаганини ҳам гоҳида ҳис қилади. Нега бўлмаса, тили ёлгонни айтишдан орланади? Нега илҳом жазаvasида айтилган қўшиқларининг жо-зибасидан ўзи ҳам кейин ҳайратланади? Нега худо кўнглига солган тугённинг ҳар сўзи оғзидан юлдузлардай чарақлаганча тўкилиб — эшитганнинг дилини кўкартиргани — кўнгилларга ба-ҳор ёмғиридай дув-дув сочилади? Ҳа, Тангри бандаларимнинг кўнгли ўссин деб юлдузларининг қўшиқларини одамлар гурбат-га тўлдирган заминга юборган — шояд тасалли бўлса! Қарагин: ўзи бир илоҳий заррасини жойлаган инсоннинг ҳайҳотдай қал-бидан ва дунёдай кенг руҳидан қолгани — эзгулик сиғмайдиган бир торлик. Инсонларнинг кўнгли торайиб қолганлигидан Танг-ри оғринмайдими? Оғринади! Ҳатто баъзи бир гўрсўхталар шу торгина кўнгилларини ҳам барбод этганлар-да! Юрибдилар — бекўнгил, Оллоҳнинг марҳаматидан жудо, шайтоннинг қуллиги-да — унинг буюрганини бажариб... Тангри эса, эҳтимол инти-зордир. У инсон қалбига ўзининг нуридан бир заррани бекорга жойламагандир? Бир кунмас бир кун соғинчимда зиёга айлан-ган бандам қалбидаги нуримни кўриб, бу нурга тирмашганча

мени йўқлаб келади деб умидвордир? Ҳарқалай бахши шундай уйлайди. Шундай уйларкан, ўзига ҳақиқатни Бойсин-Кўнғирот билган бир Алпомишдай қарайди. Айтади. Ростини қолдирмай айтади. Ёлгоннинг юзида юз минг темир пардаси бўлмайдими? Уни ҳам қолдирмай айтади. Гоҳ киноя билан сўзни буриб, гоҳ думбира торини кулдириб, гоҳ ўтрикнинг устига тикка юриб — битта-битталаб ёлгоннинг юзидан ниқобларини юлади. Ҳақиқий башарасини элга кўрсатади. Кўриб кўйинг бу иблисга сотилганнинг ҳақиқий башарасини! Шундан кейин унинг қўлига тушган ёлгон — «йўқ, мен — чинман, мен ҳам одамман», — деб кўрсинчи! Ҳалоллик бобомерос чаганаликлардан биттаси «ё кўнгил» деб ер юзида яшаб тураркан, ер юзи у қаллобга ишонмайди! Энди Иван Василнинг бошига ҳам итнинг кунни тушди — кимлиги эл оғзига дoston бўлди. Эл-ку бу сариг итнинг қанжиқфёулигини кўриб-билиб турганди. Аммо Холиёр бахшига ўхшаган жўмард Иван укагарнинг кир-чир астарини ҳаммага ошкор этмаса, ул бетовфиқ чоғхона олдидан ўтаётганда, таъзимнавозликда сакраб кўзголадиган беимонлар ҳам топилиб қолди. Майли, уруш ўтди. Қочган қочди. Улган ўлди. Аммо авфу умумий эълон қилингандан кейин қиличини бўйнига осиб келган содда ўзбекларни зиёрат баҳонасида Кўргонга чақириб, олатасир оттиргани нимаси? Бу лафзсизликни қайси дин, қайси мазҳаб кўтаради. Агар Иван Василнинг дини кўтарса, у кофирнинг ҳам дини эмас, балки шайтони лаъиннинг найрангидир. Укагар Иван Василнинг шайтонлигини бахши эл айланиб дoston қилиб айтди. У дostonни бошлаганида, чўчиб-чўчиб эшикка қарайдиганлар ҳам Иван Василнинг устидан сўнг-сўнг кулган бўлса, охирида ғазабдан муштрали туғилди. Аммо элдан ҳам оласи чиқади. Шу Иван Василга ҳам «жонсиз»лик қиладиган топилибди-ку, у бу ерда — мана икки беиложга Алпомишдан айтиб бериб ўтирибди. Ҳай, майли, бу ёлгончи дунё шоирларини сотмаса, кимни сотади!..

Саттор камандир ниҳоят бошини чангалидан озод этиб, бахшига ўпкаси тўлиб қаради:

— Улма, Холиёр! Улма!

— Илоё, айтганинг келсин...

Ғаппор милиса камандирнинг тилагига чин юракдан қўшилиб, кўз ёшларини арта бахшига мўлтираб тикилади.

— Эҳ, журажон!.. Холиёржон! Сен ўлганча мен ўлсам бўлмайдими? Утиришимни қара! Кийимимга қара!... — У тўсатдан хўнграб йиғлаганича устидаги милиса кийим-бошининг ҳар бирини алоҳида юлқиб-тортиб кўрсатади. — Одам қуригандай сен ўринсинг қамоғига тушасанми? Мендан бошқа биров ўлиб қолганми, сени қўриқласа!.. Қайси кунларга қолдик!.. Урис юртимизга бостириб келгани етмагандай, ўзимиз бир-биримизни қириб ташлаяпмиз-ку!..

Камандир милисанинг зориллашига қулоқ тутаркан, бирдан Ғаппор икковининг ҳозирги қилиб ўтирган ишлари бачканадай туйилиб кетади.

— Холиёр, — дейди у кўпроқ ўзи билан муроса қилиб, — шундай кунда сенга дoston айттириб, аҳмоқлик қилдик-ов... Та-наси бошқа дард билмас дегандай... Ўзинг ҳам қўймадинг,

«дўмбирамни келтиринглар, бир айтиб ўлсам армоним йўқ» деб...

— Кўнглиннга келтирма, Сатторбой. Ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўлади, — дейди Холиёр ҳамишаги жўмардлигидан тушмай. У қаршисида гуноҳқорона жовдираб ўлтирган бу икки болалик ошнасидан ҳатто хижолат тортади.

— Аммо... — дейди камандир дoston айтилаётгандаги вужудини ўртаган тўғenni эслаб, яна неча бор чайқалиб оларкан, — зўр айтдинг!

У дўмбирасини тиззасига қўйиб, умри орқасини ер искатмай ўтган одамдай устулда бемалол ўтирган бахшига ошкор фахру меҳр билан тикилади.

— Узинг ҳам Алпомишдай йигитсан, Холиёр! Лекин, жон жўражон, шу укағар Иван Василга тегишиб нима қилар эдинг? Жаллодни жаллод деганинг билан, дунёинг обод бўлиб қоладими? Биз ҳам тилдаги гапига учиб, беш бармоқни тенг қиламиз деб, қаватига киргандик, энди ичимиздан ўтгани бир бизга маълум, бир Худога... Сен Иван Василга бекор тегишдинг. Замон шунинг замони...

Холиёр бироз ўйланиб қолди. Кейин кулди. Ҳеч кимга оғир ботмайдиган бир кулгу лабларига тегиб ўтиб, кўзларида жилваланди.

— Сатторбой, бу дунёда ҳеч кимнинг замони йўқ. Ҳамма замон — Парвардигорнинг замони! Шу Иванларинг бир Оллоҳга ёқмаган иш қилгандир-да, Оллоҳ уни менга масхара қилдирди... Элга шарманда бўлди! Зўрнинг иши — ҳақнинг иши бўлавермайди, менга ўхшаган шўрнинг иши ҳам ҳақнинг иши бўлади. Ўзбакнинг ҳали ори бор...

Бахшининг кейинги гапи Саттор камандирни гашига тегади.

— Бу кеча Иван Васил Тирмиздан қайтиб келса, эртага нима бўлишингни сенга айтганмидим? — У Холиёрнинг юзига тик қарайди. — Ўзбакнинг орини ўйлагунча...

Саттор камандир — аччиғи чиқанда оғзига келганини қайтармайдиган одам — ҳозир бахшининг кўзига қараркан, у ҳаммасини ўйлаб турганини, фақат ному с зўри билан сир бой бермаётганлигини англайди. Қўрқув шундоққина қоп-қора соясини бахшининг кўкрагига ташлаб, юрагининг гупирлаб турган деворларигача тиралиб келган; бахши бор кучини бир жойга тўплаб, ироданинг титраётган қўллари билан қўрқувни ўзидан ҳайдаб чиқармоқ учун зўр бериб уринади. Холиёрнинг қўрқувга қандай ит азобда бас келиб турганини кўрмоқнинг ўзи ваҳима эди. Камандир Холиёрнинг бўйнидаги зўриққанидан лўқиллаб турган йўғон томиридан кўзини шошиб олади. Холиёр яна ҳеч кимга оғир ботмайдиган ўша жилмайишидан кўзлари нурланиб:

— Эртага нима бўлишини айтгансан... — дейди. У бу гапни шу қадар сокин ва равон айтадики, Гаппор милиса яна ёшларини артишга тутунади.

— Эсиз Холиёр! Эсиз йигит!..

Бахши негадир деразага қарайди. Узоқ қарайди. У дераздан кўзини олавермагач, камандир ҳам деразага боқди. Бир дераза қоп-қора осмон юлдузларини чатнатиб ойнакларга бағир босиб турибди. Бу кеча осмоннинг бир парчаси негадир

юксагидан пастга тушиб, шу деразанинг гамгусорлигини ихтиёр этган — ҳозир дераза очиб юборилса, осмон чайқалиб, юлдузлар сачраб кетадигандай... Камандир бироз тикилиб тургач, бу бир парча осмоннинг гайритабиий ташрифи маъносини тушунади. Юлдузлар Холиёр бахши билан суҳбат қурадилар. У бу суҳбатнинг нима ҳақда кетаётганлигини фаҳмлай олмайди. Аммо бу гурунг ердаги майда-чуйда ташвишлардан ҳоли олий бир суҳбат эканлигини ҳам тасаввур қилади. Саттор бахшининг юрагига назар ташлайди. Энди у бир маромда текис урар — унда кўрқувдан асар ҳам йўқ эди. «Достон айтаётганида ҳам кўрқув ёндошолмаган эди бечорага», деб ўйлайди камандир. Шундагина у яна бир сирнинг — бахшини нима учун қўярда-қўймай думбирасини олдириб келтирганини, у дунёга равона бўладиган маҳали ўлмайдигандай достон айтиб утирганининг жумбоғини ечгандай бўлади.

— Саттор... Гаппор... Худо равиш бериб, эртага ўладиган бўлсам...

Гўё «Гаппор», «Саттор» деган юлдузларга васият қилаётгандай, бахши нигоҳини юлдузлардан узмайди. Камандир ҳам уни юлдузлардан кўз олмаслигини шу пайт жуда истайди. Майли, кимга бўлса ҳам гапира берсин! Фақат юрагини кўрқув забт этмаса бўлди! Камандир ўлим кўрқуви нима эканлигини билади. Ўлим ҳукмидагилар дунёдаги ҳамма нарсани унутганларига — ҳайвондай бўкирганларига, ақлдан озганларига, фикрату руҳдан жудо бир қоп гўшга айланганларига ўзи гувоҳ бўлган. Ахир, ҳозир худонинг меҳрибонлиги билан ерга энган шу бир парча осмон бўлмаганда эди, милисахона ҳовлисида ўлжа излаб бўридай изғиб юрган ажалга бахшининг кўзи тушган бўларди. Ўлим билан юзма-юз келганда эса чидаш берадиган мард йўқ, бор бўлса ҳам, Саттор камандир кўрмаган...

— Укаларим энамни олиб авғонгами, ўриснинг қадами тегмаган бир жойга кўчиб кетсинлар. Агар хотиним ўрислар ҳаром этган бу Ватанда қоладиган бўлса, икки улимни энамга берсин... Ёш нарса — уй-жой қилиши бор, улларим тагин ўгай отанинг кўлига қараб қолмасин. Сағирлик ёмон... Энди бошини силайдиган Ватани бўлмаса...

Юлдузларнинг акси Бахшининг кўзларида янада аниқ ва равшанроқ ялтиради. Гаппор милиса уввос солиб, ўрнидан туриб кетди.

— Элдан бурун хайрлашма, Холиёржон! Худонинг бир айтгани бордир!

У Саттор камандирга юзланди:

— Бир нарса де! Шундай одам ўлиб кетаверадима! Утиришини қара! Гапини қара! Айтишини ҳозир ўзинг эшитдинг! Алпомишдан нимаси кам!

Саттор камандир шу дийдаси қаттиқ энағар Гаппорнинг йиғлашини биринчи кўриши. У ҳозир достон айтилаётганда ўзининг ҳам қандай аҳволга тушганини эслайди. Тўғри айтган бу укағарнинг ули — Холиёр бежиз эмас! Ўзимиз қатори мол боқиб юрган бола, тўсатдан гай-ғайлаб, элу юртни забт этадими бўлмаса. Чагана ҳам кўпни кўрган эл! Аммо шу укағар уч кеча-кундузлаб ҳаммани айтганига кўндириб, билмаганини билдириб ўтир-

ганидан ўзининг ҳам хабари бор-ку! Юлдузлар билан гаплашишни қара!

Командир бирдан жушиб, ўрнидан кўзголади.

— Ҳақиқатан ҳам ўлиб кета берасанми? — дейди у ғайрати тошиб, — Иван Васил келсин, бир ўртага тушиб кўрай, шунча хизматини қилдим — бир гапимга йўқ демас.

— Йўқ демайди! Йўқ демайди! Мени айтди дейсан!.. Барака топ, Сатторжон! Бир йигитлик қилдинг!..

Ғаппор милиса жалвираб, Сатторни алқашга тушди. Бахши кўзларини деразадан олиб, Сатторга тикилади. Ҳозир Холиёрнинг кўзлари юлдузларнинг мададисиз қолган бўлса ҳам, уларда кўрқув йўқ эди. Кўрқувнинг бу галги чекинуви ўзига боғлиқ эканлигидан кайфи янада кўтарилган камандирнинг бирдан ишбилармонлиги тутиб кетади.

— Энди бориб ётиб тур, жўра! Ҳали-замон Иван Васил келса, мингирлаб юрмасин. Ҳозир бизга мингирламай тургани дуруст. Сен, Ғаппор, олиб бор-да, тагига бирор нарса тўшаб бер, дам олсин. Э, милиса бўлмай кетгур, милтигингни ташлаб кетма! Нимага бунча гарангсирайсин? Ана! Бурчақда!.. Нима дединг, жўра? Ол дўмбирангни, ол! Айтавермайсанми! Иншоллох, гапим ерда қолмас...

Улар ташқарига чиққанларида камандир янада жарангдор овозда бақиради:

— Ғаппор, туйнуги бер жўнага жойлаштир!..

•Юлдузларни кўриб ётади» деб ўйлайди у.

— Холиёржон...

— Лаббай!

— Тез отлан, бўйингдан, тез отлан...

— Тинчликми, Ғаппорбой?

— Тинчлик эмас-да, бўйингдан, тинчлик эмас... Иван Васил кўнмади. Саттор фиғони фалакка чиқди. Иккови қирпичоқ булди. Иван Васил «Ўртага одамларни Гултепага тўплаб туринглар», деб шарт бурилиб чиқиб кетди.

— Одамларни Гултепага тўплаб нима қилар экан?

— Урис янги хунар чиқарибди... Энди босмачиларни кўргазмага, халқнинг кўз олдида отар эмиш. Садағанг кетай, бўл энди!.. Қочиб қол!.. Бир соат лўкиллаб югурсанг, Амударёга етасан. У ёғи — Авгон.

— Бу милисахонангдан қандай қутулиб чиқаман, Ғаппор?

— Бу кеча тонг отгунга қадар бу ерда бандилару мендан бошқа ит ҳам бўлмайди. Эшқиклар очиқ. Ҳаяллама бўйингдан, шошил!..

— Мен кетсам, сенга нима бўлади, милисаларнинг хотамтойи?

— Мен узлариники. Бир-икки кун уриб, сўкиб кўйиб юборишади-да, бошқа нима қилишади.

— Кўйиб юборишмаса-чи?

— Чиндан келайма?

— Бугун фақат чинидан гапиргин, Ғаппор!

— Сендай йигит учун жонимни олсалар ҳам майли... Бугун Алпомишни қандай айтдинг! Бай-бай-бай... Жаҳонни сув қилиб

оқиздинг!.. Энди мени уйлаб утирма. Менга жин ҳам урмайди. Бир-икки кунлик дўку пўписа, жонингдан айланиб кетсин!.. Кел, қучоқлашиб хўшлашайлик... Бу кунларингни Алпомишдай бир йигитга ватани ватанлик қилмади деб айтиб юраман. Сен ҳақиқатдан ҳам Алпомишсан.

— Сен ҳам менга қиёматли дўст — Қоражон бўлдинг! Умримни берса, сени бир кўшиқ қилай, қўшдай учгулик бўлсин... Омон бўл!

— Худонинг панойига! Бу дунёда кўришмасак, у дунёда кўришамиз...

— Омийн!

— Гаппор? Сенмисан? Ҳай, аттанг! Ҳай, аттанг!..

— Ушлаб келишибди-да!..

— Ушлаб келишгани йўқ, узим келдим.

— Нега ўзинг келасан? Нимага йўлдан қайтдинг? Кет дегандан кейин, кетавергин эди-да! Йўлбарс юрак йигит эдинг, йўлбарс изидан қайтмас эди-ку, Холиёр!

— Дўст учун қайтади, Гаппорбой, қайтади... Энди йиғлама-да, одамни кўнглини бузиб...

— Нимага қайтдинг?

— Сени булар омон қолдирмайлар деб уйладим. Алпомишу Қоражонларнинг отларини тутиб, хайрлашдик... Уйлаб қарасам, сени ўзимнинг жонимга қўрбон қилиб кетаётган эканман. Дарёнинг бўйидан қайтдим. Урислар милисахонага келгунча етай деб ҳарна югурдим, ҳарна югурдим... Ҳай, аттанг! Ҳай, аттанг!.. Етолмапман.

— Қўшмозор бўладиган бўлдик, Холиёр!.. Нимага қайтдинг!

— Дўстлик қилгани фалокатда якка ташлаб қочошнинг иснодиям бор. Фақат йиғлама!

— Умримда бир мардлик қилгандим. Шуни ҳам кўймадинг, Холиёр!

— Мен кетсам, сени ўлдиришларини биларминдиги?

— Алпомишни шундай келтириб айтдингки, кўзимга ўлим кўринмай кетди.

— Энди-чи?

— Энди... Кўзимга кўриняпти, Холиёр, кўриняпти... Совуғидан юрак-бўврим музлаб қоляпти. Захнинг ичида ётгандайман.

— Бунча фиғон қилма! Сенга, айтганигдай, бир-икки кун пўписа қилиб, кейин гунойингдан кечиб юборишади, Худо хоҳласа.

— Айтдим-ку, қўшмозор бўладиган бўлдик! Иван Васил «стирлат» дейди. Отишади...

— Мени кечир... Мени деб кўргулигингни кўриб утирибсан. Ҳай, аттанг!.. Сал олдин етиб келганимда...

— Мен кечирдим, Худоям кечирсин. Сендан розиман...

— Фақат энди йиғлама-да, Гаппорбек!

— Қўрқаяпман, бўйингдан, қўрқаяпман... Улимнинг турқи кўп совуқ бўлар экан... нима қиларимни билмаяпман.

— Ҳозир мен секингина Алпомишдан хиргойи қиламан. Бир эшит. Тасалли топасан...

— Тухтама, бўйингдан, кўшигингни тўхтатма! Жонимга бир илиққина нафас югурди...



— Тамоман тассали топаман десанг, хув туйнукдаги юлдузларга қарагин-да, ашулани эшита бер.

— Юлдузлар... Туйнукдан ҳозир кўринишдими?

— Тавба, қўшиқларинг осмондан тукилаётгандай...

— Энди сенга бир тайин гапим бор. Илтимос, дўст-душманнинг кўзига кулгу бўлмайлик. Улим ҳамманинг бошида бор. Э, яна йиғлаяпсан...

— Гапиравер, бўйингдан, гапиравер...

— Айниқса, ўрис биздан кулмасин. Бу ёғи дўст-душман эшитса уят... Ўзингга қаттиқ бўласан-да энди!

— Мен сендай ўлимга ботир эмасман, бўйингдан. Қурқаман. Ҳозир ҳам қурқаман. Қўшигингни тўхтатсанг, ажал судралиб ёнимга келади. Ичимга киради.

— Гаппор, эслаб қўй, йигитнинг ори ўлимдан ёмон... Эртага маҳкам бўл.

— Бўшашсам, менга «Қоражон!» деб қўй, бўйингдан, бўйингдан... Энди айт. Алпомишни чоҳдан олиб чиқ. Улим кўрқадиган нарса ҳам бор экан-а, бўйингдан! Қўшиқ бошладингми, қочиб кетади-я! Фақат эртага қўшигинг тугаб қолмасин.

— Хавотир олма. Худо хоҳласа, тугамайди.

Ўрис аскарлар ичкарида икковининг ҳам қўлларини орқаларига маҳкам боғлайдилар. Ҳовлига аввал Холийрни олиб чиқадилар. У бошни адил тутиб, қўлини орқасига қўйган кўйи хаёлланиб юрган одамдай, бемалол келади. Унинг қорачадан келган юзи янада чуркайган, қорачиқларига юраги яқин келган — кўзлари тийрак. Маҳбусларни олиб кетиш учун тайёрлаб қўйилган арава ёнига келиб тўхтайтиди-да, ёруғга кўникмаган кўзларини қисиб, осмонга, кўёшга, кенггина ҳовлидан тошиб турган баҳайбат қайрағочга, унинг ялангни тўлдириб турган қуюқ соясига, соялар оралаб ерда сочилган офтобнинг тангачаларига, қўшни боғда шовуллаб турган қатор теракларга, теракларнинг ортидаги олисларидан негадир шундоқ яқингинага келган бужур қадли тоғларга биринчи бор кўраётгандай қарайди. Дунёнинг ҳамма нарсаси равшан, кўзга тўтиё этгудек табаррук, бағрига босиб йиғлагудек соғинчли — видолашсанг умринг етмайдигандай... Бахши қайроғоч тагидаги супада Иван Васил билан турган Саттор камандирга парвойи фалақдай салом беради. Иван Бахшини кўргач, қўлларини белларига тираб, оёқларини кериб, ўзига маҳобат киргизиб, гайритабийи бир ҳол олади. Бахшининг лабига бир қув табассум югуради. У бошини илкис кўтаради-да, Иван Василга қараб, шўх бир қироат билан айта бошлайди:

*Оёқларингни кердинг. — кенг бўлдинг-а,  
Сийиб турган эшакка тенг бўлдинг-а.  
Белга қўлингни қўйдинг, бор бўлдинг-а,  
Эшак қолиб, чўчқага ер бўлдинг-а.*

Ўрислар ўзбек аскарларига қарайдилар. Ўзбеклар ҳеч нарсаи эшитмагандай иш билан баттар андармонликдалар. Иван Саттор камандир тарафга бурилади:

— Что он там болтаёт?

Саттор камандир унга бир ёвқараш қилди. Индамайди. Сунг баланд овозда — бу дунёда фақат ўзию бахши бордай — сўрайди:

— Нимага қайтиб келдинг?

— Бировнинг умрига зое бўлмайин дедим.

— Э сендай мардни!.. Ўлгинг келса, бу ерга қайтиб келгунча, Амударёга ўзингни ташлаб юбормайсанма, укагарди ули!

— Гаппорга зиён етмасин деган хаёлда... Етиб келолмадим... Худонинг буюргани бўлди.

— Худо қайтиб кел деб буюрдима?

Бахшининг гаши келди. Нимага бу Саттор бунча ўдагайлайди?

— Худо Чагананинг мардлари битта қолмай қирилиб кетарсин, фақат сотқинлари тирик юрса бўлди, деб буюрди.

Саттор ногаҳон ўқ теккандай қотиб қолади. Уларнинг суҳбатини бетоқатлик билан эшитаётган Иван Васил яна гапга аралашади:

— О чем вы болтаете? Переводи — что он распелса...

Саттор камандир ижирғанади. Унинг важоҳати — дунёнинг ҳамма тоғини кесиб, ҳамма дарёсини кечиб утгудай.

— Ўзидан сўра!

Бахши ўрис нима сўраётганини фаҳмлайди.

— Саттор, ўрисингга гапимни калтароқ қилиб, чўққанинг қанжиги деб сўқди, дегин.

Камандир терс бурилиб, супанинг тўрига қараб юради. Иван супадан пастда — текин томошадан завқланиб турган жик-какина татар йигитга — таржимонга кўзи тушади.

— Фатхулин, какого х... на стороне стоиш? Чего он сказал?

Сидқидилдан томошабинлик қилаётган Фатхулин чўчиб тушади. Бахши шўх кулиб, унга қарайди:

— Ўзингни урунтирмай, калта айтганимни таржима эта қол...

Таржимон аскарларга хос баланд овозда сўзланмоққа чоғланди-да, узини йиғиштириб, кўкрагини ҳавога тўлдиргач... бирдан довдираб, ноқулай бир аҳволда тўхтаб қолади. Иван нима бўлганини англайди, йўгон бўйни шафақдай қизариб, юзини тер босади.

— Иди сюда, дурак!

Иван жон ҳолатда бир ҳатлаб супага чиққан тилмочга кулоқ тутиб энгашади. Унинг юзида қизили ўртаниб, қорамтир тус ола бошлайди. У шашт билан нимадир демоқчи бўлади-ю, аммо ҳамма ҳибсхона эшигига кўз тикиб турганини сезиб, ўша томонга қарайди. Ичкаридан икки ўрис аскар Гаппорни судраб олиб чиқадилар. У палаж ургандай ихтиёрини йўқотган — гавдаси аскарлар кўлтигида — шалвираб осилган, яланг оёқлари ер судраб келади...

— Қоражон! Дўстим!

Холиёр бахшининг бу ногаҳон қичқиригидан ҳамма бир қалқиниб тўхтайди. Бу қичқириқ асносида зимиллаб вужудларга энмиш аламли шиддатнинг зарбидан Иван Васил ҳам, Саттор камандир ҳам, аскарлар ҳам, гужумнинг ва деворларнинг орти-

даги теракларнинг шохларида гимирлаб юрган шабада ҳам, девордан эндигина ошиб ўтган қуёш нурлари ҳам, заминда чумолдан ивирсиб юрган жаъми одамизот ҳам, курраи арзни уз ўқи атрофида чархпалакдай айлантириб кетаётган маромпарасат Вақт ҳам — карахтланган кўйи тўхтаб қолгандай бўлади. Бу қичқирикни фақат одамлар эмас, ҳовлининг соядан ҳоли бурчакларида ўсган майсалар, дарахтларда бирдам чуғурлашини тўхтатган қушлар, одамларнинг пойида гум-гурс бўлиб ётган қаро ер, булутсиз кўксига қуёшни судраб чиқаётган мовий осмон, бу осмондан ҳам наридаги қават-қават турфаранг фалаклар, бесарҳадликлар бағрида тўлғониб ётган чексиз дунёлар ва бу дунёларни яратган Қодир Парвардигор ҳам эшитгани аниқ эди. Парвардигор бахшининг бу қичқиригига жойлаган жонуртар туғёни билан яратмиш дунёсида фақат инсонгагина меҳру шафқат, ору номус, инсофу диёнат — хуллас, руху қалб берганини бандаларига яна бир зумга эслатади. Бу иттига бир зумда барча тенглашади — ўлимга маҳкумлар ҳам, зўравонлар ҳам ёлгон дунё бўйинларига бўйинтирикдай илган мажбуриятларини унутиб, Оллоҳи таоло инсонни илк яратган чоғи бир-бирига қандай қарашлари лозим бўлса, шундай қарайдилар. Улар ўзларини ёвликдан, нафратдан, қўрқувдан, зўравонликдан — шайтон васвасасида макон топган тубанликларидан озод эканликларини ҳис қиладилар. Ҳатто бу жойларга «жаҳон инқилоби» этагида келган ўрислар ҳам бу қичқирик гирдобида юксак ғояларини эсдан чиқариб, минг-минг йиллар қатларида унутилиб кетган аллақандай оддий ва содда, мангу ва беадад улғворликнинг тансиқ соғинчини пайқайдилар. Бу соғинч асли Оллоҳнинг «инсон инсонга дўст» деган покиза нияти — юз йигирма тўрт минг қадар пайгамбар — элчилари орқали ер юзига сочмоқчи бўлган эзгулиги армони эди... Гаппор милиса кўзини очади. Аскарлар қўлтигида осилиб турган кўйи ўзининг шалвираб ётган гавдасига шошмасдан кўз югуртиради. Орқасига бурилиб, ерда бушашиб ётган оёқларига жиддий қиёфада тикилади. Сўнг фалакка қарайди. Ниманидир аён кўргандай бўлади. Самоватдан уни кузатиб турган аллақимдандир уялгандай йиманибгина ўзига келади. «Қоражон» деган нидо химирлатган миясидан томирларига илиққина қон аралаш ирода оқа бошлаганини сезади. Бесуякдай шалвираб турган гавдасини йиғиштириб, аскарларнинг қўлларидан ўзини озод қиларкан, дунёни эндигина кўраётган одамдай қизиқсиниб атрофга тикилди. Гаппорнинг жонини маҳкам чангаллаб турган ажал унинг бу сергак ҳолидан чўчиб чекинади — милисахона ҳовлиси бурчагида бугунги қурбонлар учун қазилган саёзгина ўранинг нам тупроғи устига чиқиб, барибир ўзига навбат келишини билгани учун ҳам, кутгани чўккалайди. Кўринишдан ажал ҳам ғамгин эди. У одамларнинг хоҳиши билан эмас, балки Оллоҳнинг иродаси билан иш тутишни хуш кўрганидан Иван Василга олайиб қарайди. Иван қандайдир даҳшатли бир шарпаннинг назари унга бежо назар ташлаганини ҳис қилади-да, юраги аллақандай гижимланиб, бада-ни тупроқнинг захини туйгандай сесканиб кетади. У нима бўлаётганини англаб етмасдан, Гаппорнинг ғайри табиий титраган овозидан чўчиб тушади...

— Алпомиш! — деб дўстини йўқлайди Қоражон. — Қаердасан?

— Мен шу ердаман! Ёнингдаман! — гуриллайди Алпомиш. — Фақат эсингдан чиқмасин, сен — Қоражонсан, Сен менинг қиёматли дўстимсан. Урисларни олдида ўзингни дўстликка ярашиқ тут...

— Сен кўшиқ айт, бўйингдан! Зиндонда ётганимиздан, юртимизни соғинганимиздан, Барчиннинг армонидан...

Алпомиш кўшиқ бошлайди. Узининг бошидан ўтганларини, дўсти Қоражоннинг марду майдонлигини, Бойсин-Қўнғиротнинг соғинчини, элу юртнинг армонини, ортидан бўзлаб қолаётган Барчинни, сағир фарзандини, мушфиқ онасини, Бойбўридай отасини, Қалдирғочдай мушфиқ сингисини — ҳамма-ҳаммасини! — бир буюк тўлғоқ ичра юрагидан ўтказди-да, бугзини бир дарё кўшиққа тўлдириб, оламга ярқиратиб сочади... «Анов тоғнинг бошин чалган туманма, ғамли кунда мудом охир замона»... У кўшиқ айтган асно нам тупроқ устига қараб юради. Қоражон ҳам дўстининг ёнида ўлимга тик қараб келяпти...

— Айт, бўйингдан, айт, — деб эмранади у. — Айтавер! Ана, осмонга юлдузлар чиқаяпти. Фалак энгаша келиб бошимизга тегди. Қара, Алпомиш! Бошимиз юлдузлар ичида. Ўлимнинг кўрқилини кўр, ўлимнинг титрашини кўр... Кўрққанидан аскарларнинг милтиғи ичига кириб кетди.

Алпомиш кўшиқ айтади. Қабргача неча қадам? Ўлимгача неча дақиқа? О, ўлимга бораётган одамнинг кўшиғи! Мағзинга жаъми ҳаётни, зарра қадар қолдирмай, жо айлаганман. Сўзларинг, оҳангларинг, тўлғоқларинг бунча рост! Билингни, кимнинг кўшиғи рост бўлса, у ўлиб кўрган. Ҳар бир сўзини ҳақиқат қилган шоир бор эрса, англаб, унга у дунё билан бу дунёнинг ораси бир қадам... «Мард жон учун номардликка кўнарма, йигит ўлмай, элу юрти ўларма... Мард ҳақ учун ҳар азобга кўнадир, ёри учун, эли учун ўладир»...

— Айт! Юрак-бағримни тўлдир. Ўлимга жой қолмасин, бўйингдан!

«Ҳай аттанг-а, сабил қолди фақат жон! Дўсти учун қурбон бўлган Қоражон»...

Улар энди, товлари намнинг салқинини ёезиб, уюлган тупроқнинг устида елкама-елка турадилар. Холиёр бахши ўзини унитиб кўшиқ айтаркан, ортидаги саёз урага майда кесаклар шитирлаб тушаётганини эшитади. У бироздан кейин шу кесакларга бағрини босганча ётишини тасаввур қилади. Оёғининг тагидаги тупроқ унга аллақандай қадрдон, азиз ва мунгли бир қариндошдай туйилади. Атрофда ажал кўринмайди. Куёшнинг девор оша тушаётган нурлари бахшининг кўшиқ оҳангида сўзилган кўзларини қамаштирар, одамлар негадир жой-жойида қотиб қолишган, Саттор ўйноқлаётган отнинг устида учиб кетадигандай хушёрликда, Иван эса нималардир деб аскарларга кичқиради. Холиёр Гаппорга кўз қирини ташлайди. Гаппорнинг тер босган лабларида бир оғриқнинг азоби аралаш ним табасум қотиб қолган, боши устида эса... ўсибгина қолган сочларига тегай-тегай деб сон-саноксиз митти учқунлардай милтираётган осмон оҳиста айланапти. У ўзининг боши узра ҳам бу га-

ройиб фалакнинг меҳрибонлик билан сузаётганини сезади. Унг қўлини кўтаради. Панжалари, кафтлари бир илиқ чексиз-чегарасиз оромга ботганини; юлдузларнинг ифодалаб бўлмайдиган, ернинг оромларига ўхшамайдиган лаззати қўлларидан нур тезликда югурганича, юрагига ўтганини фаҳмлади. Бу ором чидаб бўлмас тарзда ўткир эди. Бахши беихтиёр қўлини тортиб олади. Қўшиғи энди аллақандай самовий дардларга тўлган, одамларнинг иродаларини парчалаб, ихтиёрларини ихтиёрсизликларга ташлағудай... Гаппор ҳамон ўша қўрқувдан ҳоле алфозда тик турибди. Кўзлари юмук. «Ғанимни қонига қоргансан, дустингни соғиниб толгансан, дўст билан ўлимга боргансан — ҳуш энди, Қоражон, ҳуш энди»... Холиёр шу маҳал ажални кўради. Ажал уларнинг қаршисида — Иваннинг чақириғига кура уларнинг кўзига қадалиб турган тўрт аскарнинг милтиқлари миллари ичида даҳшатли бир ҳаракатга шайланганча турибди. Бахши Иваннинг бир нима деб қичқирганини эшитдию жонҳолатда қичқирди:

— Қоражон! Маҳкам бўл!

— Мендан хавотир олма, бўйингдан!..

Тўрт милтиқ бараварига силкинди. Бахши бир жуфт ўқ ўзи тарафга, бошқа бир жуфти эса Гаппорга қараб йўналганини кўрди. Ўқлар ҳавони тешганча, атрофини кўйдира-ёндира отилиб келишар, ўқларнинг ортидан ажал ҳам шиддатда изма-из йўналганди. Бахши ўқнинг иккаласи ҳам кўкрагига текканини, юрагини оралаб ўтиб, чап елкасидан чопонининг пахтаси ара-лаш эту қонни сочганича, отилиқиб чиққанини ҳам пайқади. Қонга ботганча учиб кетаётган ўқларнинг ортида энди ажал йўқ — у бахшининг вужудида қолган, соп-соғлом тандан жонни суғуриб олишга шошқинлик билан киришган эди. Холиёр ёнида бурилиб Гаппорнинг бўшашган гавдаси ўрага тупроқни сургалаб йиқилганини кўради. Бир энгил тортади — хайрият, шарманда бўлмадик... Осон қутилди! Ҳовлига қарайди. Иван бошини чангаллаган кўйи йиқилиб тушаётганига, панжалари орасидан қон сизиб, энгларига оқаётганига кўзи тушади. Сатторнинг эса бир қўлида тўппонча, бир қўлидаги қамчи — милисахона дарвозасидан отини учирганча чиқиб боради...

Бахшининг ёлгончи дунёдаги кўрган охириги манзараси шу бўлди. Дунё аста-аста хира тортиб, туманга чўкади. Кўзлари қовоқ орасига ботади. Бахшининг жони минглаб ришталарда ҳаёт билан боғлаб ташланган экан — ажал уларни узгунча бўлмай, фаришталар етиб келадилар. Фаришталар Холиёрнинг бошига энгашиб дўнган осмондан тушиб, унинг руҳини авайлаб қўлга оладилар. Юлдузлар нурларига беланиб ердан узилаётганда бахши ўзига келади. У деярли ваэнсиз эди. Пастга қараб, чуқурда ғариб бир тарзда ётган гавдасига кўзи тушгач, ҳамма оғирлиги ерда қолиб кетганини тушинади. У яна ажални кўради. Ажал милисахона ҳовлисида, Иваннинг руҳини чангаллаганча, айланиб юрипти. «Иваннинг руҳи ҳам осмонга чиқадими?» деб оғринади Холиёр. Фаришталардан бири бахшига қараб жилмаяди. Шунда у Иваннинг руҳи ўлимнинг мангу чангалида қолишини тушунади ва безовталаниб атрофга қарайди. Шундоқ ёнида Гаппорнинг ярақлаб турган руҳига нигоҳи тушгач, кўнгли тўлиб беҳад қувончда қичқиради.

— Қоражон!

Ғаппорнинг руҳи янада ярақлайди.

— Мен Ғаппорман! — дейди у. — Алпомиш эса, ана...

У пастга имо қилади. Чаганага туташ қирда Саттор камандир тоққа қараб от солиб кетяпти.

У Алпомишнинг ерда қолганлигидан беҳад шодланади. Худо хоҳласа, Алпомиш омон бўлса, юрт ёвдан озод бўлмай! У бу ниятни кўнглидан ўтказар-ўтказмас, фаришталар «омин!» деб дуо ижобат этадилар. У фаришталар ихтиёрида чексиз саёҳати сари йўналар экан, ерда қолган Алпомишга Қоражондай бир дўст бер деб Парвардигорга илтижо этади. У яна чексизлик саёҳати тезроқ тугашини истайди. «Мени шу юрт устида учиб юришимга ижозат бер, Оллоҳим! Арвоҳлигимда ҳам элу юртимга суянчлиг бахтини ато эт!..»

Унинг кўнглидан бу тиловатлар ўтаётганда фаришталар олий иззат-икромда бош эгиб турдилар.

## Соҳибқирон ва Уста

Бу афсонани ҳаммангиз эшитгансиз. Эмишки, маликага ошиғу беқарор уста соҳибқироннинг қаҳридан кўрққанидан, минора қуббасига чиққану қушга айланиб пириллаганича учиб кетган... Камина шоир бўлса ҳам, афсонага тирноқча ишонмайди. Чунки унинг ҳам бошига устанинг куни бир неча бор тушган, аммо қанча учиб кетишга талпинмасин, ердан бир қарич ҳам узилолмагач, хом хаёлли бошини эгиб, қилич қачон бўйинига тушишини кутишдан бошқа чораси қолмаган... Аммо одамлар бу афсонани ҳақиқат билиб, у ер-бу ерда ҳали-ҳануз гапириб юрганлари, обрўли қалам аҳлларидан баъзилари ҳам бу ёлғондан илҳомланиб қалам тебратганлари ва ҳозир ҳам «учаман» деганларича қўлларини силкитишдан толмаган телбалар топилади. Бу фақир ўшаларнинг умри бекорга ўтмаслигини истайди. Бунинг устига, бу курраи арз фақат унга қўшилиб, қуёш атрофини айланиб юрадиган камсуқумларни, оёғини судрабгина босадиган нотавонларни, қадамини минг бир аланглаб босадиган камтаринларни ва шунга ўхшаш бечораларни хуш кўради. Осмонга сапчиганларнинг тақдирини эса яхши биламиз. Ана, бўйинлари жувонмарглиқда синиб, қаро ернинг тагида энасини кўриб ётибдилар. Демак, биринчидан, «севаман» деб осмонга учиб юрганларни, «қўлингни қоқаяпсан холос, оёғинг ерда — қоқилиб ажалингдан бурун улиб кетасан» деб холис огоҳлантириб қўймоқчи бўлсам, иккинчидан, илгари социалистик, ҳозир эса капиталистик реализм адабиётига маълум бир ҳисса қўшган адиб сифатида бу афсонага асос бўлган воқеанинг аслини баён этишни ўзимнинг фуқаролик бурчим деб биламан.

Бу гийбатни соҳибқирон Қофқоз тоғларида муҳораба этиб юрган чоғларидаёқ эшитганига шубҳа йўқ эди. Уз мамлакатида айтиладиган ҳар бир сўзни эшитолмайдиган подшоҳ тахтнинг устига эмас, пойида ўлтиргани маъқул; бошига тож эмас, чўпоннинг кебанагини кийгани дуруст, чунки гофиллиги туфайли

саёқ қиличнинг дамидан ҳам боши сапчадай узилиб, улусу мамлакат тақдирини қонли йулларга киргизиб юбориши ҳеч гап эмас. Подшоҳ бўлсанг Амир Темур Кўрагонийдай салтанат тузим, қўлинг дунёнинг истаган буржига етсин, оёғинг азму қарор этган узоқ мақсадингнинг поёнига боролсин, кўзинг душманнинг режасини кўрсин, қўлогинг маслаҳатини эшитсин, кўнглинг Оллоҳ таоло буюргани етагида юрсин!.. Самарқандга етишиб келинган сайин соҳибқироннинг яқинлари — шавкатли амирлардан тортиб, хизматфармо эшикоғаларигача амирнинг кўзига зимдан қарашар, унинг ҳар бир сўзию ҳаракатидан ўша ғийбатга доир пинҳон бир ҳукми уқишга уринишар, мабодо, худо курсатмасин, бу утрик соҳибқироннинг муборак кўнгилларига ғашлик сояларини ташлаган бўлса, бошлари устида ғийбат булутлари айланаётганларнинг қисмати нима кечишини тасаввур қилишга юраклари ҳам дов бермасди. Гапнинг ўроли шуки, ғийбатнинг бир чети соҳибқироннинг ору номусига ҳам бориб тақалардиким, улуг амир орига қўл чўзганни омон қолдирмаслиги аниқ эди.

Аммо, мана, сафар қариб, Самарқандга етиб келинганига икки кун кечган бўлса ҳам, Ватан билан дийдор кўришмоқ қувончи бир ажиб осойишталик ичра кўчаларда, уйларда, одамларнинг кўзларида ва кўнгилларида дунёни унитиб байрам қиларди.

Худойим! Билиб, кўриб турибсан — гуноҳим йўқ! Аммо амир Самарқандга етиб келди. У дунёни унитмайдиган зотдир. Ёлгончи дунёнинг равишини маҳкам тутайди. Подшоҳларнинг азал қисмати шу. Парвардигор! Паймонам тўлди... Улимнинг ҳақлигини минг бор тан оламан. Улим ҳукми ул олий зот тарафидан етса ҳам, ажални сенинг ҳукминг сифатида қабул айлаб, номингни дилимда такрор айта-айта ҳузурингга хушбахт борурман. Зотан, мени имтиҳон этиб турмоғинг учун бандаларингдан баъзисини бу қўлингдан юқориқ даражага кўтариб қўйдингким, унинг қиличини бошим узра эгилиши сен билан тўлган кўнглимга кўркуву ҳадиқ солмагай. Таъриф ва тавсифга эҳтиёж йўқ Хўжа Баҳоуддин: «Каси сўхтаро ду бора бирён накунад», деб лутф айлаганлар. Қодир эгам! Мени ҳам бир бор куйдирдинг, энди ёнсам ҳам куймайман. О, қандай ҳузурбахш азоблар ичра куйдирдинг! Қандай роҳатда куйдим! Ишқнинг энг покиза ўтида куйиш менга ҳам насиб этди!.. Ушанда у зоти олиянинг юзларидаги пардани силкиб кўтарган шамол — сенинг илқинг эдими, Парвардигор! Шамол қайдан келади — ўмганини кўтаролмай ётган бадфеъл жазирага шамол кўриниш бероладими? Ҳарир парда кўтарилиб тушгунча қанча пайт ўтади? Бу саволга энди жавоб берсам бўлади. Парда ҳали ҳам ул муҳтарама зотнинг пок юзларини яширган йўқ, тангрим! Агар раҳматингдан жудо этмасанг, ўлганимдан кейин ҳам, адабиятингда руҳим тургунча, бу парда шамолда мавжланганича дунёга титроқ солиб, кўзимдан муборак чехрани ниҳон этолмай тўлғонаверади... Парвардигор! Минг шукр, мени ошиқлик қийноғига ҳамнафас этдинг! Минг шукр, ишқгадо руҳимнинг тўлғоқларига яратувчи кудратингдан бир мўъжаз зарра қўшдинг! Аввал хаёлиму фикратимда қадди-бас-

тини тиклаб, сўнг замин юзида меҳру муҳаббатимдай бино булган бу улугвор мадраса васлингни излаб, илм уммониغا кирганларнинг ҳамду саноларини фалакка етказгани ҳамда кўнгилларга борлигини бирлигининг нурини тўккани — мўъжизавор салобатда — осмонни елкасида тутган тахлит турибди. Минг шуқр! Қалбимга шуур, кўнглимга фикрат, қўлимга касб ато этганинг учун минг шуқур! Мен ул мухтарама зотни севишимни дунёга айтдим! Мажнун ҳам, Фарҳоддан ҳам, Юсуф алайҳиссаломдан ҳам баралла айтдим! Бу мадраса иморатига қара, танграм, ишқни бундан баланд айтмоқ мумкинми? Чунки маликанинг чеҳрасида... сенинг жилванг бор эди, Қодир Эгам? Уйқусиз тунларимда ўйлай-ўйлай шу қарорга келдим. Эрса, инсоннинг ишқида ҳам шунчалар куймоқ мумкинми? Инсонни кўйида бўзлаб, бу нисбат иморатни бунёд этмоқ душвор!.. Худойим! Мен — Уста Муҳаммад Карим тақдирдан қочмадим. Ажалга соҳибқирон қачон буйруқ беришини кутиб ҳужрамда ўлтирибман. Кўзларимда ул зоти олиянинг чеҳралари... шамолда мавжланаётган ҳарир юзпарда... Улсам армоним йўқ!.. Армоним йўқ!.. Йўқ!..

Соҳибқирон Амир Ҳасан Жондордан кўз узмай, бир паршон мулойимликда сўроққа тутарди. Унинг саволлари оҳангига ярашмаган — «қачон мени тинч қўясизлар», деган оғриниш шу қадар суҳбатдан бўлакча эдиким, Ҳасан Жондорнинг назарида, бу оҳанг унинг ортида асабийлашиб турар — яна озгина олов олса, елкасига пичоқ санчиб қоладигандай эди. Шунданми, соҳибқироннинг даврасида ўзини эмин-эркин тутадиган бу олий мансаб амир тахт пойида — туркман гилами устидан тўшалган адрас тўшак устида одатидан кўра қисиниб ўлтирарди. У саволларга ўйлаб жавоб беришга ҳаракат этаркан, пешонаси, кулларнинг кафти терлаётганини пайқайди. Бўйнидаги — уйқу безининг ёнидаги бир майда томирча учқолоқлаб турарди.

—...Малика қурилиш бошланишига фотиҳа бергани келди. Сўқимлар сўйилиб, усталарга энди чою нон тортилаётган эди. Малика ҳамроҳлари билан даврага етишган маҳал, шамол турдию...

- Кун шамолли эдимиз?
- Йўқ. Худди ердан чиққандай пайдо бўлди...
- Эҳтимол маликанинг ўзи юзпардасини кўтаргандир?
- Йўқ, шамол кўтарди.
- Юзпардани шамол кўтарганини ҳамма кўрдими?
- Усталар дастурхон билан овора эдилар.
- Ҳеч ким кўрмагани ажаб...
- Узим ҳам ҳайрон қолдим. Ёнимда турган навкарлардан суриштирдим. Ҳеч ким бу ҳолни кўрмаган. Ҳатто шамол турганини ҳам билишмайди.
- Балки чўчиганларидан...
- Қуръон ушлаб қасам ичганлар. Ростини, уша пайтдаёқ маликанинг юзларидан парда кўтарилганини ҳеч ким сезмаганини дарҳол пайқадим.
- Узингни шунча сезгир деб ўйлайсанми?
- Ноннингизни ҳалоллаб ейман.
- Усталар ҳам сезмадиларми?



- Улар ҳам... Чошгоҳ пайти эди. Усталар оч — худойи таомлардан бош кўтармаётган эдилар. Кейин...
- Тўхтама!
- Бир қошиқ қонимдан кечсангиз...
- Кечдим.
- Маликаю волидамизнинг хуснларига кўзи тушган инсон зоти... мажҳул ҳолда қололмайди. Беихтиёр узгаради... Бирор ким «қилт» этмади.
- Шамол кўзингга кўрингани йўқми?
- Малика ҳам тасдиқладилар. Оллоҳнинг мўъжизаси...
- Давом эт.
- Шу пайт устабоши ҳушидан кетиб йиқилди. Мен дарҳол унинг кўзи маликаамизнинг юзига тушганини сездим... Хужрасига олиб киришганидан кейин, узига келгунча бошида турдим.
- Ишқилиб, пойида турмадингизми?
- Соҳибқирон, суҳбатни мухтасар этмоқчи...
- Ҳазил... Ҳазил...
- У ўзига келгач, ҳақиқатан ҳам шамол малика юзидан пардани кўтарганига кўзи тушганини айтди. Сўнг бу гапни ҳар жойда лақиллаб юрмайман деб, худони уртага қўйиб, қасам ичди.
- Қасам ичирдим де... Ростини айт.
- Йўқ, ўзи қасам ичди.
- Энди менга яхшилаб, ўйлаб жавоб бер. Бу гийбатларни ким гуллаяпти?
- Билмайман...
- Сени ҳам билмайдиганинг бор экан-да! Бу ҳодисадан хабардор уч киши. Маликани истисно этсак, сени ҳисобга олма-сак...
- Қуллуқ, соҳибқирон, қуллуқ!..
- Жондор! Фақат устабоши қолади!
- Агар менга ишонсангиз...
- Ишонаман.
- У эмас.
- Хўп, сенингча ҳам бўлсин, аммо висир-висир гаплар осмондан ёғаяптими?
- Элнинг оғзига элак тутиб бўлмаса... Бир сўз топишса бўлди — жонларига теккунча қофиясини келтиришади.
- Майли... Аммо устабошини дорга тортмоққа азм этдим. Бугун гийбатга чек қўйолмаган салтанатни эртага масхаралашдан тоймайдилар...
- Ихтиёрингиз... Фақат... Бир қошиқ қонимдан кечсангиз...
- Қонинг дарёдай оқиб турибди-да, Жондор! Қошиқлаб ичилса, тугамаслигини биласан.
- Эртага бориб малика қурдирган мадрасани кўзингиз билан бир курсангиз...
- Хўш?!
- Менга шундай тўйилгандир-у, лекин иморатга яқин келсанг, ўзингни ажабтовур сезасан.
- Қандай сезасан?!
- Ажабтовур... Худога яқин келгандайми-ей...
- Худони қўшиб, кўп оғир суҳан қилдинг, Жондор! Эртага бормасак бўлмас...

Оллоху таолонинг иродаси билан мен — Амир Темур Кўрагоний бу мамлакат тахтига ўлтирганимдан буён салтанат кўр-кига кўрк бағишлайдиган қанчадан-қанча улуғ иморатлар бунёд эттирдим! Бизким, миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи, туркнинг бош бўғинимиз! Иморатларимиз ҳам исму жисмимизга қоришиқ — юксак ва улуғвор бўлсинким, токи фарзандларимизнинг кўзи улуғворликка тўйиб, кўнгиллари юксакларга тўлиб ўссин! Бегонанинг пуч ҳашами ёнида кўнгиллари чуқиб, бошлари айланмасин! Тангрим, неки қилдим — бу юрт равнақиға буюрсин дедим! Шул сабабданми, сен бу ғарибингни мудом сийладинг! Сўзимға қувват, қадамимға шиддат, уйлаганимға бунёдлик ато этдинг! Кимки улуғ ишлар уйласа, сен минг бор улкан улуғворликка йулдош кўрдинг! Бир бор эслагани, юз бор ёд айладинг! Менға яна бу мукофотинг нечун, тангрим?! Бу мадраса дарвозасиға етганимданоқ вужудимдан нечун ёлгончи дунёнинг заҳматлари эриб кетди? Олис сафарда ичимни босган чангу ғубордан нечун бирдан форуғ тушдим? О! Фақат қалбим қолди-ку! Ишқингға куйган беназир шуароларнинг битиклари мени шу куйға соларди, парвардигор! Идрок этардимким, бутун дунёнинг ғуноҳлари учун мағфират тилаб бузлайдиган ул зотларнинг битикларида сенинг ҳам нафасинг бор — кўнглинг етса, бу қоғозға кўчган нурларимдан сен ҳам ич деб мурувват кўрғазаётгандайсан! Ҳозир бул мадрасанинг иморатиға боқарканман, ўша туғён жонимға яна титроқ солиб, вужудимни зириллатаётганини шундоқ сезяпман. Гуё... Гуё ою юлдузлари чарақламыш мовий осмон акс эттирилган мадраса ғумбази тағидан сен меҳр билан қараб турибсан! Турон мамлакатига шунчалар яқин келдингми, тангрим?! Қайси зор юракнинг меҳрида ийиб бизнинг бошимизға эгилиб турибсан? Сен бўлмасанг, мени ким бу қадар ҳаяжонлантира олади?! Тангрим!.. Тангрим!.. Тангрим!.. Сезяпман!.. Сен... Сен қараб турибсан!..

- Жондор, гапинг тўғри...
- Қайси гапим, соҳибқирон?
- Кўп гапирганингдан қайсилигини эслолмай ҳайрон юрасан. Бул иморат ҳақида айтганинг...
- Қуллуқ, соҳибқирон.
- Тангри яқин келгандай...
- Яқин келган... Яқин келган...
- Ҳалиги ғийбатларға устабоши аралашмаганини аниқ биласанми, Жондор?
- Нима деб қасам ичай?
- Қасам ичма. Мадрасаға кирганимдан кейин мен ҳам шу қарорға келдим.
- Қандай қарорға?
- Устабошида ғуноҳ йўқ.
- Ғуноҳи бўлмасаям, дорға...
- Жондор, тилингни тий. Бу мамлакатда аввал Оллох, кейин мен ҳукм чиқараман...
- Бир қошиқ қонимдан...
- Кечдим, кечдим!.. Мен кечмаган қонинг ҳам қолдими, Жондор?

— Устабоши...

— Энди устабошингни ўйлаймиз, Жондор. Ўйлаймиз...

Саҳарги нонуштадан сўнг одатий машваратга йиғилган беклар устабошини тутиб, бошини дорга тортмоққа амр олган Амир Жондор келтирадиган хабарни кутиб, бемалол босиқ суҳбат билан машғул эдилар. Занжи қуллар шамларни ўчириб чиқиб кетишди. Офтоб нурлари нафис ганжли гуллар ила ишланган дераза панжараларининг парчаларини дастурхонга, мажлис аҳлининг устига сочиб ташлади. Шундагина суҳбатда парижонлик нуқси урди. Жазони овора эта фуқароларни ҳақдан етган жазонинг гувоҳлигига чорловчи жарчининг чақириги бозор тарафдан эшитилавермагач, аста-аста пайдо бўлган узун-қисқа сукунатлар бирлашиб, суҳбатни забт этди. Эрталабги бу машваратда бекларнинг гангур-гунгур суҳбатини тинглаб бемалол ўлтирадиган соҳибқиронгина бу сукутни сезмагандай — ҳали қарорга кўчмаган, кўчса, бутун дунёни ларзага солгувчи хаёллари билан машғулдай эди.

Амир Жондорнинг қайтганини эшикоғаси маълум этганда, сукунатдан зуриққан мажлис эркин нафас олди. Юракларни ўйнатаётган безовталиқнинг ўрнини бир лаҳзада қизиқиш эгаллади. Амир Жондор ранги бўзариб, ўлардан нари-бериликда эшиқдан кирди-да, таъзимга бош эгди. Унинг аъзойи бадани қалтирар эди. Бу жасур одамни бу алфозда кўрмаган мажлис аҳли ваҳима аралаш таажжубда лол қотди. Ер ёрилмагандир? Ёки осмон ўйилиб тушдимиз? Ё ҳозир оламни сув босадими? Бу Жондорни бошқа нима ҳам қалтирата олади?

— Учиб кетди...

Тушинарли! Ақлдан озибсан, Амир Жондор! Ичингда гап кўп эди. Соҳибқироннинг сирдоши бўлмоқ осонми? Салтанатнинг маҳфий корлари бошинга етибди! Одамлар кўзингга тушмоқдан жон олдириб қолишган эди! Кимга кўз тиксанг, йиқитардинг! Мамлакатга ваҳима солавериб, худонинг қаҳрига охир учрабсан-да! Ана, ҳалолликни ҳадеб пеш қилаверишнинг оқибати!..

Соҳибқирон Амир Жондордаги ўзгаришларни кўрмагандай, ҳозиргина айтилган сўзлар жунуннинг ҳосиласи эканлигини сезмагандай унга тик қаради.

— Ким? Қаёққа учди?..

Амир Жондорнинг ортиқ сўз демакка мадори йўқ эди. У унғ қўлини кўтарди-да, бош бармоғини бигиз қилиб осмонга ишора этди. Соҳибқирон ногоҳ босиб келган ғазабга сигмай тўлғонди. Унинг гавдаси бирдан улканлашиб, мажлис аҳлининг кўз олдини тутиб кетди. Беклар ўзларини қандайдир чумолига ўхшаш майда маҳлуқчаларга, балки, худо билади, кўрқувдан титраётган ҳавога айланиб қолганликларини ҳам англаб турардилар. Ростини, уларнинг ўзлари теваракларидаги жимликни қалқон этганларича, ҳозирги миттиликларидан, йўқликларидан зўр бериб чиқмаслик ҳаракатида эдилар. Соҳибқироннинг ғазаби чиққанда, бу ҳолатда жон сақлаш тажрибада энг синалган усул эди.

— Ҳали тилингни кесиб олганим йўқ, Жондор! Гапир!..

Бечора амирнинг узук-юлуқ гапидан маълум бўлдики, ҳали

азон ўқилмасдан Амир Жондор устабошини гафлатда босгани навкарлари билан мадраса дарвозасидан киришади. Аммо не сабабдандир ҳовлида турган устабоши уларга кузи тушганда-ноқ, саросимага тушибми, йўлсизликданми мадраса минорасига қочиб чиқади. Зиналардан кўтарила бошлаган навкарлар энди етай деганда, ўзини минорадан отадию... учиб кетади.

Соҳибқирон ишора қилди. Амир Жондорнинг ўзидан махсус таълим олган навкарлар кўринмас енгил ҳаракатларда уни бир зумда қуролсизлантириб, қўлларини орқасига ўтказган ҳолда кишанладилар.

— Устабошидан қанча ақча олдинг?!

— Учиб кетди...

— Алдамоқни касб айлаган бу нобакорни устанинг урнига дорга осинглар.

Дунё тошга айланди. Қимирлаб бўлмасди. Илоё, бу Жондор ўз бошини ўзи есин! Ҳозир жон аччиғида билганини гапира бошласа... Кимнинг боши омон қолади? Ҳеч кимни! Мажлис аҳлини тошга айланган дунё тобора қисиб келарди. Ҳаво қолмаганди.

— Гувоҳларим бор! Сўранг!.. Учиб кетди!

Жони кўзига кўринган Амир Жондор, наҳотки, бошқаларни унитган бўлса? Охир ўзингни ҳам ўйларкансан-ку, энагар! Сендан ҳам қутилар кун бор экан-ку! Нима иш қилсак, елкамизда соянг қоровул — еган-ичганимизни заҳар қилдинг-ку! Бу беш кунлик дунёни биздан қуриқлаб хизматда ўтказдинг? Энди хизмат ҳақингни ол, Жондор! Ол, укагар!..

— Ҳақиқат қилинг, соҳибқирон! Ит қавмида ўлиб кетавераманми?! Мана бу ҳам кўрди! — у ёнидаги навкарлардан бирини бош силкиб кўрсатди. — Кучада яна ўнта гувоҳ турибди!.. Учиб кетди!..

— Жондор, хотинга менгзаб кўп шангиллама!..

Соҳибқирон навкарга гапир дегандай тикилди. Навкар Амир Жондорга бир қараб олди.

— Учиб кетди. Зиналардан югуриб чиқиб, оёғидан тутаман деганимда учиб кетди. Мана бундай қилиб...

У қанот қоқаётган қушга тахлит қўлларини силкитди.

Соҳибқироннинг кўзида энди қизиқиш пайдо бўлди.

Кучадаги гувоҳлар ҳам сўроқ қилиниб, улар ҳам Амир Жондорнинг айтганини тасдиқлагач, соҳибқирон узоқ сукутдан кейин «тавба» деди, холос. Сўнг яна бир бор истиғфор айтгач:

— Оллоҳнинг хоҳишига шак келтиролмаймиз, — деди ўйчан овозда. — Уста... Худонинг суйган бандаси экан. Уни гийбат қилганларга Оллоҳ жазо бергай!..

Мажлис аҳли ўзининг асл ҳолига қайтганини сизди. Соҳибқирон ортидаги дераза панжарасидан осмоннинг мовий бир бўлаги ҳали дунёнинг борлигини билдиргандай кўринди.

— Қачон йўлга тушди?

— Ярим тунда.

— Ҳамроҳлари ишончли одамларми?

— Хавотир олманг.

— Исму шарифини не дердилар?

- Муҳаммад Карим.
- Ҳозир не деб атадиларинг?
- Муҳаммад Салим Саройи.
- Нечун Саройи?
- Уста Саройи улусидан, соҳибқирон.
- Саройилардан ҳам уста чиқар экан-да, Жондор.
- Отаси Бухородан кучиб борган. Хўжа Баҳоуддин Нақш-бандийнинг муридларидан.
- Гувоҳликка ўтганлар маҳкам одамларми?
- Худога шукр, одамларим бир сўз, имонли.
- Устага нима учун Туркистонга бораётганини айтдиларингми?
- Хўжа Аҳмад Яссавий мозори устига Турон даштининг тўрт тарафидан кўриниб турадиган мақбара қуришига бош бўлмоғини айтдик.
- Фақат Муҳаммад Каримлигини унутсин.
- Унилади, соҳибқирон, унилади...
- Энди бор, Жондор... Шошма... Қирқ қулоқли дошқозон буюринглар. Насиб этса, мақбара битганда, ўзим зиёратга бориб, элга ош бераман.

Парвардигор! Кўзларим қумга тўлмасдан, ёруғ дунённи кўриб турибди. Бошим елкамда. Кўнглим тўла сенга бағишланган ҳамду сано! Ё раҳмон! Ўзинг Меҳрибонсан! Сенга иймон келтирдим ва сенга суяниб таваккал қилдим! Жонимни қайтариб бердинг. Энди бу ишда ҳам ўзинг раҳнамолик қил! Улуғ Хўжа Аҳмад Яссавийнинг сендан қувват олган руҳи мададкорлигида бир иморат қурайким, буюрганларидай Турон даштининг тўрт тарафидан кўриниб турсин! Тангрим, илҳом бер! Ишқингда жонимни янада кўйдир! Чексиз адирларингдан ўкириб ўтиб боряпман... Кўзларимда ул зоти олиянинг муборак чехралари... Шамолда ҳилпираётган ҳарир юзпарда... Шамол!.. О! Иморатнинг сурати кўнглимга тушди... Тангрим! Фақат шамолда юзпарда хилпираб турсин... Фақат...

## Жоду

Умрнинг ўтиши — кўз юмиб очгунча.

(Б о б о м н и н г г у р у н г и д а н)

Эркак чой қўйди.

Хаёлланиб деразадан пастга қаради. Бекатга етиб келган автобусдан йўловчилар бирин-кетин туша бошладилар. Шафтолиранг кўйлакли аёл ўзини ерга ташлаши билан эркак ноҳос шамол теккандай ҳаракатланди. Юзини тириштириб, елкаларини энгил йиғганча, энгашгандай бўлди. Югуриб ташқари чиқди. Лифтнинг тугмачасини босди. Қайдадир пастда кўзгола бошлаган кабинани кутишга сабри чидамай, пастга югурди. Аёл у яшайдиган гугурт қутисимонанд тўққиз қаватли иморатнинг бур-

чагидан айланиб ўтиб, ўзининг уйига элтадиган йўлкага эндигина қадам ташлаган эди. У ўзи томонга шиддат билан яқинлашиб келаётган эркакка кўзи тушгач, жилмайди.

— Сиз мени кўрсангиз доим жилмаясиз, — деди эркак етиб келар-келмас.

— Ҳўш? — деди аёл кулгуси янада чиройлироқ тортиб.

— Мени жоду қилганмисиз-эй... Сизни кўргим келаверади.

— Ҳа, мен жодугарман.

Аёлнинг табассуми чидаб бўлмас даражада гўзаллашди. Эркак энг катта гапини айтмоққа оғиз жуфтлаганини сезган аёл уни тўхтатди.

— Илтимос, кўчани гапи эмас...

— Бўлмаса, қаерда айтай?

Аёл шарақлаб кулиб юборди.

— Юринг, бизнинг уйда айтарсиз.

Улар кўшни беш қаватли иморатнинг учинчи қаватига бесўз кўтарилдилар. Ичкари кирдилар. Аёл йўлкадаги чироқни ёқиб, эшикни қулфлади.

— Эҳ! — деди эркак, — газга чой қўйган эдим, эсимдан чиқибди. Бориб ўчириб келай...

Аёл лабларидаги ўша чиройли жилмайиши билан унинг кўзларига тик қаради.

— Мен — Жодугарман! — деди у. — Сизни жодулаб қўйдим. Энди бу уйдан чиқиб кетолмайсиз.

— Ойи, дадам келмаяптилар-ку, — деди дадасини ҳар лаҳзада соғинадиган қизи.

— Боғчада қилолмаган инжиқлигингни уйда қиласан... Даданг энди келмайди.

Унинг овози майда ёмғир ёғаётгандаги ҳовуз сатҳидай титрарди.

— Нега келмайди?! Нега келмайди?!

Онасининг овози кутилмаганда қатъий жаранглади.

— Даданг ўлди.

Қиз гарангсиб бориб, деразага қаради. Кўшни беш қаватли уйнинг олдида қатор-қатор одамлар ўтирарди. Чопон кийишган, бошларида дўппи. У бирпас дераза ойнагига бош тираб тургач, ичкарига бурилди.

— Болам, шу ердамисан?

Эшикда қирқ ёшлардаги ўгли кўринди. Қулида китоб.

— Китоб ўқийвериш оламдан беҳабар қоласан, болам! Бобонг қазо қилибди, жанозага бор. Каттангни ҳам олиб ол. Оёғимда жон бўлганда, мен ҳам борардим.

Ўғил орқасига қайтаётганда, она уни яна тўхтатди.

— Ошхонада чойнак тақирляпти. Кимдир чой қўйиб, эсидан чиқарган кўринади. Менга бир пиёла чой дамлаб бер-да, бора-вер...



Исмоил Тулак етмишинчи йилларнинг бошларида адабиётга кириб келган авлоднинг вакили. Таниқли шоир. Қатор дostonлар ва шеърый китобларнинг муаллифи. Ижодни илм билан биргаликда олиб боради. Филология фанлари доктори. Андижон Давлат дорилфунунида талабаларга адабиёт фанидан сабоқ бериб келмоқда.

Исмоил Тулак бу йил эллик ешга тўлди. Биз ижодкорни табриклаб, журнал-хонларга янги шеърларидан намуналар ҳавола этаётирмиз.

Таҳририят.

Исмоил Тулак

## МУҲАББАТНИНГ РУҲИ ЁНДИ КЎЗИНГДА

\* \* \*

Мен нимадир демоқчи эдим,  
оғиз жуфтлаб  
айтолмадим лек.  
Сен ҳам недир демоқчи эдинг,  
аммо туравердинг  
одатдагидек.

Кўзлар маъюс,  
бир-бировга жим  
термиларди,  
киприқда қадар.  
Бу қандай сир,  
қандайин тилсим,  
қалблар икки томон  
кетмоқда бадар?!



Мен нимадир демоқчи эдим.  
Четга боқдим.  
Оғиз жуфтладим.  
Бир хўрсиниқ келди-ю,  
қаддим —  
эгдим,  
томоқ қирдим,  
туфладим.

Сен ҳам недир демоқчи эдинг.  
Узоқ тикилдингу  
маъюс япроққа,  
бир қултум тупукдек  
ютдинг сүзингни...

...Аста чукиб боради қаддинг,  
айлана боради суроққа.  
Йуқотиб қуясан зумда узингни...

...Барг узилди.  
Тупукни босди.  
Барг узилди.  
Қунди юзингга.  
Барг узилди.  
Унинг шохига  
тахқирланган севги  
узини осди.  
Барг узилди.

Муҳаббатнинг руҳи  
ёнди кўзингда...

Мен нимадир демоқчи эдим...  
Сен ҳам недир демоқчи эдинг...

\* \* \*

Мусофирман.  
Шаҳар менга бегона.  
Одамлар нотаниш,  
тиллари ўзга.  
Мен эса  
кўчада мағрур, мардона  
юраман,  
таассуф қилганча ғозга.  
Йулдан адашганман,  
борар жойим йуқ,  
Қайтиш ҳам адашиш,  
олдга юриш ҳам.  
Лекин хотиржамман,  
кўнглум эса тўқ,  
Ёлғиз меникидай бу ёруғ олам.  
Биздан мағфиратин аямас Оллоҳ,  
тасодиф юз берар,  
мана шу сўлим  
шаҳарда  
қаршимдан чиқасану оҳ,  
куксимга бош қуйиб йиғлайсан,  
Гулим...

## Отчопарда

Шон-шуҳрат майдони.  
Қоқилди тулпор.  
Суворий юзтубан кетди.



У, даҳшат.  
Асабий қадамлар...  
Уртада пул бор...  
Нигоҳлар безовта,  
кунгул бешафқат...  
Эгасиз тулпор-чи,  
ўнглари ўзин,  
мағлуб суворийга тикканча кўзин  
аста яқинлашар.  
Қаршисида жим,  
содиқ дўсти каби букади тизин.  
Кўзидан шашқатор ёшлари оқар,  
Лаблари титрайди,  
юраги абгор...  
Оломон ичидан бир аёл боқар,  
бу мудҳиш ҳолатга ғариб ва ночор.  
Бошида оқ рўмол,  
қуксида гул бор,  
Юзида ҳайратнинг муҳри — заъфарон.  
Оҳ, бирдан энтикиб кетади тулпор,  
аёлга нигоҳи тушгани замон.  
Бир етим тулпорнинг,  
бева аёлнинг  
нигоҳий дардлари тутар майдонни.  
(Бу ерда ўрнимас энди саволнинг.)  
Қолгани бариси уйлайди шонни.  
Бир бора бағрига босмаган полвон —  
азасин очгани кетаркан Аёл,  
унга ҳамроҳ бўлар — ушалмас армон —  
бир ўғил туғмоқ-чун қилинган хаёл...

Уйин давом этар,  
томоша текин,  
Отбоқар тулпорни кетар етаклаб.  
Эл оғзига элак тутишлик қийин,  
эртага  
бу ҳақда  
туқир эртаклар...

● ● ●

*Ҳомон Бек*

## КЎНГЛУМ ҚИРҒОҒИДАН УЧГАН ОҚҚУШИМ

### Илтижо

*Соф табассум туғилмас лабда,  
Ибтидоси анча мураккаб.  
Бунинг учун муҳими қалбдан  
Туғилиши керак мурғак қалб.*

*Соф табассум мўмиёдек асил,  
Қиздек кўҳли, қимиздек хуштаъм.  
У опичиб олиб инсонни,  
Уча олар юксакроқ қушдан.*

*Соф табассум гўёки дазмол,  
Оширмай бош чиқимларини,  
Йул-йулакай текислаб утар,  
Пешонанинг гижимларини.*

*Соф табассум, о, илоҳий сас,  
Қанотин еч тутқун кумримни,  
Эвазига ҳадя этаман  
Бор-йўғимни, бутун умримни.*

## Эслаш

*Куюқ кипригингиз қаърида кетган,  
Оқарган сочимнинг ҳақиқий ранги.  
Чўгда лахча куйган, тамғадек ботган  
Куксимга кулгунгиз биллур жаранги.*

*Эй жоним, қатига ёдини қадаб,  
Кунглум қирғоғидан учган оққушим.  
Ҳар сафар шеър битсам мен сизга атаб,  
Ҳапқириб кетади мажруҳ қалб қушим.*

*Балки унутгансиз, гушангга ҳатлаб,  
Ёт гуша эркаси бўлганингиздан.  
Мен инграб келурман, чўгга босиб лаб,  
Сиз-ла айро тушиб қолганимиздан.*

*Уйламанг, ёзганим етса гар сизга,  
Аламим тўқардим сатрлар аро.  
Ахир, нетай, булак бирорта қизга,  
Кунгул қуйолмасман мен бахти қаро.*

*Айрилмаганмиз, йўқ, ҳали ҳар қалай,  
Рухим шу девона уйга ўрайман.  
Ҳануз тушларимда сизга бир талай,  
Гулдасталар тутиб имдод сурайман.*

## Армон

*Кечаларим оғир кечди,  
Сенсиз кечган кечаларим.  
Икки чашмим остонангга —  
Юлдуз сочган кечаларим.*

*Шум фироқнинг зил дардидан,  
Товонларим толиб кетди.  
Бўгзин тилиб чиққан оҳим  
Томоғимда қолиб кетди.*

*Қайтмоқ азоб, узимдек хор —  
Кузни бирров ёдлаб ўтдим.  
Нураган ишқ обидаси —  
Хазонларни ҳатлаб ўтдим.*

*Гулим, нима қилиб қўйдинг,  
Қалбсиз қолдим кузга кириб?!  
Мен кундага айланаман,  
Сен яшайвер юзга кириб...*

## Иқроп

*Кириб келдим нафратим кийиб,  
Оловларим жиловлаб аранг.  
Нафратимни ечиб, лаълингга  
Илиб қўйди иссиқ истаранг.*

*Ой ютинди, чеҳранг ранжида  
Тун сочингни турмаклаб кетди.  
Кулдинг, қаҳрим гилофга кирди,  
Кулдинг, меҳрим куртаклаб кетди.*

*Кулавердинг, кўнғироқ зулфинг  
Жаранглари бутун танамда.  
Бас, яғонам, мажнунваш кўнглум  
Бор гуноҳинг кечди, чамамда.*

## Ибтидо

*Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Майдек мастон лабларинг ёнди.  
Ёногингда ярқиради, ёр,  
Мен бир умр излаган ёмби.*

*Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Тушлар жилди хотирдан йироқ.  
Тушиб келди ойдин чакканга,  
Зимистондан икки кўнғироқ.*

*Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Гул тамшанди муаттар тотдан.  
Ўша ондан, мен — жажжи тўрғай  
Нафас олдим адабиётдан.*

**Усмон Бек — Тошкент вилоятининг Паркент туманига қарашли Чанги қишлоғида туғилган. Уймакор устачилик ҳунари билан шуғулланади. Шеърни кўнгул ихлоси деб билади. Шу боисмикин, битикларида самимият уфуриб туради. Журналда ilk бор эълон қилинаётган ушбу шеърларини ўқиш мобайнида спз ҳам бунга ишонасиз, азиз журналхон.**

## МЕН СЕНИ ИЗЛАРМАН...

### Сонет

*Тушларимга кирасан оқ либосли ҳур бўлиб,  
Бошдин-оёқ ул ойдан таралгучи нур бўлиб.  
Жозибасан, сен томон талпинади сайёр жон,  
Танам қўймас меҳмонин кузда ёшим дур бўлиб.*

*Оҳ, шунчалар азизсан, оҳ, шунчалар кадрдон,  
Ун бор яшаб бу дунёда, бундоқ ҳузур топмас жон.  
Гуё жоним сагиру, сагирхона бу жисмим,  
Волидайни келганда қўйивормас қилиб қон.*

*Уйгонаман. Карахтман. Яшин урган дарахтман.  
Эл наздида нуфузли. Лек ўзимча бадбахтман.  
«Қуҳи нур»ин йўқотган Хожа савдогар мисол,  
Лухтаки бозорману, ҳушёр эдим, карахтман.*

*Кўзим юмгум. Сен йўқсан. Кутарман мажбур бўлиб,  
Тушларимга кирасан оқ либосли ҳур бўлиб.*

### Шодмарг қўшиғи

*Чап кўкрагимда унган ғам ковулин сўлдирдинг,  
Тунган дилим ҳижрондан шодлик ила тўлдирдинг,  
Бошдин-оёқ кўз ўлдим, кўзларимни кулдурдинг —  
Ўлдурдинг ёр, ўлдурдинг, мени дилдор ўлдурдинг!*

*Жисмим кўзу, кўзлар ёш, қайноқки, қайда бардош,  
Оху-ла бўлдим сирдош, Лайлолигинг қилди фош,  
Сен — Робия, мен — Бектош, сажжодам шу қалам қош,  
Ўлдурдинг ёр, ўлдурдинг, кўзи хуммор ўлдурдинг!*

*Сен бир назар солдингу, тўлди-тошди тугёним,  
Анзоби дил эриди, ҳаддан ошди тугёним,  
Бузилди бу андиша йиллар қурган тўгоним,  
Ўлдирдинг ёр, ўлдурдинг, чун, Мусовор ўлдурдинг!*

*Сен бу ёруғ дунёсан, мен йўлдошман, мен бир ... эш,  
Атторга ишқ дўконин очиб кетгучи дарвеш,  
Аё, жисми бегонам, аё, руҳи мангу хеш,  
Ўлдурдинг ёр, ўлдурдинг, мени хуштор ўлдурдинг!*

*Билмас бу ободликни, дунё суриб турганлар,  
Кўрмас бундай шодликни, тилло қаср қурганлар,  
Сурмас бундай ҳузурни, бангу-шароб урганлар,  
Ўлдирдинг ёр, ўлдурдинг, мени ҳушёр ўлдурдинг!*

*Бундоқ ўлимни орзу эта билмас бетоблар,  
Мундоқ ўлимни истаб йиғлар қутб-ла актоблар,  
Андоқ мани ўлдурдинг — сенгача очиқ боблар,  
Ўлдурдинг ёр, ўлдурдинг, шодмаргиёр ўлдурдинг!*

## Сен қани — Мажнун?

Мажнундан «Кимсан?» деб сұрашса,  
«Лайлиман», деган экан.

Р и в о я т

*Сенга боқиб, сени тополмам нечун,  
Мен сени изларман соғиниб дилхун,  
Оҳ, сенда Лайлини кўрурман бутун,  
Сен қани, сен қани, сен қани — Мажнун?*

*Юришларинг — Лайли, туришинг — Лайли,  
Дунёни эшитиб, кўришинг — Лайли,  
Севишинг — Лайлию, урушинг — Лайли,  
Сен қани, сен қани, сен қани — Мажнун?*

*Офтобим — ой бўлдинг, ҳилол — тўлмаган,  
Лайлига боқурман. Лайли — улмаган,  
Лайли — Лайли эрур, Мажнун бўлмаган,  
Сен қани, сен қани, сен қани — Мажнун?*

*Қуёшдин ой туққан сабъаи сайёр —  
Эдик бу осмонда — буржи ақрабвор,  
Ҳар қайсимиз, ҳар Лайлига бўлдик ёр,  
Сен қани, сен қани, сен қани — Мажнун?*

*Жавҳар чоғи, майли, турфа паймона  
Ичра ҳосил бўлдик ул нутфадона,  
Мену сендан таркиб топди замона,  
Сен қани, сен қани, сен қани — Мажнун?..*



*Сафия Дилхун*

## ҚАЛДИРҒОЧ ТИЛИДА ЭРТАКЛАР АЙТДИ

\*\*\*

*Қошгинангнинг қаросига хаёлларим боғланди,  
Ҳижронингнинг балосидан ошиғ дилим доғланди.  
Боролмадим, кўролмадим қарогина кўзимни —  
Ора йулда сарсон бўлди жоним менинг — муҳаббат!*

*Булбулларга куйлаб бердим, куйик дилда боримни,  
Япроқларга ёзиб битдим бугзимдаги зоримни,*

*Суйолмадим, туйолмадим бургут қараш норимни —  
Лолаларга найсон бўлди қоним менинг — муҳаббат!*

*Лабларингнинг ҳилолида қолиб кетдим, тўлин ой,  
Қўлларингга тилло узук солиб кетдим, тўлин ой,  
Хаёлларинг ўзим билан олиб кетдим, тўлин ой,  
Ҳаётингда мангу қолсин номим менинг — муҳаббат!  
Қошгинангнинг қаросига хаёлларим боғланди...*

\* \* \*

*Соврилса соврилди юрак қурмағур,  
Қалдирғоч тилида эртақлар айтди.  
Душвордир мен куйлаб кейин ўлмоғим,  
Йиғлаб куйламоқни қушлар ўргатди.*

*Алвидо айтаман қушлар тилида,  
Ҳилолланиб турган ишқ юлдузига.  
Бир куни... Сингиблар кетасан, билмай —  
Меҳримнинг милтиллаб кулган кузига.*

*Севилса севилди юрак қурмағур,  
Қалдирғоч тилида қушиқлар айтди.  
Бўйнида кузмунчоқ, қўлда косови —  
Изимдан муҳаббат исириқ тутатди.*

*Қанот қоқмоқ бўлдим булутлар сари,  
Кўзларимни ёпди, ним яшил барглар..  
Қулоғимдан кетмас шудринг озори,  
Куйламоқ бўлади куйчи ирмоқлар.*

*...Севилса севилди юрак қурмағур...*

\* \* \*

*Сизга ёздим номсиз номалар,  
Номаларим моҳларга элтинг.  
Ошно бўлмоқ истар нолалар,  
Нолалардан ўғирлаб кетинг.*

*Билмам, надир гуноҳим маним,  
Оҳларимга никоҳлар ўқинг.  
Баҳорлар ҳам бўлдилар ғаним,  
Мени бахтдан ўғирлаб кетинг.*

*Керак эмас дилозор ғамлар,  
Дилхун дилни эркалаб утинг.  
Қон йиғлайди саҳарлар, шомлар,  
Саҳарлардан ўғирлаб кетинг.*

*Олиб кетинг мени оҳлардан,  
Оромларга қўлимни тутинг.*

## Ишонмасман

Сени, жоним, еру кукка,  
жаҳонларга ишонмасман,  
Агар умрим тугар бўлса,  
омонларга ишонмасман.  
Лабимда токи исмингдир,  
ҳаётим гул исидан шан,  
Инимдек дардкашим бор-ку  
ёмонларга ишонмасман.  
Менга дунё зиёд берди  
саодатга тулуг бахтдан,  
Азизам, сендан айру кун

## Умр

Кўз юмиб очгунча дерлар  
ўтадир осон умр,  
Кимгадир ташвиш, машаққат,  
кимгадир даврон умр.  
Чархи даввор кемасида  
соғ-носоғ қалқиб келур,  
Кимнидир у этди хуррам,  
кимнидир яксон умр.  
Тан — вужуд бир мамлакатким,  
бору йўқ қилгай ақл,  
Гоҳида қулдай ғарибу  
гоҳида ҳоқон умр.  
Ўйлаким, сендан кейин,

ва онларга ишонмасман.  
Хавотир олма дустингдан,  
қайён борсам омон қайтгум,  
Оёғимга илашган хас-  
хазонларга ишонмасман.  
Нигоҳингдан садоқат ҳам  
фидоликни уқурман кўп,  
Гуҳар-аччиқ сўзинг, шаккар  
забонларга ишонмасман.  
Аъмолимга мунаққашсан,  
дегай Жамшид узинг танҳо,  
Сенинг билан ҳоқон бўлдим,  
ҳоқонларга ишонмасман.

не нишон қолгай рафиқ,  
Ё торож, ёким бинодир,  
барига имкон умр.  
Қайга борди давлатию  
қайга кетди сарвати,  
Юққани — ғони ҳалолим,  
боққани — деҳқон умр.  
Сенга кўп қавму қариндош  
то қўлингда бор амал,  
Гоҳ ҳақиқат, гоҳ жаҳолат  
қутбида сарсон умр.  
Жамшидо, кечган ҳаётинг  
сарҳисоб қил ҳозирок,  
Мункайиб қолган чоғингда  
бўлмасин армон умр.



*Аҳмад Аутфий*

## Учинчи китоб

# ҲИЖРАТ ЮРТИДА ТОНГ

Даврон таржимаси

*Атрофни ураб о.ган хушбуй ваҳий қучоги,  
Малаклар ила бирга Жаброил келган чоги,  
Таъсис бўлди у ерда буюк ирфон учоги,  
Бир ёнда шонли Бадр, бир ёнда Уҳуд тоги,  
Қароргоҳи Набийдир, Мадинанинг тупроғи.*

*Кунгил у ерда топура шифони ҳар дардига,  
У ердан йул топилур Роббимнинг жаннатига.  
Минг салом, минг таҳийя у шаҳарнинг аҳлига.  
Хоҳ «Ясриб» дейсизми, хоҳланг, гузал «Мадина»,  
Танлагандир юрт дея Ҳабиби Адибига.*

*Шаҳид қони анқийди қирлари, тоғу тоши  
Қизиди у тупроқда буюк иймон кураши,  
Булди бир Доруссалом, эзилди куфр боши  
Бир улкаки, олтидан қийматли тоғу тоши,  
Юксалур ҳурмат ила қуйилган мазор тоши.*

*Нур гулдир саҳроси, нурдир яшил қуббаси,  
Малакларга урнақдир ҳам Ҳазраж, ҳамда Авси.  
Абу Бақри, Умари, Зайнаби ва Ойишаси...  
Бир улкаки, масжиди — гузал жаннат боғчаси.  
Уша ердан юксалди жаҳонга азон саси.*

---

Давоми. Бошланиши утган сонларда



Мадинанинг Бани Нажжор маҳалласидаги болохонали му-  
борак уй...

Унинг бошқа уйлардан фарқли бир аҳамият олиши мумкин-  
лиги шу кунгача ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган эди. Ҳатто  
хонадон соҳиби Абу Аййуб Холид ибн Зайднинг узи ҳам неча  
соатлар аввал бу уйда фаришталар Набийлар Султони пайгамба-  
римизни (с.а.в.) кутиб олиш шодиёнасига тайёргарлик кўрган-  
ликларини ҳаёлига келтирмаган. Бу хонадонда борлиқ оламини-  
нг яратилишига сабаб бўлган, Оллоҳнинг энг охирги ва энг буюк  
пайгамбари меҳмон бўлади. Унинг бу ерда тўхташини, бу ерда  
қўним топишини, бир қараганда, уй соҳиби Абу Аййуб истади,  
аммо ҳақиқатда буюк Оллоҳ тақдир этган эди...

Бошини кутарган ҳолда бир унга, бир чапга буриб илгари-  
лаётган туя бу хонадоннинг остонасига ўз хоҳиши билан чўк-  
маган эди. Зеро, Набийлар Сарвари бу туя хусусида: «Унга  
тегманглар, у маълум бир вазифага маъмурдир», деб таъриф-  
лаганлар. Бинобарин, белгиланган жойдан бир қадам ҳам у ёқ-  
бу ёққа утиб кетиши имконсиз эди. Бутун дунё бирлашса ҳам,  
уни шу чўккан жойидан бошқа бир ерга чўктиролмасди.

Бошига бахт қуши қўнганини кўриб, кўзлари севинч ёшлар-  
ига тўлган Абу Аййуб тушда ҳам кўрилмайдиган бир толе-  
нинг узига насиб этганини ҳис этди. Пайгамбаримизга:

— Эй Расулуллоҳ, сиз лутфан юқорига чиқинг, мен аёлим  
билан пастда тура қоламиз, — деди.

— Эй Аййуб, бизга ва бизни кўргани келганларга қулайроқ  
ер пастки қаватдир...

Эътирозга урин қолмади. Эру хотин шу кеча Расулуллоҳ  
(с.а.в.) жойлашган хонанинг устида қандай ётиб-ухлашларини  
тасаввур этдилар. Хонанинг бир бурчагига қисилиб ётишдан  
бошқа чора йўқ эди. Аммо иш шу билан битмади. Обдаста  
ағдарилди. Дарҳол ёпинчиқ кўрпаларини сув устига ташлади-  
лар. Пастга чакка ўтиш хавфи така-пукаларини чиқараётган  
эди. Ҳеч кимга насиб бўлмаган саодат бу кеча уларга насиб  
этган, энди қўлдан келганча ҳурмат ва икром кўрсатиш ло-  
зим бўлган бир пайтда, тепаларидан чакка утказиб юборил-  
са... Ахир, Набийлар Сарвари уша заҳоти уйқуга толган бўл-  
саларда, йўл чарчоғи ҳали кетмаган эди.

Уйда ёпинадиган бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Абу Аййуб билан хотини шу кеча неча бор уйгондилар.  
Ҳар уйгонганларида «Расулуллоҳ (с.а.в.) пастимизда ётибдилар,  
биз булсак, у кишининг устларида бемалол дам олиб ётиб-  
миз», деган хижолатли туйғу ҳеч тинчлик бермасди.

Тонг отгач, Расулуллоҳга (с.а.в.) яна юқорига чиқишни так-  
лиф этишди. Расули Акрам (с.а.в.) яна айни жавобни бердилар.  
Бу кез Абу Аййуб одоб, иймон ва виждон азобидан сизиб  
чиққан бир ифода билан:

— Қачонки сиз пастда қоларкансиз, биз юқорига чиқа ол-  
маймиз, эй Расулуллоҳ — деди. Бу самимий ифодалар ўринлар  
алмашиши учун гузал бир восита бўлди.

Нонушта қилинди. Қуёш бир миқдор кўтарилди. Бани Нажжор оилаларидан ёш-ёш қизлар даф (чилдирма) чалиб, бир овоздан:

*Нажжор қизларимиз биз, не саодат, не саодат,  
Қушни булдилар бизга пайгамбари Муҳаммад (с.а.в.),*

байтини ўқий бошладилар. Набийи Акрам (с.а.в.) ташқарига чиқдилар, кулимсираган ҳолда:

— Сизлар мени яхши кўрасизларми? — дея сурадилар.

— Ҳа, эй Оллоҳнинг расули, яхши кўрамыз, — деган жавоблар янгради.

— Оллоҳга касамки, мен ҳам сизларни яхши кўраман. Валлоҳи, сизларни севаман. Оллоҳ шоҳидки, кўнглим сизлар биландир, — дедилар Сарвари Олам (с.а.в.) тўлқинланиб.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) зиёратга келганлар билан кўришдилар. Мадинани айлангани кучага чиқдилар. Ўрни булди дегунча дўстларига Ислом динининг аҳқомидан оғиз очардилар.

Бу орада яҳудий олимларининг катталаридан Абдуллоҳ ибн Салом ҳам Расулуллоҳнинг суҳбатларини эшитиб қолди.

— Эй инсонлар, ораларингизда саломни ва саломлашишни йўлга қўйинг. Меҳмонларингизга икром кўрсатинг. Қариндош-уругингизга ҳурмат билан муомала қилинг. Ҳамма уйқуга кетса, сиз Оллоҳга ибодат қилинг, саломатлик ила жаннатга киргайсизлар! — дер эдилар у зот.

Сузи гузал, дилбар, нутқи виқорли бир шахсият эдилар. Абдуллоҳ у ердан кетар экан, ичида типирчилаган бир туйғу тилга кирди: «Бу чеҳранинг эгаси ёлгончи бўлолмайди».

...

Уша кеча Хуайй ва Абу Ясир исми икки яҳудий ака-ука, уйларига сулгин бир ҳолда қайтдилар. Бошлари эгик, қўллари толгин, ияклари осилиб кетган. Гуё даҳшатли бир нарса руй бергандек ё бирор нохуш хабар олгандек ёки ҳақоратлангандек эдилар.

Хуаййнинг қизи Сафиййа ҳар оқшом отасини йўлдаёқ қаршилар, кучогига отилар эди. Бу оқшом ҳам узоқдан кўрибоқ чопқиллаб келди, аммо отаси гуё ҳеч нарса кўрмагандай ёнидан ўтиб кетди.

Ичкари кирдилар. Сассиз-садосиз утирдилар. Вақт хийла утди, лекин кўзларидаги сўлгинлик узгармади. Ниҳоят, Абу Ясир тилга кирди. Бошини кўтармасдан, ердан кўзини узмай, сўз бошлади:

— Сенингча, уша одам ҳақиқатан шумикан?

Хуайй гамгин, кин аралаш оҳангда жавоб қилди:

— Асло шубҳам йўқ, мутлақо уша...

— Яъни, уни танидинг-а, аминмисан шунга?

— Ҳа.

— Хуш, энди нима қилиш керак деб уйлайсан? Бирор фикринг борми?..

— Душманлик ва кин, — деди Хуйайй. — То ўлгунимча, улгим билан мозорга киргунимча кин ва душманлик қиламан...

Шу ерда гап узилди.

Сафиййа ҳам бу гапларни эшитди, лекин ҳеч нарса англамади. Ўлгунича душманлик қилинадиган одам ким эди? Унинг гуноҳи не? Отасига, амакисига ёки оила аъзоларига нима ёмонлик қилган у?

«Ким бу одам, отажон? Бизга нима ёмонлик қилди?» — Сафиййанинг кузларида шу саволлар ёзилган эди. Бу кузлар бир оз сўнгра амакисига ҳам тикилди, аммо жавоб топмади. Отасидан, амакисидан садо чиқмади. Қани қовоқлари очилса. Аксинча, тишлари гичирлар, ҳамон хузурсиз бир ҳолатда эдилар. Сафиййа бу вазиятда бирон жавоб олиш имкони йўқлигини англади.

...

Орадан кунлар ўтди. Сафиййа уйларига келган бир неча яҳудий билан отасининг суҳбатларини эшитиб қолди. Тушуншича, Мадинага бир пайгамбар келган. Маккада уни сиғдирмаганлари учун Авс ва Ҳазраж қабилалари уни бу ёққа таклиф қилишибди. Ҳозир Бани Нажжор маҳалласига ўрнашган эмиш.

Меҳмонлардан бири:

— Купдан бери кутаётганимиз пайгамбар шу эмасми? — деди.

Хуйайй юраги сиқилган ҳолда:

— Ҳа, уша, — деди.

— Нимага унда жим турибмиз? Нега дарҳол иймон келтираяпмиз? Қачондан бери арабларни у билан қўрқитаётган эдик-ку!..

Хуйайй унга «Анқовлик қилма» дегандай маънода:

— Бу одам Ҳорун пайгамбарнинг наслидан эмас, яъни, сен уйлаётган яҳудийлардан эмас. Биз эса, ўз наслимиздан, динимиздан бўлмаган бир пайгамбарнинг кетидан эргашмаймиз! — деди.

Шивир-шивир шу тариқа давом этди.

...

Зиёратга Асъад ибн Зурора келганини хабар қилишган эди, Набийи Акрам (с.а.в.) уни эшиқда кутиб олдилар:

— Марҳамат, эй Асъад, ичкарига кир!

Асъад бир садр келтирган экан, шунга ишора қилиб:

— Буни сиз учун ясагирдим, эй Оллоҳнинг расули, устидан ётиб, истироҳат этарсиз, девдим, — деди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) чеҳраларига қувонч аломатлари инди. Ҳаёя Расулуллоҳни севинтирганини кўриб, Асъаднинг кўзлари ёшланди. Саййидул Анбиё ҳазратларининг бундай арзимас хизматга шу қадар мамнун бўлишларини кутмаган эди.

Аммо пайгамбаримизни хурсанд қилган нарса моддий қиймати жиҳатидан арзимас бўлмиш садр эмас, балки уни ясаттириб, ҳаёя қилган инсоннинг самимияти ва нозик туйғуси эди.

Садр саж дарахтидан ясалган, хурмо новдалари ила туқилган, устига бир буйра солинган.

Самимий ва холис ниятда қилинган бу ҳаёядан пайгамбаримиз (с.а.в.) ҳақиқатан жуда ҳам хурсанд булган эдилар. Шу кундан эътиборан то умрларининг охиригача Асъаддан азиз эсдалик сифатида шу садрда ухладилар.

...

Абу Аййуб билан хоним ҳонадоннинг муборак меҳмонига таом тайёрлаб, дастурхон тузар, ортан қисминигина баракот тилаб узлари ер эдилар. Бошқа мўминлар ҳам қараб туришмади. Улар ҳам покиза ният ила овқатлар тайёрлаб, Абу Аййубнинг уйига келтиришар, Оллоҳ розилигига эришиш умидида Сарвари Анбиёга тортиқ қилишар эди.

Илк сафар 10-11 ёшлардаги бир бола таом келтирди.

— Эй Оллоҳнинг расули, бу овқатни онам бериб юбордилар, — дея маъсум кўзларини пайгамбаримизга тикиб, остонада туриб қолди.

— Отинг нима? — деб сўрадилар Расулуллоҳ.

— Зайд ибн Собит...

Эртанги куннинг буюги Зайд... Оллоҳнинг китобини илк бор расман ёзиб, Ислому умматига абадий хотира қолдирадиган Зайд... Расулуллоҳнинг саҳобалари орасида Ҳазрати Абу Бакр ва Умарлардан (р.а.) илк бора Қуръони Каримни бир жойга тўплаш, ёзиш вазифасини олишга лойиқ қўрилган Зайд... Сунгги нафасигача бу саодат тожигача доғ туширмай яшайдиган ва эртага Роббул Оламийн ҳузурига «хат-ла битилган илк Қуръон» билан борадиган шарафли инсон...

Келтирган овқати сутга нон тўграб ва сариёғ солиб тайёрланган таом эди. Зайд у ердан қалби меҳрга тулиб қайтди. Кетидан Расулуллоҳнинг раҳмат ва баракот тилаб қилган дуолари Олий Девонга етказилди.

— Яхши бор, Зайд. Асрлар давомида сенга кўнгул тула ҳурматлар ва саломлар етиб турсин!..

Пайгамбарлар имоми (с.а.в.) «бисмиллоҳ» деб энди таомга қул чўзган ҳам эдиларки, Саъд ибн Убода тирит<sup>1</sup> билан қайнатма гушт олиб келиб қолди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Аййубнинг уйида эканликларида

<sup>1</sup> Тирит — қиздирилган нон билан гушт суви аралаштирилиб пишириладиган таом.

ҳамма қўлдан келганича иззат-икром қилгиси келар, пайгамбарга хизматларини таклиф этишар, Оллоҳдан раҳмат ва баракотлар тилашар эди.

Бир куни Абу Аййуб идишни олгани кириб, хоними тайёрлаб берган саримсоқли таомга Расулуллоҳ қўл теккизмаганларини қўриб, чўчиб кетди. Расулуллоҳ (с.а.в.) изоҳ бердилар:

— Ичида саримсоқ бор экан.

Абу Аййуб пайгамбаримизнинг нима демоқчи эканларини тула тушунмади.

— Саримсоқ ҳаромми, эй Расулуллоҳ! — дея сўради хавотирланиб.

— Йўқ, аммо мен емайман. Чунки мен сен кўрмайдиган ва гаплашмайдиган Жаброили Амин билан рубарама-рубара сўзлашаман, — дедилар.

Шундан кейин Расулуллоҳнинг дастурхонларига пиёзли ва саримсоқли овқатлар қўйилмади.

. . . .

Ҳижрат сафарида устида Расулуллоҳни келтирган туя мутлақо бир фариштанинг, буюк бир эҳтимол ила, Жаброили Аминнинг идораси остида эди. Келиб чўккан жойи эса, Коинот Эгаси тарафидан «Масжиди Набавий» сифатида тайин этилди. Буюк Мавло пайгамбарлар имомининг (с.а.в.) шу ерда Ўзига ибодат қилишини, муборак вужудининг шу ерда қолишини хоҳлаган эди.

Пайгамбар (с.а.в.) бир куни Мадина катталарига туя чўккан майдонни кўрсатиб, масжид қуриш учун сотиб олмоқчи эканликларини айтдилар.

Муаз ибн Афра:

— Бу ер менинг ҳимоямдаги Саҳл ва Суҳайл исми икки етим болага қарашлидир. Мен уларнинг кўнглини оламан, бу ерни эса Оллоҳ ризоси учун бераман, — деди.

Бу таклиф қабул этилмади. Мадиналикларнинг, ҳатто майдон эгалари бўлмиш етим болаларнинг самимий таклифлари ҳам рад этилди. Ҳазрати Абу Бакрдан (р.а.) қарз олиб, ернинг ҳақини бердилар.

Шундай қилиб, Расули Акрам (с.а.в.) ўз ҳурматлари учун яратилган дунёдан бир масжид қуриш учун озгина ерни ҳам пулларига сотиб олдилар.

Муаз билан дўстларининг таклифлари моддий жиҳатдан рад этилди. Лекин иш бу билангина битмас эди. Бундан бу еги энди қалбларнинг асоридан воқиф бўлган Буюк Мавлога оид йуриқ ила бошқариладиган, маънавият оламидаги муомала унга кўра юритиладиган бўлди. Оллоҳ таоло бу таклиф эгаларининг мақсад-гояларини биларди. «Майдонни биздан ҳада сифатида қабул этинг», деяётганлар бу сўзларини тил учида айтяптиларми ёки чин кўнгилдан айтяптиларми? Хуллас, таклифларга Олий Девонда шу томондан қараладиган, шу жиҳатдан баҳо бериладиган бўлди.

Масжид қуриладиган майдонда бир неча туп хурмо бор эди, кесилди. Илгари у ерга кумилган бир-икки мушрикнинг қабри очилиб, суяклари бошқа жойга кучирилди. Ер текисланди. Бир ёндан гиштлар қуйила бошланди.

...

Расулуллоҳ Мадинани шарафлантирган илк кунларда мусулмон булганлардан бири Умму Сулайм хоним эди. Эри Малик Ислонни қабул этмади. Ун ёшга қадам босган бир угиллари булиб, исми Анас эди. Умму Сулайм ёлгизгина Анасининг ҳам Ислонга киришини истарди. Ҳақиқий маънода одам булишини орзу қиларди. Шу сабабдан унга шаҳодат калимасини айтдириш, Оллоҳнинг бирлигига, Маккадан келган буюк муҳожирнинг Оллоҳнинг қули ва элчиси эканига ишонтиришга ҳаракат қиларди. Эри Малик бундан норози эди. Ўзи Умму Сулаймнинг мусулмонликни қабул қилганига қарши, энди угилчасини ҳам шу йулга етаклаётгани сабр косасини тўлдирди.

— Уғлимнинг эътиқодини бузма, — деди.

Хотини бунга жавобан:

— Мен унинг эътиқодини бузмаяпман, — деди.

Эру хотин орасида чиққан мурасасизлик охири бориб жанжалга айланди. Бақир-чақиру сўкишлардан кейин Малик уйдан чиқиб кетди. Иттифоқо, йўлда бир душманига дуч келиб, урушиб кетишди ва Малик ҳалок бўлди.

Анас етим, Умму Сулайм бева қолди. Умму Сулайм Ислонни қабул қилишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатган эрининг улимига кўп маҳзун булмади. Фақат бундан буён динининг буйруқларини бемалол адо қиладиган ва бу масалада унга ҳеч ким тўсқинлик қилмайдиган бўлди.

Бу орада Расулуллоҳ (с.а.в.) тутинган угиллари Зайдни Абу Рофий деган бир мадиналик билан қушиб, йулга чиқардилар. Улар Маккага бориб, у ерда қолган бола-чақаларини олиб келишлари керак эди.

...

Абдуллоҳ ибн Салом Маккадан келган азиз меҳмонни бир мартагина кўрган, суҳбатини олган эди. Ўшанда қалбида кенглик ва роҳат ҳис этган. Бир муддат кутди, тараддуланди. Аммо кунлар ўтган сайин у зотга тобора яқинлик сезаверди.

Бугунги ишни эртага қўймаслик керак. Айниқса, бундай муҳим бир масалага лоқайдлик қилиш яхшилиқ келтирмайди. Отасининг ва бобосининг эшигини қоқиб, «Қани, юринглар энди...» деган ажал бир куни яна келиб қолса, «Эй воҳ!...» деган билан иш битмайди, қабоҳат фақат узига оид бўлади...

«Қатъий қарорга келиш учун бир бориб кўришинг керак, эй Ибни Салом!» деди узига ва уйчан одимлар ила йулга тушди.

Анчадан бери сўнгги пайгамбарнинг зуҳур этиши кутилмоқда эди. У зот Мадинага кучиб келмасларидан олдиноқ жуда

куп сифатларини Таврот орқали танирди. Шаҳарга келган кунлари уни оломон орасида кўрган, қалбида, бундай одам ёлгончи бўлмайди, деб қаноатланган эди. Иккинчи бор кўрганида ва сўзларини эшитганида, бу қаноати янада мустаҳкамлашди.

Яҳудийларнинг бу ишга қарши чиқишларини биларди. Узларидан бўлмаган пайгамбарга икки дунёдаям ишонмасликларини аниқ. Бир неча йил аввал Тавротни ўқиган отаси Саломнинг: «Чиқадиغان бу пайгамбар Ҳорун авлодидан бўлса, унга иймон келтираман ва уни қўллаб-қувватлайман, акс ҳолда, инкор этаман», дегани ҳануз хотирида. Эҳтимолки, отаси бу сўзни ўглига эртага аъзо бўлиши лозим бўлган йулни ўргатмоқ учун сўзлагандир.

Отаси алақачон ҳаётдан кўз юмиб кетди. Тирик бўлганида ҳам иймон келтирмаслигини ўша вақтда маълум қилган. Лекин бу келган киши ҳақиқатан пайгамбар бўлса, унга иймон келтирмаслик қандоқ буларкин? Йилларча Таврот ўқиди. Агар Тавротни ўқиш унга қайсарлик ва инкор келтирса, билатуриб Ҳаққа қарши чиқишни ўргатса, Таврот ўқимайдиган жоҳиллардан ҳам жоҳилроқ саналмайдими? Ҳеч бир аҳмоқ билатуриб ўзини оловга ташлаган одамдан ҳам аҳмоқроқ бўлолмайди, ахир.

Ишни тез ҳал этгани маъқул. Яҳудийларнинг тазйиқи бошланса, балки бундай муҳим масалани ҳал этолмай қолиши мумкин. Ҳисоб кўни Жаноби Ҳаққа: «Яҳудий қавмдошларимнинг сўзидан чиқолмадим, шунинг учун иймон келтиролмадим», дейдими? Ақлдан бўладими шу иши? Шояд бу келган киши пайгамбар бўлмаса, масала ўз-ўзидан ҳал бўларди...

Абдуллоҳ ибн Салом мана шундай ўйлар огушида Абу Аййубнинг эшигига келиб қолди.

— Меҳмонингиз билан кўришмоқчиман, — деди.

Набийи Акмал (с.а.в.) ҳазратларига хабар берилди. Абдуллоҳни ичкарига даъват этдилар. Ҳол-аҳвол сўралгач, Абдуллоҳ асл мақсадга ўтди:

— Ё Муҳаммад, сиз пайгамбарликни даъво қиялсиз? Сизга бир неча савол беришимга изн берсангиз?!

— Бемалол.

— Қиёмат аломатларидан биринчиси нима?

— Инсонларни шарқдан гарбга сурадиган оташдир.

— Жаннатга кирганларнинг илк емиши надир?

— Балиқ жигарининг осилиб турган қисми.

— Бола нима учун отага, онага тортади?

— Эркак суви аёлниқидан утиб, устун келса, бола отага, аёлнинг суви эркакниқидан утиб, устун келса, онага тортади.

Ҳар уч саволга олдинган жавоб Ибни Саломни тўла қониқтирди. Абдуллоҳ яна кўплаб савол бериши мумкин эди, чунки охирги пайгамбар сифатлари ҳақида анчагина маълумотга эга эди. Аммо, инсоф билан қараганда, шунинг узи ҳам кифоя эди. Бошқа нарсасурамади.

— Мен гувоҳлик бераманки, ё Муҳаммад, сиз Оллоҳнинг расулсиз, — деди.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юзларида мамнунлик нишонлари пайдо бўлди. Ҳануз йул чарчоғидан фориг бўлмаган эдилар, деса буларди. Тавротни ўқийвериб сув қилиб ичиб юборган бир яҳудий олими ўз истаги билан келиб иймон келтириши бутун чарчоқларини тарқатиб юборди.

Абдуллоҳ уйига қайтиб, оила аъзоларини туплади.

— Сизларга яширин ва муҳим хабарим бор, — деди.

Қариндош-уруғлари сергакланишди.

— Нима экан у?

— Ҳаётимнинг энг муҳим ва энг саодатли қарорини бердим.

— Тинчликми?

— Оллоҳнинг охирги пайгамбари билан танишдим ва унинг динини қабул қилдим.

— Ростданми? — дея ажабланди аммаси.

— Албатта, ростдан.

— Қандай қилиб Мусонинг динини тарк этдинг? Оллоҳнинг газабидан қурқмайсанми?

— Мен Мусо пайгамбарнинг динини тарк этганим йўқ, аксинча, унинг амрини ва умматига қилган васиятини бажо келтирдим. Бу келган пайгамбарни Мусо, энг сунгги келадиган пайгамбар, деб муждалаган эди. Унга иймон келтирмақ бизнинг вазифамиздир. Агар иймон келтирмасак, Тавротнинг ҳукмини поймол этган бўламиз ҳамда Мусо пайгамбарнинг васиятига амал қилмаган бўламиз.

— Яхшилаб текширдингми? Тагин адашаётган бўлмагин?!

— Текширдим, аммажон, синаб ҳам кўрдим. Боз устига, уни кўрар-кўрмас, эски қадрдонимдай танидим.

Мунозара ортиқ давом этмади.

Уша куни кечки овқатга Абдуллоҳнинг уйига йигилганларнинг ҳаммаси янги динга — Исломга кирдилар.

...

Абдуллоҳ у кеча бир туш кўрди. Таърифи битмас даражада кенг ва кўркем бир боғ, боғ ўртасида булутларни тешиб утгудай бир устун қад ростлаган. Узи ҳам бу устун тагида турган эмиш. Бир садо эшитди:

— Қани, шу устунга чиқ!

— Мен бунга чиқолмайман.

Бу орада уртада бир ёрдамчи пайдо бўлди. Абдуллоҳнинг либосидан тутиб кўтарди. Абдуллоҳ унинг воситасида бемалол юқорига чиқа бошлади. Чиқди, чиқди. Ниҳоят, тепадаги тутқичга ёпишди. Ва маҳкам ўрнашиб олди... Айни садо яна:

— Бу тутқични маҳкам ушла, — деди.

Уйғонганида, қалбида ҳузур-ҳаловат ҳис этди. Пайгамбар (с.а.в.) ҳузурларига шошилди. Кўрган тушини ипидан-игнасиغا ча ҳикоя қилиб берди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) унга қулимсираб, тушини таъвил этдилар:



— Бог Ислом динидир. У устун Ислом устунидир. Ёпишганинг тутқич эса, то улгунингча Исломда қолишингга аломатдир, — деб мужда бердилар.

Кечаги муҳим қарорининг нақадар тўғри ва уринли экани маънавий оламда ҳам тасдиқланган эди. Абдуллоҳнинг кўнгли ҳузур ва сукунатга тўлди. Илмининг фойдасини Ибн Салом шундай кўрган эди.

Уша кўналари нозил бўлган бир оятда: «Куфр келтирганлар: «Сен пайгамбар эмассан», дейдилар. Айтгинки: «Сизлар билан менинг ўртамиздаги даъвони ҳал этишга Оллоҳнинг шоҳидлиги ва Китоб илмидан хабардор (киши) кифоядир»<sup>1</sup>, дейилган эди. Бу оятдаги «Китоб илмидан хабардор (киши)» деганда Абдуллоҳ ибн Салом ва у кабилар назарда тутилганига шубҳа йўқ эди.

...

Макка. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу шаҳарни тарк этганларидан бери у кишидан тузукроқ хабар ололмаган икки қизлари бир кеча эшикларининг оҳиста сас-ла тақиллаётганини эшитдилар. Шу қадар оҳистаки, эшик қоқаётган одам гўё қўшнилари эшитмасин, деяётгандай эди.

Опа-сингилни бирдан ҳаяжон қоплади. Тун ярмида ким ҳам келиши мумкин?! Бир-бирларига тикилдилар ва эшикка қўқинашдилар.

— Ким у? — дея суроқладилар.

— Мен Зайдман.

Шивирлаб айтилган бу калималар опа-сингилдаги кўрқувни бир онда кетказди. Кўнгилларини севинч қоплади. Овоз эгасини дарҳол таниган эдилар. Эшикни очдилар.

— Қалайсизлар, Умму Гулсум, Фотима?

— Яхшимиз, эй Зайд, ўзинг ҳам омонмисан? Отамдан нима хабар бор?

Зайд Жаноби Расулуллоҳнинг (с.а.в.) саломларини етказди. Ўзларини Мадинага олиб кетмоқ учун келганини тушунтирди.

Ниҳоят яхши хабарлар келди, кўнгилларга сув сепилди.

Тайёргарлик узоқ чўзилмади. Умму Гулсум, Фотима, пайгамбаримизнинг хотинлари Савда, энага (Зайднинг хотини) Умму Айман, ўгли Усомалар ҳозирлик кўриб, тез орада йўлга чиқилди.

Бошқа тарафдан Абу Бакрнинг ўгли Абдуллоҳ онаси ва сингисини Ойишани олиб, улар ҳам Мадина сари йўл олдилар.

...

Пайгамбаримиз (с.а.в.) Мадинада яшай бошлаганларига бир ой бўлганида Қубо қишлоғидан эски танишлари — бир неча мусулмонлар кириб келди. Юзларини ғам босган, кузла-

<sup>1</sup> Раъд сураси, 43-оят.

рида маҳзунлик. Одатда дуст дустни курса севинади, аммо дустни гам-ташвишда бўлса, қандай севинади одам?

— Салом бўлсин сизга, эй Оллоҳнинг пайгамбари!

— Сизларга ҳам салом бўлсин, эй қуболик муминлар.

— Аччиқ хабар билан келдик, ё Набийаллоҳ. Кулсум ибн Ҳидм вафот этди...

Ҳақиқатан ҳам аччиқ хабар эди. Бу хабардан Расулуллоҳ (с.а.в.) гамгин булдилар. Қубода Кулсумнинг уйида меҳмон бўлган эдилар. Биродарларини олиб, тезда йулга чиқдилар.

Кулсум, кўп мушриклар қатори, умрини бутпарастликда утказган, сочларини бутга сажда қила-қила оқартирган одамлардан эди. Аммо ҳаётининг охириги йилида Макка тарафлардан эсган ширин бир шамол унга янги бир ҳаёт ва руҳ ҳаёти қилди. Бу шамол унинг кўзларини очди, кечгача олдида бош қўйиб, ибодат қилган бутлари бирор илоҳ бўлолмастигини, улар оддий тош ёки қуруқ ёғочгина эканини англади.

Сўнги йил пушаймонлик йили булди. Ўтган кунларининг зарар ила, зиён ила ўтганини фақат шаҳодат калимасини айтган онда, Маккадан эсган ширин шамолнинг ҳидини жигарларига сингдирганидан кейин англади. Ақлини ишлата олган инсонлар каби яшамаганини, ўзини яратган Роббинини ўйламастан ҳаёт кечирганини тан олди. Шу кунга қадар илоҳ деб билган бутларига ҳақорат назари ила қарамагунча роҳат қила олмасди, кириб парчаланагунча ҳузур топа олмасди.

Ўлим кунининг аста-секин яқинлашиб қолганини ўйлаши уни кўзларда ёш ила Роббининг улуг даргоҳига олиб кетди. Жуда кўп кишилар ҳуррак отиб ухлаётган соатларда магфират ёлворишлари ила инграб турди.

Меҳмоннавоз бир зот эди. Мусофирларга икром қилиб хушланадиган, йуловчиларга ёрдам бериб ҳузур топадиган бир табиат соҳиби эди. Аммо бир куни келиб Оламларнинг Султони, Пайгамбарлар Имоми ҳам унинг уйида меҳмон бўлишини ҳатто ҳаёлидан ўтказмаган эди. Лекин тақдир бу йўлда кўринди, дунё ва охиратнинг танҳо Жаноби унинг эшигига келди. Қарийб икки ҳафтача бу уй Расулуллоҳнинг (с.а.в.) нафаслари ила, муборак борлиқлар ила янгидан иншо этилди, коинотнинг қалби бу уйда ура бошлади.

Кулсум бир жума куни Расулуллоҳни (с.а.в.) Мадинага кузатаркан, ҳаётининг охириги ойини яшаётганини билмаган эди, албатта. Бир ой бурун Кулсум Оламларнинг Султониини саломат юрти бўлмиш Мадинага кузатган бўлса, мана, энди Расулуллоҳ (с.а.в.) уни яна бир саломат юртига, малакларнинг шериклиги ва йўлдошлигида, шундайликча абадий ҳузур ва сукунат оламига кузатиб қўйдилар. Кулсум Оллоҳнинг расулини имконияти борича иззатлади, ҳурмат қилди, Улуг Оллоҳ ҳам расулига икромда бўлганни шаънига лойиқ бир шаклда икром ила ҳурмат этажак, кутганидан зиёда эътибор қилажак.

Улуг Оллоҳ расули энг муҳтож бўлган онда уни меҳмон қилган, икром кўрсатган инсонни унутиб, муқофотсиз қолдирармиди? Бундай бўлишини ҳатто фараз ҳам қилиб бўлмасди.

Зотан, Расулуллоҳ (с.а.в.) пайгамбаримиз, Кулсумни хос бир омонатинг ўлароқ охираат оламига йўлчи қилгин, дея Роббиларига мурожаат қилар, раҳматинг ила, мағфиратинг ила, лутфинг ила ва караминг ила муомалада бўлгин, деб ёлворар эдилар.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ой олдин ўз қўллари билан қурган ва Қубо қишлоғининг азиз аҳлига ҳаёда этган масжидда Роббиларининг ҳузурида туриб, асҳобларига имом бўлиб, намоз қилдилар. Топ-тоза қўллар, топ-тоза кўнгиллар ташиган эди бу масжиднинг тошларини. Бу масжиднинг пойдеворларида фақат Оллоҳга қўллик туйғуси ётади, эришилмас даражада бир ҳурмат ва севги бу муборак бинонинг пойдеворларига жойлашган эди.

Кулсумни кўринишида қора тупроққа, аммо ҳақиқатда жаннат боғларидан бир боғчасига ўз қўллари билан кўмган Расули Кибрийё маҳзун бир кўнгил ила Қубони тарк этдилар. Қисқа бир вақт таниш булишди, аммо абадиятга қадар унутилмайдиган бир хотира қолди Кулсумдан.

Кулсум жазо ва ҳисоб кунида Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларида «Қубодаги уй соҳиби» ўлароқ муносиб ерини олади, инша Оллоҳ.

\* \* \*

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) қизлари ила кўришишлари жуда ҳаяжонли бир саҳна эди.

Оталарига ўлим ҳукмини ўқиган Макка шаҳридан бундай оппа-осон чиқиб, Мадинадек бир иймон юртига қазосиз-балосиз етишиш ҳазилакам гап эмасди. Умму Гулсум ва Фотима бир неча кун давом этган чарчоқли ва ҳаяжонли йўлчилик энди ортда қолганидан ва севикли оталарининг бағрига олинганларидан севинч кўз ёшларини узоқ вақт тўхтата олмадилар.

Руқия сал оддинроқ эри Усмон ибн Аффон билан бирга ҳижрат қилиб келган эди. У ҳам ҳамшираларини бир-бир бағрига босди, яқин бир йилдан бери кўрмаган опа-сингилларини тўйа-тўйа ҳидлади, тўйа-тўйа йиглади.

Энди Маккада опалари Зайнаб қолди. У холаваччаси Абул Осга турмушга чиққан эди. Ундан Мадинага фақат салом келди. Ўзи қачон келади, қачон отасини кўради — номаълум эди.

\* \* \*

Қуйилган гиштлар қуриб, масжид қурилиши бошланди. Расулуллоҳ (с.а.в.) биринчи тошни ўз қўллари билан қўйдилар. Ундан кейин пайгамбаримизнинг амрлари ила Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (р.а.) галма-гал биттадан тош қўйдилар.

Сўнгра ҳар кимга келтирган тоштини қўйишга изн бердилар. Пойдевор маълум бир баландликка етгач, гишт тера бошладилар.

Гиштлар хийлагина катта, оғир, бир донасини бир киши базур кўтарадиган даражада эди. Расулуллоҳ (с.а.в.) гиштни

ҳам, тупроқни ҳам узлари ташидилар. Йилларча бу хотирани ривоят қилган шоҳидлар у зотнинг чангга, тупроққа беланган муборак вужудларини доим кўриб тургандек гапиришар эди.

Зил-замбил гишларни елкага қўйиб ё қўлтиқлаб иншоот сари борарканлар, Сарвари Олам (с.а.в.): «Оллоҳим, бу ташиётган юким Ҳайбарнинг хурмоси ё бошқа ҳосили тула юк эмас. Қасам ичаман Роббимгаки, бу янада тоза, янада хайрли бир юқдир...» маъносига яқин бир байтни айтардилар, мўминлар ҳам у зот билан бирга айни шу байтни севинч билан такрорлашарди.

Вужудлар масжидга тупроқ ва гишт ташийди. Кўнгиллар бу масжидда сажда қилинадиган Роббул Олабийнга йўналган. Севинч-ла такрорланаётган бу байтлар кўнгилларнинг энг теран гушларарида жо бўлган туйгуларни, тушунчаларни ифодаламақ-да эди.

Ҳа, бу замин, бу тупроқлар покиза ва муқаддас эди. Ҳайбар яҳудийлари дунёни фасодга тўлдириш учун тўплаган юкларни билан бу тупроқларни тенглаштириб булармиди? Ҳайбарнинг хурمولари Оллоҳнинг бир неъматини бўлиб, инсонларнинг қорнини туйгазарди. Аммо бу тупроқ ва бу гишлар билан иншо этиладиган масжид қиёматгача мўминларнинг севиқли ибодатгоҳи, зиёратгоҳига айланажак ва «Пайгамбар масжиди» унвонига эга бўлажак эди. Бу масжидда ўқилган бир намоз бошқа масжидларда ўқилган минг намоздан афзал бўлажак, йиллаб гуноҳларга ботиб кетган қалблар бу ерга келиб ҳурмат юзасидан саждага бош қўяжак ва онасидан тугилгандек покиза ҳолга келажак эди. Бундай бир масжиднинг тоши-тупроғи Ҳайбарнинг фасод учун йиғилган юкларидан албатта хайрлик бўлади.

Набийий Акрам (с.а.в.) баъзан: «Оллоҳим, ҳаёт фақат охират ҳаётидир. Ансорни ҳам, муҳожирни ҳам ёрлақашингни тилайман», маъносида байт ўқир эдилар. Баъзан бу байтда сузлар узгарар, «Оллоҳим, мукофот охиратда ўзинг берадиган мукофотдир. Ансорга ҳам, муҳожирга ҳам сахийлик қилишингни, иқром-эҳсон этишингни тилайман», дер эдилар ва кучоқларидаги гиштга муборак пешона терлари тўкилса-да, юзларида табассум ила ишлар эдилар. У зотнинг бу ҳолатлари ҳеч бир манфаат кўзламасдан, холис Оллоҳ ризоси йўлида тер тўкаётган пок қалбли инсонларга гайрат бериб, охиратда эришиладиган қийматли мукофотни кўз олдиларига келтириб қўярди.

Иш қизгин давом этаркан, мўминлардан бири: «Пайгамбар ишлаяпти, бизлар утирамизми? Бу ҳолимиз ожизларга ярашадиган ҳол бўлади-ку», маъносида байт ўқиди. Атрофдагиларга еқиб тушди бу байт. Иш ораси энди ҳамма: «Лаъин қоадна, ван-набиййу йаъмал...» байтини такрорлай бошлади.

Бу байтни ким билади неча марта такрорлади Аммор... Гиштга бораётганида ҳам, гишт кўтариб қайтаётганида ҳам оғзидан шу байт тушмади. Мадиналик бир ишчи бу байтни илк бор Аммордан эшитиб, гуё ўзига киноя қилинаётгандек туюлди. Такрорланган сари унинг жигига тега бошлади.

— Менга қара, Сумаййанинг ўгли, — деди, — эрталабдан бери нима деб шивирлаётганини билиб юрибман. Бас қил, етар энди. Йуқса, шу таёқ билан бурнингни улчаб қўяман.

Аммор унга маъсум назар билан боқди. Ақлига, ҳатто хаёлига ҳам келмайдиган тарзда баҳоланган эди унинг сўзлари. Ҳолбуки, бу сўзларни суйлаган сари Расули Кибриёга яна бир одим яқинлашаётгандек ҳис қилар, у зогнинг борлиқларини ташқарида эмас, қалбининг теранликларида тасаввур этаётган эди.

Бироқ бояги одамнинг гапини Набиййи Ақрам (с.а.в.) ҳам эшитган эдилар, шу сабабли Амморнинг: «Мен бу байтда сени назарда тутмаганман», дейишига ҳожат қолмади.

— Бу одамлар Аммор билан нимани тортишадилар? Аммор менга кўз қарогим каби яқиндир, — дедилар.

Эҳтимолки Расулуллоҳ (с.а.в.): «Амморни кўзимнинг қорачўғини асрагандек асрайман, унга урилган таёқ менга урилгандекдир...» демоқчи бўлгандилар. Пайгамбарлар Имоми Саййидимизнинг бу илтифотлари учун Аммор ҳатто бурнига таёқ тушишига ҳам севинч-ла рози бўларди.

Иймони мустаҳкам экани ҳоссатан Қуръон оятларида баён қилинган Аммор ҳақида Набийлар Сарвари яна: «Аммор бошидан тирноғигача иймон билан тўладир, иймон унинг иликларигача киргандир», дея марҳамат қилганлар. Саййидимизнинг бу кунги илтифотларини эшитган Амморга энди қўрқув ва ташвиш ҳеч нарса эмас эди!

Аммор бой эмас эди. Оллоҳнинг ва расулининг ризоларига эришиш йўлида бирон сарф-харажат (эҳсон-инъом) қила олмаган эди. Аммо имкони бўлганида кўп нарсасини эмас, ҳамма нарсасини ҳеч уйламасдан берадиган даражадаги бир севги билан пайгамбаримизга боғланган эди. Абадий саодатга унинг иршоди ила эришган, ахир. У зот ўл деган жойда ўлиш у учун бир шараф ва обрў масаласи эди.

Аmmo бу илтифотдан Амморнинг боши гурур ила юқори кутарилмади, шукр туйғуси билан, миннат ҳисси билан эгилди. Кўнглининг энг теранликларидан келган, ҳеч қандай ёмон ҳис кирлатмаган соф ва тиниқ сўзлар малакут оламига юксалди: «Оллоҳим, сенга ҳамд айтаман ва шукр қиламан...»

Шивирлаб айтилган бу биргина жумлага яна айни тиниқликда бўлган бир неча томчи кўз ёши ҳамроҳ бўлди. Лекин буни бирон киши сезмади. Чунки бу иссиқда, огир-огир тошларни таширкан, шундоқ ҳам пешонасидан реза-реза тер тўкилаётган эди.

Бу терлар ҳам, бу кўзёшлар ҳам эртага айри-айри, шу билан бирга, узаро мусобақалашаётгандек қиймат қозониб, Набиййи Ақмал ҳазратларининг: «Ким Оллоҳ ризоси учун бир масжид қурса, Оллоҳ таоло ҳам унинг учун жаннатда бир кўшк қуради», деган муждалари рўёбга чиқажак. Хуллас, масжид қурилиши Оллоҳ ризоси учун олинган нафаслар, Оллоҳ ризоси учун ташланган қадамлар, ташилган гишлар, қорилган лойлар ҳамроҳлигида давом этарди.

Бир неча кун утди...

— Буни қаранг, ё Расулуллоҳ, мени ўлдиреди булар, узлари кутара олмайдиган юкларни менга юклаяптилар, — деб қолди Аммор.

Дарҳақиқат, ҳамма биттадан гишт ташиса, унинг орқасига иккита юклашибди. Терлаб-пишиб кетган, чанг ва тупроқ тер билан қоришиб ажиб бир тусга кирган, бу тус юк остида хориган вужудга айри бир ранг қушар эди. Ҳазрати пайгамбаримиз (с.а.в.) кулимсирадилар.

Бу ҳолатни курган ва келажақда «Муминларнинг онаси» унвонини оладиган Умму Салама (р.а.) айтадики: «Расулуллоҳ (с.а.в.) саййидимизни унинг сочларига тўлган чанг-тупроқни қоқаетган ҳолатда курдим. Дердиларки: «Шўринг қурсин, эй Суммайянинг угли... сени ўлдирадиганлар улар эмас, сени ўлдирадиганлар йўлдан озган бир жамоатдир».

Анча кейин Ҳидоят Имоми бўлмиш жанобимиз (с.а.в.) атрофдагиларга қараб:

— Амморни осий бир жамоат ўлдиреди, — дедилар.

Амморнинг ичида бир учқун жизиллагандек бўлди... Нима-лиги номаълум, қисқа бир муддат ичида келиб кетадиган бир учқун. Кейин: «Мен ҳам инсонман, ҳақ узра бўлай, ҳақ йўлда улай, қандай ўлсам ҳам», деган хаёлдан лабларида бир кулимсираш сезилди. Зотан, дунёнинг охири ҳам ўлим билан битмайдими, ахир?

Бу ўй-фикрлар Амморнинг зеҳнини машғул қилар экан, Расулуллоҳ ҳазратларининг (с.а.в.) қўллари унинг елкасини силар эди:

— Эй Сумайянинг угли, ҳаммага биттадан мукофот бўлса, сенинг мукофотинг икки баробар берилади. Дунёдан энг сунги насибанг эса, бир ичишлик сувли сут бўлади. Сени йўлдан озган жамоат ўлдиреди, — дедилар яна.

Бу сўзлар масжидда ишлаётган ишчилар орасида ёйилди. Нигоҳлар Амморга айрича бир маъно ила боқа бошлади. Қачон содир бўлишини ёлғиз Оллоҳ биладиган хосиятсиз бир мужодала ва бу мужодалада Амморнинг жонига қасд қилажак осий бир жамоатнинг хаёли келди кунгилларга. Демак, Аммор табиий бир улим билан ўлмайди, дунёдан охиратга шаҳидлик унвонини ҳам олиб, пайгамбар бўлмаган инсон етишиши мумкин бўлган энг устун мартабани қозониб кетажак.

Қандай ажиб қисмат...

Демак, бу оиланинг ҳар бир аъзоси шаҳид булажак. Олий Девоннинг жазо ва ҳисоб-китоби учун қурилган кунда «шаҳидлар оиласи» сифатида боражаклар ҳузури Мавлога...

Йилларча аввал дастлаб онаси Сумайя, кейин отаси Ёсир мушрикларнинг қўлида инграб-инграб жон берган эдилар. Ислом байроғи кутарила бошлаган йилларнинг илк икки шаҳиди бўлишдек барҳаёт бир ном қозонган эдилар. Ёлғиз қолган Амморнинг иймонига Оллоҳ ва расули биргаликда гувоҳлик берганлар. Коинот чеврасида бундан ҳам ортиқ гувоҳлик топиб буладими? Амморнинг ўзи ҳам бир пайтлар куфр йўлига

қайтмагани учун исканжага тобеъ тутилган. Ҳаётининг охириги дамларида эса ҳақнинг ва адолатнинг тарафини тутгани учун жонига қасд қилинажак.

Дунёнинг ҳеч бир нарсасига соҳиб бўлмаган, бироқ дунё эвазига ҳам топиб бўлмайдиган бир шарафни кичик қалбидаги иймон билан, ҳурмат билан, муҳаббат билан топган Аммор!.. Асрлар берисидан сизга севгиларимиз, ҳурматларимиз ва саломларимиз!..

\*\*\*

Мадинада Қуръондан илк нозил бўлган сура Бақара сураси будди. Вақти-вақти билан, турли ҳодисаларга алоқадор улароқ оятлар тушар, Расулуллоҳ (с.а.в.) Маккада бўлганидек, бу оятларни қайси сурага ва қайси оятдан олдин ва кейин ёзишларини асҳобларига билдирар эдилар. Шубҳасиз бир ҳақиқатки, бу ҳам пайгамбаримизнинг қалбларига келган илҳом натижасида булар эди.

Мадинадаги яҳудийларга аждодларига берилган неъматларни эслатиб келган оятлар Бақара сурасидан жой олди: «Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни эсланг ва Менга берган ваъда-аҳдга вафо қилинг. Шунда мен ҳам аҳдга вафо қиламан. Ва мендангина қўрқинглар. Сизлардаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этган ҳолда нозил қилган нарсамга (Қуръонга) иймон келтирингиз. Уни биринчи инкор қилувчилардан бўлмангиз. Ва оятларимни қиймати оз нарсаларга алишгирманглар ва мендангина эҳтиёт бўлинглар. Ҳақни ботилга аралаштирманглар ва билган ҳолингизда ҳақни беркитманглар. Намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг ва рукуъ қилгувчилар билан бирга рукуъ қилинг. Одамларни яхшиликка чорлаб, узларингизни унутасизларми? Ҳолбуки, узларингиз китоб (Таврот) тиловат қиласизлар. Ақлингизни юргизмайсизларми? Сабр ва салат (намоз ўқиш) билан мадад сўранглар. Албатта, у (намоз ўқиш) оғир ишдир. Магар узларининг Парвардигорларига рўбару бўлишларини ва шубҳасиз унга қайтажакларини биладиган шикастанафс зотларга (оғир эмасдир). Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилган пайғимни эсланглар. Биров биров томонидан ҳеч нарса утай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган ва (гуноҳлари учун) эваз ҳам олинмайдиган — ёрдам берилмайдиган Кундан қўрқинглар» (Бақара, 40-48).

Яҳудийларга Бақара сурасида илк хитоб ана шундай бошланди. Одоб ҳудудидан тажовуз этмасликлари ана шундай тавсия этилди. Уларнинг Расулуллоҳни (с.а.в.) танишлари ва иймон келтиришларининг ўзгача бир қиймати бор эди. Чунки келиши кутилаётган пайгамбарни бутун васфлари билан танишларини ва дарҳол унга иймон келтиражакларини илгарироқ Мадинада куп маротаба такрорлаб юрардилар. Боз устига, уларнинг бу охириги пайгамбарга иймон келтиришлари ҳақида

то Ҳазрати Мусо (а.с.) замонларида боболаридан олинган бир аҳд бор эди. Бу аҳдга вафо қилсалар, икки мисл ажр ва мукофотни бериш хусусида Оллоҳнинг ваъдаси бор эди. Чунки улар, аввало, Ҳазрати Мусога ишонган ва Оллоҳ юборган аҳком билан амал этган булсалар, кейинчалик Ҳазрати Муҳаммадга (с.а.в.) ишониб, таблиг этаётганлари динни қабул этган буладилар. Ҳар икки пайгамбарни юборган ҳам Оллоҳ таоло экани ва ҳар икки пайгамбар ҳам аини Оллоҳга ибодат қилишга чақиргани учун, агар эргашган тақдирларида, мукофотни икки ҳисса олишлари табиий эди. Бордию Расулуллоҳни (с.а.в.) биринчи бўлиб улар инкор этсалар, унда жуда ёмон бўлади. Чунки баъзи инсонлар: «Кутилаётган пайгамбарни яҳудийлар билардилар. Бу келган ўша пайгамбар бўлганида эди, яҳудийлар ундан чекинган булармидилар?» тарзида уйлаши мумкин эди.

Ҳайҳотки, яҳудийлардан фақат Абдуллоҳ ибн Салом ва унинг оила аъзоларигина иймон келтирган, бошқалари ҳеч журъат қила олмаган эдилар. Боз устига, ҳозирданоқ фитна-фасодни бошлаб: «Сизларни зур бир сеҳр қилдик. Ҳеч ўғил кўрмайсизлар энди ва шу тариқа қисқа вақт ичида наслингиз ер юзидан йўқолиб кетади», деб мўминларга руҳий таъсир этишга урина бошладилар.

Чиндан ҳам орсиз, фитна ва фасод аҳли бўлмиш яҳудийларнинг қўлидан бундай бир иш келмайди. Аммо кучлари етганида, бундай пасткашликка ҳам ҳеч тараддуа этмасдан борган булардилар.

Бу ташвиқот мўминлардан бир қисмининг кўнглига таъсир кўргазгандек ҳам бўлди. Улар шундай ҳол бўлиши мумкинлигига тўла ишонмасалар ҳам, аини чоқда, қатъий шаклда рад ҳам қилмаётган эдилар. Лекин Ҳазрати Абу Бакр ва Умар (р.а.) кабилар бундай ташвиқотларга асло парво қилмаганлари шубҳасиздир.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) узларини куриш учун келган Умму Сулаймга изн бердилар. Бутун сармоясини самимият бўлган бу аёл ичкери кирди. Бир боланинг қўлидан тутиб олган. Боланинг кузларида зукколик балқиб турарди.

— Марҳамат, эй Умму Сулайм, хуш келдинг, — дея қаршиладилар Сарвари Олам.

— Хушвақт бўлинг, эй Оллоҳнинг расули.

Сунгра Умму Сулайм сўзида шундай давом этди:

— Ё Набийаллоҳ, мадиналиклар сизга ҳадялар бердилар, бир нарсалар икром этдилар. Менинг эса, берадиган ҳадям, икром қилишга арзиғулик бирон нарсам йўқ. Шу кичик Анас менинг ўғлимдир. Зукко бир бола. Буни бир ҳадя улароқ қабул этинг, сизга хизмат қилсин.

Бу самимий ифодалар пайгамбаримизни тўлқинлантириб юборди. Мамнуният ила қабул этдилар. Ун ёшларда бўлган



Анас бундан буён Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хизматларида, у Зоти Шарифнинг тарбияларида етишадиган бўлди.

Умму Сулайм у ердан Набийи Акмалнинг (с.а.в.) дуоларини олиб айрилди. Аслида, берилган ҳадялар навбатга қўйилса, Умму Сулаймнинг ҳадяси ҳеч қачон иккинчи уринга тушмаган булар эди.

...

Бир куни Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобалари билан суҳбат қуриб утирган эдилар, кучли забардаст одам ичкари кирди. Озгина хурмо олиб келибди.

— Сизни пок инсон деб эшитдим. Яхши инсонга шу хурмоларни ҳадя этгим келди, қабул қиласизми? — деди.

Пайгамбаримиз унга:

— Ҳадяни қабул этамиз, — дея жавоб бердилар. Саҳобаларига тутиб, сунгра ўзлари ҳам ея бошладилар. Пайгамбаримиз бу одамни илгари бир марта Қубо қишлоғида кўрган эдилар. Ушанда у садақа дея бир миқдор хурмо келтирган эди.

Бир оз суҳбатлашиб утирди-да, кетаркан, негадир: «Буниси икки», деб қўйди.

Бу одам неча йиллардан бери охириги пайгамбарни кутаётган Салмон эди...

...

Абу Зарр Ислом динини қабул этганини Маккада илк бор очиқчасига ифода этгач, устма-уст икки кун баданлари кўкариб-қабариб кетгунича калтакланган, сунгра Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўрсатмалари билан Гифор қабиласига қайтиб, бошқа Маккага келмаган эди. Султони Анбийё ҳазратларининг (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилганларини эшитиб, энди ўзининг ҳам йулида бирон тўсиқ қолмаганини ҳис этди ва тайергарликларини кўриб, йўлга чиқди. Пайгамбаримизнинг ҳузурларига келди. Энди Расулуллоҳнинг (с.а.в.) амрлари остида ҳаракат қилишдан бошқа ўй-фикри йўқ эди. Дунёдан матлаби ёлғиз шу бўлиб қолди.

Эски номи «Ясриб» бўлган Мадина шаҳрининг об-ҳавоси маккалик муҳожирлар учун ноқулай эди. Аслида, Мадинанинг маҳаллий аҳолиси ҳам шаҳарларининг об-ҳавосидан мамнун эмас эдилар. Муҳожир мўминлар гарчи маккаликларнинг зулмидан халос бўлсалар-да, ичлари ҳали ҳам Макка севгиси ила тўла эди. Тугилиб ўсган, севинчли-қайғули купгина хотираларга гувоҳ юртни унутиш осонми, ахир?..

Шу сабабли Расулуллоҳ (с.а.в.) ора-чора қўлларини кутариб: «Оллоҳим, сен бизга Маккани севдирганингдек, ҳатто ундан ҳам каттароқ севги билан Мадинани-да севдир. Оллоҳим, ўлчовларимизга, тарозиларимизга барака бер. Мадинани бизнинг сиҳатимизга мувофиқ ҳолга келтир. Безгакни Жухфа дарасига кўчир», дея ёлворар эдилар.

Масжид қурилиши асносида унга девор-дармиён қилиб Расулуллоҳга (с.а.в.) уй ҳам қурилаётган эди. Бу ҳовли қизлари ва завжаларига мулжалланди.

Бу орада Асъад ибн Зурора бетоб бўлиб қолди. Йўтал тўтар, зўрга нафас олар эди. Пайгамбаримиз ора-чора бу вафоли дўстни зиёрат этдилар ва шифолар тиладилар.

Бир куни қайгули хабар келди. Асъад вафот этган эди. Набиййи Акрам (с.а.в.) куп маҳзун буддилар.

Асъад Маккада пайгамбаримиз билан қуришган ва Ислом динини қабул этган илк олти мадиналикдан бири эди. Мадинада илк бор кичик бир масжид иншо этган ва, бир ривоятга кура, пайгамбаримизнинг ҳижратларидан аввал мадиналик мўминларни тўплаб жума намозларини у қилдирган, мадиналикларнинг пайгамбаримиз билан ҳар галги учрашувларида у иштирок этган, сайланган ун икки вакилдан бири эди.

Мусъаб ибн Умайр Мадинага Қуръон ва дин муаллими ўлароқ келганида, уни Оллоҳнинг ва расуlining азиз бир омонати сифатида қабул қилган, уйдан жой берган, кеча-кундуз у билан бирга ҳаракат этиб, ҳижрат бошланишидан олдиноқ Ясриб шаҳрини мўминлар учун бир «Иймон ва Ислом юрти» ҳолига келтирган эди. Ақобада пайгамбаримиз (с.а.в.) билан қилинган аҳдлашувларнинг энг кўзга қуринган қийматли шахсияти Асъад эди. Исми каби ўзи ҳам энг бахтиёр, энг саодатли инсон бўлиш шарафига ҳақиқатан лойиқ бир зот эди.

Аммо... Расулуллоҳга (с.а.в.) ва у кишининг севгиларига тўймасдан, хизматидан кўнгли тўлмасдан дунёдан айрилгани бир ҳақиқат эди. Улим тўшагида ичини тўлдирган нарса дунёдан айрилиқ изтироби эмас. Аммо Ҳидоят Имомидан (с.а.в.) айрилишнинг оташи қалбини ёқди. Узоқ йиллар бут олдида эгилавериб букиган белларини Расулуллоҳ (с.а.в.) ёрдамларида тўгрилиб, ҳаётининг кейинги даврини керагидай фойдали ўтказган, орқасидан Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўзларини ёшлантирадиган даражада азиз бир хотира қолдирган, асрлар кейин келадиган мўминлар ҳавас қилиб, ҳурмат ва кўз ёшлари ила қўтлаёжаклари бир шараф ва саодатнинг соҳиби ўлароқ ўтган эди дунёдан...

Набиййи Акмал ҳазратларининг (с.а.в.) кўзларининг нури Руқаййа ҳам Мусъабдан кейин унинг уйини шарафлантирган, ҳафталар, ойлар давомида Асъаднинг уйи бир хонаи саодат бўлган ва бу уйнинг деворлари Руқаййанинг ҳушбуй ҳидли нафаслари билан, Ҳабиби Худо ҳақида қилинган суҳбатларнинг нури билан безанган эди.

Ажал ўқи отилмаган, тақдир ва тайин этилган ҳаёт муддати тутамаган булганида эди, Жаноби Расулуллоҳга (с.а.в.) тўйиб-тўйиб хизмат этиб қолиш учун ким билади яна нималар қилмаган бўлар эди.

Масжиди Набавийнинг ёнига қурилаётган, Расулуллоҳга (с.а.в.) мулжалланган хоналарнинг тезроқ битишини жондил-

дан истарди. Бу орзуи рӯебга чиқмасдан дунёдан айрилаётганини англагач, ўзидан кейин қолаётган уч қизини завжаларига оид хоналарда парваришлашни пайгамбаримизга васият этди. Хоналар битган булганида, эҳтимолки, бир хонасида лоақал бир кеча қолишни у зотдан илтимос қилган бўларди.

Юрагининг охирги уришида тилидан: «Муҳаммад Оллоҳнинг Расулидир», сўзи чиқди. Зотан, мусулмон булганидан бери охирги сўзининг мутлақо шу муборак калима булишини тилар эди. Орадан ун йил утиб... ҳа, оламларнинг ва хусусан узининг саййиди бўлиши Расули Акрамга (с.а.в.) ун йил сўнгра қовушиш учун охирги нафасини берди. Дунё ҳаётида Оллоҳнинг расулига Мадинани бир иймон ва тинчлик юрти улароқ ҳозирлаган эди, Улуғ Мавлонинг ҳам унга охиратни бир ҳузур ва икром юрти улароқ ҳозирлаши ва пайгамбарига қилинган бу қийматли хизматни ўз шаънига лойиқ тарзда мукофотлаши аниқ.

Набийий Акрам (с.а.в.) уни ўз қўллари билан ювдилар ва кафанладилар. «Боқий» қабристонига омонат қўйиш учун йўлга чиқилди. Жаноза олдида Пайгамбарлар Имоми Расулуллоҳ (с.а.в.) борардилар. Гуё у бораётган оламда унга энг мустасно мақомни шахсан ўзлари танламоқчи булгандек, кутиб олишга келган малакларга ва бутун малакут оламига уни танитмоқ, «Асъад сизга Оллоҳнинг Расули тарафидан топширилаётган энг азиз омонатлардан биридир», дейдигандек бир ҳолатда эдилар.

Асъадни қабрга Оллоҳ яратган энг муборак қўллар қўйди. Раҳмат малаклари уни ҳақиқий бир омонат улароқ, лойиқ бўлган иззат ва икром билан қарши олдилар.

Боқий қабристонига дафн қилинган илк мусулмон Асъад ибн Зурора бўлди.

Асъад бу жойнинг илк ва азиз меҳмони бўлажак ва кейинчалик ажали етган қардошларини малаклар ила биргаликда у кутиб олажак эди.

Асҳоби киром Асъаднинг қабрига тупроқ ташлаш билан машгул бир пайтда сал четроқда утирган Расулуллоҳ (с.а.в.) елкаларини очдилар, орқаларидаги одамга: «Кел, кўр», дегандек қарадилар. Бир неча одим орқада турган одам гуё бу таклифни кутиб юргандек шоша-пиша яқинлашиб эгилди ва икки курәклари орасида хол ва тук қоришигидек эринган майин қизгиш парчага диққат билан боқди. Кейин эса, Расулуллоҳнинг (с.а.в.) олдиларига ўтиб, қўлларидан тутди-да:

— Мен шаҳодат бераманки, сиз Оллоҳнинг охирги пайгамбарисиз. Сиз келтирган ҳамма нарса рост ва ҳақдир, — деди.

Бу одам эронлик Салмон эди. Оташпарастиқдан қутулиш ва Оллоҳ рози булган динни топиш учун йилларча аввал ота уйини тарк этган ва бу йўлда узоқ вақт попларга хизмат қилган, кейинчалик сарсон-саргардон бўлиб, охири Ясрибга келтирилиб, бир яҳудийга қул сифатида сотилган Салмон...

Кўп йиллар олдин хизматида булгани поп унга: «Энди сени дунёда омонат қилиб топширадиган бирон кимса йўқ. Аммо

келиши жуда яқин бўлган бир пайгамбар борки, сояси бошинг устида десам ҳам бўлади...» дея охириги пайгамбар ҳақида баъзи маълумотларни берган ва, айниқса, садақа олмаслигини, ҳадяни қабул этишини ва икки кураги орасида нубувват муҳри борлигини айтган эди.

Салмон Расулуллоҳга (с.а.в.) Қубода садақа дея хурмо берган, пайгамбаримиз қабул этмаган эдилар, кейинроқ Мадинада ҳадя деб тақдим этганини олиб еган эдилар. Энди нубувват муҳрини ҳам курсан...

Пайгамбаримизнинг бир дўстлари вафот этганини эшитгач, шояд шу баҳонада кураклари орасини кўриб қолсам, дея Боқий қабристонига келди. Фахри Олам (с.а.в.) саййидимизнинг орқаларига туриб олди. Айни уша дамда пайгамбаримиз орқаларини очиб: «Кел, кўр», деб ишора қилдилар. Энди Салмоннинг ҳеч шубҳаси қолмади: излаганини топган, узоқ йиллар елкасида кўтариб юрган оғир юкдан бир зумда қутулгандек эди.

Чуқур бир нафас олди. Расули Кибрийнинг (с.а.в.) кузларига табассум билан боқди. Бу нигоҳ билан умри бўйи чеккан бутун изтироблари, бутун жафолари ичидан сизиб чиқиб кетганини ҳис қилди. Гуё кучли эсан бир шамол руҳининг теранликларигача кириб кетган ва жисминини эзар ҳолатдаги изтиробларини учуриб олиб кетгандек бўлди. Бу нигоҳ-ла жаннат боғларида сайр қилиб юргандек туйғулар билан тўлган эди ичи.

Шу онда, усти ёпилаётган қабрга тараддудсиз кира оларди. Чунки излаганини топган эди. Шу онда Расулуллоҳга (с.а.в.) туйиб-туйиб хизмат қилишдан бошқа дунёда ҳеч бир орзуи йўқ эди. Бундан кейин яшаяжаги қирқ беш йил давомида бундан бошқа мақсади бўлмади ҳам.

...

Бани Нажжор вакиллари пайгамбаримизнинг ҳузурларига келиб:

— Ё Набийаллоҳ, узингизга маълум, Асъад ибн Зурора бизнинг қабиладан эди. Энди унинг урнига бир вакил тайинланг, — дейишди.

— Сизлар менинг тоғаларимсиз. Унинг урнига сизларнинг вакилингиз менман, — дея жавоб берди Ҳабиби Худо саййидимиз. Бу муомала билан ҳам Бани Нажжорни севишларини ҳамда Асъаднинг дустлигига кўнгилларида мустасно бир урин берганликларини курсатган бўдилар.

...

Асъад ибн Зуроранинг вафоти яҳудийларнинг янги бир фитна билан уртага отилишларига сабаб бўлди. Дарҳол оғизлари очилди: «Ҳақиқатан пайгамбар бўлса эди, шундай яқин биродари дарров улиб қолармиди?» дея бошладилар.

Қандай маъносиз, галати бир сўз эди бу!

Ҳолбуки, шу яҳудийлар Мусо ва Ҳоруннинг (а.с.) вафотларини қабул қиладилар, уларнинг пайгамбар эканликларига ҳам ишонадилар. Уларнинг улимлари пайгамбарликларини инкор этмайди-ю, Расулуллоҳнинг биродарларининг улиши қандай қилиб у зотнинг пайгамбарликларига соя ташлайди?!

Бундай бетайин сўзлари огиздан-огизга утиб пайгамбаримизнинг (с.а.в.) қулоқларига ҳам етиб келди. Пайгамбаримиз ачиниб кетдилар. Иймон келтирмаслик учун шу қадар кулгили ҳолатларга тушадиган қайсарларнинг бу ҳаракатлари ҳақиқатан ачинарли эди.

— Абу Умоманинг (яъни, Асъаднинг) вафоти жуда ёмон талқин қилинди. Пайгамбар булганида дўсти ўлмас эди, деяётган эмишлар. Ҳолбуки, мен ўзимга ҳам, бир дўстимга ҳам келган ўлим фармонини орқага суролмайман, — дея марҳамат қилдилар.

. . .

Масжид иншоси ниҳоясига етди. Учта эшик қўйилди, эшикларнинг чеккалари тош билан ўралди. Эшиклардан бири бугунги қибла деворига тўғри келади. Бир эшик «Боби Раҳмат», бошқаси «Боби Жибрийл» деб номланди. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) хоналарига очиладиган эшик «Боби Жибрийл» эди.

Масжиднинг усти хурмо шохлари ва пўстлоқлари билан ёпилди. Ерга шагал тошлар тушалди. Безак ўлароқ ҳеч нарса қилинмади. Эни тақрибан қирқ беш, буйи қирқ метр эди.

Меҳроб Қуддус томонга, Байтул-Мақдисга қаратилган эди. Аммо пайгамбаримизнинг кунгиллари намозда Каъбани қибла қилиш орзуи билан тула эди. Ора-чора кўзларини самога тикиб: «Оллоҳим, қалбимдагини ўзинг биласан», дегандек Масжиди Ҳарамга йўналиш амрини кутаётганларини арз этардилар.

Мадинага келганларига етти ой булганида, пайгамбаримиз уй соҳиби Абу Аййуб ал-Ансорийга ташаккур билдириб, ўз хоналарига кучиб утдилар.

. . .

Бир куни Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Расули Акрам алайҳиссаломни зиёрат этди:

— Ё Расулуллоҳ, қизингиз Фотимани ўзимга сўраб келдим, — деди.

Ҳазрати Фотима розийаллоҳу анҳо у кунларда ўн саккиз ёшда эдилар. Ҳазрати Абу Бакр эса элик бир-элик икки ёшда. Бу турмушни орзу этиши Султони Анбиёга (с.а.в.) яна ҳам яқин бир қариндошлик алоқасини ўрнатиш истагидан эди. Илгарироқ қизи Ойишани (р.а.) пайгамбаримизга унашгирган,

шу тариқа Сарвари Оламга ҳам куёв, ҳам қайнота бўлиш орзуида эди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) бу таклифни қабул этмадилар. Ҳазрати Абу Бакр (р.а.) Пайгамбар алайҳиссаломнинг ўзини жуда севишларини биларди. Рад жавобини берганларидан тушундики, бунда мутлақо бир ҳикмат бор.

Бир неча кундан кейин аини истак билан Ҳазрати Умар ҳам мурожаат қилди ва аини рад жавобини олди. Ва у ҳам бунда бир ҳикмат бўлса керак, деган тушунча ва ишонч билан айрилди.

\* \* \*

Дўстларидан бири бундай таклифни Ҳазрати Алига (р.а.) қилди:

— Ё Али, Ҳазрати Фотиманинг қулини сўрасанг бўлмайди-ми?..

Ҳазрати Али бу таклиф эгасига маъноли қараб:

— Абу Бакр билан Умарнинг рад этилганликларидан хабарим бор, — деди ва қўшимча қилди: — Ҳолбуки, ҳар иккалари ҳам инсонлар орасида пайгамбаримизга энг яқинидирлар...

— Нима қипти? Сен Расулуллоҳнинг қариндошларисан. Уйланадиган ёшга аллақачон етгансан. Сен ҳам бир маротаба сураб кўр. Рад жавобини олсанг, Абу Бакр ва Умар нимани йўқотган бўлсалар, сен ҳам ўшани йўқотасан, холос...

Бу сўздан кейин Ҳазрати Али туриб Набийлар Султони-нинг (с.а.в.) ҳузурларига борди. Бироқ гапни нимадан бошлашни билолмай, хиёл муддат жим ўтирди. Унинг мушқулини Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўзлари осон қилиб қўя қолдилар:

— Ё Али, менам Фотимани сураб келдингми? — дедилар.

Мақсад ҳосил бўлган эди. Ҳазрати Алининг (р.а.) кўзларидан: «Менинг ҳам айтмоқчи бўлганим, аммо уялганимдан гап-ира олмаётган нарсам шу эди», деган маънони уқса буларди. Миннатдор нигоҳ-ла боқиб, ҳаяжон ва мамнуният сезилиб турган ва одоб билан безалган бир ифода ила:

— Ҳа, — деди.

Бундан кейин ичидаги буронларнинг йуналиши узгарди. Қандай жавоб олар экан? Муборак лаблардан чиқажак сўз то қулоқларига етиб келгунча сабри етармикан?!

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) юз ифодаларида рад жавобидан асар йўқ эди. Мамнун эмасликларини кўрсатувчи бирон аломат ҳам сезилмайди.

Султони Анбиё ўринларидан туриб, ичкари кирдилар. Қизлари Фотимага, жиянлари Али уни сўраётганини билдирдилар.

Ҳазрати Фотиманинг юзи гул рангини олди. Бошларини эгдилар, жавоб бермадилар.

Бир муддат кейин Ҳазрати Али Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларидан бундай неъматни насиб этгани учун Оллоҳга ҳамда айтиб чиқди. Туй кейинроқ қилинадиган бўлди.

\* \* \*

Сирма ибн Анас кекса бир одам эди. Илгаридан узига мустақил бир ҳаёт тарзини танлаган. Уни бундай ҳаётга зурлаган Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг дини буйича яшаш орзуи эди.

Уйнинг бир чеккасини ибодатгоҳ қилиб айирган ва жунуб ё ҳайз ҳолида булганларни бу ибодатгоҳга яқинлашишга изн бермас эди. Бутларни тарк этганини курганлар унинг ибодат-хонасига келиб:

— Сен нима қилдим деб уйлаяпсан, эй Абу Қайс? — деб сўраганларида, Сирма хотиржам:

— Иброҳимнинг Роббига ибодат қиялпман, — деб жавоб қилган.

У ростгўй бир одам эди. Шеър айтиш қобилияти ҳам бор эди. «Агар бошқалар иш бошига келса, уларга ҳасад этманг. Бироқ сиз амир булсангиз, адолатли муомала қилинг», деганини эшитганлар бор.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) Мадинага келганларини эшитган заҳотиёқ қизиқиб, ўзи шахсан бориб кўришди. Фахри Олам Саййидимизнинг ёнларидан чиқаркан, қидирганини топган ва янги бир ҳаётга қадам қўяётган инсондай мамнуният балқиди юзларида. Бу янги диннинг инсонга фақат яхшилик ва саодат келтиришига ишонди, кўпдан бери ўзи «Иброҳимнинг дини» деб юрган, бироқ аслини, асосини билмагани ҳақ динни танлади, англади. Қолган умрини энди мусулмон улуроқ ўтказажак эди.

\* \* \*

Умму Сулайм ақлли ва тадбирли аёл эди. Бир куни Абу Талха унинг эшигини тақиллатиб келди. Уч-тўрт кун аввал уйланиш таклифини қилган, энди шунинг жавобини олгани келган эди.

— Марҳамат қилинг, эй Абу Талха! — дея қаршилади Умму Сулайм.

— Сенга уйланиш таклифи қилган эдим, эй Умму Сулайм.

— Худо ҳаққи, эй Абу Талха, сўзни чўзмоқчи эмасман. Сиздек одам рад этилмас. Бироқ мен мусулмон буддим, сиз булсангиз, мусулмон эмассиз, бутга топинасиз. Шу сабабли сиз билан турмуш қура олмайман.

— У бир илоҳдир, ахир.

— Йўқ, у илоҳ эмас. Сизга фойда ҳам, зарар ҳам бера олмайдиган бир гуладир. Сиз топинаётган ўша бутни фалон дурадгор ясадими? Ўтга ташласангиз, ёниб кетишини билмайсизми?

Абу Талха бу тарзда қаршиланишини ҳеч кутмаган эди. У ердан уйга чўмган ҳолатда қайтди. Умму Сулаймнинг тик айтган сўзлари қалбига уқдек қадалди. Ҳа, ўша бутни дурадгор кесиб-рандалаб шакллантирганини инкор эта олмайди. Ёғочни-

нг бир гуласи улароқ келтирилган, сўнгра кесиб-йўниб оддий бир бут шакли берилган. Аммо бу ҳолга келгач, ёғочликдан чиқиб, илоҳлик риоясига юксалган эди, ахир. Энди у гула эмас, ёғочга алоқаси йўқ ортиқ...

Бир неча кун шундай уй-хаёллар билан кезиб, бир куни яна Умму Сулаймнинг эшиги ёнига келиб қолди. Яна айни таклифни қилди, жавоб яна ушандай бўлди:

— Мен мусулмон бўлдим, эй Абу Талха. Сиз билан турмуш қуриш менга ҳалол эмас. Агар мусулмон бўлсангиз, сизга бораман ва маҳр ҳам сўрамайман.

Абу Талха ўйлаб қуришга изн сўради. Кейинги келишида, энди қатъий қарорини берган эди. Умму Сулаймнинг олдида калимаи шаҳодатни айтди. «Оллоҳдан бошқа ҳеч бир илоҳ йўқлигига, Муҳаммад (с.а.в.) Оллоҳнинг қули ва расули эканига ишондим ва гувоҳлик бераман», деди.

Шундай қилиб, жуда орзу этгани уйланишнинг тўсиғи ўртадан кўтарилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Абу Талха уйланиш учунгина мусулмон бўлган эмасди. Ўйлади, текширди, бутларнинг ҳақиқатан ҳам бир тош, ёғоч булагига эканини қабул этди ва уларни бирма-бир ўз қули билан сиңдириб парчалади. Бундан бу ёғига умр бўйи самимий бир мусулмон ўлароқ қолиб, Ҳазрати Пайгамбар (с.а.в.) тақдирлайдиган ва табриклайдиган ҳаёт тарзини яшаб ўтажак эди.

Умму Сулайм аҳдини унутмади;

— Тур, эй Анас, — деди у углига, — Абу Талха билан турмуш қуришга қарор берганимни қариндошларга етказ.

. . .

Мўминлар энди нима қилиб бўлмасин Мадинада яшашни исташар, аммо Макка зодагонлари бунга йўл қўймасликка тиришишар эди. Айниқса, Авс ва Ҳазраж қабиласидан мусулмон бўлмаган баъзи кишилар маккаликларнинг дуқ-пуписаси остида қолди. Ораларингга қўшилган мўминларни Мадинадан ҳайдаб чиқаринглар, акс ҳолда, бошларингга бало келса, биздан кўрманглар, деб қўрқита бошлашди. Қўшин тўплаб Мадинага ҳужум қиламиз, ана унда ҳўлу қуруқ баравар ёнади, деб хабарлар жўнатишар, тадбирли бўлишга чақиришар эди.

Аммо энди кеч эди. Чунки бу ерда энди мўминларнинг сўзи кесарди. Натижада, мадиналик мушриклар икки ўт орасида қолган эди. Ўртларига келиб жойлашган мўминларга ҳам: «Жўнанглар, бориб оталарингнинг даласини ҳайданглар, бу ерда сизларга нима бор?!» дейишга қўрблари етмасди, маккалик мушрикларга ҳам: «Қани, даф бўлинглар, ким бўлибсизларки, бизга дуқ урасизлар!..» дея олмасдилар.

Сарвари Анбиё ҳазратлари (с.а.в.) неча йиллардан бери иймон машғалини сўндириш учун қурашаётганларнинг бўш турмаслигини билар эдилар. Бу орада Мадинага таҳдид ёғдирилатганининг хабарини олдилар ва шу заҳоти, мўминларни яна



ҳам кучли ҳолга келтириш истагида ораларида хусусий маънода бир қардошлик қуришга қарор бердилар.

Араблар қариндошлик боғларига, қавмият туйғуларига ниҳоятда боғлиқ бир миллат эди. Кейинроқ «маккалик-мадиналик» айирмачилиги қўзиб, мусулмонларнинг ораси бузилиши мумкин эди. Ҳақиқатан ҳам, ҳозиргача чиққан жанжаллар аксарият эримас учқунлардан оловланган, ҳақ ёки ноҳақ айирмасдан, ҳар ким ақрабосининг ва қавмининг тарафини ола бошларди.

Мўминлар бир-бирига қардош қилинса, оқибати гузал бўлиши аниқ эди. Шу сабабли пайгамбаримиз (с.а.в.) бир куни Умму Сулаймнинг уйида бир маккалик, бир мадиналик қилиб «муҳожир — ансор қардошлиги»ни таъсис этдилар.

Умму Сулайм, араб одатига кўра, уртага ичида кофур бўлган бир товоқ олаб келди. Бир-бирига қардош қилинган ҳар икки киши қўлларини бу товоққа ботириб, қардошлик аҳдини туздилар. Бу қардошликнинг натижаси ўлароқ, бири вафот этиб қолса, иккинчиси унга меросхўр бўлиши керак эди. Бир-бирларига ҳар соҳада ёрдамчи бўлиб, моддий ва маънавий дастак вазифасини адо этишлари лозим эди.

Бу қардошлик туфайли маккаликлар анчагина гарибликдан қутуладиган бўдилар. Энг яқин қариндошдан ҳам яқинроқ бир қардошга эришганини билиб, кўнгиллари роҳат топди. Мадиналиклар эса, уларнинг йиллар давомида олган Қуръон илмидан, дин ахлоқидан фойдаланадилар энди.

— Кел, эй Абу Бакр!.. Сен ҳам кел, эй Хорижа!

Иккиси ҳам келди. Қўлларини товоққа ботирди. Расулуллоҳ (с.а.в.) уларга Оллоҳ йўлида қардош бўлганликларини таъкидладилар. Икки одам бўлиб келган Абу Бакр билан Хорижа энди бу ердан қардош бўлиб, қўлни қўлга бериб чиқдилар.

— Кел, эй Хаттоб ўгли Умар!.. Ва, эй Итбон ибн Молик, сен ҳам кел!

Улар ҳам қардош қилинди.

Ҳаммани айрича, ширин бир ҳаяжон қоплаган эди. Бир оз сўнгра Расулуллоҳ (с.а.в.) тарафларидан ким билан қардош қилиниш ҳаяжони...

Ана шундай давом этган маросим ниҳоясида:

Усмон ибн Аффон — Авс ибн Собит

Тааха ибн Убайдуллоҳ — Каъб ибн Малик

Мусъаб ибн Умайр — Абу Аййуб Ансорий

Абдурахмон ибн Авф — Саъд ибн Рабиъ

Абу Убайда ибн Жарроҳ — Саъд ибн Муаз

Аммор ибн Ёсир — Собит ибн Қайсар... қўлни-қўлга бериб айриддилар. Ҳар муҳожирга бир ансор қардош бўлган эди. Шу орада бир маҳзун овоз эшитилди:

— Ё Расулуллоҳ, менга бир қардош бермадингиз.

Дустларидан барчасига қўлидан тутадиган бир қардош берилган эди, нега унга берилмасин?

Набийий Акрам (с.а.в.) жанобимиз табассум қилиб, унга ўз қўлларини узатдилар:

— Сенинг қардошинг мен бўлай, эй Али, — дедилар.

Энг охирига қолганга энг Буюк Қардош насиб этган, сабр эвазига ҳолва қозонган эди. Бундай қутлуг бир маросимнинг уйида булганидан айниқса Умму Сулайм ниҳоятда мамнун эди. Бу бир оддий ҳодиса эмас, ахир. Бундай муҳим бир иш учун Расули Кибриё (с.а.в.) унинг уйини танлашлари Умму Сулайм оиласига ҳурматларидан ва муҳаббатларидан, бу ҳодиса Оллоҳ таолонинг унга бир икромиди эди.

Саъд ибн Рабиъ янги топган қардоши Абдураҳмон ибн Авфни қулидан тутиб, уйига бошлаб келди.

— Эй қардошим, мана, уйим. Дарҳол иккига буламиз, ярми сеники бўлади. Икки хотиним бор. Боқ, қайсинисини еқтирсанг, талоқ қиламан, никоҳингга оласан, — деди Саъд.

Абдураҳмон табассум билан:

— Молинг ҳам, оиланг ҳам узингга муборак бўлсин, биродарим. Сен менга бозорни кўрсатиб қуйсанг, бўлди, — деди.

Биргалиқда Қайнуқоъ бозорига бордилар. Абдураҳмон бир оз юриб, олди-сотди учун оломон ичига кириб кетди.

Оқшом меҳмон бўлиб қоладиган уйига ўша куни топган фойдасидан бир миқдор ёғ ва қатиқ олиб қайтди.

Шу кундан эътиборан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларидан чиқди дегунча бозорга йўл олар, савдо-сотиқ билан машгул бўлиб; қардоши Саъд ибн Рабиъ оиласига юк бўлмасликка ҳаракат қилар эди.

Муҳожир ва ансор ўртасида қурилган қардошлик эт билан тирноқ, кўз оқи билан қорачўғи орасидаги боғлиқлик даражасида қувватли булган эди. Бундай ҳолатда ким муҳожирларни мадиналиклардан айира олади? «Боринг, ишингизни қилинг, Ясриб сизнинг отангиздан қолган далами?..» дейишга кимнинг ҳадди сигади?! Энди Макка мушрикларининг таҳдидларидан бирон фойда чиқиши ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Мадиналик мусулмонлардан Саъд ибн Убода бир-икки кун қуринмади. Касал бўлиб қолганидан хабар топган Расулуллоҳ (с.а.в.) бир эшакка миндилар-да, ёнларига Зайднинг ўғли Усо-мани олиб, беморни зиёрат мақсади билан Саъднинг маҳалласига йўл олдилар.

Йўлда бир тўп оломонга дуч келдилар. Мусулмон, мушрик ва яҳудий аралаш утириб олиб гаплашишаётган экан. Пайгамбаримиз (с.а.в.) ўша ерга етганда уловни тўхтатдилар. Эшак тўхтаган жойида бир-икки депсинди. Йигилганлар ичидан Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул чопонининг бари билан бурнини беркитиб:

— Бизни бу ерда чангга ботирманг, — деди.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) жамоатга салом бердилар. Уларни Оллоҳнинг бирлигини қабул этишга чақирдилар, бир миқдор Қуръон ўқидилар.

Ибн Салул гапга аралашди:

— Эй киши, айтганларинг жуда яхши нарсалар. Аммо булар чиндан ҳам ҳақ ва тўғри бўлса, бизни безовта қилма,

йўлингдан қолма, сенинг олдинга ким борса, буларни ушаларга тушунтирасан.

Мусулмонлардан Абдуллоҳ ибн Равоҳа унинг сўзини бўлди:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, сиз биз ўтирган жойга марҳамат қилинг. Биз сизнинг суҳбатингизни ва Қуръон ўқишингизни ёқтирамыз. Бизнинг орзуимиз шудир, — деди.

Унг-сўлдан қувватловчи турли овозлар эшитилди. Бу аҳволда ўртада бир жанжал чиқиши турган гап эди. Набийи Акрам (с.а.в.) орага кириб, оломонни тинчлантиришга уриндилар. Ниҳоят овозлар жим бўлди ва пайгамбаримиз у ердан кетдилар.

Саъд ибн Убода ётоқда экан. Расулуллоҳ (с.а.в.) келганларининг хабари берилган заҳоти ичини бир севинч қоплади, таъриф этилмас туйғулар унинг руҳини ўради.

Келган азиз меҳмон унга шифолар тиладилар. Суҳбат асносида йўлда бўлган ҳодисани аңлатдилар. Абдуллоҳ ибн Убаййнинг қупол муомиласини айтиб бердилар.

— Хафа бўлманг, ё Расулуллоҳ, — деди Саъд, — унинг қусурига пәрво қилманг. Сиз таблиғ қилаётган бу диннинг хушхабари бизга етиб келган пайтларда Ясриб халқи уни раис қилиб кўтармоқчи, бошига тож кийдирмоқчи бўлиб турган эди. Оллоҳ таоло сизга берган неъматини билан унинг раислигини тўсиб қўйгач, аввал кўрган ҳурмат ва эътиборини йўқотди, мана шу нарса унга оғир келди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Саъднинг уйдан қайтиб келаётганларида йўлда бир йигитчани учратдилар. У бир қўйни суйган, энди терисини шилиш билан овора, лекин ҳеч удалай олмаётган эди. Пайгамбаримиз унинг яқинига келдилар.

— Қани, ўтиб тур-чи, сенга буни қандай қилишни кўрсатаман, — дедилар.

Йигитча нарироқ чекилди, Расули Акрам (с.а.в.) қўлларини тери билан эт орасига суқиб, терини ажрата бошладилар. Қўлтиқ остига келгунга қадар ажратдилар. Йигитча мамнуният билан томоша қиларди. Бир томонни шилиб кўрсатгач, чеккага ўтиб:

— Мана шундай қил, — дедилар-да, яна йўлда давом этдилар.

...

Абдуллоҳ ибн Саломнинг мусулмон бўлганлиги хабари ҳали яҳудийларга етиб бормаган эди. Бир куни Абдуллоҳ пайгамбаримизнинг (с.а.в.) ёнларида эканлигида яҳудийларнинг зиёратга келаётганлиги маълум бўлди. Ибн Салом:

— Ё Расулуллоҳ, яҳудийлар туҳматчи, фасод чиқаришдан хушланадиган бир миллатдир. Менинг мусулмон бўлганимни эшитсаар, турли-туман ёмон гапларни айтадилар. Илтимос, бундан олдинроқ улардан мен ҳақимда сўраб кўринг, — деди ва ўзи чеккага ўтиб яшириниб турди. Яҳудийлар келишди:

— Ас-сому-алайка, ё Муҳаммад!<sup>1</sup> — дейишди тилларини буриб.

— Ва алайкум, — деб жавоб қилдилар Расули Акрам (с.а.в.). Утирдилар. Ҳол-аҳвол сўралди. Гап орасида Расулуллоҳ (с.а.в.):

— Абдуллоҳ ибн Салом қандай одам? У ҳақида қандай фикрдасизлар? — деб сўрадилар.

— У бизнинг саййидимиз, улугимиз. Отаси ҳам оталаримизнинг саййиди булган. Энг яхшимиз, энг олимимиз удир, — деб жавоб қилишди яҳудийлар.

Бу сўздан кейин Абдуллоҳ беркинган жойидан чиқди:

— Эй яҳудийлар, Оллоҳдан кўрқинг ва сизга келган бу динни қабул этинг. Оллоҳга қасам ичаманки, сиз унинг пайгамбар эканини биласизлар. Мен унинг Оллоҳ юборган пайгамбар эканига иймон келтираман ва тасдиқ этаман. Яъни, уни Тавротдаги васфлари билан танийман ва сизга ҳам танитяпман, — деди.

— Ёлгон гапиряпсан, эй Салом угли!

— Сен ахлоқсиз, ёлгончисан сен!..

— Зотан, ҳар доим бошимизга бир фитна чиқариб юрсан...

Ҳар огиздан бу каби овозлар... Салгина аввал «энг яхшимиз, энг олимимиз» дея таърифланган Ибн Саломга энди бу қадар нафратли муносабат...

Абдуллоҳнинг гапи тўғри чиқди: қандай миллат эканликларини қисқа вақт ичида ўзлари исботлаб бердилар. Лисони ҳоълари ила гуё дедиларки: «Бизга ишониб бўлмайди. Қандай муомала қилишимизни ҳеч ким билмайди. Ҳозир оқ деган бўлсак, кетидан қора дейишимиз ҳам мумкин».

Абдуллоҳни «саййидимиз» деганлар гуё улар эмас.

Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ҳузурларига иймон келтириш учун келмаган эдилар, дарҳақиқат, иймон келтирмасдан кетдилар.

...

Бир куни кечаси Мадинада қаттиқ шовқин-сурон бўлиб қолди. Одамлар чучиб уйқудан уйғонишди. Айримлар шовқин келаётган тарафга югурди. Йулда Расулуллоҳга (с.а.в.) дуч келдилар. У зот Абу Талханинг «Мандуб» деган отига миниб олган эканлар.

— Кўрқманглар, ҳеч нарса булгани йўқ. Хавотир олманглар, ҳеч гап йўқ, — дердилар отдан тушаётиб. — Мандуб мукамал от, шамолдек елди ўзиям.

Ажабланарли ҳол. Ахир, Мандуб чопқир от эмасди. Тўғри-

<sup>1</sup> Яҳудийлар пайгамбаримиз ҳузурларига келгач, гуё салом бергандек «а» товушини чўзиб, «ас-сому алайка» (балолар ёгилсин, дардлар, мусибатлар бошингдан аримасин) демоқчи, пайгамбаримизни узларича мазах қилмоқчи бўлишди. Пайгамбар (с.а.в.) бу нозик калакани сезганлари учун жавобни қисқа қилиб, «Ва алайкум» (яъни, сизларга ҳам) деб қўйдилар. Тарж.

роғи, шу пайтгача унинг тузук-қуруқ юрганини ҳам ҳеч ким кўрмаган. Балки пайгамбар (а.с.) отнинг ёмон юришига кесатиб шундай дегандирлар? Йўқ, ухшамайди. Расулуллоҳнинг бу сўзлари тақдирловчи сўзлар эди. У зотнинг сўзлари чин ҳақиқат эди.

Шовқин кутарилганида, нима бўлганини билиш учун ҳали одамлар йўлга тушмасиданоқ Набиййи Акрам (с.а.в.) яқин қўшнилари Абу Талханинг отига миниб, гумбурлаган жойга қушдек учиб бориб, билиб қайтаётган эдилар. Дарҳақиқат, Мандуб Расулуллоҳ минганларида гўё оёқлари ечилиб кетгандек учган эди.

Шундан кейин Абу Талха қачон Мандубни минса, шамол каби елар, мукамал бир от бўлган эди.

Кичкина Анасни пайгамбаримизга (с.а.в.) хизматчи қилиб берган Умму Сулайм оиласига Оллоҳ тарафидан берилган мукофотларнинг биттаси шумикан, ажабо?!

\* \* \*

Масжид қурилиб битгач, пайгамбаримиз (а.с.) намозни фақат ўша ерда ўқийдиган бўлдилар. Шу пайтгача намоз вақти кирганда қаерда бўлсалар, ўша ерда адо этардилар. Баъзан бир хурмо дарахтининг соясида, баъзан бирор уй девори тагида, ҳатто баъзи вақтлар қуй қураларида ҳам ўқир эдилар.

Юмушлардан холи мўминлар намоз вақти яқинлашганда масжидга келишар, кутиб туришар эди.

Ишлик мўминларга, умуман, эрқагу аёл барча мусулмонларга намоз вақтини билдириш ва намозга чақириш учун нимадир қилишга эҳтиёж сезилди.

Пайгамбаримиз (с.а.в.) бу мавзуда саҳобалари билан маслаҳатлашдилар. Аввал жамоат билан ўқиладиган намознинг фазилатлари ҳақида гапирдилар. Кейин намоз вақтини қандай қилиб халққа билдириш масаласини уртага ташладилар. Кимдир қўнгироқ чалишни маслаҳат берди. Бошқа биттаси, баланд бир жойда олов ёқиш керак, деди. «Нимадир чалиш керак ёки бирор байроқ тикайлик», деган таклифлар ҳам бўлди. Лекин, ўша куни буларнинг ҳеч бири мақбул қўрилмади. Ҳозирча «Ас-солату жамеъа!» (намоз жамлайди) деб чақиришда давом этадиган бўлишди. Аммо, маълумки, Жаноби Ҳақ уларга келажакда энг чиройли бир йўл кўрсатади.

\* \* \*

Мадиналик мусулмонлардан Абдуллоҳ ибн Зайд туш кўрди. Яшил либосли бир киши, қўлида қўнгироқ бор эмиш.

«Эй Оллоҳнинг қули, қўнгирогингни менга сот», дебди Абдуллоҳ.

«Нима қиласан?»

«Шуни чалиб, халққа намоз вақтларини билдираман».

«Мен сенга янада гўзалроқ бир йўлни кўрсатаман, хоҳлайсанми?»

«Албатта».

«Намоз вақти кирганда баланд овоз билан бундай дейсан: «Оллоҳу Акбар, Оллоҳу Акбар, Оллоҳу Акбар, Оллоҳу Акбар. Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду ан-ла илаҳа иллаллоҳ. Ашҳаду ан-на Муҳаммадар-росулуллоҳ. Ашҳаду ан-на Муҳаммадар-росулуллоҳ. Ҳаййа Ўалас-солаҳ. Ҳаййа Ўалас-солаҳ. Ҳаййа Ўалал-фалаҳ. Ҳаййа Ўалал-фалаҳ. Оллоҳу акбар. Оллоҳу акбар. Ла илаҳа иллаллоҳ».

Абдуллоҳ уйгонди. Яшил либосли кишининг айтганлари аниқ-тиниқ эсида қолган эди. Турасолиб Расулуллоҳнинг ҳу-зурларига чопди.

— Эй Оллоҳнинг элчиси, бир туш кўрдим... — дея бир бошдан гапириб берди.

Пайгамбаримизнинг қалбларига бу тушнинг илоҳий бир таълим эканигини англагувчи роҳатбахш бир туйғу келди.

— Инша Оллоҳ, бу тўғри ва содиқ тушдир. Билолга ўргат бунди. Шу сўзлар билан намоз вақтини эълон этсин (азон ўқи-син). Чунки унинг овози сеникидан жаранглироқдир.

Абдуллоҳ Билол билан бирга бир уйнинг томига чиқдилар. У тушида ўрганган калималарни айтиб турар, Билол эса, бу муборак жумлаларни жарангдор овозда такрорлар эди:

— Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар...

...

Умар ибн Хаттоб уйгонган булса-да, ҳали тушакдан турмаган эди. Мадина узра «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар...» садолари тарала бошлади. Шунда у ўрнидан сапчиб турди. Шошилиб, кийимини кияр-киймас эшикка қараб чопди. Аелининг:

— Нима булди, эй Хаттоб угли, қаёққа шошяпсиз? — деган саволига ҳам жавоб бермасдан, масжидга югурди. Билол азонни тутатган ҳам эдики, либосининг бир учи ерга судралган ҳолда Умар ҳансираб кириб келди.

— Сизни элчи қилиб юборган Оллоҳга қасамки, Билол айтган азонни тушимда эшитдим, — деди у.

Бу сўзлар пайгамбаримизни (а.с.) баттар мамнун қилиб юборди.

— Бу неъматини учун Оллоҳга ҳамд булсин! — дедилар.

...

Расулуллоҳнинг масжидларига аёллар ҳам чиқишар эди. Жамоатга қўшилиб, намоз ўқишарди. Пайгамбар (а.с.) белгила-ган тартибга қўра, олдинги сафда эркаклар, кейин болалар, кейин эса, аёллар туришарди. Кўпгина эркакларнинг кийимла-ри ночор эди. Рукуга эгилганларида авратлари очилиб кетмас-лиги учун баъзилари кийимнинг бир учидан ушлаб туришга мажбур эди. Шу тўғрисида Набий (а.с.) аёлларга эркаклар руку-дан тургунларича бош кўтармасликни, эркакларга эса, намоз

тугаб, аёллар тарқалиб кетгунларича уринларидан қимирла-масликни буюрдилар.

Бир суҳбат орасида у Зот шундай дедилар:

— Азон айтишда ва биринчи сафда туришда қанчалик са-воб ва мукофот борлигини билсалар эди, одамлар узаро тала-шиб қолмаслик учун қуръа ташлашдан бошқа йул топмасди-лар. Агар намознинг биринчи такбирига етиб олишнинг саво-бини билсалар, мусобақа қилаётгандек чопиб келган буларди-лар. Хуфтон ва бомдод намозларида қандай ажрларга эришиш-ларини билсалар эди, эмакляб бўлса ҳам, масжидга келган бу-лардилар.

\* \* \*

Қубо қишлоғида бир-бирларига қариндош бўлган икки ои-ла орасида жанжал чиқиб, уруша бошладилар. Бу хабар Мадина-га етиб келганида Пайгамбар (а.с.) саҳобаларига:

— Туринглар, уша ёққа борамиз, яраштириб қўяйлик, — дедилар ва бир неча саҳобалари билан йулга тушдилар. Қиш-лоққа етиб келгач, Амр ибн Авф уругларини туплаб, уларни яраштириб қўйдилар, дардларига ҳамдард бўддилар.

Намоз вақти кирган бўлишига қарамай, Пайгамбарнинг (с.а.в.) ҳали ҳам қайтмаганини кўрган Билол Абу Бакр ҳазрат-ларининг олдига келиб:

— Эй Абу Бакр, намозни ўқиб беринг, — деди.

Шундан бошқа чора ҳам йуқ эди. Ҳазрати Абу Бакр меҳ-робга утиб, намозни бошлади. Улар намозда эканлар, Расулул-лоҳ ҳам етиб келдилар ва дарҳол сафга қўшилиб, имомга иқти-до қилдилар. Пайгамбарнинг келганини сезганлар чапак чалиб, Абу Бакрга билдирмоқчи бўлишди. У эса бу ишоратларни сез-май, намозни давом эттираверди. Ниҳоят, орқасига қайрилиб қараб, Расулуллоҳнинг ҳам намозда турганларини кўрди. Пайгамбаримиз унга намозни давом эттираверишига ишорат-лар қилсалар ҳам, орқага чекиниб, сафга турди. Имомул анбиё пайгамбаримиз имомликка утиб, намозни охирига етказдилар. Салом бергач, жамоатга қарата шундай хитоб қилдилар:

— Эй муминлар, намозда сиз тарафдан муҳим бир иш содир бўлди — чапак чалдингизлар. Билингларки, чапак чалиш аёлларга хосдир. Агар намозда бирон нарсани билдиришга эҳтиёж сез-санглар, «Субҳаналлоҳ» денглар. Шунда имом эшитиб қарайди, ҳолатдан бохабар бўлади. Ва сен, эй Абу Бакр, мен ишора қилсам ҳам, намозни тутатишингга нима монелик қилди?

Ҳазрати Абу Бакр одоб билан шундай жавоб бердилар:

— Абу Куҳофа ўглининг Пайгамбарга имомлик қилишга ҳаққи йуқ.

\* \* \*

Мақкада никоҳи ўқилган Ҳазрати Ойиша ҳали ҳам отаси-нинг уйида эди. Ҳали ёш экани сабабли тўй кечиктирилган

эди. У балоғат ёшига етгач, Ҳазрати Абу Бакр Расулуллоҳга (с.а.в.) Ойишани уйига олиб кетиш вақти келганини билдирдилар. Онаси Умму Руман Ойишани кучадан чақириб, аёллар йигилган уйга олиб кирди.

— Хайрли бўлсин, муборак бўлсин! — дея қутлай-қутлай, аёллар унинг сочларини тарай кетдилар. Кейин онаси Умму Руман уни қўлидан ушлаб, Расулуллоҳнинг ҳузурларига олиб борди:

— Эй Расулуллоҳ, бу сизнинг хонимингиздир. Муборак бўлсин! — деди.

Умму Руман бир муддат тургач, пайгамбаримиздан рухсат олди-да, уйига қайтди.

Туй маросимисиз ва зиёфатсиз утган бу муборак никоҳ пайгамбаримизнинг (с.а.в.) Мадинага келганларидан етти ой кейин (шаввол ойида) содир бўлди.

Шаввол ойи Расулуллоҳнинг Ҳазрати Ойишага (розийаллоҳу анҳо) уйланишларидек саодатли ҳодиса орқасидан иккинчи севинчга йўл очди: Зубайр ибн Аввомнинг аёли, Ҳазрати Ойишанинг онаси Асмо угил кўрди. Чақалоқни йургакка урашиб, Набийи Акрам (с.а.в.) ҳузурларига олиб келдилар. Султони Анбиё пайгамбаримиз бир хурмо олиб, оғизларида яхшилаб чайнадилар-да, чақалоқнинг оғзига солдилар. Кейинчалик Абдуллоҳ ибн Зубайр номи билан шуҳрат топган бу чақалоқнинг оғзига кирган илк нарса пайгамбаримизнинг тупуклари ва чайнаган хурмолари эди.

Абдуллоҳ ҳижратдан сўнг муҳожирлар орасида тугилган илк угил чақалоқ эди. Бундан фақатгина Зубайр оиласи эмас, балки барча мусулмонлар севиндилар. Бундан буён яҳудийларнинг: «Биз сизни сеҳрладик, энди эркак бола сизларда тугилмайди», деган сўзларининг заррача қиймати қолмади.

Ҳазрати Ойиша хола бўлган эди, у жияни Абдуллоҳга қаттиқ меҳр қўйди. Узининг фарзанди йўқ эди, аммо жиянига бўлган шу муҳаббати туфайли уни «Умму Абдуллоҳ» деб атай бошладилар.

Келажақда уни бундан ҳам юксак шараф кутарди. Улуғ Оллоҳ Набийи Акмал пайгамбаримизнинг (с.а.в.) барча аёллари қатори уни ҳам «Уммул Муъминин» унвони ила мукофотлайди.

• • •

Билал янги вазифасини завқ билан бажарар эди. Бор овози ила «Оллоҳу акбар», деб Оллоҳнинг буюклигини кунда беш марта оламга эълон этар, бунга ҳеч ким тўсқинлик қилмас эди.

«Оллоҳ бирдир» дегани учун исканжага олган, қийнаб қон қусдирган, дунёни кўзига қоронғу қилган Умаййа ибн Халаф қани? Қани, энди келиб, «Учир овозингни!» деб кўрсин-чи.

Билал қўлини қулогига қўйиб, то Макка кўчаларигача, Умаййа ибн Халафнинг уйигача эшиттирмақчидек бўлиб, жон-



дилдан «Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар», деб бор кучи билан ҳайқирарди.

Бир сафар бомдод намозига азон чақириш учун келганида, Сарвари Анбиё пайгамбаримиз ҳали уйқуда эканлар. Эшик олдида тўхтади. «Ас-солату хойрум минан-навм» (Намоз уйқудан афзалдир) деб овоз берди. Пайгамбаримиз (а.с.) бу сасдан уйғониб, мамнун бўлдилар ва:

— Эй Билол, шу сўзларингни доим бомдод намози азониға қўшиб айт, — дедилар.

Сўзлари Билолга оид, зарурати Оллоҳнинг расули тарафидан тасдиқланган бу жумла то Қиёматға қадар ҳам бомдод намозида янграяжак ва Билолдан унутилмас хотира сифатида ёд этилажак.

Бу орада пайгамбаримизнинг (а.с.) ушбу муборак сўзлари ҳам қалбларға жо бўлди:

— Азонни эшитганда: «Эй Оллоҳим, эй бу нуқсонсиз даъват ва ўқиладиган намознинг эгаси Роббим, пайгамбаримиз Муҳаммадға васила ва фазила мартабаларини насиб эт. Уни Ўзинг ваъда қилган мақоми маҳмудға етказ», деган кишини охиратда шафоатимға олурман.

Шундан кейин асҳоби киром Расули Каримнинг таълимотлари ила азон айтилар экан, муаззиннинг айтганларини айнан такрорлайдиган бўлишди. Фақат «Ҳаййа ʼалас-солаҳ» ва «Ҳаййа ʼалал-фалаҳ»дан кейин «Ла ҳавла ва ла қуввата илла билаҳ», дейишар эди.

...

Масжиднинг бир тарафида усти ёпиқ бир суфа бор эди. Бу суфа Пайгамбар (а.с.) тарафларидан кимсасиз, бўйдоқ мўминларға ажратилди. Шу ерда ётиб турувчилар бошқа мўминлар жунатиб турадиган емишлар билан кун кечирешар эди. Уларнинг вазифалари Қуръоннинг маъноларини англамоқ, Расулуллоҳнинг ҳадисларини тингламоқ ва ўрганмоқ эди.

Бошпаналари ўша суфа бўлганлиги учун уларни «Асҳоби суффа» деб аташди.

...

Усома бир муддат ташқарида ўйнади. Кейин чопиб пайгамбаримизнинг уйларига кираркан, йиқилиб тушди. Юзи ёрилиб, қон оқа бошлади.

— Тур, эй Ойиша, Усоманинг юзини тозала, — дедилар пайгамбаримиз (а.с.).

Аммо Ойиша рағбат кўрсатмади. Усома қора танли эди, бунинг устига, чанг босган юзига қон чапланиб, бир галати булиб кетган. Уни куриб, Ҳазрати Ойишанинг юзи буришди. Расулуллоҳ (с.а.в.) қайта буюриб утирмадилар. Ҳазрати Ойишанинг бу қилигини унинг ёшлигига йўдилар ва ўзлари туриб бориб, Усомани қўчдилар. Юзини ювдилар, жароҳатига

лабларини қўйиб, қонни сўриб олдилар-да, тупуриб ташладилар. Кейин:

— Усома қиз бўлсайди, уни чиройли кийинтириб, келин бўлгунича харажатини ўзим кутарардим, — деб қўйдилар.

• • •

Абдуллоҳ ибн Убайй ибн Салул Мадинада таниқли кишилардан эди. Ҳатто Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳижрат этишлари арафасида Мадина аҳли уни ўзларига раис қилиб сайламоқчи бўлиб туришган эди. У агар Исломи қабул этса, яхши натижалар қўлга кириши мумкин, деган ўйда пайгамбаримизга (а.с.):

— Эй Расулуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Убаййнинг олдига борсангиз, яхши бўларди, — дейишди.

Пайгамбаримиз (а.с.) бу таклифни қабул этдилар. Эшакка миниб, ёнларига бир неча саҳобаларини олиб, ибн Убаййнинг маҳалласига қараб йўлга тушдилар.

Абдуллоҳ ибн Убайй меҳмонларни очиқ юз билан қаршиламади.

— Сал нари тур, валлоҳи, эшагингнинг ҳиди кўнглимни айнитяпти, — деди атай қитмирлик билан.

Одатда, ҳеч ким бундай кутиб олинмасди. Бу сўзлар тарбия кўрган одамнинг гапи эмас. Ибн Убаййнинг қўшниси Абдуллоҳ ибн Равоҳа пайгамбаримизнинг жавобларига ўрин қолдирмади:

— Оллоҳга қасамки, сенинг ҳидингдан Расулуллоҳнинг эшакларининг ҳиди яхшироқдир.

Абдуллоҳ ибн Убайй жаҳли чиқиб, сўкинди. Бирпасда иккалови солища кетди. Бир-бирларига мушт туширишар, ҳатто пойафзалларини отишар эди. Пайгамбаримиз орага тушиб, уларни ажратиб қўйдилар.

Бу ташрифдан ҳозир бир натижа чиқмаслигини билиб, у ерни тарк этдилар.

• • •

Жума намози энди Масжиди Набавийда ўқила бошлади. Пайгамбаримиз (с.а.в.) хутбада қисқа ва сермазмун ифодалар ила мўминларнинг ақллари ва руҳларига хитоб этардилар. Намоздан мўминларнинг қалблари покланиб чиқарди.

Жума намози кўннинг энг қизиган пайтига тўғри келарди. Далада ё боғда ишлайдиганлар тўғри ўша ердан келишарди. Уларнинг жундан тўқилган кийимларидаги ҳид ҳавони айнитиб, иссиқ кўнда нафас олишни баттар қийинлаштиради. Расулуллоҳ (с.а.в.) бу вазиятни тузатишга киришдилар. Мўминларни ҳафтада камида бир марта ювинишга, имкон бўлса, жума кўни алоҳида бир либос кийиб масжидга чиқишга ва хушбўй атирлардан сепишга даъват қилдилар. Жума кўнлари масжидда юзага келаётган нохуш вазият шу йўл билан йўқолди.

Уша кунлари Макка мушрикларининг Расулуллоҳга (с.а.в.) суиқасд уюштириш эҳтимоли уртага чиқди: Асҳоби киром ҳушёр тортди. Хоссатан, Пайгамбар (а.с.) тадбир билан ҳаракат қилиш заруриятини ҳис этдилар. Кечаларни бедор ўтказишга мажбур бўдилар.

Бир кеча уйқусизлик сўнг ҳаддига етганда, у Зоти Шарифнинг кўнгилларидан: «Қани энди дўстларимиздан биронтаси келсаю мен бир оз ухлаб олсам», деган истак кечди. Кўп утмай ташқаридан қиличнинг шарақ-шуруги эшитилди. Пайгамбаримиз:

— Ким у? — деб сўрадилар. Таниш бир овоз:

— Менман, эй Расулуллоҳ, Саъд ибн Абу Ваққосман, — деди. Сўнгра яқинроқ келиб, мақсадини баён этди: — Эй Расулуллоҳ, ёнингизда қоровул булиб турсам, сиз озгина дам олсангиз, деган эдим.

Фаҳри Коинот (с.а.в.) ҳазратлари Оллоҳга шукр этиб, дарҳол уйқуга толдилар.

Бир неча кун давом этган бу ҳушёрлик балки тўсатдан қилиниши мумкин бўлган ҳужумнинг олдини олгандир. Балки мўминларни хавотирга солиб, безовта қилган у хабар янглиш бўлгандир. Ҳар ҳолда, кўнгилсиз ҳодиса рўй бермади.

...

Бир кеча Усайд ибн Ҳузайр ва Аббод ибн Бишр шом намозидан кейин кетмасдан, хуфтонгача масжидда қолдилар. Хуфтонни ўқишгач, Пайгамбар (а.с.) билан суҳбат қурдилар. Кейин рухсат сўраб, уйларига кетдилар.

Икки биродар Пайгамбар (а.с.) ҳузурларидан чиқиб манзил томон кетар эканлар, олдиларида бир нур пайдо бўлди. Улар юрган сари нур ҳам иддамлар, йуларини ёритиб борар эди. Икки уртоқ қадамлари қаерга тушаётганини, нимани босаётганларини кўриб турардилар. Улар ажралгач, нур ҳам иккига ажралди. Бири Усайднинг, иккинчиси Аббоднинг йўлига шуъла ташлаб, уйларигача кузатиб қўйди. Кейин нур гойиб бўлди. Икки дўст буни Оллоҳнинг икромии деб билдилар.

...

Расулуллоҳ (с.а.в.) Мадина халқини, яъни, мусулмонию мусулмон бўлмаган барчасини бир тан-бир жон этмоққа ният қилдилар. Бу билан ташқаридан кутилаётган ҳужумларга қарши Мадинага кучли ички осойишталик ўрнатилиши мумкин эди. Яҳудийларнинг катталари билан учрашдилар. Икки томонга фойда берадиган бундай шартнома уларга ҳам лозим эди.

Бу шартномада: мусулмонлар ва яҳудийларнинг ўз динларида эркин бўлишлари; шаҳарни ҳар қандай ҳужумлардан биргалашиб мудофаа этишлари; бир-бирининг душмани бўлган бирон қабила билан шартнома тузмаслиги; қурайшликларга

ёрдам берилмаслиги; зулм ва ҳақсизлик қилганларни ҳимоя этмаслиги; бирон келишмовчилик чиқса, Расулуллоҳга мурожаат этишлари лозим, деган муҳим моддалар бор эди.

Мадина кечаги кунга нисбатан янада қувватли, янада осойишта ҳолатга келди. Муҳожирлар билан ансорлар ўртасида биродарлик вужудга келган, мусулмон бўлмаган мадиналиклар билан яҳудийлар орага солиши мумкин бўлган фитна-фасоднинг олди олинган эди. Бутун Мадина халқи қаттиқ эътибор берган бу шартнома туфайли ташқи муносабатларда ҳам мавқеълари хийла кўтарилган эди.

\* \* \*

Ҳазрати Абу Бакр, Билол ва Амир ибн Фуҳайра қаттиқ бетоб бўлиб қолдилар. Иситма хуруж қилган чоғларда Абу Бакр ҳушидан кетар, алаҳсираб: «Ҳар инсон оила аъзолари орасида тонг оттирар, ҳолбуки, ўлим унга чакмонининг камаридан ҳам яқинроқдир», маъносидаги байтни такрорлар эди.

Ёнида ётган Билол ҳам шундай ҳолатда эди. «Оҳ, бир тунгина бўлса ҳам, димогимда майсаларнинг ҳидини туйиб, Макка водийсида тунасам эди. Бир кунгина бўлса ҳам, Мажаннанинг суви бошида меҳмон бўлсам... Шома ва Тафийл тепаликларини кўрармикинман...» каби байтларни ўқир, баъзан бу байтлар кетидан: «Оллоҳим, Утба ибн Робиага, Шайба ибн Робиага, Умайя ибн Халафларга лаънат ёғдир. Улар бизни вафо юрти бўлган бу шаҳарга қандай суриб чиқарган бўлсалар, Сен ҳам уларни раҳматингдан чиқар», деб дуоибад этар эди.

Беморларнинг зиёратига келганлар орасида Ҳазрати Ойиша ҳам бор эди. У ҳам, бошқалар қатори, беморлардан ҳолаҳвол сўрар, кўпинча улардан жавоб ололмас, алаҳсираб ўқилган шеърларни тинглаб-тинглаб қайтиб кетар эди.

Бир куни яна уларни куриб қайтаркан, уларнинг аҳволдан Расулуллоҳни хабардор этди:

— Қаттиқ иситма тутиб, на бировнинг гапини тушунадилар, на ўзларининг гапларини англайдилар, — деди.

Набийи Акрам (с.а.в.) Улуг Оллоҳга юзландилар:

— Оллоҳим, Маккани севдирганинг каби, ҳатто унданда устун бир севги-ла Мадинани ҳам бизга севдир. Тош-торозуларимизга баракот бер. Келган бу офатни Жухўфага кўчир, — дея дуо қилдилар.

\* \* \*

Расулуллоҳ бир сафар намоз инсонни поклаши ҳақида гапирдилар. Бу суҳбат асносида: «Албатта, намоз ёмонлик ва бузуқликдан сақлайди», маъносидаги оят мўминларнинг қалбига яна бир марта нақш этилди. Пайгамбаримиз (а.с.) сузларида шундай давом этдилар:

— Биронтангизнинг эшигингиз олдидан оқиб ўтадиган дарё бўлсаю ҳар куни унга беш марта тушиб ювинсангиз, танангизда кир қоладими?

— Йўқ, кир қолмайди, эй Набиййаллоҳ, — дейишди.

— Беш вақт намоз мана шу дарё кабидир. Бу намоз воситасида Оллоҳ гуноҳларни, хатоларни ювади, — дедилар.

Расули Кибриё пайгамбаримиз (с.а.в.) таҳоратдан мавзу очдилар:

— Бир мусулмон таҳорат олар экан, юзини ювганида, кўзи билан қилган гуноҳлари тўкилади. Қўлларини ювганда, қўллари билан қилган гуноҳлари тўкилади, оёқларини ювганда, гуноҳнинг устида ташлаган қадамлари афу этилади. Натижада инсон гуноҳ қилмагандай покиза ҳолга келади. Умматим Қиёмат куни маҳшарга таҳорат олганда ювадиган аъзолари нурли бўлиб келади. Бу нурни зиёдалаштирмоқчи бўлганлар шуни бўлиб ҳаракат қилсин, — дедилар.

Расулуллоҳ (а.с.) таҳоратда мисвок ишлатиб, оғиз ва тишларни тоза тутишнинг маънавий жиҳатдан фойдасини тушунтирар эканлар:

— Муминларга оғир бўлмаганида, ҳар таҳоратда мисвок ишлатишга буюрган булардим, — дедилар.

Буларни эшитган ва Расулуллоҳни яқиндан таниганлар ҳақиқатан ҳам Фаҳри Коинот пайгамбаримизнинг ҳар таҳорат олганда мисвок ишлатишларини эсладилар.

Уша куни масжиддан чиққанларнинг қулоқларига қўйилиб қолган мана бу сўзларнинг умри абадийдир:

— Бир кишининг жамоат билан ўқиган намози уйда ёки бозорда ёлғиз ўзи ўқиган намозидан йигирма беш даража устундир. Киши уйда чиройли таҳорат олгач, жамоат билан намоз ўқиш мақсадида масжид томон йўлга тушса, ташлаган ҳар бир қадами уни бир даража юксалтиради, ҳар бир қадамда битта гуноҳи тўкилади. Намозда турганида, фаришталар: «Оллоҳим, унга марҳамат қилгин», дея қайта-қайта мурожаат этадилар. Бу ҳол у киши кейинги намозни кутиши мuddатида ҳам давом этади.

...

Усома яна бир куни ўшандагидай алфозда кириб келди. У кўча чангитиб роса ўйнаган, юзлари вужалақ бўлиб кетган, тер ва тупроқ қоришиб, қараб бўлмайдиган ҳолга келган эди.

Набийий Акрам (с.а.в.) уни кўрдилару ювинтириб қўйиш учун уринларидан қўзгалдилар. Аммо бу гал Ҳазрати Ойиша сал илгарироқ сапчиб турди-да:

— Менга қўйинг уни, ё Набиййаллоҳ, ўзим ювинтираман, — деди.

Набийлар Сарварининг юзларида мамнуният ифодалари балқди. Табассумга йўтрлган бир овозда:

— Эй Ойиша, уни сев, чунки мен уни севаман, — дедилар. Сал ўтмай Усома озода бўлган эди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Имом Термизий, 5/677.

Макка...

Бир замонлар «Агар Оллоҳ менинг бу касалимга шифо бериб, тузалиб кетсам, ибну Аби Кабшанинг (яъни, пайгамбаримизнинг) таъзирини бериш бўйнимга қарз бўлсин. Маккада унинг худосига ибодат қилинмайди!» дея қасам ичган Абу Ухайфа орадан кўп йиллар утганига қарамай, огир дарддан қутула олмади. Угли Холид мусулмон бўлгач уйдан чиқиб кетганича лоақал бир бора қайтиб келмади. Қўлига тушса-ку, ўзи биледи нима қилишини: аввал роса таъзирини беради, кейин насиҳат этади. Ақлини йигиб олишини, боши айланиб кириб қолган бу янги динини тарк этишини, ота-боболарининг эски динига қайтишини буюради.

Аммо, на чора, Холид уйига келмаётган эди. Бу ёқда касали ҳам ёқасини қўйиб юбормаяпти. Шам каби кундан-кунга эриб битди Абу Ухайфа.

Ниҳоят бир куни... ҳа-ҳа, бир куни ажал уқи отилди. Сунги нафас олиндию Оллоҳга ва расулига душман бўлган бирининг ҳаёт дафтари ёпилди охир...

Азоб фаришталари келди, унинг ҳабис руҳини танасидан жудо этдилар ва Оллоҳнинг расулига душманлигининг ҳисобини сураш учун олиб кетдилар.

— Сизлар кимсизлар? Мен Абу Ухайфаман, Макканинг энг кўзга кўринган шахсларидан эканимни дуч келган одамдан сурашларингиз мумкин! — ҳам дея олмади.

Ҳақиқатан, Макка шаҳри кўфрнинг бошчиларидан бўлмиш нуфузли шахсиятларнинг биридан жудо бўлган эди. Айни чоқда, мусулмонлар ҳам ашаддий душманларининг биридан қутулдилар. Холид ибн Саид отасининг ўлимидан хабар топмади. Хабар топганида ҳам ҳеч хафа бўлмасди. Яъни, ўглини ҳақ йўлдан қайтаришдан бошқа иши бўлмаган, Исломи динини тугилган жойида бўтишга ҳаракат қилган бундай отанинг ўлими хафа бўлишга арзимас эди.

Бир гуруҳ мусулмон аёллар пайгамбаримизни зиёрат қилгани келдилар.

— Эй Оллоҳнинг расули, эркаклар доимо сизнинг ёнингизда қийматли суҳбатларингизни тинглайдилар. Аммо биз аёллар бундан маҳруммиз. Эркаклар суҳбатингиздан баҳра оладилар, биз эса, қуруқ қолганмиз. Биз учун ҳам бир кунни тайин этсангиз ва бизга ҳам динимизни ўргатсангиз, — дедилар. Аёлларнинг бу таклифи маъқул кўрилди.

— Фалон куни фалончи хотиннинг уйида тўпланинглар, — дедилар.

Уша кун келгач, Пайгамбар (а.с.) айтилган ерга бордилар, аёлларга ўз вазифалари хусусида маъруза қилдилар. Суҳбат мобайнида уларга сабрли бўлишни тавсия этдилар:

— Ичингиздан бирингизнинг мабодо учта фарзандингиз оламдан утган бўлсаю бунинг аламларига сабр этган бўлсангиз, бу сабрингиз учун жаҳаннамдан тўсгувчи бир парда бўлади. — дедилар.

Аёллардан бири сўради:

— Иккита фарзандидан айрилган бўлса-чи?

— Унга ҳам шундай, — деб жавоб қилдилар пайгамбаримиз (а.с.). Эшитиб ўтирганлар фарзанд сони эмас, балки кўрсатилган сабр-тоқат муҳим эканини тушуниб етдилар.

Суҳбатлари унча узун бўлмади. Зеро, пайгамбаримиз (с.а.в.) кўп гапиришни ёқтирмас эдилар. Аммо «келиши билан кетиши бир бўлди» дейишларига ҳам йўл қолдирмадилар. Чунки ким билан суҳбат қилмасинлар, уни зериктириб қўймаслик, қалбини, руҳини татмин этиш каби усуллар у зотнинг асосий мақсадларидан бири эди. Бевақт, беурин, маъносиз гаплар гапириш табиатларига зид ишлардандир. Чанқаган тупроқ сувга қандай муҳтож бўлса, тингловчилар ҳам суҳбатга шундай бир эҳтиёжлари борлигини сезмагунча бирон-бир маъруза қилишни тўғри деб билмасдилар, аммо таблиғ этилиши лозим ҳақиқат бўлса, аввал тингловчиларнинг етарлича диққат-назарларини ўзларига жалб қилиб, кейин асл масалани тушунтирардилар. Ҳар хил ишлов бериш учун темирни аввал қиздириб олиш лозим бўлгандек.

Дарҳақиқат, Расули Кибриё жаноблари (с.а.в.) аёлларга: «Сизларга ҳам англамоқчи бўлган нарсаларим бор», деб уларни бир ерга тўплаб маъруза қилишлари ҳам мумкин эди. Аммо-лекин уларнинг бундай суҳбатларга ичдан эҳтиёж сезишларини ва маданий бир жасорат ила келиб шундай истаклари борлигини ўз оғизлари билан арз этишларини кутиб турган эдилар. Чунки пайгамбаримиз шунақа суҳбатларгина кўпроқ фойдали бўлишига ишончлари комил эди.

Бундан буён Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳафтанинг маълум кунларида аёлларга хусусий маърузалар қиладилар, аёллар ҳам Набийи Акрам ҳазратларининг (с.а.в.) фақат ўзлари учун қиладиган бундай маърузаларини тинглашга мушарраф бўладилар.

...

Бир одам пайгамбаримиздан (с.а.в.) ёрдам сўраб келди:

— Бу одамга ёрдам беринглар, мутлақо ажру мукофотини топасизлар, — дедилар Сарвари Олам. Сунгра қўшиб қўйдилар: — Муминлар бир-бирлари ила деворлари гишт билан уралган бино каби бўлиши керак. — Бармоқларини бир-бирига чалиштириб, мана бундай дея ишорат қилдилар. Яна давом этдилар: — Муминлар шафқат ва марҳамат борасида бир-бирларига нисбатан ягона вужуд кабидирлар. Шундайки, бу вужуднинг бирон-бир жойида оғриқ ёки зарар пайдо бўлса, уша вужуднинг бошқа қисмлари ҳам бу оғриқни баҳам кўрадилар, беҳаловат бўладилар. Бир мусулмоннинг бошига мусибат тушса, бошқалар ҳам бунга чора топиши лозим...

Кимки бир тул аёлга, бир фақир кимсага ёрдам бериш учун ишласа, кундузлари рўза тутиб, кечалари ибодат қиладиган киши каби мақбул булишини англатдилар. Бу орада:

— Ҳар бир мусулмон киши садақа бериши лозимдир, — дедилар.

Фақир мусулмонларнинг нигоҳлари пайгамбаримизга (с.а.в.) қадалди: «Қандай қилиб садақа берайлик, ўзимиз садақага муҳтож ҳолдамиз-ку?» деган маънода жовдирарди бу кузлар. Ораларидан бирлари кўпчиликнинг ҳис-туйғуларига таржимон бўлди:

— Ё Расулulloҳ, инсон садақа берадиган бирон нарсага эга бўлмаса нима қилсин? — дея суради.

— Ишлаб топади. Ҳам ўзи ишлатади ҳамда садақа беради.

Бу сафар бошқа томондан савол келди:

— Бунга ҳам кучи етмаса-чи, нима қилади?

— Унда муҳтож одамларга билак кучи билан ёрдам қилсин.

— Бунинг ҳам иложини қилолмаса-чи?!

— Яхшиликка амр қилиб, тавсия этади.

— Буни ҳам қила олмаса?!

— Шарр ишлардан ўзини тияди, бошқаларга зарар бермайди. Бу ҳам уша одам учун садақадир.

Кейин пайгамбар (а.с.) савол бердилар:

— Дарахтлар ичида япроқларини тўкмайдиган ва бу ҳоли ила мўмин инсонга ўхшайдиган бир дарахт бордир. Қани, айтинг-чи, бу қайси дарахтдир?

Бир бошдан санай бошладилар. У ён-ён ёндан ҳар хил дарахт номлари айтилди, аммо ҳеч бириники тўғри чиқмади. Ва ниҳоят:

— Ўзингиз айтинг, эй Оллоҳнинг расули, — дедилар.

— Хурмо. Ҳаммаларинг энг кўп кўрган, энг кўп билганларинг дарахтдир.

Саҳобийлар жавобни узоқлардан қидирганлари боис топа олмаган эдилар.

Набиййи Акрам (с.а.в.) бу мавзуда шундай изоҳлар қилдилар:

— Мўмин кишининг ҳолати ҳақиқатан ҳам ажабланарли, ҳайратомуздир. Ўзига хуш ёқувчи, севинтирувчи бир ҳодиса рўй берса, Роббига шукр қилади. Бу эса, ўзи учун хайрли бўлади. Қийинчилик, мусибат каби ҳодисалар етса, сабр этади. Бу ҳам унинг учун хайрли бўлади.

Ўтирганлар масалани бу томондан ўйлаб кўргач, япроқларини ҳеч бир мавсумда тўкмайдиган хурмо дарахти билан чин мўмин орасидаги ўхшашликни жуда яхши англаб етдилар. Бириси иссиқ-совуқ мавсумларда ҳам баргларини тўкмай ямшиш қолса, иккинчиси хурсанд ва хафа қилгувчи ҳодисалар қаршисида шукр ва сабр ила ўзини мувозанатда сақлаб, ҳар икки ҳолда ҳам фойда топади, савоб олади. Бундай мувозанатни сақлай олмаганлар ва Оллоҳ берган неъматга қовушганида ҳаддидан ошиб кетган, бирон мусибат келса, ёқасини йиртиб дод-фарёд кутариб, сабр кўрсатмай, ҳар икки ҳолатда ҳам савобдан маҳрум бўлаётган инсонлар ҳам йўқ эмасди.



Уша куни масжиддан чиқаётганлар Ҳазрати Пайгамбардан (с.а.в.) шундай муборак сўзларни эшитдилар:

— Оллоҳу таоло бир қулини севса, Жаброилга (а.с.) ваҳий этади: «Мен фалончи бандамни севдим, сен ҳам севгин», дея амр қилади. Ҳазрати Жаброил ҳам уша кишини яхши кўради. Сунг само аҳлига: «Оллоҳ таоло фалон қулини севади, сизлар ҳам уни севингиз», дея хитоб қилади. Само аҳли ҳам уни севади. Бундан кейин ер юзида Оллоҳни севувчи инсонларнинг қалбларига унинг севгиси жойлаштирилади.

Расулуллоҳ ҳазратларининг суҳбатларидан баҳраманда бўлганлар уша куни руҳлари туйган, кунгиллари ювилган, юзлари топа-тоза, порлоқ ҳолда уйларига қайтдилар.

Умар ибн Хаттоб ҳам уйига томон йул оларкан, угилчаси Абдуллоҳ унинг қулига осилди.

— Отажон!

— Нима дейсан, углим?

— Пайгамбаримиз япроқлари тукилмайдиран дарахтни сурадилар-ку?..

— Ҳа, ҳа. Хуш?..

— Мен уша заҳоти унинг хурмо дарахти эканини билдим, — деди Абдуллоҳ севинчдан кукка сапчигундек бўлиб.

— Жуда яхши, аммо нега айтмадинг?

— У ерда ҳамма мендан катта эди, уялдим.

— Айтганигда бошим осмонга етарди. Биров менга қизил туя ҳада этса ҳам, бунчалик севинтирмасди.

Ота-угил шу тарзда суҳбатлаша-суҳбатлаша келдилар уйларига. Умар ибн Хаттоб фикрли, зеҳли ва одобли бир угли борлигидан гоятда мамнун ва бахтиёр эди.

• • •

Бир куни пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир қанча асҳоблари билан бирга яҳудийларнинг олдига бордилар ва уларни Исломи динига даъват этдилар. Иймон келтирсалар, бериладиган савобнинг буюклигини тушунтирдилар. Юз утирсалар, чекадиган азобларнинг шиддатини ҳам хабар бердилар. Аммо яҳудийлар ҳали-бери иймон келтирадиганга ўхшамасдилар.

— Келтирган бу янги диннинг ҳақ дин эмасдир, — дедилар.

Муоз ибн Жабал сузга аралашди:

— Эй яҳудийлар, қасам ичаманки, сизлар унинг Оллоҳнинг расули эканини биласизлар. Унга пайгамбарлик вазифаси берилмасдан аввал сизлар билан қилган баҳс-мунозараларимизда бизларга нима деганларингизни эсланг. Келадиган янги пайгамбарни барча сифатларини хусусиятлари ила биламиз, демабмидингиз? У келса, унга иймон келтирамиз ва сизларнинг кунингизни курсатамиз, деб юрганлар сизлар эмасми?

Рафи ибн Хураймила бошини тебратди:

— Биз ҳеч қачон ундай демаганмиз. Оллоҳ таоло Мусонинг китоби — Тавротдан кейин ҳеч қандай китоб туширмаган ва ҳеч қандай пайгамбар ҳам юбормаган, — деди.

Ёнида турган дусти Ваҳб ибн Яҳудо «туғри айтмоқда» деган маънода бошини иргаб, унинг гагини тасдиқ этди.

Шундай қилиб, аввалги ҳолларини биладиган ва бу ҳақиқатларни ичларида тинимсиз сузлаб юрган инсонлар қаршисида ҳамда узлари туласича таниб турганлари ҳақ пайгамбар ҳузурида кўра-била туриб инкор этарканлар, ҳатто юзлари қизармасди. Аммо бу юзлар эртага ҳисоб ва жазо кунида қизаражак, пушаймонлик терларини тукажақдир.

Роббул Оламийндан пайгамбаримизга ваҳий олиб келиш вазифаси юклатилган фаришта Жаброили Амин (а.с.) Сарвари Коинотнинг қалбларига ушбу оятларни ваҳий этди:

«Яҳудийлар Оллоҳнинг қадрини керагича (кераги қадар) тақдир этмадилар. Чунки улар: «Оллоҳ ҳеч бир инсонга ҳеч бир нарса нозил қилмагандир», дедилар. Уларга деки: «Мусонинг инсонларга бир нур ва ҳидоят улароқ олиб келган ва сиз уни бўлак-бўлак (қоғоз) варақлар ҳолида узингизга ёққанини эълон қилиб, аммо кўп қисмини яширганингиз Китобни (Тавротни) ким нозил қилди? Сиз ва оталарингиз билмаган нарсалар сизга ургатилгандир». Эй расулим, сен: «Уларни туширган Оллоҳдир», де. Кейин уларни тарк эт, ботил гап-сузлари билан овуниб туратурсинлар». (Анъом, 91).

Бу оят уларга табиғи этилган он ҳам уларнинг ҳолида бир узгариш сезилмади. Яҳудийларнинг юзлари яна қизармади. Чунки уларнинг мақсадлари ҳақни қидириб, ҳаққа боғлиқ бўлиш эмас эди.

\* \* \*

Икки киши бир-бири билан тортишиб қолиб, иккиси ҳам жуда ёмон асабийлашган эди. Ҳатто шундайки, бирининг буйин томирлари ёрилиб кетар даражада буртиб, юзининг ранги ва шакли ҳам узгариб кетган эди. Пайгамбаримиз (с.а.в.) уларни кўрар-кўрмас:

— Мен бир калима биламан, шояд бу одам ушани айтса, ичидаги аччиқланиш дафъ бўлади. Уша калима: «Раҳмати Илоҳийядан қувилган шайтоннинг шарридан Оллоҳ паноҳига синаман» (Аъзу биллаҳи минашшайтонир рожийм) сўзидир, — дедилар.

Пайгамбаримизнинг бу сўзларини эшитганлардан бири уша одамнинг ёнига борди. Расулуллоҳдан (с.а.в.) ўрганганларини унга такрорлади ва:

— Шайтондан Оллоҳга сизин, — деди.

Ҳалиги одам косасида чилдираб уйнаб турган кузларини унга бурди:

— Менда гайритабиий бир ҳол кўряпсанми? Жинниманмики шайтондан сизинсам? Сен мени ўз ҳолимга қуй, — деди.

Келган киши изига қайтди. Шу пайт пайгамбаримиз (с.а.в.) ёнларидагиларга:

— Мард, паҳлавон деб кимга айтадилар, биласизларми?! — дея ҳайқирдилар.

— Паҳлавон деб курагини ҳеч ким ерга теккиза олмаганга йтилади, — деб жавоб қилишди.

— Йуқ, — дедилар Улуг Пайгамбар (с.а.в.), — асл паҳлавон қаҳли чиққанда узига ҳоким бўлган кишидир.

Инсон ўзини қўлга олиши осонми? Аммо Ҳақиқий Тарози ишлайдиган Олий маҳкамада энг зўр паҳлавон сифатида газабини боса олганларнинггина тоши босади. Қирқ маротаба мағлуб бўлса ҳам, ҳеч нарса бўлмагандек яна оёққа турадиган, яна ўша иддао билан майдонга отиладиган нафсининг қарши-сида доимо уйғоқ, доимо бардам ва қарорли бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Кўнгиллар юз йиллар қаърида қолиб кетган бир хотирани Қуръон оятларидан топиб чиқарди. Пайгамбарлардан Юсуф (а.с.) ҳам: «Мен нафсимни айбсиздир, яхшидир, деб ёнини олмайман, Ҳеч шубҳа йўқки, нафс доимо ёмонликка чорлайди», демаганмиди?!

...

Бир куни Пайгамбар (с.а.в.) бомдод намозидан кейин курган тушларини айтиб бердилар:

— Қора танли, тузгиган сочли бир аёлни кўрдим. Мадинадан чиқиб кетди ва Жухфада тўхтади, — дедилар.

Буни нима маънода таъбир қиларкинлар, дегандай нигоҳлар у Зоти Шарифнинг оғизларига қадалди.

Ниҳоят, изоҳ берилди:

— Мен бу рўени Мадинадаги вабонинг Жухфага улоқтирилганлиги маъносида тушундим, — дедилар.

Бу тушнинг ҳақиқатини эртагаёқ халқнинг ўзи кўзи билан куради, ичида яшайди ва ҳақиқат эканига шоҳид бўлади.

Чиндан ҳам ўша кунёқ эса бошлаган ёқимли шамол эски Ясриб ҳавосини Мадина ҳавоси билан алмаштирди. Мадина бутунлай бошқа Мадина бўлди. Бу шамол шаҳарга ҳеч қачон чиқмаслик шарти билан жойлашиб олгандай ўзбошимчалик қилаётган золим бир иллатни ҳеч қачон қайтиб келмайдигандай қилиб суриб кетди. Тушакларда михланиб ётганлар руҳларига бу шамол поклик берди, жигарларига қадар тўйиб-тўйиб нафас олишнинг нақадар фараҳли эканини ҳис этдилар. Баҳор кела бошлаган сайин дарахтларнинг қўп-қуруқ таналарига сув югуриши каби ҳаётбахш эди бу ҳолат. Ҳар тарафни куйдириб, сиқиб-бўғиб қўядиган ҳавоси билан танилган Ясриб шаҳри бундан буён гузал, тоза ҳавоси билан, ёқимли шамоллари билан хотиралардан жой олгувчи Мадина шаҳрига айланди. Севгили пайгамбарини Макка мушрикларининг зулмларидан қутқарган Оллоҳ энди уни Ясриб безгагига ташлаб қўярмиди ҳеч?

Чунки коинотнинг юраги бу ерда урмоқда эди. Борлик оламининг ягона соҳиби ва эгаси Жаноби Ҳақ Ҳабиби Адибни Ясриб каби касаллик учоғида эмас, балки Мадина каби руҳларга фараҳлик бергувчи бир шаҳарда сақлашни мурод этиб, севгили пайгамбарининг дуосини қабул этди ва бу касалликни у ердан бартараф қилди.

Бундан сунгра пайгамбаримиз Мадинани севажак, муҳожирлар ҳам севажаклар ва Маккадан кўра ҳам кўпроқ Мадинага боғланажаклар эди.

...

Мадина мусулмонларидан Абу Масъуд кунлардан бир куни хизматчисидан жаҳли чиқиб, қўлига илинган калтак билан савалай кетди. Урган сари ҳиддати ортиб, янада кўп, янада тез ура бошлади. Бирдан янграган шиддатли овоздан узига келди.

— Эй Абу Масъуд, шуни билиб қўйки...

Бу ким бўлди? Нима истайди ўзи? Овознинг шиддатидан ҳатто қўлидаги калтакни ҳам ерга тушириб юборди. Аммо ҳали ҳам шиддатли ва асабий эди.

Ҳалиги овоз яна бир бор гумбуради:

— Эй Абу Масъуд, билиб қўйки...

Мажбуран қайрилиб қаради, қарадию юзи қип-қизил бўлди. Қалбини буткул эгаллаган газаб бир онда хижолатга айланди.

Ҳамиша қулимсираб юрадиган, кўрган киши яна бир бор кўрмоқни орзу қиладиган бу муборак юзга ҳозир шундай бир ҳайбат ўрнашган эдики, Абу Масъуднинг иликларигача титраб кетди. Бу чеҳра эгаси Мадинага келганидан бери суҳбатларини Абу Масъуд бир неча бор тинглаган, аммо бу даража кескин ва амирона бир овозлари ҳам борлигини кутмаган эди.

Одимма-одим яқинлашар эканлар, Пайгамбар (с. а. в.) такрор-такрор «Эй Абу Масъуд, шуни билки...» дея хитоб этар эдилар.

Ниҳоят, яқинига келдилар. Абу Масъуд эса, бошини қўйи эгиб, жазо ҳукмига рози бўлган айбдордек турар эди.

— Эй Абу Масъуд, билгинки, Оллоҳу таолонинг сенга нисбатан қудрати сенинг шу хизматчига нисбатан қудратингдан кўра устундир!

Қилган ишидан пушаймон бўлган инсон жавоб берди:

— Эй Оллоҳнинг расули, бундан буён ҳеч қачон ҳеч қайси хизматчини урмайман. Бу хизматчим эса, Оллоҳ ризоси учун ҳур ва озоддир.

Севгили пайгамбаримиз дедилар:

— Агар шу ишни қилмаганингда, сенга мутлақо жаҳаннам оташи илашар, сени паришон қилар эди.

Хизматкор эса, янги бир ҳаётга эришиб, ҳурриятини қўлга киритди. Оламларнинг сарвари бўлмиш пайгамбаримизга (с. а. в.), мамнуният тўла кўзлар билан боқди.

Абу Масъуд бу ҳодисани дўстларига айтиб берганида, кўп-ларнинг юзи ўзгарди. Ҳар ким бир миқдор алам ҳис этди. Чунки хизматчини фақат Абу Масъуд савалаб урмасди-да. Бинобарин, пайгамбаримиз (с. а. в.) айтган жазо елгиз Абу Масъудга тегишли эмас эди. Аммо хизматчи танбеҳ-даккига ҳақиқатан лойиқ бўлса-чи? Бунини аниқлайдиган бир чегара борми?

Ниҳоят бу мавзуда аниқ бир маълумотга эга булиш ва ҳаракатларини шунга кўра қилишни истаганлардан бири келди ва ҳамманинг кўзи олдида:

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, хизматкоримни неча маротаба кечиришим керак? — деб сўради.

Пайгамбаримиз (с. а. в.) бу саволни жавобсиз қолдирдилар. Эҳтимолки бу ишни уларнинг ўз виждонларига ҳавола қилмоқчи бўлгандирлар? Саҳобийлар бу зотнинг: «Сизлардан бирингиз ўз нафсига хуш ёқадиганини мўмин қардошига ҳам орзу этмагунча, ҳақиқий маънода мўмин ҳисобланмайди», деганларини билишарди. Бу сўралган саволга ҳам шу муборак сўзлар нури остида ўзлари жавоб топишлари лозимлигига ишорат қилгандирлар? Ўйини: «Мен ҳам бир хизматчи бўлишим мумкин ва узимга қандай муомала этишларини орзу этаман?» дея хатти-ҳаракатларини ҳисоб-китоб қилиб кўришларини истагандирлар?

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, хизматкоримни неча маротаба маъзур кўриб авф этишим керак?

Яна жавоб бермадилар. Бу саволни эшитмадилар гуё...

«Саволингизнинг жавобини мен Абу Масъудга айтдим-ку, ахир. Сизлар ҳам ундан бошқачароқ ҳукмга лойиқ эмассизлар».

Балки Буюк Пайгамбар (с. а. в.): «Оллоҳнинг сени қай даражада маъзур кўришини истасанг, сен ҳам хизматчингни шунчалик маъзур кўр, маъносида бир хулоса чиқариб олишларини истагандирлар? Аммо савол бергувчи бу мавзуни мутлақо Набийий Акмалга (с. а. в.) ҳал этдиришни хоҳлар ва шунга қарор қилган эди. Эҳтимол у, ҳамма ўз тушунчаси бўйича йул тутишидан кўра, энг салоҳиятли оғиздан чиқадиган фармонни тинглаши хайрлироқдир, дея ўйлар? Балки бу мавзуда ўзининг тушунчаси етарли эмасдир ёки илоҳий бир амр остида такрор-такрор сўрагиси келаётгандир. Ишқилиб, яна учинчи бор сўради:

— Эй Расулуллоҳ, хизматкоримни неча маротаба маъзур кўриб, авф этишим керак?

Бу сафар пайгамбаримиз унга юзландилар-да, дона-дона қилиб:

— Ҳар куни етмиш маротаба! — дедилар.

Жовдираган нигоҳлар бир-бирига қадалди. Бошлар бу таҳдидкорона хитобдан беихтиёр икки ёққа тебранди. Яқин-яқингача оғир ишларга мўлжалланган, хўрланган ва бўлар-булмас баҳоналар ила таёқ еб келган хизматкорлар бундан буён эмин-эркин нафас оладиган, атрофга бошларини бемалол кутариб қарайдиган ва ёмон ёз эшитмайдиган бўлдилар. Набийлар Султони (с. а. в.) бу мавзуни бир оз ойдинлатиш учун қўшимчалар қилдилар:

— Улар сизларнинг оға-иниларингиздир. Оллоҳ уларни сизга ёрдамчи ўлароқ берган экан, оға-инилар уртасида қандай муомала лозим бўлса, шундай муомала қилинг. Ҳар ким ўзи ейдиган таомдан унга ҳам едирсин, ўзи кийган кийимлардан

кийдирсин, кучи етмайдиган ишларга буюрмасин. Бордию унга оғир иш таклиф қилиб қолса, ўзи ҳам ёрдамлашин. Ичингиздан биронтангиз хизматчисига беихтиёр қул кўтариб қолса, Оллоҳни хотирлансин-да, дарҳол қўлини туширсин...

Бу насиҳатлар уша ерда ҳозир бўлганларнинг қулоқларига исирга каби тақилди. Суҳбатда иштирок этмаган, аммо уша кундан кейин ўзларига қилинаётган муомалаларнинг ўзгарганини кўрган хизматчи ва жориялар бу ҳолга ҳеч тушуна олмадилар. Аммо кейинчалик буни Оллоҳнинг пайгамбари томонидан эсан тотли, раҳмат шамолларига боғладилар, унинг бир лутф ва икромни эканини англаб етдилар. Энди хонадонларда қул ва жорияларга янада инсофли, янада марҳаматли ва шафқатли муносабат қилинадиган бўлди. Қул ва жориялар хужайинларининг «ўғлим», «қизим» каби ширин сўзлар билан мурожаат эта бошлаганларини сездилар.

• • •

Ҳазрати Умар (р. а.) билан бирга ҳижрат этган, аммо Абу Жаҳл билан укасининг ҳийлаларига алданиб Маккага борган Айёш ибн Робиа ва ҳали Маккадан чиқмай туриб қулга туширилган Салама ибн Ҳишом ҳибс этилган эдилар. Бундан ташқари, ҳижрат қилиш имконини топа олмаган бир қанча мўмин Маккада қаттиқ тазйиқлар остида эди.

Бир бомдод намозида Пайгамбар (с. а. в.) иккинчи ракатда рукуга эгилдилар. Сунгра рукудан тургач, саждага бормай, қўларини кўтардилар:

— Оллоҳим, Салама ибн Ҳишомни, Айёш ибн Робиани ва қийноқ остида қолган бошқа мўминларни сен узинг қутқар. Оллоҳим, сен ҳам Мудор қабилисига тазйиқингни орттир. Юсуф пайгамбар даврида берганинг очлик, қийинчилик каби, уларга ҳам йўқчилик бер, — дея дуо этдилар. Кейин «Оллоҳу Акбар» деб сажда қилдилар. Намозни тугалладилар.

Бундай дуолар бомдод намозидан то хуфтон намозигача давом этиб, бир неча кун такрорланди.

Абдуллоҳ ибн Убайй Расулуллоҳни (с. а. в.) ёмон кутиб олганидан ҳеч пушаймон эмас эди. Зиёратга келган инсонни бу шаклда қаршилаш тарбиясизлик, ҳурматсизлик эканини, албатта биларди. Араб урф-одатларига кўра, меҳмонга икром кўрсатилиши лозим. Бу хунук ва қўпол хатти-ҳаракатларини ҳеч ким асло кечирмас.

Бир куни мадиналик бир неча мўминлар уни кўргани келишди. Иймон келтиришни таклиф қилдилар. Аммо Ибн Салул бундай таклиф қилганларнинг оғзига урди:

— Ораларингиздаги бир гуруҳ аҳмоқларга ухшаб биз ҳам иймон этайликми? — деди.

Унга англатилдики, иймон келтириш аҳмоқлик эмас, аксинча, ҳақиқий ақлли киши Оллоҳни бир деб билиши ва Ҳазрати Муҳаммадни (с. а. в.) пайгамбар деб қабул қилиши лозим. Яна айтилдики, қилиб турган ва яна давом эттириш ниятида бўлган

бу ҳаракати бузгунчиликдан бошқа нарса эмас. Аммо Ибн Салул бу огоҳлантиришларни қабул этмади:

— Бизнинг мақсадимиз Ясрибда сизлар бузган тартиб-тузумни янгидан тиклаш ва тузатишга ҳаракат қилишдир. Ақларингиз бўлса, бу буюк сўзларга қулоқ соласизлар, — дея жавоб берди.

Ибн Салулдай бир кимса йўлга кирмаслигига қаноат ҳосил қилган ҳолда у ерни тарк этдилар.

. . .

Ҳавоси кундан-кунга яхши бўлиб бораётган Мадинада аввалдан сув тақчилиги масаласи бор эди. «Румо» деб аталган қудуқдан бошқа чучук сувли қудуқлари йўқ ҳисоби. Румога эса, бир яҳудий хўжайин. Мусулмонлар у ердан хоҳлаганча сув ололмасдилар. Яҳудий сувини пулга сотар, текинга ҳеч ким бир томчи ҳам сув ичолмасди. Пайгамбаримиз (с. а. в.) ҳам бу қудуқ сувидан бир гал ичган ва хушланган эдилар.

— Бу қудуқни сотиб олиб, ўзи қатори бошқа мусулмонларнинг ҳам идишларини тўлдириб, эвазига жаннатда янада хайрли бир қудуққа соҳиб бўлишини ким хоҳлайди? — дея хитоб қилдилар бир куни.

Бу муборак хитоб тезда таъсирини кўрсатди. Яъни, орадан ҳеч қанча вақт ўтмасданоқ Ҳазрати Усмон (р. а.) қудуқ эгаси яҳудийнинг ҳузурини эди. Қудуқни сотгин, деб таклиф қилди. Яҳудий кўнмади.

— Ҳеч бўлмаса ярмини сот! — деди.

— Ярмини қанақа қилиб сотаман?

— Қудуқдан бир кун сен фойдаланасан, бир кун мен.

Йўли топилганидан яҳудий севинди:

— Мана бу бошқа гап! Бундай қилса бўлади. Нархини бозорга сол, — деди.

Натижа шу бўлдики, Ҳазрати Усмон унинг ҳовучига ўн икки минг дирҳамни санаб солиб қўйди.

Шундан кейин Ҳазрати Усмонга тегишли кунларда сувга харидор бирданга ортиб кетди. Муминлар келиб икки кунлик эҳтиёжларига етарли сувни олиб кетардилар. Шундан сунг қудуққа яҳудийнинг хўжайинлик галида ҳеч ким келмай қўйди. Нарх ҳам бирданга тушиб кетди. Яҳудий шошиб қолди. Харидорни ўзига тортиш учун у ҳам нархини туширди, барибир бўлмади.

Чунки шериги Усмон навбати куни сувни текинга тарқатаётган эди.

. . .

Илк мусулмонлардан Усмон ибн Мазъун ибодатга муккасидан кетган одам сифатида танилган эди. Дунёга ҳеч майли қолмаган. Ягона фикри мул-қул ибодат қилиш ва ибодатларига тусиқ бўлувчи ҳар нарсани ҳеч ўйлаиб утирмай тарк этиш.

Уйланган, ammo фақат сўзда уйлангандек. Оилали, ammo оила ҳаётини юритмасди, бўйдоқдек яшарди. Назарида, оила ҳаёти уни ҳақ йўлдан чиқарадигандек, охират ҳаётига ҳам халақит қилаётгандек булар, фикри-ёди узини бу ҳаётга олдириб қўймаслик эди. Бу ишда шундай чуқурлашиб кетдики, ҳатто эрлик ҳис-туйғусини ўлдирадиган, ҳеч қачон оила ҳақида ўйламайдиган машғум бир йўлни ҳам синаб кўрмоқчи бўлди. Бу ишини Оллоҳга қўллик қилиш йўлида қўядиган қутлуг қадам деб билар эди.

Унинг ичдан келган бу орзуси секин-аста ёнидагиларга ҳам таъсир этиб, асқобдан баъзи ёшлар бу йўлни танламоқчи ҳам бўлдилар.

Ниҳоят бир куни Усмон пайгамбаримизга (а. с.) дардини очди. Нима қилмоқчилигини айтди. Ammo шиддатли қайтариққа учради. Қатъийан бундай бир машғум ишни қилмаслик буюрилди. Усмоннинг фикрига эргашган ёш мусулмон йигитлар ҳам бу режаларидан тезда воз кечдилар.

Усмон эса, уйда яна ибодатда давом этди. Бир куни пайгамбаримиз (с. а. в.) унинг уйи ёнидан ўтарканлар, эшигининг икки четига икки муборак қўлларини тираб туриб, шундай дедилар:

— Эй Усмон, Оллоҳ сени бир руҳбон<sup>1</sup> қилиб яратмаган. Эй Усмон, Оллоҳ мени ҳам руҳбонлик таълими учун юбормаган. Эй Усмон, шуни яхши билгинки, Оллоҳнинг менга берган вазифаси руҳбонликни ургатиш иши эмасдир. — Сўнгра сўзларида давом этиб, шуларни қўшимча қилдилар: — Оллоҳ ҳузурида энг хайрли дин, қўлайликни амр этадиган пок Исом динидир.

Пайгамбаримиз унга: «Буткул ибодатга берилиб кетган бу ҳаётингни тўғри деб топмадим», демоқчи эдилар.

Усмон эса, кўп ибодатдан бошқа нарсани ўйлайдиган ҳолда эмасди. Ахир, Оллоҳ рози бўладиган диний ҳаётни энг чиройли шаклда ургатувчи Буюк Пайгамбарнинг шаҳрида яшаса... Бундан ташқари, ўзи шу Буюк Пайгамбарга эмақдош бўлса... Намозларини бу зотнинг орқасида туриб ўқиса... Энг муҳими — ҳақ дин ила мушарраф бўлган бўлса... ибодатини у купайтирмай ким купайтирсин?! Бошқалардан бир неча баробар кўп ибодат қилиб, охиратга олам-олам намозлар олиб кетиш қандай яхши!..

Шу орада Усмоннинг таъсирида янада кўпроқ ибодат қилиб қолиш гайратига минган яна уч йигит Набиййи Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйда йўқ пайтларини пойлаб туриб, хонаи саодатларига келди ва аёлларидан пайгамбаримизнинг уйдаги ибодатларини ўрганди. Ammo олинган жавоб уларни мутлақ қониқтирмади. Тасаввурларида бошқача — ниҳоятда кўп бўлиши керак эди-да. Бунчалик ибодатни оз деб билдилар.

---

<sup>1</sup> Руҳбон — роҳиблик; христиан динида дунёдан буткул узиллиш ҳисобига руҳониятга берилиб кетган киши; тарки дунё этган диндор. (Тарж.)



— Албатта, у Оллоҳнинг расули, шундай экан, унинг ҳеч қандай гуноҳи йўқ. Дунёси ҳам, охирати ҳам кечирилган, таъминланган. Оллоҳу таоло нега кўп ибодат қилмадинг, деб пайгамбарини оташга ташламайди-ку, ахир! Бизлар-чи? Бизга бу ибодатларнинг ўзи кифоя қилармиди? Бу қадар оз ибодатларимиз нажот топишимизга етарлимикан?

Бу саволга уловининг ҳам жавоби бир хил бўлди: «Йўқ! Асло!» дедилар. Улардан бири:

— Шу кундан эътиборан мен тунлари ухламайман, фақат ибодат қилиб чиқаман, — дея қасд этди.

— Мен уйланмайман, — деди иккинчиси.

— Мен кунларимни доимо рўза тутган ҳолда ўтказаман, — деди учинчиси.

Йигитлар пайгамбаримизнинг (а. с.) хотинлари ва қизларининг куз унгида шундай қарорга келиб, у ердан айрилдилар.

Расулуллоҳ (с. а. в.) уйга келиб, бу хабарни эшитдилар-у, кўнгиллари хижил бўлди. Дарҳол масжидга кирдилар. У ерда утирганларга ҳам воқеани аңлатиб, шундай хитоб қилдилар:

— Шунга яхши билинларки, сизларнинг ичингизда Оллоҳдан энг кўп қўрқадиган киши менман. Шу билан бирга, мен рўза тутаман ҳам, тутмаган кунларим ҳам бўлади. Тунлари ибодат қиламан, аммо ётиб ухлайман ҳам. Аҳли аёлим билан оилавий ҳаётни ҳам юритаман. Менинг йўлим ва суннатим мана шудир. Менинг суннатимдан юз утирган эса, мендан эмасдир.

Дарҳақиқат, ибодатнинг шакли, вақти, миқдори доимо у зот кўрсатганидай бўлиши керак эди. Бошқа бировлар ўртага чиқиб, кўрсатган шакл, вақт ва миқдорга ўз ақлича аралашши, уларни кам деб ҳисоблашига ҳожат йўқ ва бундай ҳаракат маъносиз, хато ҳаракат бўларди. Оллоҳнинг пайгамбари у булганидан кейин Оллоҳга ибодат қилиш йўлини кўрсатиш ҳам Унга оид бўлиши керак эмасми?

Масала шу тариқа ҳал қилинган бўлди. Пайгамбаримиз (с. а. в.) уйларига келган ҳалиги уч йигитга ҳам, бошқа мўминларга ҳам энг гузал ва энг яхши бир шаклда дарс бердилар. Аммо Усмон ибн Мазъуннинг бу воқеадан хабари йўқ, у уйда ибодати билан машғул эди.

Бир куни Усмоннинг хотини Ҳавла хоним Расулуллоҳнинг (с. а. в.) уйларига келди. Аҳволи паришон. Пайгамбаримиз аёллари ундан ҳол сўрадилар. Ҳавла эри Усмоннинг буткул бир буйдоқ йигитдай ҳаёт кечираётганидан, эр-хотинлик алоқасини тамоман тўхтатиб қўйганидан шикоят қилди.

— Кечалари узундан-узоқ намоз ўқийди, кундузлари тинимсиз рўза тутайди, — деди.

Кечқурун Расули Акрам уйга қайтганларида хотинларидан бу хабарни эшитдилар. Дарҳол Усмонга одам жунатдилар. Усмон ҳам ҳаялламай етиб келди.

— Чақиртирган экансиз, эй Оллоҳнинг расули, — деди.

— Эй Усмон, сен менинг суннатимдан юз утирддингми?!

Бу савол қаршисида Усмон сесканиб кетди:

— Оллоҳ сақласин! — деди шоша-пиша. — Мен сизнинг суннатингизни маҳкам ушлаб, шунга кура яшашга кеча-кундуз ҳаракат қилиб ётибман-ку.

— У ҳолда шу ҳақиқатни билиб ол, эй Усмон: мен ҳам ухлайман, ҳам намоз ўқийман. Ҳам рўза тутаман, ҳам овқат ейман. Аёлимга яқинлик ҳам қиламан. Эй Усмон, Оллоҳдан қурқ, шуни унутмаки, аёлингнинг ҳам сенда ҳаққи бордир. Никоҳнинг елканга юклаган вазифаларини бажар. Келган меҳмоннинг сенда ҳаққи бордир, уларга бир нарсалар икром эт. Ўз нафсингнинг ҳам сенда ҳаққи бордир, вужудингни керагича дам олдир. Рўза тут, аммо тутмаган кунларинг ҳам бўлсин. Тунлари ибодат ҳам қил, дам ҳам ол.

Унга айтилган бу тавсиялардан сунг пайгамбаримиз (с. а. в.) ҳаммага тааллуқли ушбу муборак сўзларни айтдилар: «Қурбингиз етадиган амалларни қилишга аҳамият беринг. Шуни яхши билингки, Оллоҳу таоло сизнинг амалларингизга эваз беришдан зерикмайди, аммо сиз зерикасиз. Оллоҳу таолога амалларнинг энг хуш ёқадигани — оз бўлса ҳам, давомли булганидир».

Зерикиш ичра қилинган ибодатнинг фойдаси бўлмагандек, тартибсиз, аммо куп ибодатдан оз бўлсин, давомли ва тартибли қилинган ибодат янада хуш эканлиги шу тариқа билиб олинди.

Усмон ҳам Расулуллоҳнинг (с. а. в.) бу тавсияларига кучи етганича амал қилиш нияти билан у ердан айрилди. Орадан бир неча кун ўтиб Усмоннинг хотини Ҳавла чиройли, ясантусан кийинган ҳолда пайгамбаримизнинг (а. с.) аёллари зиёратига келди. Энди хужайини Усмон ҳам секин-аста оилавий ҳаётини яшай бошлаган эди.

• • •

Ора-сира эндигина балагат ёшига етган бир яҳудий йигитча масжидни сулуриб-сидириб турарди. Уч-тўрт кун кўринмай қолди. Жаноби пайгамбар (с. а. в.) хавотир олиб, кетидан суриштирдилар. Касал бўлиб қолган экан. Расулуллоҳ (с. а. в.) дарҳол бир-икки дўстлари ҳамроҳлигида яҳудий болани зиёрат қилгани бордилар. Оллоҳдан шифо тиладилар. У ёқ-бу ёқдан анча суҳбатлашиб утиришди. Ниҳоят пайгамбар алайҳиссалом йигитчага мусулмон бўлишни таклиф этдилар.

Йигит не деб жавоб қиларини билмай, отасининг кўзларига термулди. «Нима қил дейсиз, отажон?» дегандек илтижо маъноси бор эди унинг бу қарашада.

Отаси ҳам касалликдан кундан-кунга шамдек эриб бораётган ўғлига қаради. Ҳали ун гулидан бир гули очилмаган, энди энди йигит бўлиб келаётибди, шу ёшида дунё билан видолашса... Ўлим томон қадам-бақадам яқинлашаётганини кузи очиқ ҳар бир инсон кўриб турарди. Дунёдан насибасини ололмаган гўдакнинг ҳеч бўлмаса охирати порлоқ бўлсин...

Шуларни хаёлидан кечираркан, ота шафқат ва марҳамато-муз бир овоз-ла:

— Уғлим, Абул Қосимга итоат эт, — деди.

Йигитча ҳам шундай жавобни кутиб тургандай, шаҳодат калималарини айтиб, мусулмон бўлди.

Бир оздан кейин Ҳазрати Пайгамбар (с. а. в.) у ердан кетарканлар, йул-йулакай:

— Бу йигитни жаҳаннамдан қутқарган Оллоҳга ҳамд этман, — дедилар.

• • •

Анас бир оқшом уйга кеч келди. Онаси Умму Сулайм хавотирланиб утирган экан.

— Қаерда қолдинг, уғлим, — дея қаршилади.

— Пайгамбаримиз мени бир ерга жунатдилар, — деб жавоб қилди Анас фахр ила.

— Кимга жунатдилар? Нима иш билан?

— Бу бир сирдан, онажон. Пайгамбаримизга оид бир сир.

Умму Сулайм углининг катта одамлардай бўлиб қолганидан мамнуният сезди:

— Ундай бўлса, ҳеч кимга айта кўрма, уғлим. Бир сир ўлароқ қолсин, — деди.

Нима эди бу сир?

Пайгамбаримиздан, Анасдан ва хабар жунатилган кишидан бошқа ҳеч ким бу сирдан хабардор булмаган эди. Ҳаттоки Анас узоқ йиллар кейин, оппоқ соқоли бир чол бўлиб, улим тушагида ётганида ҳам уша омонатга хиёнат қилмади. Самимият ила хизматини қилиб турган Соби ал-Бунонийга дедик:

— Уша сирни ҳозиргача ҳам бир кимсага айтмадим. Агар уни ҳаётимда кимгадир айтишим мумкин булганида, уни албатта сенга айтардим. Аммо бу энди абадий бир сир ўлароқ қолади...

• • •

Мадиналик мусулмонлардан Саъд ибн Муоз бир куни умра қилиш нияти билан Маккага йул олди. Шаҳарга етиб келгач, эски таниши Умаййа ибн Халафнинг уйига тушди. Умаййа Мадинага келса, Саъднинг меҳмони булар, Саъд доим Умаййанинг ёнида қоларди.

Сухбат мобайнида Саъд Каъбани тавоф этмоқчи эканини айтди.

— Қайси пайт тавоф қилсам яхши бўлади? — деб сўради.

Энг муносиб вақт пешиндан кейин ҳамма қайлула уйқусига кетган пайт деб топилди. Бирга чиқдилар, Каъбага бордилар. Саъд тавоф қила бошлади. Аксига олиб, Абу Жаҳл ҳам уша ерда экан. Кўзларига уйқу келмай чиққан, шекилли.

— Ким бу одам? — деб сўради Умаййадан.

— Ясрибдан Саъд ибн Муоз, меҳмоним, — деди Умаййа.

Абу Жаҳлнинг тепа сочи тикка бўлди. Саъднинг қаршиси-га чиқди:

— Менга қара! — деди ушқириб. — Сен шу онда истаганинча Каъбани тавоф қиялпсан. Ҳолбуки бизнинг жамоатимизни тўзитиб кетган Муҳаммадга ва шерикларига шахрингиздан бошпана бериб, ердан қилдингиз. Қасам ичаманки, агар Умайянинг ҳимоясида бўлмасайдинг, бу ердан соғ-омон чиқиб кетолмасдинг.

Саъд ибн Муоз Абу Жаҳлнинг бу тарбиясизларча муомаласи қаршисида асабийлашди.

— Агар сен менинг Каъбани тавоф этишимга тўсқинлик қиладиган бўлсанг, мен ундан баттаррогини қиламан!

— Нима қила олардинг?

— Шом тижорат йулини кесиб қўяман.

Умайя орага кирди:

— Эй Саъд, гапингни қайтиб ол. Қаршингдаги одам бу водий халқининг каттаси ва хужайини-я.

«Эй, қуриб кетсин бунақа хужайин, ер ютсин бундай каттани!» дея хаёлидан кечирди Саъд. Сунгра:

— Эй Умайя, — деди қизишиб. — Ҳеч шубҳа қилмагинки, У келтирган дин кундан-кунга тарқалиб-кенгайиб, уфқларгача ёйилади. Бу ерларда ҳам диннинг ҳукми утадиган бўлади. Ҳеч ким бу диннинг ёйилишига монелик қила олмайди.

Умайя унинг сўзини бўлди:

— Эй Саъд, токи биз тирик эканмиз, бу ерларга у оёқ босолмайди. Сен ҳам буни билиб қўйгин!

Даҳанаки жанг тобора авжга минди. Саъд ҳам ўзини тутолмай қолди.

— Сенга келсак, эй Умайя, — деди, — мен Оллоҳнинг расулидан сени улдиришларини эшитдим.

Умайянинг ранги оқариб кетди.

— Маккада улдирарканми? — деб суради.

— Унисини билмайман, — деди Саъд, — аммо бу сўзни шахсан ўларидан эшитдим, ишонавер.

— Ўзи улдирармишми?

— Уни ҳам билмайман.

Энди меҳмондорчилик бўлмаслиги тайин, на меҳмон сифатида Саъднинг ва на мезбон сифатида Умайянинг бунга кайфияти қолди. Шу боис Саъд ўша ердаёқ туясига минди-да, «Қайдасан, Мадина?» дея жунаб юборди.

Можарони кузатиб турган Абу Жаҳл оловга яна ўтин қаламоқчи бўлди:

— Нима гап, эй Умайя, бирдан оқариб-бўзариб кетдинг? — дея усмоқчилади.

— Эшитмадингми ясрибликнинг сўзларини, эй Абул Ҳаккам?

— Эшитдим, нима бўлибди?

— Мени, улдираман, дебди-ку.

— Айтса, айтар. Келибоқ улдираётгани йўқ-ку.

— Аммо, биласанки, Муҳаммад ёлгон гапирмайди.

Абу Жаҳл асабийлашди:

— Ёлгон гапирмаса, бор, сен ҳам унинг динига кир, қани, нега турибсан?!

Умайя боши эгилган ҳолда:

— Унинг динига кирадиган бўлганимда, сен билан маслаҳатлашиб утирмасдим, — деди ва хомуш уйига йўл олди.

Уйда хотини хавотир-ла кутиб олди.

— Сенга нима бўлди, уйчан қуринасан?

Умайя бўлган воқеани айтиб берди. Хотиннинг қўнғидан «Муҳаммад Ёлгон гапирмайди» сўз билан бирга, бир аччиқ фиғон сизиб ўтди.

«Энди қочиб қутулолмасанг керак», деган маънода эрининг юзига қаради.

Умайя хотинидан бир гап кутиб утирмай, қарорини билдирди:

— Энг яхши чора Маккадан ташқарига чиқмаслик.

• • •

Жума намозларига Расули Акрам (с. а. в.) катта аҳамият берардилар. Бир куни яна бу мавзуда тўхталиб, шундай дедилар:

— Ким чиройли таҳорат олиб, жума намози учун масжидга келиб, жимгина хатибга қулоқ солиб тингласа, унинг икки жума ораси қилган гуноҳлари кечирилади, ҳам уч кун ортиги билан. Лекин кимки хутбага керагича эътибор қилмаса ва, масалан, уйнаб утирса, беҳуда иш қилган ва мукофотдан маҳрум қолган бўлади. Жума куни масжидларнинг эшикларига фаришталар келиб ўтиради, келганларни навбат билан қайд этиб боради. Илк келганлар бир туяни қўрбонлик қилгандек савоб оладилар. Кейинроқ келганлар бир сигир, ундан кейингилар шохли бир қўчқор қўрбон қилгандек ҳисоб қилинадилар. Тўртинчи гуруҳ товўқ, бешинчи гуруҳ эса, тухум садақа қилгандек савобга эришиб, Оллоҳга яқинликни орзулаган инсондек муомала кўрадилар. Имом хутба ўқиши учун минбарга чиққанида, малаклар ҳам дафтларларини ёпиб, масжидга кирадилар ва хутбани тинглайдилар.

Пайгамбаримиз жума намозига алоҳида бир кийим кийишни одат қилган эдилар. Хутба ўқийдиган жойда жамоатга қараб ўтириб, азонни эшитар, кейин туриб бир хурмо устунига таяниб, Оллоҳга ҳамд ила бир ваъз бошлар, мўминларга тавсиялар қилар, яхшилик ва саодатга олиб борадиган йўллارни кўрсатар, барча мўминлар ҳақиқа дуолар қилар эдилар.

Хутба орасида қисқа бир муддатга ўтириб, кейин яна турардилар-да, ҳамд ила бошлаган хутбаларини давом эттирардилар.

Хутбадан кейин жамоатга имом бўлиб, икки ракат фарз намоз ўқирдилар. Сўнгра Султони Анбиё (с. а. в.) шундай деган эдилар:

— Ким жумадан кейин намоз ўқимоқчи бўлса, тўрт ракат намоз ўқисин.

Баъзан пайгамбаримиз (с. а. в.) узлари уйда икки ракат намоз ўқиган пайтлари ҳам бўлган. Натижада Расулуллоҳнинг (с. а. в.) асҳоблари фарзни ўқигандан кейин тўрт ёки олти ракатдан намоз ўқий бошлаганлар. Баъзилар тўрт, баъзилар олти ракат ўқирди. Вақтнинг буш ё тигизлигига қараб, баъзан тўрт, баъзан олти ракат ўқийдиганлар ҳам бор эди.

Бир суҳбатда Расулуллоҳ (с. а. в.) яхши амалларнинг дунёда ҳам нажот василаси бўлишини аниқлади:

— Сиздан аввалги умматлардан уч киши биргаликда йўлга чиқдилар. Кечани ўтказиш учун бир горга кирдилар. Иттифоқо, тоғдан бир тош тушиб, горнинг оғзини беркитиб қўйди. Буни кўргач, узаро шундай дедилар: «Қилган бирон яхши амалларимизни айтиб, Оллоҳ таолодан мадад сурашдан бошқа бизни бирон нарса қутқара олмайди». Улардан бири шундай деди: «Оллоҳим, менинг кекса онам ва ётам бор. Уларни едирмасдан-ичирмасдан олдин болаларимга ҳам, ҳайвонларимга ҳам бир нарса бермасдим. Бир куни утин олиб келиш учун кетгандим. Кечроқ қайтдим. То овқат тайёр бўлгунча, ухлаб қолишибди. Уйгошига ҳаддим сигмади. Иккинчи ёқдан, овқатни оиламга улар емасдан олдин беролмасдим ҳам. Товоқни қўлимдан қўймай, уларнинг уйғонишларини тонггача кутиб чиқибман. Болаларим атрофимда йиғлашади. Ниҳоят ота-онам уйғондию суғларини ичириб, кўнглим тинчиди. Оллоҳим, бу ишни сенинг розилигинг учун қилганимни тасдиқ этсанг, бизга кенглик бер, бу тошдан келган балони кетказ», деди.

Бу ҳикоядан кейин тош хиёл сурилиб тирқиш пайдо бўлди. Лекин қутулиб чиқиб кетиш учун у кифоя эмасди. Ҳамроҳлардан иккинчиси сўз бошлади:

«Оллоҳим, амакимнинг бир қизи бор эди. Инсонлар ичидан менга ундан севиликсиз йўқ эди. Бир аёл қанчалик севиликсиз мумкин бўлса, мен ҳам уни уша даражада севардим. Кўнглим туссаган ишни қилмоқчи бўлдим, кўнмади. Ниҳоят юртимизга қўрғоқчилик келдию уни менга муҳтож қилди. Орзуимни бажаришга кўниш шарти билан унга юз йигирма динар бердим. Қабул этди. Энди мақсадимга етай деб турганимда: «Оллоҳдан қўрқ ва муҳримни ноҳақлик билан, никоҳсиз бузма», деди. Дарҳол орқага чекилдим, берган пулимдан ҳам воз кечдим. Оллоҳим, буни сенинг розилигинг учун қилганимни тасдиқ этсанг, бизга кенглик бер ва бу тошдан келган балодан халос қил», деди.

Тош яна бир оз сурилди. Лекин очилган тирқишга ҳали ҳам одам сигмасди.

Шунда учинчиси ҳикоясини бошлади:

«Оллоҳим, мен бир неча ишчи ишлатдим. Ҳаммасига ҳақларини бердим. Аммо ичларидан бириси ҳақини олмади, ташлаб кетди. Мен унинг ҳақини ишлатдим, ҳатто шу даражадаки, натижада анча-мунча молга соҳиб бўлдим. Маълум вақт утгач, олдимга келди ва:

«Эй Оллоҳнинг бандаси, менга бер ҳақимни», деди.

«Куриб турганинг шу туя, сигир, қўй ва хизматчилар сеникидир», дедим.

«Эй Оллоҳнинг бандаси, мени мазах қиялсанми?» деди.

«Мазох қилмаяпман, булар сеники», дедим ва аҳволни тунтирдим. Ҳалиги одам ҳеч нарса қолдирмасдан ҳаммасини олиб кетди. Оллоҳим, буни сенинг розилигинг учун қилганимни қабул этсанг, бизга кенглик бер ва бу тошдан келган балодан бизни халос қил», деди.

Шу пайт тош яна бир оз очилди ва у ердан чиқиб кетдилар.

...

Расулуллоҳ (с. а. в.) Муоз ибн Жабал билан қаёққадир кетаётган эдилар. Ёлғиз иккалари. Расули Акрам (с. а. в.) бирдан:

— Эй Муоз! — деб чақириб қолдилар.

— Лаббай, эй Оллоҳнинг расули! — Бирон нарса десалар керак, деган қаноатда Муоз кутди, бироқ пайгамбаримиздан бошқа садо чиқмади. Шу ҳолда анча жим кетдилар. Энди ҳеч нарса демасалар керак, деб уйлаган ҳам эдики:

— Эй Муоз! — деб қолдилар яна.

— Лаббай, ё Расулуллоҳ. Амрингизга мунтазирман.

Лекин у яна беҳуда кутди: анча юриб қўйганларига қарамай, бир оғиз ҳам сўз айтилмади. Энди умидини узган пайтда учинчи марта хитоб янгради:

— Эй Муоз!

Бошқа одам бўлганида-ку, Муоз балки: «Э-э, бунча куп чақирдинг, исмиمنى тўғри айтишни урганяпсанми?» деб юборармиди. Аммо чақираётган Оллоҳнинг расули эди, Оллоҳнинг расули эса, мақсадсиз бир ишни қилмайди! Шу боис бу гал ҳам интизорлик ила жавоб қилди:

— Лаббай, ё Расулуллоҳ...

Шунда Пайгамбар (с. а. в.):

— Бандалар устида Оллоҳ таолонинг ҳаққи нима эканини биласанми? — дедилар.

— Оллоҳ ва расули яхши билади, — деди Муоз.

— Оллоҳнинг бандалари устидаги ҳаққи ибодат қилишлари ва ҳеч бир нарсани унга шерик қилмасликларидир.

Сўз шу ерда тугади. Йўлчилик давом этди.

— Эй Муоз! — дедилар яна Сарвари Олам (с. а. в.).

— Лаббай, ё Расулуллоҳ!

— Бандалар буни қилганлари тақдирда Оллоҳ таолонинг устида бандаларнинг ҳаққи нима бўлади, биласанми?

— Оллоҳ ва расули яхшироқ билади.

— Уларга азоб бермаслигидир.

— Бу хушxabарни инсонларга етказсам-да, севинсалар, майлими, ё Расулуллоҳ?!

— Унда танбаллик ушлайди уларни.

Суҳбат шу ерда тўхтади. Сафар давом этарди.

Набиййи Акрамнинг (с. а. в.) асл мақсадлари — аввал диққатни жалб қилиб, айтилажак сўзни Муознинг зеҳнига мустаҳкам жойлаштирмоқ эди. Шунчаки эшитиб қўядиган гап эмасди булар. Бундай бир усулни қўллашдан муродлари энди англашилди. Ҳарҳолда, бу сўзлар асрлар кейин келадиган умматга ҳам айна софлик ичида етказилиши учун айтилган эди. Зеҳнларга жойлаштириш учун энг қулай ва самарали чора-тадбир эди бу.

Бир оз яна юргач, ерга чўкишди. Муоз вужуди Расулуллоҳнинг (с. а. в.) муборак вужудларига тега-тега ёнма-ён қилган бу сафарининг завқини ҳеч қаерда топа олмас, бу саодатни ҳеч бир нарса эвазига алмаштиришни истамас эди.

Аммо иш бу билан тугамайдигандай эди. Набиййи Акрам (с. а. в.) Муознинг қўлидан тутдилар:

— Эй Муоз, Оллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман. Ҳар намозингдан кейин мутлақо ушбу дуони ўқишингни тавсия этаман: «Оллоҳим, сени зикр этиш, сенга шукр қилиш ва сенга чиройли ибодат қилишим учун менга мадад бер».

Муоз кузларининг ичига қараб гапираётган Расулуллоҳнинг (с. а. в.) буйинларига ёпишиб қучоқлаб олай деди. Оллоҳнинг энг улуг расули, яна бунинг устига қасам билан, уни севишини айтаётган эди! Ичидаги ҳаяжонни, севинчини англата олиш учун Муознинг бир эмас, минг тили булса ҳам, яна етмас эди. Кузларининг ичигача бир иссиқлик сингди. Кейин ёш томчилари ҳолида оқди бу севинч ифодалари. Расулуллоҳнинг унга махсус тавсия этган дуоларни поклик ичра Мавлосига айтаркан, лаблари ҳаяжон ва севинчдан титрар эди.

Муоз бу сафарни қалбининг энг тубида азиз бир хотира ўлароқ сақлади. Ўқиган ҳар намозининг орқасидан қўларини кутариб, Расулуллоҳнинг қўлларига тегиб турибди, деган хаёл ва тушунча ила, «Эй Муоз, валлоҳи, мен сени яхши кўраман», сўзларига йўгириб, ўргатилган дуони такрор этди:

«Оллоҳим, сени зикр этишим, сенга шукр қилишим ва сенга чиройли ибодат қилишим учун менга мадад бер».

Муоз ҳаётининг охиригача бу дуода давом этди. Уша сафарнинг хотирасини умри бўйи қалбининг теранликларида, фақат ўзига хос бир тарзда асраб-авайлади. Ўлим тушагида етганини, Дорил Бақога кўчиш вақти етганини англаб-ҳис этган пайтида у ширин хотирани ўзи билан мозорга олиб кетишга кўнгли рози булмади. Куз унгида ўша муборак сафар қайтадан жонланди. Гуё Набиййи Акрамни (с. а. в.) орқаларидан қучоқлаб: «Сизни ташлаб кетолмайман, сиздан айрилмайман, ё Расулуллоҳ!» дея ёпишган эмиш.

Ўйга чўмган кузлари бир муддат шундай қолди. Кейин бу сафарни бутун тафсилоти билан гапириб берди...

Энди иккинчи бир сафар бошланаётган эди. Яна Расули



Акрам (с. а. в.) ҳамроҳликлариди, яна у зотнинг изидан давом этувчи абадий ҳаётнинг, охират оламининг сафари...

Муоз (р. а.) охират оламига ана шундай хотиралар ҳамроҳлигида кўчди.

. . .

Мадиналик мусулмонлардан жуда фақир бир киши Расулуллоҳ (с. а. в.) ҳузурларига келиб, ёрдам истади.

— Уйда ишга ярайдиган ҳеч нарсанг йўқми? — деб сўрадилар Сарвари Олам.

— Битта кўрпамиз бор, — деди у одам, — ярмини остимизга тўшаймиз, ярмини устимизга ёпамиз. Яна бир идишимиз бор.

— Уларни менга келтир.

Бориб олиб келди. Пайгамбар (а. с.) уларни қўлларига олдилар-да, атрофдагиларга кўринарли даражада баландга кўтариб:

— Бу иккисини сотиб олмоқчи бўлган борми? — деб эълон қилдилар.

— Мен уларга бир дирҳам бераман, — деди кимдир.

— Бир дирҳамдан кўпроқ берадиган йўқми?

Овоз чиқмади.

— Бир дирҳамдан ортиқроқ берадиган йўқми? — деб яна сўрадилар.

Яна ҳеч кимдан жавоб бўлмади. Пайгамбаримиз учинчи марта такрорладилар. Бу гал бошқа бир киши:

— Мен икки дирҳамга оламан, — деди.

Пайгамбаримиз кўрпа билан идишни унга бериб, пулни олдилар. Ҳалиги одамга:

— Бу икки дирҳамнинг бирига егулик бирон нарса ол-да, оилангга едир. Иккинчисига бир болта сотиб олиб, менинг олдимга кел, — дедилар.

Одам кетди ва болта олиб келди. Пайгамбаримиз уни ўз қўллари билан соплادилар.

— Бор, ўтин олиб келиб сот. Ўн беш кунгача сени кўрмайин, — дедилар.

Бояги одам чиқиб кетди.

. . .

Ўша кунлар бўлса керак, Расулуллоҳ (с. а. в.) ёнларида ҳозир бўлган етти-саккиз саҳобий билан кўришарканлар, бирдан сўраб қолдилар:

— Оллоҳга ва расулига байъат қилмайсизларми (ҳар амрига буйсуниш ҳақида сўз бермайсизларми)?

Ҳамма ҳайрон бўлди. Умр буйи ҳар бир буйруқларини бажаришга сўз берганларига ҳали ҳеч қанча бўлмаган эди-да.

— Биз сизга байъат қилган эдик, ё Расулуллоҳ, — дейишди.

Пайгамбаримиз бу гапни гўё эшитмадилар.

— Оллоҳнинг расули билан аҳдлашув қилмайсизларми? — дедилар.

Яна уша жавоб берилди. Бундай бир аҳдлашув бўлгани, ҳали куп вақт утмагани ҳам эслатилди. Пайгамбаримиз яна эшитмагандек, учинчи марта таклифни такрорлаганларидан кейин саҳобийлар қўлларини узатдилар.

— Биз сизга ҳар амрингизни бажаришга сўз берган эдик. Бу гал қандай иш учун байъат қиламиз, эй Оллоҳнинг расули? — дея сўрадилар.

Шунда Жаноби Пайгамбар (с. а. в.):

— Оллоҳга ибодат қилишга, унга ҳеч нарсани ширк қўшмасликка, беш вақт намозни ўқишга ва менга итоат қилишга сўз беринглар. Ҳамда ... — дея бир муддат тухтаб турдилар-да, пичирлаган овозда қўшимча қилдилар: — Ҳамда ҳеч кимдан бирон нарса истаманг, тиланманг.

Расули Кибриёнинг (с. а. в.) бу тавсиялари шу ерда ҳозир булганларга ҳақиқий маънода таъсир этиши аниқ эди. Улардан бири булмиш Авф ибн Молик орадан йиллар ўтиб, бу ҳодиса билан алоқадор хотирасини англатар экан, шундай деган эди: «От устида турганда қамчиси тушиб кетганлар буларди, аммо уни олиб беришни ҳам ерда турганлардан илтимос қилишмас эди».

...

Салмон мусулмон бўлганидан бери фурсат топган заҳоти масжидга келар, Расулуллоҳнинг (с. а. в.) орқаларида намоз ўқиш саодати ила шарафланиб қайтар эди. Жума намозларига кела олмаган пайтлари ҳам бўлди, ичи ёнди. Бунинг изтиробини чекар экан, қўлларга жума намози фарз эмаслигини ургангач, бир оз хотиржам тортди. Оллоҳнинг энг охириги пайгамбарининг даъватини қабул этганлардан бўлишдек бир бахт ичида яшарди. Аммо айна чоқда, бировнинг қули эди. Эҳ, уни куфр ҳаётидан қутқариб иймонга қовуштирган Улуғ Мавло бир кун келиб қуликдан ҳам қутқариб, ҳурриятини қулига берармикан?!

Шу онда хўжайини билан ўргаларида бирон келишмовчилик ё норозилик йўқ эди. Салмон курсатилган ишларни исталгандан ҳам чиройли бажарар, шунинг учун ҳеч ким унинг ибодатларига аралашмас эди.

...

Муҳаррам ойининг унинчи куни яҳудийларда бир ўзгариш кўрилди: улар емас-ичмас эдилар. Расулуллоҳ (с. а. в.) сабабини сўрадилар:

— Оллоҳ таолонинг Мусони (а. с.) Фиръавндан, аскаридан қутқарган кундир бу кун. Шунинг учун рўза тутамиз, — деб жавоб беришди.

Пайгамбари Замон (с. а. в.) саҳобаларига угиридилар:

— Биз Мусога улардан ҳам яқинроқмиз, унга дўст бўлишга улардан кура лойикроқмиз, — дедилар ва ҳамон уша куниеқ рузага ният этдилар. Асҳоби киромга уша кунни руза билан ўтказишни буюрдилар.

Кейинги йили Ҳазрати Мусога яна ҳам боғлиқликнинг бир аломати ўлароқ уша кундан олдинги ва кейинги кунларни ҳам қушиб, Муҳаррам ойининг туққизинчи, унинчи ва ўн биринчи кунларини рузадор ҳолда ўтказишни мақсад қилиб қўйдилар.

• • •

Абу Зарр ҳаётида бир куни шундай ҳодиса рўй бердики, ундан олган сабоғи умрига татигулик бўлди. Бу баҳонада эса, Ислом динининг инсонлар ўртасидаги муносабатга доир яна бир олижаноб ҳукми жорий бўлдики, барча мўминлар то қиёматгача ҳаётларида бу ҳукмга қатъий риоя этажаклар.

Хуллас, Абу Зарр қора танли бир одам билан жанжаллашиб қолди. Ўртада қаттиқ гаплар ўтди. Абу Зарр унга ҳатто:

— Онанг араб эмас сенинг, эй қора хотиннинг ўгли! — деб юборди.

Бу сўзлар у одамга ҳаддан ташқари оғир келди. Дарҳол Расулуллоҳнинг (с. а. в.) ҳузурларига бориб шикоят қилди. Пайгамбаримиз Абу Заррни чақирдилар:

— Эй Абу Зарр, сенда жоҳилият ахлоқи бор экан. Қандай қилиб бир инсонни онасига қараб айблайсан?

Абу Зарр узини оқламоқчи бўлди:

— Эй Оллоҳнинг расули, кимдир кимнидир сўкса, онаси ё отасини сўқади-да, — деди. Бу эътироз билан у иккинчи бор хатога йўл қўйган эди.

Пайгамбаримиз унга аввалги сўзларини такрорладилар.

Абу Зарр бу иккинчи танбеҳдан кейингина ўзига кела олди.

Дарҳақиқат, ҳалиги одам унга оғир сўзлар айтган бўлиши мумкин, лекин Расулуллоҳ (с. а. в.) комиликни ундан кутаётган эдилар. Чунки Абу Зарр Ислом динини илк қабул қилганлардан бўлиб, бу динга кўнгилдан боғланиб кетган эди. Бинобарин, Пайгамбари Замон (с. а. в.) Абу Заррда энди уjar ва қўпол бир одамни эмас, кечиримли, меҳрибон ва мусомаҳали инсонни кўрмоқчи эдилар. Тугри, у одамга унинг айтганига қараганда ўн баробар қаттиқ гапириш ҳеч қийин эмас эди, аммо бу иш нафсга эргашиш, шайтоннинг чақиригини қабул этишининг бир натижаси буларди, холос. Расулуллоҳнинг (с. а. в.) тарбиялари остига кирган бир инсон билан бундай қўпол муомала орасида бирон муносабат бўлиши мумкинми?

Қолаверса, у одамнинг қўполлигига жавобан бу ҳам оғир сўзлар айтса, албатта рози бўлади, нафси шодланади, лекин кечирса, Оллоҳнинг розилигига эришиб, яхшилик ва фазилат йўлида гузал ўрнак буларди.

Бир инсонни кимдан тугилганига қараб айблаш жоҳилият давридан қолган аянчли бир иллат сифатида энди асло такрор-

ланмаслиги керак эди. Қорани ҳам, оқни ҳам Оллоҳ яратганини билатуриб, Абу Зарр бундай муомаласи билан қусурни кимга ағдараётганини уйлаб кўрдимикан?

Дунёга қайси онадан ва қайси отадан келишини ким тайин эта олибдики, бу одам ҳам Абу Заррнинг ҳақоратига йулиқмаслик учун ота-онани танлай олади? Ким ўзининг қора ёки оқ рангда дунёга келишига аралаша олганки, бу одамнинг онаси ҳам ўз рангини тайин этсин?

Шундай экан, бу одамни онаси, унинг ранги ва миллатидан айблаш қайси ўлчовларга сигади? Бунга жоҳилият ахлоқи дейилмаса, нима дейилади, ахир?!

Пайгамбаримиз унга: «Сенда жоҳилият ахлоқи бор экан», дер эканлар мана шуларни тушунтирмоқчи эдилар.

Қолбуки, Абу Зарр ким эди? Калтакланишини билатуриб мушриклар ҳузурда Исломи динини қабул этганини илк бор ҳайқириб эълон қилган бир одам! Унинг Исломи динидан бошқа ўлчови бўладими?

Пушаймон бўлди Абу Зарр. Ушандан кейин то ҳаётининг сунгигача бировни онаси ёки отаси туфайли айбламади.

\* \* \*

Бир хотин Расулуллоҳни излаб, масжидга келди. Дардини айтиб, шифо тилашларини сўрамоқчи бўлган экан. «Марҳамат, гапир, қулогим сенда», деган маънодаги қараш билан кутиб олдилар. Хотин бундан жасоратланди, мақсадини бемалол айта олишга қаноат ҳосил қилди.

— Эй Оллоҳнинг пайгамбари, мен тутқаноқ касалига йулиққанман. Илтимос, бу касалликни аритишини сўраб Оллоҳга дуо қилсангиз. Келишдан мақсадим шу эди.. — деди.

Ҳазрати Пайгамбарнинг (с. а. в.) жавоблари уни катта имтиҳон оstonасига олиб келиб қўйди:

— Истасанг, сабр қил, бунинг эвазига сенга жаннат берилади. Истасанг, сенга офият берилиши учун Оллоҳга дуо қиламан.

«Истасанг, дунё роҳатини, истасанг, охират ҳузурини танла», деганлари эди бу.

Бир онда дунё ҳаёти куз унгида гавдаланди. Кичик бир қизча... тўлақонли бир аёл... тушунча ва муомаласи оғир-босиқ, комил бир инсон... бели букилган кекса кампир... ва ниҳоят, елкалар устида охирги сафарга кетаётган бир фоний...

Бу муҳокама жуда қисқа вақтда кечди. Қарорини шахсан ўзи, азму ирода тўла бир овоз ила берди:

— Сабр қиламан!..

• Қисқагина бу жавобдан Расулуллоҳнинг (с. а. в.) юзларида нур жилваланди ва шуъалар пайдо бўлди, мамнуният излари кўринди. Бу жавоб мустаҳкам бир иймонга, соф бир тушунча ва ниятга далолат қиларди. Дунёнинг фонийлигига ҳақиқатан ишонган, охиратнинг боқий эканлиги шуурида бўлган бир инсонгина шундай жавоб қила оларди.

Расулуллоҳ (с. а. в.) эккан иршод уруги ҳозирданоқ кўкариб куртак ота бошлаган эди.

Аёл яна бир муддат турди-да, сўнг бошқа бир нарса илтимос қилди:

— Ё Набийаллоҳ, тутқаноқ тутган пайтида баданим очилиб қолади, шундан уяламан. Дуо қилингки, баданим очилиб қолмасин, — деди.

Пайгамбар (а. с.) қўл очиб, дуо қилдилар. Масала уша ердёқ ҳал булди. Пайгамбаримизнинг бу ниёзларининг рад этилмаслиги аниқ эди.

Аёл келган тарафига қайтиб кетар экан, жаннати аёл эканига ишонган бир зот, орқасидан ҳавас билан қараб қолди...

У кўздан гойиб булгач, Расулуллоҳ (с. а. в.) шерикларига шундай изоҳ бердилар:

— Муминга келган ҳар мусибат туфайли Оллоҳ таоло унинг яхшилигини орттиради. Ёки ёмонликларидан бирини ўчиради. Гарчи бу мусибат оёғига тош ботиши ё тикан кириши булса ҳам.

\* \* \*

Бомдод намози ўқилди. Жамоат нигоҳи Пайгамбарга (а. с.) қадалган. Гуё «суҳбатингизни согиндик», деяётгандек. Расули Акрам (с. а. в.) асҳобларини кўп интизор қилмадилар. Босиқ-вазмин оҳангда, чертиб-чертиб сўз бошладилар.

— Қиёмат куни инсонлар энг аввал намоздан сўроқ қилинадилар. Улуг Оллоҳ ҳамма нарсани жуда яхши билгани ҳолда малаклардан: «Қаранг бандамнинг намозига, ҳаммасини ҳам ўқибдимиз ёки ўқимаган намозлари ҳам борми?» деб сўрайди. Қарайдилар. Уқимай қолдирган намози булмаса, «Намози тулиқ», деб ёзадилар. Бордию ўқилмай қолган намозлари борлиги қайд этилса, унда Оллоҳ таоло: «Қаранг-чи, қўшимча нафл намозлари борми?» дейди. Қаралади. Агар нафл намози булса, Улуг Мавло: «Бандамнинг қазо намози ўрнини нафл намозлар билан тулдирунг», деб марҳамат қилади. Ундан кейин бошқа амаллари ҳисоб-китоб қилинади. Инсон умрини қайси йўлда ўтказгани, илми билан нима амал қилгани, молини қандай топиб, қаерга сарфлагани, баданини қайси йўлда қаритгани ва ҳоказо саволларнинг жавобини бермагунча, қиёмат куни турган жойини тарк эта олмайди.

Қиёмат куни энг аввал уч тоифа ҳисоб-китоб қилинади:

Биринчи — дунё ҳукмига кўра шаҳид ҳисобланган одам. У Оллоҳ таолонинг ҳузурига келтирилади. Улуг Мавло унга берилган неъматларни хотирлатади. У ҳам бу неъматларга эришганини эътироф этади.

«Хўш, бу берилган неъматлар эвазига нима қилдинг?»

«Сенинг йўлингда жанг қилдим ва оқибатда жонимни бу йўлда бердим, шаҳид булдим».

«Ёлгон айтяпсан. Сен асида фалон одам жасур, қаҳрамон десинлар учун жанг қилдинг, кутганинг гаплар сен ҳақингда

айтилди. Шундай қилиб орзуингга эришган бўлдинг. Энди бу ерда сенинг биздан оладиган нарсанг қолмади».

Кейин буюрилади: юзтубан судраб олиб борилади ва дузахга отилади.

Иккинчиси — илм урганган ва бошқаларга ўргатган, Қуръон ўқиган бир одамдир. У ҳам ҳузурни Илоҳийга келтирилади. Оллоҳ таоло унга ҳам неъматларини эслатади. У ҳам бу неъматларни эътироф этади. Кейин ўзаро шундай савол-жавоб кечади:

«Бу неъматлар эвазига сен нималар қилдинг?»

«Илм ўргандим, ўргатдим ва сенинг розилигинг учун Қуръон ўқидим».

«Ёлгон айтяпсан. Сен аслида олим десинлар, дея илм ўргандинг. Қуръонни чиройли ўқир экан, десинлар учун ўқидинг. Кутганинг гаплар сен ҳақингда жуда куп айтилди. Орзуингга эришдинг ҳисоб».

Кейин буюрилади: юзтубан судралиб, жаҳаннамга ташланади.

Учинчиси — Оллоҳ бой қилиб қўйган, турли-туман мол-мулк берган кимсадир. У одам ҳам келтирилиб, неъматлар эслатилади. У ҳам бу неъматларга эришганини эътироф этади.

«Хуш, бу неъматлар эвазига сен нима қилдинг?»

«Сен сарфлашни буюрганинг ҳеч бир йўлни қолдирмадим, ҳар бирини доим сенинг розилигинг йўлида сарфладим».

«Ёлгон айтяпсан. Сен аслида фалончи жуда сахий десинлар, деб бу ишларни қилдинг. Орзу қилганларинг айтилди. Бу ерда биздан оладиган нарсанг қолмади».

Кейин буюрилади: у одам ҳам юзтубан судралиб, дузахга отилади. Эй асҳобим, энди айтинг-чи, сизнингча, муфлис деб кимни айтилади.

— Бизнингча, муфлис пули-моли бўлмаган кишилар, ё Набийаллоҳ!

Пайгамбаримизни бу жавоб қониқтирмади. Сўзларини шундай давом эттирдилар:

— Менинг умматимдан асл муфлис шундай кишидирки, қиёмат куни ўқиган намози, тутган рўзаси, берган садақа ва закоти билан келади. Шу билан бирга, фалончини сўккан, фалончига тўхмат қилган, фалончининг молини еган, бошқа бирисининг қонини тўккан, яна бирини урган бўлади. Яхшилик ва савобларидан унга берилади, бунга берилади, устидаги ҳақлар тўланмасдан яхшиликлари тугаб қолса, уларнинг хато ва гуноҳларидан олиниб, бу одамга юкланади. Кейин эса, гуноҳи савобидан огир келиб қолган бу одам дузахга ташланади. Ма-на, умматимнинг муфлиси шудир. Шу билан бирга, бир киши чиройли амаллар қилиб Парвардигорига яқинлик ҳосил қилади. Ҳаттоки Жаноби Мавло уни севги ва ризоси ила ўрайди. Қиёмат куни ҳисоб-китоб қилинар экан:

«Сен шу хатони қилдинг, шу айб ишни бажардинг», дея унга эслатилади. У одам ҳам ҳамма қилганини қабул ва эъти-

роф этади. Ушанда Оллоҳ таоло: «Мен дунёда сенинг гуноҳларингни, айбларингни яширдим, бугун эса кечиб юбораман», дея марҳамат қилади. Шундай қилиб, у одам наҳот топади. Етти тоифа инсон борки, ҳеч бир соя бўлмайдиган қиёмат кунда уларни Оллоҳ таоло хусусий ўлароқ ўз Арши соясида кўланкалатиб роҳатлантиради. Булар:

1. Адолат билан ҳукм қилган амир (бошлиқ).
2. Оллоҳга ибодат севгиси билан усган успири.
3. Қалби масжидларга боғлиқ инсон.
4. Оллоҳ йўлида бир-бирларини севган, бу севги ила бир орага келган, бу севги ила айрилган икки инсон.
5. Обрули гузал бир аёл тарафидан шахвоний мақсад учун чақирилган ҳолда: «Мен Оллоҳдан қўрқаман», деган ва бу таклифни рад этган инсон.
6. Ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган даражада яширин садақа қиладиган инсон.
7. Ёлғиз ўзи қолганида Оллоҳ таолони эслаб кўзлари ёшга тулган одам.

Эй асҳобим, сизлардан ҳар бирингиз билан Роббул Оламийн қиёмат кунда гаплашади. Ўртада таржимонсиз гаплашади. Инсон ушанда ўнг томонга қарайди. Фақат дунёда қилган амалларини кўради. Чап томонига қарайди, яна қилган амалларини кўради. Олдига қараса, қаршисида жаҳаннам бор...

Расулуллоҳ (с. а. в.) буларни айтгач, бир зум тин олдиларда, сўзларида шундай давом этдилар:

— Қилинган амални кичик кўрмасдан, бир хурмонинг ярмиси билан бўлса ҳам, дўзах ўтидан сақланишнинг имконини қилсин.

Расулуллоҳ (с. а. в.) суҳбатни шу ерда тутатдилар.

Кўнгиллар ҳақиқатан ҳам дунёдан айрилиб, бошқа бир оламда кезиб, қўрқиб-титраб, ҳам яна умидвор бўлган эди. Қудрати ҳамма нарсани қамраган Улуғ Мавлонинг ҳузурда ожиз бир қул ўлароқ ҳисоб бера олиш, бу ҳисобдан ёрут юз билан чиқа олиш осон эмасди.

Келишига ҳеч шубҳа бўлмаган бир кунда ёрут юз билан ҳисоб бера олиш учун бу дунёдалиқдаёқ енгларни шимариб ғайрат қилиш лозим эди. Қиёмат бошланганда ҳатто ўз дардига чора топа олмай қоладиган инсонларнинг ризоси учун эмас, Оллоҳ ризоси учун иш қилиш лозим буларди.

Масжиддан чиққанларнинг ҳар бири пок бир ният билан, асло риекорлик қоринмаган ёрут-нурли тушунчалар билан тарқалишди. Набийи Акрамнинг (с. а. в.) бу суҳбатлари кўзларни ёшлатиб, кўнгилларни ларзага келтирган эди. Эшитганларнинг ҳар бири гуё эритилиб янгидан қолипга қуйилгандек буткул ўзгариб, уй-уйларига тарқалдилар.

Давоми келгуси сонда.



# Кубонинг уйғонмоқда кунлар...

Мавлуда Авазова

\*\*\*

Оқ кўрпани елкамдан суриб,  
ноз уйқудан кўз очди майса.  
Дайди шамол — баҳор еллари,  
юзларидан олди илк буса.

Қалбда кечган армонларимни  
айтмоқликка тополмам илож.  
Тарқатганча гумонларимни  
кулиб келинг очиб кенг қулоч.

\*\*\*

Само кўзин ернинг васлидан  
қора парда кўйди яшириб.  
Шаррос жала кўйди ортидан  
аламлару газаб ошириб.

Сизни ногоҳ йўқотдим, бағрим,  
кўшиқларим — мунгли дард,  
эртак.  
Чўққиларга сочгандим қаҳрим,  
юрагимдан чиқди камалак.

\*\*\*

Туғилай деб, шошди бойчечак,  
баҳоройга элчи булмоққа.  
Кўшиқлардан ясаб беланчақ,  
умрин берди жўшқин ирмоққа.

Менга севиш булганда насиб,  
мажнунтолга ҳисларим осдим.  
Олам тинчин ушал он бузиб,  
сиз — қуёшни бағримга босдим.

\*\*\*

Оқ урикнинг шохларида гул —  
қаҳқаҳасин қуёшга тутган.  
Висолдан маст кўшиқчи булбул,  
тор қафасни шу он унутган.

Бугун олча сирларимизни  
яширолмай айтибди чучиб.  
Асалари — совчиларингиз  
келишибди дастурхон тугиб.

\*\*\*

Деразамни май тонги чертар,  
яшилликка кумилар борлиқ.  
Қалдирғочлар ини ҳам битар,  
гилос мева қилмоқда тортиқ.

Юракларнинг дукурлаши бир,  
атиргуллар чайқалар хумор.  
Уртамизда қолмади ҳеч сир —  
суюкли биз кашф қилган баҳор.

Фаргона



\* \* \*

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Хотирам — умримда ярадор йулак.  
Шамсиям, фанога бунча учиндинг,  
Сенга нима берди кузёшдан булак?!

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Юракнинг қўллари қип-қизил ҳино.  
Шамсиям, кафти дог, тиллари ёғли,  
Омонат Ишқларга қўйдингми бино?!

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Дилимни берибман дилзорларга.  
Майсалар олисда, йўлимиз тоғли,  
Меҳрим қонаб қолди тиканзорларда.

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Хотирам ўлмади, кетмади йироқ.  
Муҳаббат ичикиб етишган чоғи  
Никоҳлаб олганди бизларни фиरोқ.

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Наҳот куним қолди рўёларига?!  
Худойим, не учун келтирдинг мени  
Қадрим синалмаган дунёларига?!

Хотирам — чирогли, хотирам — догли,  
Хотирамда не бор кузёшдан булак?!.

\* \* \*

Эсим оғиб борар Ишқнинг шаҳрига,  
Эсим оғиб борар Ишқнинг шаҳрида.  
О, гами лаззатдур, лаззати оғу,  
Қандоқ кечиб булар энди баҳридан?!

Андин ўзга йўқдур мувофиқликда,  
Вале, айб этмангиз мунофиқликда.  
Минг йил гадо қилдим дилни, хўрладим,  
Билдим: беайблик йўқ беошиқликда.

Бу кун мубталолик истаюр кўнгул,  
Ишқу бедаволик истаюр кўнгул.  
Минг йиллик тазарру, милён йиллик гам,  
Фано ҳам бақолик истаюр кўнгул.

Қанча бўлса чеккум жафосин хайли,  
Билмам, мен кўйида Мажнунми, Лайли?!  
Вале, ошиқдурмен, маҳзунмен, майли,  
Бас, менга кифоя хаёлин сайли,  
Зикри — мусиқамдур, мусиқам — найли...

Термиз

\* \* \*

Уқийман, туймайман,  
хатларинг қисқа,  
Дарров тугаб қолар  
висолнинг сайли.  
Аммо, мен юраман  
кўмилиб ишққа,  
хатларинг туфайли...

Уқийман, туймайман,  
хатларинг қисқа,  
Юракни ёндириб,  
куйдирди ул.  
Аммо, мен кутган  
хатларинг бошқа,  
Мен кутган хатларинг —  
интизор кўнгул.

Ҳазора



Жуманул Сувонова

\* \* \*

Юракнинг қирмизи қарига,  
Сузларим чўмилар потир-потир.  
Юракнинг қирмизи қаърига,  
Кўзларим сув бўлиб тукилаётир.

Юракнинг қирмизи қаърини,  
Қалқитар биллурий бир қадаҳ.  
Юракнинг қирмизи қаъридан,  
Сув ичиб шовуллар бир дарахт.

Чукади совуқ муз бўлаги,  
Юракнинг қирмизи қаърига.  
Очилар довуллар йўлаги,  
Юракнинг қирмизи қаърига.

Уфқда товланар тақдирнинг,  
Юракка чўмилган жарчиси.  
Маъсума дунёга доядир,  
Юракнинг қирмизи томчиси.

\* \* \*

Армонларнинг эшигини қоқма, дилим,  
Сенга нелар деса, майли, боқма, дилим.  
Тошлар оқсин бу дайрнинг дарёсида,  
Осмон булгин, дарёсида оқма, дилим.

Тақдир кимга танги дея, уйламагин,  
Қумини ҳам, тошини ҳам куйламагин.  
Буйларингга буй бўлмаса сени дарё,  
Унинг саёз сувларини буйламагин.

Бинафшалар тақолмасин қирғоғига,  
Майса бўлма шамол ўпган тупроғига.  
Қарамаса қарамагин, оқиб кетсин,  
Арзимаиди битта қизнинг ёнмоғига.

Оғушида армони йўқ лошни ўпсин,  
Пешонасин ёриб оққан тошни ўпсин.  
Дарё бўлса ҳамки томчи сувга ташна,  
Самолардан оқиб тушган ёшни ўпсин.

Армонларнинг эшигини қоқма, дилим,  
Сенга нелар деса, майли, боқма, дилим.  
Тошлар оқсин бу даёрнинг дарёсида,  
Осмон бўлгин, дарёсида оқма, дилим.

\* \* \*

Тонг ҳақида сўзламоқ бўлсам,  
Тун дафтарин ёпади ордин.  
Бу тонг ҳам ўт-қуёшдай равшан,  
Бу тонг ҳам нур-тилақдек ойдин.

Ўтолмайсан мени ухлатиб,  
Тун, кўксингга ботаётирман.  
Қара сени яна йиглатиб,  
Мен тонг бўлиб отаётирман.

\* \* \*

Эй тош!..  
Қурқмадингми, йиғламадингми,  
Шоду хандон бормисан бу дам?!  
Бинафшанинг қонини тукиб,  
Яшамоққа ичдингми қасам?!

Эй гул!..  
Ҳимматингми, марҳаматингми,  
Доғи заҳмат тоғидан ошган?!  
Меҳр сўраб яна бордингми,  
Илдизингни қуритган тошдан?!

Самарқанд



Юлдуз

\* \* \*

Юксакликка интилиб ҳамон,  
тоғлар баланд-баланд бўлишар.  
Шундан балки бекам, беармон,  
шундан балки мағрур туришар.

Ҳайрат билан боққин уларга,  
сукут ичра хаёл суради.  
Ҳатто тошлар бири-бирига  
елка тутиб — суяб туради.

Вақт зулфига туморлар тақар —  
мангу юксак, гўзал тоғ бўлиб.  
Ва уларга ҳавас-ла боқар,  
юлдузларнинг кўнгли доғ бўлиб.



Шаҳрисабз

Дони Зоҳидова

\* \* \*

Нигоҳ оҳанглари урилур қалбга,  
гоҳо улар шабада —  
туймайсан, тўёлмайсан...

Нигоҳ оҳанглари урилур қалбга,  
гоҳо захри қаҳратон,  
қалбга тушган шум соясидан  
қочолмайсан, қутуллолмайсан...

Нигоҳ оҳанглари урилур қалбга,  
нур бўлиб, бўлиб меҳр иси,  
қучоғидан кетолмайсан,  
қучоғига етолмайсан...

\* \* \*

Қувониб уйғонмоқда кунлар энди,  
ахир, куртакларда ниш урган баҳор.  
Келди эркаланиб навбаҳор ели,  
қўшиқлари севги каби бегубор.

Тонг пардасин ўзим кўтарсам, дейман,  
чечакларнинг таъзимига эгиб бош.  
Юрагимга аста ютилар кўқдан —  
оламни бағрига олгувчи қуёш.

Тошкент

\* \* \*

Денгиз мавжларида чўмилар секин,  
тўлин ойнинг эрка жимжималари.  
Қизғалдоқ, райҳону чечаклар тақар  
уйғонган саҳронинг тимлари.

Уйғонар эртақдай чиройли бўстон,  
кўзларни олғудай бу бениҳоя.  
Гуё ёмғирдан сўнг кўкда камалак,  
сайёҳларга сўзлар гўзал ривоят.

Оламга ям-яшил сепини сочиб —  
ердан униб чиқди бинафша, майса,  
Бугдой доналари кўзларин очиб,  
кўтариб туради биттадан найза.

Кунгулларга тукиб тароватини  
уйғонади қадим қушиқ матлаби  
ва чорлайди ёйиб тароватини,  
бағрига чорлаган бир она каби.

Олтинсой



Омон Мухтор

## ГУЗАЛЛИК ТУШУНЧАСИ

*Эзоп жуда бадбашара булган, дейишади.*

*Сукрот ҳам.*

*Квазимодо деган Гюгонинг қахрамонини эшитгансиз. Афти хунук, лекин қалбида туйгулари тоза.*

*Инсонда ҳамма нарса гузал булиши керак, мазмунида бир гап юради. Бу албатта, тилакми, орзуга ухшаган нарса. Бунинг иложи йуқ. Инсон — банда. Унда нимадир кемтиклик ҳам булмаслиги мумкин эмас!*

*Умуман, гузаллик руҳга боғлиқ. Руҳи тиниқ, пок, эзулик, олижанобликни касб этган кишиларнинг юз-кузларидан нур сғилади. Уларнинг ички олами қиёфасини ериштиради. Бундай кишилар қуринишида суник гузаллик эмас, жонли бир гузаллик бор...*

*Истеъодли адиб, укам, дустим Тоҳир Малик туғрисида уйлаштиб, шуларни эсладим.*

*Бунга сабаб... Тоҳиржон хушқомат, келишган йнгит. Лекин узини баъзан «хунукроқ» қилиб «курсатишга» уринади. Қуриниши бундайроқ биров ҳақида гапирганда, купинча «менга ухшаган чиройли» деб ҳазиллашади. Дарвоқе, қал-қомат расолиги бобида ҳазиллашиш ҳам Тоҳиржонга хос. Яна бир ҳазил, мен шеърни яхши тушунмайман, деб шоирларнинг қитиқ пастига тегилш. Уларнинг табиятан дарвешлигига шаъма...*

*Шу уринда айтиш керак. Тоҳиржон шеърни яхши тушунади. Адабиетини теран ҳис этади. Муҳими, унинг ҳазиллари қупол, озорли эмас. Уларда лутф ва дустона бир марҳамат, хушсуҳбатлик ва беғаразлик очик-ойдин қуриниб туради. Яна муҳими, Тоҳиржоннинг узини туттишда, хатти-ҳаракатида улугворлик, инсоний бир гузаллик сезилади... Менга балки, кимдир ошириб юбормадингми, дер! Асло! Нега айрим «езувчи»ларнинг қусурларини гапириб юрамиз-у, чинакам езувчилардаги эзулик, одамий қурқ борасида гапирмаслик керак?!*

*Мен баъзи бир кишиларни «тез ердам» деб атагим келади. Кимгадир қийин булган, бошига кулфат тушган пайтда бундай кишилар дарҳол кумак беришга ошиқадилар! Тоҳир Малик шу тоифага киради. Ўзбекистон радиосида, кейин «Шарқ юлдузи»да анча йил бирга ишлаб,*

унинг таниш-нотаниш қанча одамларга миннатсиз, ҳеч бир манфаатсиз ердан қулини қузганига гувоҳ булганман. Шахсан меннинг узимга ҳам зарур пайтда у доим меҳрибонлик, биродарлик кўрсатган... Фақат бу эмас. Тоҳиржон қули гул уста. Бугун қарасанг, кимнингидир томини ямашга, эртага қарасанг, яна кимнингидир эшик-дезасини тузатишга ердлашиб турибди. Ҳеч қачон, ахир, мен ёзувчиман, бунинг устига, бир ерда вазифам ҳам бор, мени тинч қўй, демайли. Узидан ёши улуғлар билан бирга, ёши кичикларга ҳам...

Тоҳир Маликнинг ёзган барча асарларидан мана шу, унинг одамий хислатлари, гузаллик тушунчаси қизил ип бўлиб утган.

Бизда тахминан (адашсам, узр) 70-75 йилларгача фантастика ёки саргузашт-детектив услубидаги асарларнинг ўзи булмаган. Тугри, ярим эртақ, ярим ҳаёлий нарсалар ёзишга эскидан уринишларни эслаймиз. «Шоҳидамас, баргида» қабилдаги жиноятчилик ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳаёти туғрисида ёзишга уринишлар ҳам учрайди. Лекин жиддий бадий асарга қўл ҳам урилмаган. Улар фақат кейинги даврларда бунёд бўла бошлади... Тоҳиржон биринчилардан услуб-хислатларини урганган ҳолда фантастикага қўл урди. Ҳикоялар, «Фалак» сингари асарлар ёзди. Кейинчалик детектив услубида ёзишга киришди. «Чархпалак», «Алвидо, болалик». «Сунги уқ», «Шайтанат» асарлари уни, уқувчилар орасида бу услубдаги чинакам ёзувчи сифатида таништирди.

«Шайтанат» туғрисида икки оғиз суз. Бу асарнинг икки китоби эълон қилинди. Учинчи китоби босилипти. Асар китобхонлар томонидан фавқулодда катта қизиқиш билан қаршиланди. Қўлма-қўл уқияланти. Кучада, бозорда одамлар бир-бирларидан суриштиришади. Битта-яримта бу асардан норози танқидчи ва ёзувчиларни ҳам учратамиз. Улар, халқ алданипти, бу мақтовга сазовор асар эмас, мазмунида туңгиллашади. Бундай гапларни эшитиб, беихтиёр ҳаёлга толаман... Агата Кристи, Жорж Сименонлар юзлаб (юзлаб!) шу услубдаги романлар ёзишган! Тоҳиржон! Езаверинг! Юзта булмаганда ҳам, эликта! Бунинг ҳам иложи йўқ, десангиз, ақалли йиғирмага! Бизда бу услуб эндигина шаклланиб, беш-унта асар ёзилиб-ёзилмасдан фёъли тор бировларнинг нонтепкилик қилаётгандек ҳолатига аҳамият берманг! Мен биламан, сиз чинакам ёзувчисиз, шундай йўл тутасиз ҳам! «Шайтанат» — яхши асар. Чейз, Гарднерларнинг кўп романларини ўқидим, бу асар улардан утса утади, қолишмайди. Ҳаққоний, таъсирли саҳналар жуда кўп. Асар қурилиши қаттиқ қизиқиш уйғотади. Яна бир жиҳати, сиз бу романда илк дафъа Шарқ руҳи, мусулмон оламидаги пок эътиқод ва шарқона гузаллик тушунчасидан келиб чиққансиз. Асарнинг номидаёқ бунга диққатни тортаясиз!

Ярим асрни эндигина қоралаган. навқирон ижод ёшидаги укам, дустимга катта ижодий зафарлар тилайман.

«Шайтанат» асарининг учинчи китобидан бир улушини сиз, азиз журналхонлар эътиборига ҳавола этаяпмиз.

# Шайтанат

*Ҳинин китобдан боблар*

1 БОБ

1

Асадбек Ҳосилбойвачча тақдирини ҳал этиш режасини тузаётган дамларда Кесакполвон кутилмаган бир муаммони ечиш билан банд эди. Мусаффо осмонда оҳиста сузаётган учоқ булутлар тўдасига кириб асабий титрай бошлагани каби, кейинги воқеалар уни бир-икки силкиб қўйган, бу воқеаларни бўйига мос фаросати билан қаричлаб, шунга яраша хулоса чиқариб юрганида Чувриндининг йигитларидан бири кутилмаган масалага рубару қилди.

Шу пайтгача Чувриндининг йигитлари Кесакполвонга, ёки аксинча, Кесакполвоннинг зўрлари Чувриндига бирон-бир масалада мурожаат қилишмаган эди. Ёзилмаган қонун асосида бунга ҳақлари йўқлигини яхши билишарди. Агар Кесакполвон Чувриндининг йигитига (ёки аксинча) бир юмуш буюргудай бўлса ҳам, бу йигит вазифани адо этишга киришишдан олдин ўз ҳожасини албатта огоҳ этарди. Чувринди буюрган ишни бажармай Кесакполвонга мурожаат этиш, аниқроғи, буйруқдан бўйин товлашни фавкулудда ҳолатлар сирасига киритиш мумкин. Яна ажаблнарли томони шундаки, шилтаси чиқадиган ишни Чувринди Кесакполвон зиммасига оширишга уринарди. Шилтароқ иш раҳм-шафқат деган тушунча билан муроса қила олмагани сабабли Чувриндида уйғониб тургувчи бу туйғу панд бериб қўйиши мумкин эди. Буни билгани учун ҳам Кесакполвон Чувриндининг бу кичик ҳийласидан оғринмасди. Қасамни бузган табибнинг ўлимга ҳукм қилиниши Кесакполвон учун бир муаммо бўлса, ҳукмни ижро этишни Чувриндининг ўз зиммасига олгани яна бир топишмоқ эди.



Кесакполвон бу янгиликни эшитгач, йигитга кўзларини лўқ қилганича топишмоққа жавоб излади. Чувриндининг бу йигити шаҳарда, балки бутун мамлакатда кўриниш жиҳатидан ягона бўлса эҳтимолдан холи эмас, У ўн-ўн икки ёшга қадар барча қатори бўйга ўсгану сўнг эринибми ё яна ўсиш лозимлигини унутибми, бола гавдасида қолган эди. Бу ҳолдан беҳабар калла эса катталлашиб бораверганди. Агар у бир оз ҳаракатсиз турса, қайси ношуд ҳайкалтарош ёш болага катта одамнинг хумдай бошини ўрнатиб қўйибди, деб ўйлаш ҳам мумкин. Гавда билан калланинг номутаносиблигига ботиндаги шафқат ва бемехрлик зиддияти қўшиб қаралса, Миродил деган исмининг нақадар ноўрин эканини фаҳмлаш мумкин. Дунёдаги бир қанча ноўринликларни ўзида мужассам этган бу йигит Чувриндининг махсус топшириқларини бажарар эди. Ҳамиша икки-уч бақувват йигитлар билан бирга юрувчи Миродил ҳар қандай одамга тап тортмай тик борарди. Қисқагина гапириб, кўққисдан нақ киндикни мўлжаллаб муштларди. Унга бу зарбани биров ўргатганими ёки икки қош ўртасига уруш учун бўй калталиқ қилганидан киндикни мўлжаллашга мажбурми эди, айтиш мушкул. Ҳарҳолда, унинг тошдай мушtidан татиб кўрган одам барака топмасди. Мушт зарби керагидан заифроқ бўлган тақдирда ҳам бақувват йигитларнинг тепкилари бу камчилик ўрнини тўлдириб қўярди. Кесакполвон Миродилнинг нималарга қодир эканини ўз кўзи билан кўрмаса ҳам, кўп эшитган, биларди. Билгани учун ҳам Чувриндининг топшириғи нечоғли муҳим эканини англаб етди.

«Дўхтирнинг гуноҳи нима экан? — деб ўйлади Кесакполвон. — Бекка бир бало бўлдимми, сал нарсага «ўлдир» деб юборяпти. Бунақада шаҳарда тирик зот қоладими? Балки дўхтир ўладиган одамдир, унда нима учун мендан яширди? Маҳмуд нима қилиқ қилиб юрибди? Ё бу Хумкаллани менга рупара қилиб, бир хунар кўрсатмоқчимми? Ё бунақа ишларни сен эплай олмайсан, дейишмоқчимми?..»

Хумкалла дардини айтишга айтиб қўйди-ю, Кесакполвоннинг ўйга толганини кўриб, хавотири ўйғона бошлади. Унинг назарида бу фикрлаб ўтириладиган масала эмас, «ҳа» ёки «йўқ» деб қўйиш билан битадиган осонгина иш эди. Кесакполвоннинг хаёл саҳросида илонлар каби ўрмалаётган гумонларини бу бечора қайдан билсин? Хумкалла ташвиш жаригга томон қадам қўйган пайтда Кесакполвон тилга кирди:

— Қандай гум қилишни ўйлаб қўйдингми?

— Йўқ ҳали...

— Сенга иш топширилган эди?!

Хумкалла унинг ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочди.

— Ишдан бўйин товлашнинг оқибати нима бўлишини

билмасмидинг? Ё дўхтир билан бирга жўнагинг келиб қолдимми?

Хумкалла Кесакполвонга бир қараб олишга журъат этди.

— Гапир! Балодан қайтмайдиган бола эдинг-ку, нимага аммамнинг бузоғига ўхшаб қолдинг!

— Ака, нима десангиз денг, мен ишдан қочадиган боламасман. Урнига ўзинг ўл, денг, ўлмаган ўғил боламас.

— Намунча, у, ўғил бола? — деди Кесакполвон кесатиқ оҳангда. — Дўхтир ким ўзи, аммангнинг эрими ё киндигингни кесганми? Ё... эшакбожаларданми?..

— У... ойимларга қараган. Ҳалол қараган.

— Ойинг улиб кетган шекилли?

— Ҳа... Лекин ўша дўхтирни доим дуо қилардилар.

— Ойинг дуо қилгани учун ўлдиришга қулинг бормади-ми? Шунақа кўнгилчан ойимчахон бўлиб қолувдингми? Хуш, нима учун гум қилиш керак экан, биласанми?

— Йўқ...

— Нима учун Маҳмуднинг ўзига айтмадинг дардингни?

— Гапларини дарров қайтара олмадим.

— Энди мен даллоллик қилайинми?

— Сиздан маслаҳат сўраб келдим.

— Мен ҳам йўқот, десам-чи? Ё йигитларимга айтсам-чи?

— У ёмон одам эмас, гуноҳи бўлса кечириш мумкин-масми?

— Сен бола, менга ақл ўргатма. Бор, жўна, турқингни кўрмай. Маҳмудга бориб айт. «Мен ҳезалак бўлиб қолганман», де.

Хумкалла кўлидаги умид чиннисини тушириб синдирган ночор одам ҳолида ўгирилиб бир-икки қадам кўйган эди, Кесакполвоннинг амри эшитилди:

— Тўхта! Майли, сазанг ўлмасин. Дўхтирни Оқтерақдаги жойга олиб борасан. Бехит бўлсин. Қани, гаплашиб курай-чи.

Хумкалла таъзим қилиб, миннатдорчилигини изҳор этган бўлса-да, Кесакполвоннинг бирдан юмшаб қолиши кўнглида шубҳа уйғотди. Шу боис кучага чиққач, бир неча нафас ҳаракатсиз турди. «Бекор келибман, — деб ўйлади у. — Ҳеч кимга айтмай қочириб юборсам бўларкан. Бунақа зўр дўхтир Масковга борсам хор бўлмайди, нонини топиб ейди. Ҳали ҳам бўлса шундай қилсаммикин? «Бордим, йўқ экан, тополмадим», десам-чи?» Хумкаллага ўзининг шу фикри маъқул келиб, машина томон юришдан аввал одати бўйича атрофга аланглаб олди. Ўзидан икки қадам нарида тиржайиб турган йигитга кўзи тушгач, шаштидан қайтди. «Булардан энди қутулиб бўлмайди. Ҳиротдан бўлса ҳам топишади. Ҳозир изимга тушишади. Энди қочириб бўлмайди. Иш атала бўлди. Оқтерақка олиб борай-чи, ҳарҳолда у ер одам ўлдирадиган жой эмас...» Хумкалла аниқ бир қарорга келиб, машинасига ўтирди.

Шаҳарнинг кунботар томонидаги этакдан бошланувчи Оқтерак қишлоғининг чойхонаси кечаю кундуз очик бўлади. Бу ерда истаган одам истаган пайтда чойхўрлик, ҳамён кутарса ошхўрлик ҳам қилиши мумкин. Ҳовуз лабидаги мажнунтолнинг қилвир сочлари остига қўйилган иккита темир сўри кун бўйи қишлоқ қариялари билан банд бўлади. Текин чой-нонга, баъзан ошхўрлар ҳиммати билан узатилиб турувчи ошга ўрганган қариялар ҳожатхона ёнидаги йўлак қайси уйга олиб боришини, у ерда қандай савдолар бўлишини фаҳмлашса ҳам, бировга чурқ этиб оғиз очишмайди.

Кузнинг совуқ нафаси сезилиб қолгани учунми, сўрилардан бири бўш, иккинчисида эса беш қария ёнбошлаб олиб, мудрарди. Кесакполвон уларга бир қаради-ю, салом бермай, ҳожатхона ортидаги уйча томон юрди. Бу хона ҳам бошқаларидан айтарли фарқ қилмайди: жиҳозларига зирага тўйинган ошнинг, ёғ, ароқ, сигарет тутунининг ҳиди сингиб кетган. Бошқа хоналар фақат кундузи гавжум бўлса, бундагилар туну кун уйғоқ, ҳамиша сергак. Учоқбошидаги бир қозонда фақат шу хона эгалари учун эртаю кеч турли таомлар қайнаб туради. Бу ер Кесакполвоннинг таъбири билан айтганда — қозихона. Асадбек «Бу хунарингни ташла», деб буюрган бўлса-да, У «тарки одат — амри маҳол» дегандай, билганидан қолмайди. Кесакполвон жавобгарларнинг мултиллаб қарашларини, йиғлашларини, тавбалар қилиб эмаклашларини тамоша қилишни ёқтиради.

Кесакполвоннинг ўзигагина тобе бўлган бу «қозихона» гавжум эди. Қозилик вазифасини адо этаётган йигит ҳожаси кириб келиши билан ўрнидан бир қўзғолди-ю, «давом этавер» деган ишорани кўриб, жойида қотди. Қош-қўзлари қоп-қора, соқоли ўзига ярашган бу йигитни кўчада кўрган одам тақводор, имон эгаси деб ўйлайди. Бу куриниш, бу алдамчи соқол кўпчилик фикрини чалғитади. Айниқса, бу «қози» бошига оқ ҳожидуппи кийиб олсами, бас, унинг сўзларини даъвогарлар ҳам, жавобгарлар ҳам шарият ҳукми деб қабул қиладилар. Тили ҳали имон калимасига келмаган, пешонаси ҳали саждага бормаган бу йигитни «қози»ликка Кесакполвоннинг ўзи тайин этган, Ҳалимжонни синаб беришни ҳам айнан шунга топширган эди.

Кесакполвоннинг мулжалича Хумкалла табибни бу ерга ярим соатдан кейин бошлаб келиши мумкин эди. Шу боис «иш»нинг белига тепмай, яқунланишини кузатмоқчи бўлди. «Қози»га яқин ўтирган, кийимлари йиртилиб, қовоғи кукарган йигитга қараб, «айбдор» шу эканини фаҳмлади. Турли ёшлардаги тўрт кишининг ташқи кўринишларидан мусофир эканликларини англамоқ мумкин эди. Даъвогарларнинг ёши улуғроғи эшиқдан кириб келган курумсиз гавдали, эти устихонига ёпишган, қалдирғоч мўйловли Кесак-

полвонга бир қараб олди-ю, «эйтибор беришга арзигулик одам эмасга ўхшайди», дебми яна «қози»га ўгирилиб, гапни давом эттирди:

— Ёшулли, бу манглайи қора поезд паттасининг ҳақини ҳам тулаши керак. Сиз ундириб беринг, ёшулли, биз сизни инжитмаймиз.

— Бекорларни айтибсиз, бир тийин ҳам бермайман, — деди қовоғи кўқарган йигит, ўжарлик билан.

— Бермасанг, терингни шилиб оламан, манглайи қора! — деб бақирди даъвогар.

«Қози» уларни тинчитиш учун столни муштлади:

— Овозларингни ўчир! Мен сўрайман, сен эса жавоб берасан, — деб жавобгарга қаради: — демак, диспетчернинг хонасида чой ичиб чиқдингми?

— Ҳа, айтдим-ку!

— Жавоб бер, маҳмаданалик қилма.

Бу саволга яқингинада жавоб қайтарган йигит Кесак-полвон учун суроқ атайин такрорланаётганини фаҳмламади. Аксинча, қайта суроқ замирида бир шумлик ётибдимикин, деб хавотирланиб, довдираган ҳолда жавоб берди:

— Трамвайим чет йўлда турувди. Қарасам, эшиклари очилиб қолибди. Булар бемалол жойлашиб ўтиришибди. Бир киши «Шу қариндошларимни вокзалга олиб бориб кўясан, рози қилишади», деди.

— У бизларнинг қариндош эмас, уни танимаймиз. У сенинг ҳамтовоғинг, — деди даъвогар. — Унга йўлқирани нақд санаб бердик. У: «Трамвайчи-ошнам, бир оғиз айтсам, ўн беш минутда бирон ерда тўхтамай фирр этиб, элтиб ташлайди», деди.

Бу гапни эшитиб, жавобгар ҳазин жилмайди:

— Эси жойидами буларнинг? Трамвайни тўхтатмай ҳайдаб бўларканми? Олдиндаги трамвайларнинг тепасидан учиб ўтаманми?

— Чалғитма, бўладиган гапни гапир, — деди «қози».

— Ишим охирлаб қолувди. Пул берса тешиб чиқмайди, олиб бориб кўя қолай дедим. Қайрилишга етганда тўхтаб, пулни бериб кўйинглар, дедим. Бунақалар трамвайга чиққанида мард, манзилга етганида тирриқлик қилишади. Ўйлаганимдай булди: «Пулни шеригингга бердик», деб фирромлик қилишди. «Менинг ҳеч қанақа шеригим йўқ», десам ҳам ишонилмади. «Агар пулни бермасаларинг бошқа ёққа қараб бурвораман», десам ҳам кунушмаганидан кейин трамвайни шартта паркка ҳайдадим. Кейин мени дўппослаб қолишди. Мени деб поездларига кечикишганмиш.

— Ёшулли, сиз буни эмас, мени тингланг. Бу манглайи қоранинг шериги бор. Бизар поезднинг паттасига куйдиқми, бу бирми? Бизар бозордан қолдиқми, бу иккими? Ана шунинг жаримасини тўласин.

«Қози» ўз ишига пухта бўлса-да, ҳожасининг мартаба-

сини иззат қилиб «сиз буюринг», дегандай қаради. Кесакполвон унинг савол назарини эътиборсиз қолдирмай, даъвогарни сўроққа тутди:

— Шеригига неча пул берувдиларинг?

— Ун сўм сўровди, ammo учга ризо бўлиб эди, — деди даъвогар унга ўгирилиб.

«Бу қанақа гўл одам ўзи, — деб уйлади Кесакполвон. — Шошиб турган одам ҳам трамвайни кира қиладими?»

— Бу хом иш, — деди Кесакполвон масалага яқун ясаб. — Пулни кимга берган бўлсаларинг ўшани топиб келларинг.

— Ёшулли, сиз ҳақиқат қилмадингиз, — даъвогар ўрнидан туриб, қўлини пахса қилди: — Биз буларни танимасак. Шаҳарни билмасак...

— Утир, — деди Кесакполвон, унга ўқрайиб. — Сен менга қўлингни пахса қилма! Онангнинг уйимас бу. Неча кишлашиб урдиларинг буни?

— Бизми?.. Бир-икки туртдик-да.

— Ўзинг айт, неча киши урди сени?

— Еттита эди.

— Бекордан-бекор урганларинг учун ҳар бир киши бўйнига икки юздан, жами бир минг турт юз берасанлар.

— Биз берамизми? — деди даъвогар ажабланиб.

— Олдин милисага ҳам боришган, — деди «қози» масалага аниқлик киритиб. — Гувоҳлар ҳам бор...

— Э, ҳали шунақами? Унда ҳисобга туғри қилиб, икки мингни санаб беришсину қораларини ўчиришсин. Бошқа гап йўқ!

— Ёшулли, сизлар адолат қиласизлар, деб эшитган эдик?

— Бу адолат бўлмай нима?

— Биз тўламаймиз. Милисага арз қиламиз.

— Милисага бориб овора бўлмайсан. Милисанинг ўзи ўлигингни олиб кетади, — деди «қози» совуқ оҳангда. Жавобгарнинг довдираганини куриб қушиб кўйди: — Уч-турт кундан кейин зовур ёқасида қулоқ-бурунларингни итлар ғажиб кетганидан кейин топишади.

Бу гапни эшитгач, даъвогарлар бир-бирларига мўлтиллаб қараб қолишди. Назарларида уларнинг қулоқ-бурунларини ҳозирнинг ўзида итлар ғажиб ташлагандай бўлиб, этлари сесканди.

— Ёшулли, адолат қилинг, — деди шу пайтгача гапга аралашмаётганлардан бири. — Дуруст, биз милисага бормасмиз, бу ағожонга ҳам даъвойимиз йўқтур. Ижозат этинг, юртимизга кетайлик.

— Бу ерда ҳукм битта бўлади. Сенинг даъвойинг бўлмаса, буники бор. Пулни тўлайсан, тамом! — деди «қози».

Кира солиб ишни бузган қалдирғоч мўйловли бу кишидан нажот тилаб мўлтиллаб қаради.

— Бизнинг бунча пулимиз йўқ, — деди ҳозиргинада қўлини пахса қилиб гапирган даъвогар.

— Пулинг бўлмаса молинг бор. Шаҳарда қариндошларинг бор, ошна-оғайниларинг бор, — деди Кесакполвон. — Сен бир соатда пулни олиб келасан. Шерикларинг шу ерда ўтиради.

— Люкс хонамиз бор, — деди «қози», — бир соатда келмасанг, ҳар соатига яна мингдан қўшилади. Соат ўн иккигача етиб келмасанг, шерикларингдан умидингни уз. Ўзингни эрталаб ўзимиз қидириб топамиз.

Бу гапдан кейин даъвогарлар ўринларидан туриб қошишга шайланишган эди, орқада турган йигитлардан биттадан мушт еб, масала узил-кесил ҳал бўлганини англадилар. Даъвогарларнинг учтаси ташқаридаги хужрага қамалиб, биттаси пул топиб келгани кетгач, Кесакполвон «қози»га қараб:

— Бунинг ҳақини бериб юбор, — деди.

«Қози» чунтагидан пул чиқариб санади-да жавобгар йигитга узатди:

— Омадинг чопиб қолди, ма, ол, — деди ҳиммат қилиб.

— Керакмас, пул керакмас, шулардан қутқарганларингиз учун раҳмат сизларга, — деди йигит пулдан кузларини олмай.

— Сенинг ҳақинг бизга ҳам керакмас, — деди Кесакполвон. — Олавер, уст-бошингни тузат. Йигит булсанг, бундан кейин уч сўмга паст кетма.

Ҳозиргина бир балога мубтало бўлишдан қўрқиб утирган йигит ишонқирамаган ҳолда бир пулга, бир «қози»га қараб, қўлини чўзди.

— Ҳеч кимга айтмайман, — деди миннатдор оҳангда.

Бу гапдан «қози»нинг энсаси қотди.

— Хоҳласанг радиода гапирмайсанми! Бор жўна, қипқизил тўнка экансан-ку?!

Йигит қайта-қайта раҳмат айтганича шошилиб чиқиб кетди.

— Қўйиб берганингизда бу тўнканинг елкасига ҳам бир-икки сўм илардим, — деди «қози».

— Бунинг нимасига иласан, уч тийинлик патта сотиб кун кўрадиган бола бўлса. Пули йўқлигидан уч сўмни талашиб калтак еб юрибди-да. Анави гўлларни жазолаш керак. Иккинчи лаллайиб юрмайдиган бўлишади. Сен энди йигитларингни олиб ташқарида кут. Бир одам келади. Ҳушёр бўлларинг. Яккама-якка гаплашим керак.

— Дастурхонни янгилайми?

— Ҳа. Сал одамбашара қилиб қўй. Утирган жойларинг молхонага ўхшайди. Одаммисанлар ё молмисанлар?!

Кейинги гапини худди Асадбекка ўхшаб айтди. Тартибни яхши кўрадиган Асадбек дуч келган жойларда ўтиравермасди. Бирон-бир чойхонага боргудай бўлса ҳам ирkit кўрпачалар, ёғ томган шолчаю дастурхонни кўргач, бир зум қараб турарди-да, сўнг индамай изига қайтарди. Ке-

сакполвонга эса фарқи йўқ эди. Чарчаган бўлса, ирkit кўрпачага ҳам ёнбошлаб олаверарди. Унинг ҳозирги танбеҳи «қози» учун янгилик бўлса-да, «нозикроқ одам келади шекилли», деб уйлаб, ижрода иккиланмади. Бир зумда дастурхон алмаштирилди. Патир нонлар, мева-чева... шунга яраша ичимлик билан безалди. Худди шуни пойлаб тургандай остонада аввал Хумкалла, сўнг кўзларида ҳайрат ва хавотир зоҳир бўлган табиб кўринди.

Хумкалла табибни «Бир оғир касал бор, кўриб кўйинг», деган илтимос билан бошлаб келган эди. Машина чойхона ҳовлисига кириб тўхтагач, табиб унга ажабланиб қаради.

— Орқадан яқин йўл бор, у ёққа мошина ўтолмайди, — деди Хумкалла унинг савол назарига жавобан.

Табиб бир нимани сезди-ю, аммо қайтишга истиҳола қилиб, эргашди.

Табиб Хумкаллани танирди, аммо нима иш билан шуғулланишини билмасди. Агар биров унга «Шу хум калла Асадбекнинг одамларидан» деса, ишонмай кулган бўларди. Лекин унинг устидаги кийим, тагидаги машина бу одамнинг анойилардан эмаслигини билдириб турарди. Табиб уни касалхонада бир неча бор кўрган, аммо айтарли эътибор бермаган эди. Онасини олиб кетгач, икки-уч ой кўринмади. Кейин кутилмаганда пайдо бўлиб, тугунча узатди-да:

— Ойим сизга атаган эканлар, — деди.

— Ойингиз... тузукмилар? — деди табиб.

— Ҳа, ўлдилар. Охирги кун ҳам сизни дуо қилдилар.

— Касални сал ўтказиб юборган экансизлар, — деди табиб ўзини оқлаш мақсадида.

— Ойим «Худонинг хоҳиши шу», дедилар...

Тугунчада бир жойнамоз, кўйлак, озгина пул бор эди...

Шундан кейин ҳам Хумкалла икки-уч келиб, хасталанган танишлариникига олиб борди. Шу боис ҳам унинг бугунги ташрифи табибда ҳеч қандай шубҳа уйғотмаган эди.

Ҳожатхона ёнидан ўтаётганида шу томонга тикилиб турган йигитларга кўзи тушиб, хавотири уйғонди. Остона ҳатлаб ичкари кириши билан рўпарадаги қалдирғоч мўйловли одам ўтирган еридан «Келинг, дўхтир!» деб кўйгач, шу ерда бир бало бўлишини фаҳмлаб, оёғида қалтироқ турди. «Ким бу ўзи? — деб уйлади у. Биттаси «ҳеч кимга айтмайсан», деб қасам ичирди. Филайи келиб «жон керакми, қасам керакми?» деб кекирдагимни суғуриб олай деди. Буниси қайси томон?»

— Утиринг, дўхтир, — деди Кесакполвон, — касал кўравериб эзилиб кетгандирсиз. Соғ одамлар билан ҳам би-ир отамлашинг. — Кесакполвон шундай деб Хумкаллага қараб кўйган эди, у аста изига қайтиб, эшикни зичлаб ёпди. Табиб ўтириши билан Кесакполвон кўлига пиёлани олди-да:

— Оқиданми ё қизилиданми? — деб сўради.

— Раҳмат, мен ичмайман, — деди табиб.

— Нима бало, сүфимисиз? Дүхтир зотининг ичмайдигани бўлмайди, — у шундай деб пиёлаларга коньяк куйди. — Кўрқманг, мен сизни ўлдириш мақсадида чақирмадим.

— Кўрқайтганим йўқ... — деб гап бошлади табиб. Аммо Кесакполвон уни гапиртирмади.

— Қани, олайлик-олдирмайлик. Йигит ўлмайлик, бало кўрмайлик.

Кесакполвон пиёлани бир кўтаришда бўшатиб, тамшаниб кўйгач, гапни чувалаштирмай ичавергани маъқул эканини фаҳмлаб, табиб ҳам пиёлани кўлига олди. У ичиб бўлгунча Кесакполвон кутиб турди, сўнг яна куйди-да:

— Жуфт бўлсин, — деб изоҳ берди.

Жуфтдан сўнг тоқ, кейин яна бир карра жуфт бўлиб, табибнинг юзларига қизиллик югургач, Кесакполвон муддаога ўта бошлади:

— Очигини айтсам, дүхтир зотига тобим йўқ. Ўн йилми ё ўн беш йилми олдин биқиним оғриб дүхтирхонага борувдим. Биттаси иккинчисига рўпара қилди, униси ўнинчисига юборди, хуллас, отнинг калласидек қоғозга касалларимни ёзиб беришди. Етти-саккиз ўл касалим бор экан. Вей, томи кетганлар, шунча касал ўлиқда ҳам бўлмайди, дедим. Берган дориларининг биттасини ҳам ичмадим. Мана, юрибман, ўлмай.

— Энди дүхтир текшириб кўриб, борини ёзади-да.

— Ҳе... ёзса ёзиб бўксин. Сиз... мени танийсизми?

— Йўқ.

— Хумкалла айтмадимми?

— Бир касални кўриб қўйинг, деди.

— Ҳа... ўша касал — менман.

— Сиз?

— Ҳа, мен. Менинг битта касалим бор. Ким мендан сир яширса, ўшанга қизиқавераман. Билиб олгунимча қўймайман. Хўп, мени танимасангиз Асадбек деган одамни эшитганмисиз?

— Эшитганман, — табиб шундай деб Кесакполвоннинг ўтқири нигоҳига дош беролмай кўзларини олиб қочди.

— Эшитганмисиз ё танийсизми?

— Танийман.

— У-чи? У ҳам сизни танийдимми?

— Билмадим. Танисалар керак.

— Танисалар керак?.. Ҳм... мен ҳам таниса керак, деб ўйловдим. Маҳмуд-чи, уни ҳам танийсизми ё эшитганмисиз?

— Нима учун сўраяпсиз?

— Ҳозир айтдим-ку, шунақа касалим бор, деб. Агар тўғриси айтмасангиз касалим кўзиб, тутқаноғим тутиб қолса, чатоқ. Жавоб беринг!

— Танийман.

— Қанақасига танийсиз? Ким таништирган?

— Кўриб қўйганман.



— Кимни? Маҳмуднинг онасиними?  
— Йўқ. Онасини танймайман.  
— Кимни кўргансиз? — Кесакполвон энди таҳдид оҳангига ўтди. Бу оҳанг табибга тутқаноқнинг бошланишидай туюлиб, бир сесканди.

— Кимни деяпман?  
— Айтолмайман... Қасам ичганман.  
— Менга айтишинг мумкин, — Кесакполвоннинг сенсирашга ўтиши ўзи айтган тутқаноқнинг бошланишидан дарак эди. Табиб бу ҳам ғилайга ўхшаб кекирдагимга чанг солмасин, деб кўрқиб, иштонини ҳўл қилиб қўйган боладай паст овозда деди:

— Асадбек акамни...  
— Асадними? Уни нимага кўрасан? Касалми?  
— Айтолмайман... қасам...  
— Қасам-пасамингни қўй. Мен Асаднинг энг яқин ошнасиман, мен билишим керак. Гап иккаламизнинг орамизда қолади.

— Биттаси ҳам шунақа девди, айтиб қўйибди.  
— Ким?  
— Танймайман... гавдали бир ғилай одам.  
— Шомилми?  
— Отини билмайман. Келасолиб томоғимдан бўғди. «Асадбекнинг касалини айтасан», деб туриб олди. «Айтмасанг, ўласан», деди.

«Ҳа, бу — Шомил, — деган қарорга келди Кесакполвон. — Бу хунаса қаердан ис олди? Асадбекнинг касали билан нега қизиқди?»

— Айтдингми?  
— Ҳа.  
— Қасамни бузган бўлсанг... ўлишинг керак.  
— Айбим нима?  
— Ғилайга нима дединг?  
— Касалини айтдим.  
— Қанақа қасал? Шамоллаганми?  
— Йўқ... касаллари жуда жиддий... рак. Ўпкаларида.  
— Нима?! — Кесакполвон сапчиб туриб, стол атрофини айланиб ўтди-да, табибга яқинлашгач, ёқасига чанг солиб, бир-икки силкиди: — нима деяпсан, хунаса! Йўталса рак бўлаверадими?!

— Текширдим. Красноярда ҳам қаратишган экан.

Красноярни эшитиб, табибни қўйиб юборди. «Отамни зиёрат қиламан», деб кетувди, дўхтирга текширтиргани борган экан-да?» деб ўйлади. Жойига қайтиб боришга мадори етмаётгандай табибнинг ёнига ўтирди. «Асадга нима бўлди? Нима учун дардини мендан яширди? Нима учун бу сирни Маҳмуд билиши мумкин-у, мен бѐхабар қолишим керак? Дўхтирни сир очилмасин, деб ўлдиришмоқчи бўлишдими? Ё ғилайга айтиб қўйгани учунми? Ғилай билдими, демак, Ҳосил ғимирлаб қолган. «Рак бўлса, эрта-ин-

дин ўлади», деган. Ҳосилни-ку, муддаоиси аниқ. Маҳмуд-чи? Мендан кўрган яхшиликларига жавоби шуми? Чувринди дегани чувриндилигича қоларкан-да, а? Асаднинг урнига иштаҳа сақлаяптими? Менга хўжайин бўлмоқчими? ... еб-сан!»

Кесакполвон кейинги сўзни беихтиёр овоз чиқариб айтди. Табиб унинг нима деганини англамади:

— Гапингизга тушунмадим?

Кесакполвон чалғиган хаёлини бир ерга жамлаб, табибга қаради:

— Балки адашаётгандирсан? Краснояргадагилар ҳам янгилишишгандир?

— Бўлиши мумкин...

— Бўлиши мумкин? Унда нима учун ваҳима қиласан?

— Шунга асос бор-да. Узил-кесил хулоса чиқариш учун касалхонада ётишлари керак. Упқадан сув олсак кейин аниқ бўлади.

— Нимаси аниқ бўлади?

— Агар сув тоза чиқса, бошқа гап, қонли, йирингли бўлса, унда... чораси қийин...

— Нега ётқизмадинг?

— Кунмадилар.

«Овоза бўлишдан кўрққандир», деб ўйлади Кесакполвон.

— Шу соҳадаги дўхтирларнинг зўри сенмисан?

— Мендан зўрроқлари ҳам бордир... лекин... хафа бўлмаг-у... ҳозир чораси йўқ, улар ҳам ҳеч нима қилишолмайди.

— Қўлларингдан ҳеч бало келмаса, нима қилиб юрибсанлар дўхтирман, деб керилиб? Бировнинг эртаиндин ўлишини айтиш учун ҳам дўхтир бўлиш керакми? Э, хунасаи давронлар! — Кесакполвон хуморидан чиққунича сўкинди. Табиб халқ оғзаки ижодини урганаётган олимдай бошини эгиб, сукут сақлаганича тоқат билан тинглади.

— Хўп, — деди Кесакполвон сал ҳовуридан тушгач, — дўхтирларинг дабба экан, янги чиққан экстрасенслар-чи? Табиб бош чайқади:

— Улар лўттибоз-ку?

— Тузатишаётганмиш-ку? Одамлари бормиш-ку?

— Мен у лўттибозларга ишонмайман. Асаблари заиф одамларни лақиллатишади.

— Тузатиш ўзингнинг қўлингдан келмайди, лўттибозларга ишонмайсан. Бир одам шунақа бўлиб ўлиб кетаверадими? Билиб қўй, Асад ўлса, сен ярим кун ҳам яшаймайсан!

— Нимага ахир... мен...

— Латтачайнарлик қилма. Бу ҳукми мен чиқармаганман. Бекор ҳам қиллолмайман. Жонингни сақлашнинг йули битта — Асадни тузатасан.

— Ётишлари керак. Нур бериб кўриш керак. Дори-дармонларни айтганман.

Кесакполвон «Асадни тузатасан» деб буюришга буюрди-ю, «Бу энди унга қандай рўпара бўлади, ўлиши керак-ку?» деб ўйлади.

— Сен тузатолмайсан. Дўхтирнинг зўрини топ, — деб буйруғига ўзгартиш киритди.

Табиб ўйлаиб туриб, уч кишининг исмини айтди. Кесакполвон уларни бирма-бир суриштираётганида иккиланган ҳолда яна бир исми тилга олди.

— Ким у? — деб сўради Кесакполвон.

— У дўхтирмас, кекса бир табиб. Чорасиз касалларни ҳам тузатар эмиш. Лекин... ҳаммани ҳам қабул қилавермас экан. Хушига келмаган одамни яқинлаштирмас эмиш. Мен уни кўрмаганман. Эшитганман. Балки ўша...

— Табиб дедингми? Ҳа, ана энди ўзинга келдинг. Дўхтирингдан шу тузук. Сенлар уликнинг қорнини ёриб, кейин касалини айтасанлар. Табиб томир ушлаб туриб билади. Шуну топамиз. Сен эса... Ҳайронман, сени нима қилсам экан?.. Сен қасамни бузгансан. Очиғини айтайинми — жонинг Хумкаланинг қўлида. У сени ҳурмат қиларкан. Жонингни сақлаб қолмоқчи. Майли, мен розиман. Сен эса ўлмай десанг, унинг чизган чизигидан чиқмайсан. Ёт деса ётасан, тур деса турасан. Одам зотининг кўзига кўринмайсан, тухум босиб ётасан, тушундингми? Биз чиқарадиган ҳукм билан ҳазиллашма. Энди боравер. Хумкалага айт, кирсин.

Табиб Асадбекни текшириб, касалининг рақ эканини айтганида Маҳмуд «Бу сирни биров билса — уласан» деб огоҳлантирган эди. Табиб буни ўша онда шунчаки бир пўписа сифатида қабул қилган эди. Қасами ҳам астойдил эмас, уларнинг кўнглини тинчителиш учунгина эди. Бу оми банда ислом фарзанди учун қасам ичмоқ дуруст эмаслигини билса эди, тилига эҳтиёт бўларми эди. У қасамини унутаёзган эди. Гилай келиб ҳиқилдоғидан олганда ўт билан ўйнашаётганини фаҳмлади. Ҳозир Кесакполвоннинг гапларини эшитиб, боши узра қандай абри бало тўпланиб қолганини идрок этди. Чўқанинг озгини, негрнинг малласи бўлмаганидек, бу тоифа одамларнинг меҳр-шафқати йўқлигини шу пайтга қадар билмас эди. Табиб бу ердан эсон-омон, айна чоқда жони омонат ҳолда чиқиб кетажагини англаб ўрнидан турди. Ҳолдан кетиб, титраётган оёқларининг ўзига бўйсиниши қийин бўлди. Уч-тўрт қадам юрмай, Кесакполвоннинг овозини эшитиб, тўхтади.

— Агар... ҳеч чораси топилмаса... қанча яшайди?

— Аниқ айтолмайман... узоғи билан беш ойга борар. Яна Худо билади. Агар қаралмаса, тезлашиб кетиши ҳам мумкин.

— Агар яна биров суриштириб қолса, рақ эмас, дейсан.

Ҳақиқатдоғиндан олса ҳам, «Беш-олти йил яшайди», дейсан. Тушундингми, энди бор, жўна!

Табиб чиққач, Хумкалла кириб келди.

— Сени қарздор қилиб қўйдим, — деди Кесакполвон унга тикилиб. — Бўйнингга иккита жон илинди.

— Раҳмат акахон, лекин... сал тушунмадим?

— Тушуниш учун калла керак. Дўхтирни ўлдирмайлик, деддингми? Бу битта жонми? Энди бунинг ёнига ўзингникини қўш. Сен хўжайинингни сотдинг, айтган ишини бажармадинг. Маҳмудга айтсам, дўхтиринг билан битта гўрда ачомлашиб ётармидинг?

— Раҳмат акахон, энди тушундим. Яхшилигингизни унутсам, тил тортмай ўлай.

— Тухта, ўлмай тур. Аввал қарзингни уз. Сен менга Маҳмуднинг ҳар бир айтган сўзини етказасан. Ҳар бир босган қадамни кузатасан. Билдингми?

— Билдим, акахон.

— Дўхтирни нима қиласан?

— Ишидан жавоб олса...

— Хўжайининг жуда ақлли-ку, сенга ўргатмаганми? Калла борми, ўзи? Сенга уни ўлдир, дебмиди? Ишхонасидан рухсат олиб, кейин ўлдирасанми? Ҳе, аҳмоқ? Ҳозирнинг ўзида уни пана жойга яшир. Ишхонаси ҳам, бола-чақаси ҳам билмасин. Йўқолди, деб қидираверишсин. Бир ойми, бир йилми, қанча керак бўлса, шунча ўтиради. Хоҳламаса, юраверсин, сен бўлмасанг, бошқалар ўлдиришади. Орқасидан ўзинг ҳам жўнайсан. Хўжайинингга «Ўлдириб, сувга ташладим», дейсан. Мен билан беҳит учрашиб турасан.

Хумкалла ишнинг ўзи ўйлагандек яқунланганидан қувониб, бир иршайди-да, янги ҳожасига қуллуқ қилди.

### 3

Хумкалланинг «осон қутулдим», деб қувониши бежиз эмас эди. У ўз ҳожасининг айрим айбдорлар гуноҳини кечириб юборганларини эшитган, аммо «Кесакполвон фалончига марҳамат қилибди», деб қўлоғига чалинмаган. Хумкалла аниқ билади: янги, пинҳоний ҳожаси шунчаки пўписа қилмади — хоҳласа, табибга қўшиб ўлдиртириб юбориши ҳеч гап эмас. Хумкалла фақат бир нарсани ажрим қила олмади: у-ку, ўз ҳожасига ҳоинлик қилиш эвазига жонини сақлади. Табиб-чи? Табибга нима сабабдан марҳамат қилди? Наҳот табиб унинг биргина илтимоси билан тирик қолган бўлса? Бу нодон банданинг ожиз ўйига келган фикрни қаранг: ўзига кўроқ қўйган Кесакполвон беўхшов бир махлуқ сифатида қўрувчи шу одамчанинг илтимосини инобатга оларканми?..

Кесакполвон табибдан «зўр дўхтирлар»нинг номини сўраб олган бўлса-да, уларга мурожаат қилиш нияти йўқ эди.

Чунки у бошқа табиб жалб этилса, яна битта гувоҳ кўпайи-  
шини, шаҳарга овоза тарқалишини билади. Кесакполвон  
«Керак бўлиб қолса шу духтирнинг узини ишга солавера-  
ман», деган мақсадда унга илтифот кўрсатган эди.

Ҳозирги фикри ўзига-да маъқул келган Кесакполвон  
бир неча нафас ҳузур қилди. Сўнг нимадир юрагини сиқиб  
кела бошлади. Омбурнинг икки жаги каби сиқайтган ўша  
«нимадир»нинг бир томони гумон, иккинчиси хавотир эди.  
Гумони — Чувринди, хавотири — Асадбек. Қайси масалада  
бўлсин, Асадбек Чувриндининг маслаҳатига қулоқ тутса,  
Кесакполвон гашланарди. Бу гашликни баъзан ҳасад либо-  
сига ўраб, кўнглининг қоронғу бурчагига тўпларди. Кўнгли-  
нинг бу қора бурчаги йиллар давомида лим-лим тўлган,  
энди вулқон каби отилишга етилиб қолган эди. Хумқалла-  
нинг ташрифи вулқон отилиши фурсатининг яқин келгани-  
дан бир дарак эди.

«Мамлақати» бу қадар қудрат касб этмаган дамларда,  
тетапоя чоғларида, милициянинг бир чертишида кунпаякун  
бўлиши мумкин пайтларда, дудаманинг ўткир тиғи устида  
яшаган кезларида Асадбек Кесакполвоннинг маслаҳатла-  
рига қулоқ соларди. Агар Кесакполвон аҳмоқ бўлса, бе-  
маъни маслаҳатлар берса, бу «мамлакат» қаддини ростлаб  
олармиди? Бу Чувриндига қачон ақл бита қолди? Кесак-  
полвонни нари суриб, доно вазир мартабасига қачон ўти-  
риб олди?

Ҳар бир гуноҳкор банда каби Кесакполвон ҳам ўз ақл  
фаросатига беҳад юқори баҳо беради. «Асадбек менинг  
маслаҳатларимсиз хору зор бўларди» деб ҳам ўйлайди.  
Лекин берган маслаҳатларининг юздан тўқсонни (балки куп-  
роғи) Асадбекнинг қулоғига кирмагани, Асадбек бу «мам-  
лакат» пойдеворини ўз ақли билан бунёд этганини тан ол-  
гиси келмайди.

Авваллари абри найсон сингари лахтак-лахтак сузиб  
юрган булутлар энди бирлашиб, ваҳимали қора тусга бе-  
ланган, ҳадемай жала қуйиши, сел келиши кутилмоқда  
эди. Осмон булутлари раҳмат ёмғирларини ёғдирган чоқ-  
да, Кесакполвонда мавжуд алам булутлари оловли қаҳр  
ёмғирини ёғдиришга шайланмоқда эди.

Кесакполвон бир қисм гашликларини кўнглининг қора  
бурчагига яширса, бир қисмини аждаҳо ўт пуркагандай со-  
чиб турарди. Унинг бу ҳолати Асадбек учун кинодаги ажда-  
ҳо каби эди: аждаҳо оловини «ҳадеб жириллайверма» деб  
бирпасда ўчириб қўя қоларди.

Эртақдаги уч оға-ини каби улар уч йўл қаршисига ке-  
либ қолган эдилар. Асадбек борса-келмас йўлига рўпара  
келиб турибди. Маъмурлик йўли тор, унга бир кишигина  
сиғади. Чувринди отни қамчилаб шу йўлни эгалламоқчи-  
ми?

«О, Маҳмуд чувринди укагинам, — деб ўйлади Кесак-  
полвон. — Сен мени лақиллатмоқчимисан? Мен сени одам

десам, илон экансан-ку? Кимни чақмоқчисан? Сенинг заҳринг менга ўтмайди, бола! Асадни Асадбек қилган сен эмас, мен бўламан. Кеча кавушингни судраб, поездга олиб келиб, бугун тахтга ўтирмоқчимисан? Тахт анча баландда, бола, чиқаман, деб хотинг йирилиб кетади-я!.. Асад... бекман, деб кериласан-у, аммо гирт аҳмоқсан. Қиморни ташлаган пайтларингда сени ким боқувди? Ун сўм умарсам, еттиси сеники эди. Сен е-еб ётардинг. Мен эса сал нарсага қамалиб кетишим мумкин эди. Энди мендан нимани яширасан? Касалингни билсам, тириклигингча кўмиб келармидим?.. Ишонган боланг ажалингда олдинроқ ўлдирса-чи? Биламан, сен яхши хўжайинсан, итингнинг олдига суяк ташлашни унутмайсан. Менга ҳам нимадир берасан. Лекин сен янглишасан, ошна, мен суякка қаноат қиладиган сенинг итинг эмасман. Мен кўлингдаги суякни олиб, кимга лозим бўлса унга ўзим ташлайман. Суяк гажиш Чувриндига ярашади. Лекин сен ўлишга шошилма, ошна. Мени аҳмоқ қилмоқчи бўлсаларинг, майли, уришиб кўраверларинг. Сенинг жонингни олмоқчи бўлган Азроил билан ўзим олишаман. Бир кун бўлса ҳам умрингга умр қўштирмасам юрган эканман...»

Эшик қия очилиб, остонада «қози» кўринди.

— Хумкаллага тилла бердингизми, жа-а оғзи қулоғида, — деди у ялтоқланиб.

Кесакполвон эрк берган хаёлларини яна ўз жойига жамлаб, занжирлаб, «қози»га қараб заҳарли илжайди:

— Унга берган нарсами миллион тилла билан ҳам сотиб ололмайди.

— Нима экан у?

— Ё отанг, ё онанг гўнг қарга, сен боланинг. Ҳамма нарсага бурнингни тикаверма, деб неча марта айтганман-а? Ё бурнингни кесиб ташлайми?

«Қози» бу пўписа амалга ошиб қолмасин, деб кўрқибми, дарҳол қўлини кўксига қўйди-ю, бошини эгиб таъзим қилиб, мутелик либосига бурканди. Кесакполвон унинг таъзимига эътибор бермай пиёлага коняк қуйиб ичди-да, газак қилмай ўрнидан турди. «Қози» итоаткор мулозим кўринишида уни кучага қадар кузатиб борди. «Лозим бўлса игнанинг тешигидан туяни ҳам ўтказиб юбора оламан», деб катта кетувчи «қози» хўжайиннинг феъли айниб турганини фаҳмлаб, бундай кезларда чоракта гап ҳам ортиқчалигини билгани учун лом-мим демай, барча эҳтиромини таъзим орқали изҳор эта қолди.

Чойхона ҳовлисидаги машина ёнида турган йигитлардан бири орқа эшикни очди. Аммо Кесакполвон ҳайдовчи ўрни томон юрди. Унинг мақсадини англаган ҳайдовчи дарров жойни бўшатди. Кесакполвон «қози»га хайр ҳам демай, эшикни ёпди-да, машинани юргизди, кузатувчи йигитлар тушган кулранг «Жигули» бетўхтов равишда унга эргашди.

«Қози» кирган вақтда Кесакполвон хаёлини кишанлаган бўлса-да, юрагини қиздираётган галаён ўтини ўчира олмаган эди. Бу ўт чойхонадан узоқлашгач, кишанни парчалаб, яна хаёлларига эрк бериб юборди. Машинани ўзи ҳайдашидан мақсади — кўнгли ёлғизликни кўмсаганидан эди. Ҳар бир инсон боласида мавжуд бўлганидек, унда ҳам баъзан шундай ҳол юз берар эди. Аммо у гофил банда дунёга келганидан бери ёлғиз эканидан беҳабар эди. Тўғри, воҳидлик — фақат Оллоҳга хос. Аммо одамлар орасида яшовчи банданинг самимий дўсти йўқ экан, ўзи Оллоҳдан узоқ, Яратганни узига ҳамроҳ деб билмас экан, уни ёлғиз санаш мумкин. Алқисса, ёлғиз одамгина ёлғизликни истайди. Кесакполвон атрофидаги одамлардан баъзиларини дўст, айримларини мулозим деб ҳисобларди. Лекин жилмайиб турувчи бу дўсту мулозимлар бошга тушган дастлабки бахтсизликдаёқ синовдан ўта олмасликларини у ўйлаб кўрмаган эди. Агар садоқат — дўстлик юраги саналса, Кесакполвоннинг атрофидагиларни юраксиз бандалар деб айтиш жоиздир. Бир донишманд «уруш — ботирни, жаҳл — донони, йўқчилик — дўстни синайди» деган экан. Кўп йиллардан бери йўқчилик оғирлик эканини билмайдиган бу одам учун дўстни синаш имкони ҳам йўқ эди. Унинг Асадбек билан яқинлиги гарчи дўстлик либосида кўринса-да, аслида одам боласига хос самимийликдан йироқ, фақат бир мақсад йўлидаги мажбурий бирлашув эди. Улар шу йиллар ичи тиришиб, тирмашиб, тоғ чўққиси томон интилдилар. Йўллари хатарли эди. Чўққига якка-ёлғиз ета олмасликларини билар эдилар. Шу сабабли бир-бирларини ҳимоя қилувчи арқон билан боғланган эдилар. Улар бу арқонни дўстликнинг темир занжири деб фараз қилардилар. Аммо бировлари тойиб бу арқонга осилса-ю, иккинчисининг ҳаёти хавф остида қолса, бу арқоннинг кесилуви тайин эди. Чунки улар «бир киши ўрнига икки кишининг ўлмоқлиги бемаъниликдир» деган ўзларига хос ҳаёт фалсафасига амал қилиб яшардилар. Чўққига етгунларига қадар улар бу синовга учрамадилар. Бир чўққини эгаллашгач, нарида янада баландроғи кўринганда Асадбек уни эгаллашни истамди. Улар яхши ҳамроҳ бўлар, деб Чувриндини ҳам чўққига олиб чиққан эдилар. Мана энди Асадбек чўққини ташлаб кетмоқчи. Энди бу чўққи кимга насиб этади? Чувриндигами?

Кесакполвон «чўққидаги тахтга Чувринди даъвогар», деган фикрга келиб, янглишмаганди. Асадбек чиндан ҳам ўрнини Чувринди эгаллашини истарди. Аммо бу икки аъённинг чўққи талашиб, оқибатда иккови барабар қулаши мумкинлигини ҳам сезиб турарди. Шу сабабли қафсдек чўққини иккига бўлиб, ўртадан девор олиб, икки «мустақил мамлакат»га айлантирмоқни ўйларди. Шубҳасизки, Асадбекнинг бу ўйидан Кесакполвон беҳабар эди. Билган тақдирида эса бу хом хаёлнинг амалга ошишига йўл қўймаган

буларди. «Мен бор жойда Чувринди чувриндилигини қил-  
— син, жойини билсин», дер эди.

У машинани шаҳарга олиб борувчи йул қолиб, дала томон беихтиёр бурди. Унинг кўнгли фақатгина ёлғизликни эмас, кенгликни, жимжитликни ҳам истаётган эди. Кенгликни эса даладан топмоқни умид қилганди. Ажабланарли ери шундаки, тор кўнгил даладан паноҳ изламоқда эди. Тор кўнгил ҳеч қачон кенглик билан муроса эта олмаслигини эса у билмасди. Жимжитликни ҳам даладан истаётганди. У кишанни парчалай олган хаёллари шовқини жимжитликни яқин йўлатмаслигини ҳам билмасди.

Асфалт тугаб, трактор ғилдираклари ўйиб юборган йул бошлангач, машина бир-икки қаттиқ силкиниб, тўхтади. Изма-из келаётган машина ҳам ўттиз қадамча нарида тўхтади.

Кесакполвон «Нима бўлди экан?» деб ўйламади ҳам, тушиб қарамади ҳам. Фақат рўпарасидаги кафтдек кўзгу орқали орқасига бир назар ташлаб қўйди. Аммо узоқ ўтира олмади. Юраги тошиб, ташқарига чиқди-да, машинадаги йигитларга қараб бақирди:

— Ҳў, аммамнинг бузоғи, нимага анқаясан?! — савол куруқ бўлмасин, деб йигитларнинг оналарини бир сидра «эслаб», ўқиб ташлагач, сал ҳовури пасайиб, яқинда қарамлари йиғиштириб олинган, энди молларга роҳат бахш этаётган дала сари юрди. Бу манзара кўзни қувнатадиган даражада гўзал бўлмаса-да, юрагида жиндек сурури бор одам ҳам ўзига таскин топиши мумкин эди. Бундай фазилат улашилганда навбати етмай қолган Кесакполвонга сал нарида безрайиб қараб қавш қайтараётган сигир ёқмади. Энгашиб муштдай тош олди-да, сигирнинг онасига ҳам «муҳаббатини изҳор этиб» отди. Сигир қочмоқчи бўлиб бўйинини бир қайирди-ю, сўнг «ўзинг пачоққина одам экансан, нимага дўқ қиласан, ё шохимга илиб отиб юборайми?» дегандай мўъраб қўйди. Кесакполвон отган иккинчи кесак яғринига теккач, «пачоқ бўлсанг ҳам шайтоннинг жиянига ўхшайсан, сен билан пачакилашмай қўя қолай», дебми, бурилиб нари кетди. Чўчиб қочмай, аста бурилиб кетиши ҳам Кесакполвоннинг ғашини келтириб, учинчи марта кесак отди. Сигир эса пашша қўригандай думини ҳаволатиб қўйиб, секин кетаверди.

Йигитлар қорни ерга тиралиб қолган машинани итариб катта йулга олиб чиқишгач, Кесакполвон изига қайтиб, ҳайдовчисига қараб бақирди.

— Нега серрайиб турибсан! Ўтир, ҳайда машинани!

Ҳожасининг бундай қилиқларига кўникиб қолган ҳайдовчи ҳам, йигитлар ҳам бир нафасдаёқ жой-жойларини эгалладилар.

Ҳайдовчи шаҳар йўлига чиққунча индамади. Сўнг айбдор одамнинг овозида сўради:

— Қаёққа ҳайдай?



Кимни чақишни, захрини кимга сочишни билмаётган Кесакполвон унга ўқрайиб қараб:

— Онангникига... — деб сўқинди. Сунгра тоғ довони ортидаги бир жойнинг номини айтди.

Ҳайдовчи «рост айтяпсизми?» дегудай бўлса, онасию бувилари яна қайта эсланиши мумкинлигини билиб, шаҳарга кирмай, айланма йўл орқали тоғ сари юрди. Довондан ошиб ўтишганида қоронғи тушиб қолган эди. Кесакполвон табиб чол яшайдиган жойни тунда қидириб топиш қийинлигини фаҳмлаб, машинани сой бўйидаги чойхона сари буришни буюрди.

Ёз ойлари туну кун йўловчилар билан гавжум бўлувчи чойхонанинг эгаси барча қатори уларга ҳам лутф кўрғазиб кутиб олди-да, «Ташқари салқин, ичкарида ўтира қолинглар», деб пастак уйга бошлади.

Шаҳар томонларда куз борлиққа ҳукм ўтказаетганидан талтаймоқда эса-да, қишнинг барвақт ҳамласига дош беролмаслигини билиб, бу ерларни тезроқ ташлаб қочмоқ ҳаракатига тушган эди. Ярим тунда турган қаттиқ шамол бўғотларга урилиб, увиллай бошлади. Тонгга яқин қор аралаш ёмғир ёғди. Йигитларнинг бири шу уйда, қолганлари машинада эдилар. Барчалари совқотиб, субҳда уйғонишди-да, чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиб йўлга тушишди. Водийни кесиб ўтиб, табиб чол яшайдиган тоғ ёнбағридаги қишлоққа пешинга яқин етиб келишди.

#### 4

Дарахтзорга бурканган қишлоқ осуда, эзиб ёғаётган ёмғир қишлоқ аҳлини уй-уйига ҳайдаган, шағал бостирилган кўчалар кимсасиз эди.

Табиб чол асли бу ерлик эмас. Йигирманчи йилларда жамият васвасага тушиб, «Қама-қама», «Қулоқ қил», деган касалга учраган дамларда бу бало офати уларни иссиқ уйларидадан ҳайдаб чиқариб шу ерга ҳайдаб келган эди. У пайтларда қишлоқ сал пастроқда, «Тўнғизқоя» деб аталувчи бу жойга одамлар яқинлашишни исташмас эди. Узоқдан тўнғизнинг тумшугига ўхшаб кўринадиган қоя атрофидаги тошлоқ ерда дарахт ўстириш қийин бўлгани сабаблими, қишлоқ паст томонга қараб кенгаяр, бу томонга чиқишни истовчилар топилмас эди.

Улар дастлабки йили бир деҳқоннинг каталақдек уйдан паноҳ топишди. Кейинги ёзда шу қояга орқа қилиб бир бостирма солиб, кучиб чиқишди. Табиблик — чолга ота мерос, тўққиз аждоди табиб ўтганини билади. Боболари Оллоҳнинг бандаларига шифо беришида сабабчи бўлишганини, аммо бу хизматлари эвазига бемордан сариқ чақа ҳам олишмаганини ҳам яхши билади. Одамларга ҳолис хизмат қилиш ҳам — ота мерос. Бир-икки бемор аввало Оллоҳнинг марҳамати, қолаверса, отасининг илми ту-

файли соғайгач, уларнинг обрўлари ошди. Шу обрў сабаб бўлиб серҳосил ерларга эгалик қилишлари ҳам мумкин эди. Бироқ отаси «Бу ер шу қишлоқ одамларининг ризқи. Оллоҳ насиб этса, биз ўз ерларимизга кетамиз», деб қоя пойидаги қаровсиз жойни танлаган эди. Табиб чол ўшанда, бола кезлари ҳам бостирма эмас, тузукроқ уй қуриш имкониятлари мавжудлигини биларди. Боболардан мерос қолаётган тиллалар борлигидан ҳам хабардор эди. У туғилиб ўсган қишлоғида дангиллама иморатда эмас, кўрimsизгина уйда яшаган, назарга илинари мол-мулки йўқлиги сабабини кейинроқ, отаси ҳаётдан кўз юмар пайтда билди. Боболари бу юртга ажам ерларидан келганликларини, охир-оқибат аждодлар юртига қайтишни васият қилганлари, тиллаларни фақат ўша ерларда ишлатишга ижозат этганларидан хабар топди. Бу васият неча замонлардан бери авлоддан авлодга мерос қолар, ким, қачон боболар ерига қайтажагини билишмаса-да, оила сирига хиёнат қилмас эдилар. Отаси қишлоқ аҳлини ўлимдан қутқариш учунгина хазинадан оз қисмини ишлатган, шунданми умрининг сўнгги кунларида жон беролмай азобланган эди.

Хумкалла бошлаб келган, Чувринди ўлимга ҳукм этган табиб бу чолни кўрмаган, ҳаётини, тарихини ҳам билмас эди. Фақатгина унинг доврўгини эшитган эди. Кесакполвонга унинг манзилини айтаётганида «Асадбекка қарамаса керак», деб уйлаган эди. Ўзини қудрат бобида иккинчи ўринга қўювчи Кесакполвон эса чолни шаҳарга олиб келишига, дўстининг шу чол кўлидан шифо топишига, шу туфайли Асадбек — Чувринди битимининг кулини кўкка совуришига амин эди. Қудрат бобида ўзини иккинчи ўринга қўяди, дейилганда биринчи ўринда яратган қодир Худо туради-да, деб янглишишингиз табиий. Агар Кесакполвонни назарда тутиб, шундай десангиз, адашасиз! Чунки у «камтарин» банда қудрат бобида ўзидан олдин фақат Асадбекни кўради. Агар «Ҳой гуноҳкор банда, аввали Оллоҳ!» десангиз, учинчи ўринга тушиб қолишни сира истамайди. Агар шаҳардаги табиб «Овора бўлиб бориб юрма, ўша чол сенинг қудратингни бир пулга олмайди, мағрур бошингни эгади, сузмоқчи бўлган шохингни синдиради», деганида тили кесилиши мумкин эди. У чолнинг феълени яхши билмагани учун ҳам бундай жазодан қутулиб қолди.

Чолнинг ҳовлиси гир айлана кўрғон қилиб ўралган, аммо дарвоза ўрнатилмаган эди. Ҳовлининг бир қисмига пастак уйлар қурилган, асосий қисми эса молхона, отхонадан иборат, этакдаги баланд бостирма остига қишлоқ хашак гамлаб қўйилган эди. Уйлар олдида икки қатор мевали дарахт экилган, ҳовли ўртаси яйдоқ, тўрт ерга етти яшар боланинг белидек келадиган йўғонликда, буйи бир ярим кулочли хода кўмилган эди. Тепа қисми одам бошини эслатадиган бу ходачалар отларнинг қозиғи экани, бу хонадонда улоқчи чавандозлар яшашини ҳамма ҳам дарров

англайвермайди. Ҳарҳолда Кесакполвон бунақа манзарани илк дафъа кўриши эди. Шу сабабли қайси бир кинони эслаб, бу қозиклар унга чўқинадиган бутлар каби туюлди.

Бегона одамлар кирганини сезган отлар пишқиришди. Иккита катта ит ўрнидан туриб, «нимага келдиларинг?» дегандай тикилиб қолдилар-у, аммо вовулламадилар. Кесакполвон ит талаб қолмасин, деган хавотирда табиб чолнинг отини айтиб чақирди:

— Раҳмон ака!

Отхона томондан «ҳози-ир» деган овоз келди. Бир оздан сўнг эгнига пахталик, бошига телпак, оёғига кирза этик кийган қора соқолли бир киши чиқиб келиб, улар билан саломлашди.

— Раҳмон ака сизмисиз? — деди Кесакполвон унга бошдан-оёқ разм солиб. У табиб чол фаришта кўринишида, оппоқ либос кийиб юрувчи оқсоқол бўлса керак, деб ўйлаган эди.

— Йўқ, мен ҳамсоялариман. Уста отга қараятувдилар. Бугун Аравонда катта улоқ, денг, ашаққа бориш керак. Эндийла жунаймиз, деб турувдик.

— Биз шаҳардан келдик. Касалимиз бор, — деди Кесакполвон.

— Пича кутиб тураллар, тақсир. Қани, ичкарига кирсинлар, бу ер шабадароқ, устингиз юпин экан.

Кесакполвон совқота бошлаган эди, ноз қилиб утирмай, чап томондаги биринчи хонага кирди. Йигитлар чекишни баҳона қилиб, ташқарида қолишди. Кесакполвон кириб утиргач, мезбон фотиҳа ўқиб, узр сўради-да, чиқди. Дам ўтмай қирра бурунли бир ўспирин салом бериб кириб, дастурхон ёзди. Кесакполвон бир пиёла чайни ичиб улгурмай эшик очилиб, баланд бўйли, қирра бурунли, кўзлари думалоқ, қошлари қалин, калта соқолли одам кўришиб салом берди. Кесакполвон билан сўрашиб, утиргач фотиҳа ўқиди. Сўнг ўрнидан туриб енгил таъзим қилганича «хўш келдингиз», деб калта соқолини силаб қўйди.

— Раҳмон ака сизмисиз? — деб сўради Кесакполвон.

Бу гап чолга ёқмай, пешонасини тириштирди:

— Мен Худо эмасман, Оллоҳнинг қулиман. Исминим Абдураҳмон.

Кесакполвон унинг нима сабабдан бундай деганига тушунмади. Буни олифта бир гап ўрнида қабул қилди. У «шаҳардан атай келганимизни билиб бу қишлоқи табиб хурсанд бўлиб кетади», деб ўйлаган эди. Чолнинг менсимайроқ қараши унинг ҳам гашини келтирди. Худонинг қудратини қарангки, улар дастлабки салом-алиқдаёқ бир-бирларига ёқмадилар. Чунки икковларида ҳам бир оннинг ўзиде кибр уйғонган эди. Бўндага хос бўлмаган кибр ўзининг энг зўр вазифасини — одамни одамга ёмон кўрсатиш, бир кимсани иккинчисидан нари итариш ишини амалга оширишга киришган эди.

— Довругингизни эшитиб, шаҳардан атай келдим, — деди Кесакполвон «шаҳардан» сўзига ургу бериб. — Ошнам касал, бориб кўрсангиз, хурсанд қиламиз.

Кейинги гап чолдаги қайсарлик дарвозасини ланг очиб юбора қолди. У соқолини силаб, Кесакполвонга тикилди. Ҳар бир нарсани пулга сотиб олиш мумкин, деб ҳисобловчи Кесакполвон рўпарасидаги бу чолнинг бениҳоя кўп бойлик эгаси эканини қайдан билсин? Бу чолнинг ҳар қандай бойликка нафрат билан қарашини билган тақдирда ҳам нима учун шундайлигини Кесакполвон фаҳмлай олмаган бўларди.

Абдурахмон табиб унга бир оз тикилиб тургач, тилга кирди:

— Ошнангиз хаста бўлса, Оллоҳ шифосини берсин.

— Машинада бориб келасиз. Уринмайсиз. Тузатсангиз, оғзингизга сиққанича сўрайсиз, бир тийин кам берган — номард!

— Шундайми? — деди чол, Кесакполвондан кўз узмай. — Пулингиз шунақа кўп бўлса дўхтурларга бермайсизми, улар пулга яхшилаб даволаб беришади.

— Уларнинг қўлидан келмайди. Ошнам рақ бўлиб қолган.

— Ҳа-а... дарди оғир экан, бояқишнинг. Лекин мен сиз айтган жойга бормайман.

Чолдан бундай гапни кутмаган Кесакполвоннинг жаҳли чиқиб, ўрнида бир қимирлаб олди. Атрофидагиларнинг ҳаммаша қуллуқ қилиб туришига, айтган амри бетўхтов ижро этилишига кўникиб қолган Кесакполвон учун бу гап кутилмаган бир зарба эди. Яқин орада ҳеч ким унга бу тарзда муомала қилмаганди. Кимсан, Кесакполвон, катта бошини кичик қилиб, қанча йўл юриб келса-ю, бу пистакўмирга ўхшаган чол олифталик қилса?

«Ўзим аҳмоқман, — деб ўйлади Кесакполвон, — йигитларни юборсам-ку, юмалоқ-ёстиқ қилиб бўлса ҳам етказишарди...» Йигитларнинг ўзларини жўнатиш фикри шаҳардаёқ ҳаёлига келган, аммо гувоҳ кўпайишини истамай, ўзи йўлга чиққан эди.

— Амаки, ўйлаб гапиряпсизми? Қанча йўл юриб келганимизни биласизми?

— Билмайман. Қаердан келганингизнинг менга фарқи йўқ.

— Сиз табибмисиз, ўзи?

— Одамлар шунақа дейишади. Оллоҳ истаса мен бир восита бўламану дардмандга шифо етади. Бўлмаса йўқ.

— Нима, менинг ошнамни даволашни Худойингиз истаётибдими? — деди Кесакполвон гижиниб.

— Оллоҳ бир меники эмас, барчамизники, — деди чол овозини бир парда кўтариб. — Сиз номусулмон одамга ўхшаб сўзлар экансиз.

Шу пайт ташқарида юк машинасининг пишқириб тўхтагани овози эшитилди. Кейин эшик очилиб, ҳамсоя кўринди-да, кутилаётган машина келганини маълум қилди.

— Отларни олиб чиқаверинглар. Меҳмон шошиб турибдилар. Гапимиз ҳам битди, — деди Абдурахмон табиб унга жавобан.

Чолнинг бу гапи Кесакполвоннинг назарида беҳурматлик чегарасидан ҳам ўтиб кетиб, чинакамига ачкиқланди.

— Сиз яхши иш қилмаяпсиз. Агар хоҳласак, машинага босиб олиб кетишимиз ҳам мумкин. Биз билан уйнашманг.

Бу пўписадан чолнинг ҳам ғазаби қайнади. Аммо меҳмонни қувиб чиқармаслик учун сукут сақлаб, ўзини босишга мажбур этди. Кесакполвон эса бу жимликни ўзининг фойдасига ҳал қилиб, «Битта пўписалик жонларинг бор, сенларнинг», деб қўйди.

— Ошнангизга Худонинг ўзи шифо берсин, омийн, — деди Абдурахмон табиб, фотиҳага қул очиб.

— Борасизми? — деди Кесакполвон амр оҳангида.

— Йўқ, бормайман.

— Сиз ўйлаб гапирмаяпсиз. Билиб қўйинг, ошнам ўлса, бу уйда битта ҳам одам тирик қолмайди!

Чол қайсар эди, тажанг эди, бандага номуносиб иллатлардан у бебаҳра эмасди, аммо ҳар қандай шароитда ҳам меҳмоннинг иззатини қилишга мажбур эканини биларди. Агар Кесакполвон бу гапни кўчада айтганида, эшитадиганини эшитарди. Чол мусулмоншева кўринса-да, баъзан ўзини тута олмай қоларди. Ҳозир мезбонлик бурчи ҳамма нарсадан устун келиб, яна сукутга банди бўлиб, Кесакполвонга қаттиқ тикилиши билан чекланди. Унинг вужудида аланга олган ғазаб ўтини шу кўзлари билдириб турарди.

— Ҳа, нимага тикилиб қолдингиз, борасизми? — деб сўради Кесакполвон энди таҳдид оҳангида.

— Сен... — Абдурахмон табибнинг овози титраган ҳолда чиқди, — валади зинога ўхшайсан...

Шу ўринда чол мезбонлик вазифасига озгина хиёнат қилишга мажбур бўлди. Ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетди. Кесакполвоннинг ғазаби униқидан кам эмасди. Аммо у меҳмонлик бурчи нима эканини билмасди.

Кесакполвон юк машинасига чиқарилаётган отга қараб турди-да, йигитлардан бирини имлаб чақириб, қулоғига шивирлади:

— Буларнинг изидан борасан. Бехит жойда отларини қуритасан. Одамларига тегма. Биз секин юриб турамыз, етиб оларинг.

...Атрофга шом қоронғуси бостириб келади. Кеч кўз-нинг изғиринли нафаси сочларини аста тўзитади. Жувон-нинг вужудини эса хуфтон зулумоти босади, юракнини музлайди, танаси совуқданми ёхуд ўлим шарпасининг кўрқувиданми енгил титрайди... Кумушбиби бўлмоқни орзу этган бокира, инжу орзулари лойга қоришган Тупроқбиби, ундан-да баттар қавмда сўнгги нафас сари боради...

Отасининг кўзлари «Сен ҳур қизлар билан бирга бўласан», деди. Лекин Зайнаб ўзидайин шармандани ҳур қизлар қаторларига олмасликларини билади. Аммо бундай ҳолларда астойдил тавба қилмоғи, ҳаётдан кўз юмар арафасида бир мартагина бўлсин пешонани саждага олиб бориш лозимлигини билмайди. Билганида эди, титроқ бармоқлари отаси ташлаб кетган арқондан сиртмоқ ясамоққа уринмаган, Яратганнинг омонатига хиёнат қилмоққа тайёрланмаган бўларди.

Отаси арқон ташлаб кетди. Отасининг мақсадини бир қарашдаёқ англади. Доридан карахт бўлган, шармандали воқеадан чайқалган ақли ўйламоқдан, мулоҳаза юритмоқдан ожиз эди. У фақат бир нарсани идрок этди — отасининг ҳукми мутлақ туғри! Аслида Зайнаб шармандали ўйда, кийинаётган маҳалида ўзини-ўзи ўлим жазосига ҳукм этган эди. Отаси бу ҳукмни қандай ижро этишни кўрсатди, холос...

Сиртмоқ ясаётган бармоқлари бирдан тўхтаб, ярим юмук кўзлари очилди. Уй бурчагига тикилиб қолди. Гапирай деса тили айланмади. Улимга шайланаётган жувоннинг уй бурчагида елкасига хуржун ташлаган қора хотинни қўриб кўриб кетиши сиз учун ажабланарли ҳол туюлар. Агар бу қора хотин унинг кўзига жон олғувчи Азроил сифатида кўринган бўлса-чи? Бу хотин айнан бугун эрталаб нон тилаб келган, сўнг ақлни лол қолдирадиган тарзда кўздан йўқолган бўлса-чи?!

«Чиқиб кетувди-ку? Уйга яна қандай кириб олди? — деб ўйлади Зайнаб. — Эрталаб қўлида чақалоғи бор эди. Боласи қани, қаёққа ташлаб келди?»

...Чиндан ҳам қўлида кир латтага уралган чақалоғи бор эди...

Зайнаб эрталаб баданидаги оғриққа шифо топиш илинжида Мардонага кўнгироқ қилишдан олдин ўзини енгилга уриниб, хаёлини чалғитиш мақсадида кўчага чиқди. Биронта қўшни аёлни учратсам, озгина лақиллашиб турсам, оғриқ чекинарманкин, деб ўйлаганди. Қўшнилари билан айтирли кирди-чиқди қилмайдиган Зайнаб шу тобда уларни кўргиси келди. Ҳар куни эрталаб кўча супуриш баҳонасида бошланувчи хотинлар мажлиси озгина танаф-

фусдан сўнг кун ёйилгунча давом этар, сергап хотинларни куриб, Зайнабнинг гаши келарди. Ҳар қандай мажлисда танаффус бўлганидек, хотинларнинг кўча издиҳомида ҳам тахминан бир соат давом этадиган узилиш мавжуд эди. Бу вақт мобайнида хотинлар эрларини ишга, болаларини мактабга, боқчага кузатишиб яна кўчада пайдо бўлишар, «миш-миш халта», «ғийбат тўрва»лар баралла очилиб, бити тўкилиб яйраган одамдай ҳузур қилишарди. Уларнинг анжуманлари болаларидан бирининг мактабдан қайтгунига қадар ҳам давом этиши мумкин эди. Бугун мажлис қолдирилганми ё барвақт ниҳоясига етганми, нечундир хотинлар кўринмади.

Зайнаб бўм-бўш кўчага қараб тургач, изига қайтди. Ҳовли томон уч-тўрт қадам қўймай, бир овоз уни тўхтатди:

— Янга, ҳов янга, бирпасга тўхтанг, дардингизни олай.

Зайнаб угирилиб, дарвоза остонасида турган озгин, қора хотинни куриб ажабланди: «Ҳозир кўчада ҳеч ким йўқ эди-ку, бу қаёқдан пайдо бўлиб қолди?» Зайнаб ажабланини яширмаган ҳолда аёлга разм солди: қўлида кир латтага йургакланган чақалоқ, елкасида хуржун. Киприк қоқмай тикилиб турибди.

Зайнаб уй томон юрмоқчи эди, қора хотин яна тўхтатди:

— Менга қаранг, дардингизни олай.

— Ҳозир пул олиб чиқаман, — деди Зайнаб.

— Пулингиз керакмас. Сизга мен бир гап айтай. Тўйингизда бўлганман. Уша куни менга биров бир сўм бермади, хор бўлдим. Аммо эрингиз менга кўп пул берди. Бир хотун кўйлақлар берди. Мен дуо қилдим, бу уйдан қарз бўлиб қолдим. Қарзимни узайин деб бир гап айтгани келдим. Дардингиз оғур янга, дардингизни менгина олай, аммо бугун кўчага чиқманг. Худо, денг, дардингиз кетади. Энди сиз менга биттагина нон беринг, дардингизни олай.

Зайнаб ошхонага кириб қутини очди-да, суви қочган яримта бўлкани олиб «назарга илармикин» деган ўйда иккиланди. Сўнг «бошқа нон йўқлигини айтарман», деб изига қайтди. Қайтди-ю, ҳовлининг ўртасида тўхтади: қора хотин кўздан йўқолган эди. Тез-тез юриб кўчага чиқди. Кўча ҳам кимсасиз эди. Яримта бўлкани кўтариб кираётган Зайнабни кўрган Элчин:

— Ҳа, нима бўлди? — деб сўради.

— Гадой хотин кирувди...

— Нон бермоқчи бўлдингми, улар ҳозир нон олармиди, пул бера қолмабсан...

Зайнаб эрига қора хотиннинг гапларини тушунтириб ўтирмади. Элчин кетгач, баданидаги оғриқлар кучайди. Беихтиёр телефон гушагини кўтарди. Мардонани топди. Қора хотиннинг гапларини унутди.

Айнан ўша қора хотин ҳозир, сиртмоқ тугилаётган дамда уй бурчагида турибди. Елкасида хуржун, аммо боласи

йўқ... Зайнаб унга тикилганича лом-мим демай қотиб қолди. «Қачон кирдинг уйга?» демоқчи бўлди, аммо тили айланмади. Қора хотин эса ундан савол кутгандай, киприк қоқмаган ҳолда ҳаракатсиз тураверди. Бу ҳолат бир неча дақиқа давом этди. Зайнаб ўзини осмай туриб, бармоқларининг жон таслим қилаётганини сизди. Яқингинада сиртмоқ тугаётган бармоқлар энди жонсиздек, ўзига буйсунмас эди.

«...агар Азроил шу бўлса, ўзимни осмай туриб жонимни шундайгина олиб қўя қолмайдими?.. «Ўзини осибди» дейилса, одамлар минг хил миш-миш тўқишади. «Тусатдан ўлибди» деса «бечора» деб қўя қолишарди. Азроил бўлса нега тикилиб турибди? Шартта чанг солиб, жонимни суғуриб ола қолмайдими? Ё арқонга осилишимни пойлаяптими? Уйда осганимда бу қора хотин йўқ эди. Шунинг учун тирик қолганмидим? Йў-ўқ... унда ойим кутқариб қолгандилар. Энди... ойим йўқлар... Ҳозир... Ҳозир осаман... Сен қанақа Азроилсан ўзи, осилишимни пойлаб нима қиласан? Улимга рози бўлганимдан кейин оладиганингни олавермайсанми?..»

Зайнаб кейинги гапларни бақариб айтмоқчи эди. Бироқ, лаблари сал қимирлади-ю, овоз чиқмади.

Ниҳоят иккала томоннинг сукут билан олишувига хотима ясалиб, қора хотин тилга кирди:

— Нима қиляпсан, ўзингни осмоқчимисан?

Эрталаб қора хотин мулойим эди, энди эса сенсираяпти, овози ҳам дағал.

Зайнаб унинг саволига бош ирғаб қўйди.

— Осиб овора бўлма, сен ўлмайсан.

«Ўлмайсан? Нега? Бу ким ўзи — Азроил эмасми? Ўлмаслигимни қаердан билади?»

— Гапимга тушунмадингми? Ўлмайсан.

— Нега? — Зайнаб ўзининг овозини аранг эшитди. Бу овоз худди бегонадек, тубсиз кудуқ қаъридан чиқиб эшитилгандек туюлди.

— Мен биламан, сен ўлмайсан, — деди қора хотин киприк ҳам қоқмай, — Сен узоқ яшайсан. Шу қадар узоқ умр кўрасанки, яшаш жонингга тегиб ҳам кетади. «Омонатингни ол!» деб Худога ялинасан. Аммо Худо сенинг нолаларингни эшитмайди.

— Нега?! — Зайнаб бу сафар баландроқ авжда сўради. Улимдан қўрқмаётган жувон қора хотиннинг бу гапини эшитиб чўчиди.

— Сен Худодан узоқлаша бошладинг. Мен эрталаб келиб «Кўчага чиқма» дедимми? Сен қулоқ солмадингми? Дарвоза остонасини ҳатлаб чиқишинг билан Худодан узоқлаша бошладинг. Энди ҳар қадамнинг билан узоқлашаверсан. Сен ҳозир осон улим топмоқчимисан? Йўқ, бундай улим сенга насиб этмайди. Худо сенга узоқ умр бериб жазолайди.



Зайнаб қора хотиннинг Худодан узоқлашиш ҳақидаги гапларини идрок қила олмади. Бу гапни бошқа пайтда, руҳи тетик дамларда эшитганида ҳам дуруст англамаган бўларди. Шу ёшга етиб, Оллоҳга яқинлашмоққа интилиб яшамоқнинг нима эканини билмаган, эшитмаган, ҳатто ота-онаси ҳам Яратганни дуруст танимаган одамнинг бу гапларни фаҳм этмоғи мушкулдир. Зайнабга биров шу пайтгача «Сени Оллоҳ яратган, унга қуллуқ қил, ундангина нажот кут», демаган. У ўқиган китобларининг қули эди, сурурга банди эди, уз атрофига пойдевори сурурдан иборат қўргон қуриб, ўз тасавури билан яратган дунёда шодон яшамоқчи эди. Пойдевори сурурдан иборат ҳар қандай қўргон ҳаёт деб аталмиш кичик бир палахмон тоши тегиши билан яксон бўлишини ўйлаб ҳам курмаганди. Узининг тасавури билан яратган дунёси эса тутундан иборат, ҳаётнинг енгилгина шабадасиёқ уни тўзитиб юбориш кучига эга эди. Шундай бўлади ҳам. Бу сурур, бу алдамчи дунё уни шу сиртмоқ сари етаклаб келди. Қора хотин эса «Узоқ яшайсан, қийналиб ўласан» дейди. «Нимага бунақа дейди? Мени лақиллатмоқчимми? Битта тугун тугсам бўлди. Кейин осаман. Узоғи билан уч дақиқа кифоя...»

Ҳа, уч дақиқа кифоя эди. Зайнабга айнан шу уч дақиқа етмади. Телефоннинг қаттиқ жиринглаши қора хотиннинг гапларини тасдиқ этгандай бўлди.



\*\*\*\*\*

Чулпон Эргаш шеърятга уз сузи билан кириб келган шоирлардан. Дастлабки шеърларидан бири — «Ватанни таниш»да Ватан борасида суз юритиб, шундай сатрларни ёзган:

Шу азиз тупроқ деб тупроққа кетган,  
Ота-бобомизнинг хокидир Ватан.

Ана шу ҳис унинг сўзига қувват берган, мурад пайдо этган. Шундан шоир битикларида Ватанни таниш, Ватанни англаш туйғуси кучли. Чулпон Эргашнинг ундан ортиқ китоби, «Раҳмон восвос» номли дostonлар туркуми нашр этилган. Журналимизнинг фаол муаллифларидан бири. Бу йил у олти-мишга кирди. Биз хассос шоирни қутлуг ёши билан табриклаймиз. Соғлик, омонлик, узок умр тилаймиз. «Раённинг савдоси» номли дostonини журнал-хонлар ҳукмига ҳавола этамиз.

Таҳририят.

\*\*\*\*\*

Чулпон Эргаш

## РАЪНОНИНГ САВДОСИ

Хаёлий-кечмиш дoston

Қош қорайган пайт. Тор ва тупроқ боғ кўча. Унинг бир томони катта йўлга, иккинчи томони истироҳат боғига туташган. Боғ томондан дарё шoққини аралаш тегирмон гувлаши эшитилмоқда. Раҳмон Раённинг уйи тугри-сида юради.

РАҲМОН

(Деразадан кўз узмай)

Буйларига кўзларим хумор,  
Куним ўтди булоқ бошида.  
Кўрсатмас у соясини ҳам.  
Чарақлайди кўшни ҳовлилар,  
Аммо, ажиб, нотинч кўнглумдай,  
Қоп-қоронғу ҳамон бу чорбоғ...  
Нола қилиб тегирмонтош ҳам

Худди кўксим устида юрар.  
Кузларини яшириб гўё,  
Йиглар боғда ҳолимга булоқ,  
Қутқу солиб ҳаёлимга тун,  
Дилим ўртар ёвуз бир шубҳа...

Қоронгулик қуюқлашиб, Раҳмоннинг гирдида алвасти, жин, парийлар пайдо буладилар.

## АЛВАСТИЛАР

(Раҳмонни кузатишиб)

Эҳ, бу нодон одамзод  
Қулдир сароб умидга.  
Боглаб гўё пар қанот,  
Етар ҳозир хуршидга.  
Аслида, у курар туш, —  
Дам босриқар, дам кулар.  
Уйғонсаки, у сархуш,  
Ёғоч от миниб борар.

## ЖИНЛАР

Наздида бу йигит ҳам  
Ўзгалардан аълодир.  
Аммо ўзи муттаҳам,  
Бошга битган балодир.  
На биз — жин, парий ва на  
Одамзодга огишар.  
Мушдек жонида яна  
Шайтон билан олишар.

## ПАРИЙЛАР

(Алвастиларга иддао билан)

Бу шумтака Раҳмонга  
Бекор умид боғлармиз.  
Юрар гўё осмонда  
Хурлар билан бетамиз.

Ваҳоланки, пойида  
Қон ютамиз парийлар,  
Илиниб ишқ домига,  
Шундоқ биздан айриллар.  
Дунё ўзи бевафо,  
Қайдан унда садоқат?  
Одам бўлмас бу асло,  
Кутманг ундан шафоат!

(Жинларга суйкалишиб)  
Борар ёшлар қийқириб,  
Сизлар ҳам юринг боққа.  
Кузларини куйдириб,  
Олинг бизни кучоққа!

## АЛВАСТИЛАР

Оҳ, парийлар хоҳиши  
Ўт олади бундай кез,  
Бардошингиз боғичи  
Ўзилмаса бунча тез.  
Ўғирлаб-ку ақлини,  
Бошлаб келган ўзингиз.  
Билмай у ёр аҳдини,  
Ёрилади утингиз.  
Яна Шайтон... офатдай,  
Ҳамон у деб овора.  
Куйиб изидан итдай —  
Бини, юрар шу ора.  
Аммоки, сиз... дардингиз  
Қовушмоқдир ҳар қадам.  
Қирқига чидадингиз,  
Чиданг қирқ бирига ҳам.

## РАҲМОН

(Раънони ўйлаб)

Киприклари... кузлари... гўё  
Яшириниб оҳу тўқайга,  
Чучиб боқар қиёқлар аро.  
Белларида тўлганган армон —  
Сочларини ўйлаб жон азоб,  
Эзилади юрагим баттар.  
Лабларинг деб, Раъно, қизил гул,  
Гадо бўлиб чаман юзингга,

Термуламан остонангта зор,  
 Қул-оёғим худди занжирбанд.  
 Шарақлатиб очиб эшигинг,  
 Кириб бора олсайдим, дадил...  
 Оёғингга отиб узимни,  
 Бузлай десам соғинч дардларим,  
 Тилларим ҳам тугилган бутун.  
 Оҳ, уралиб ҳарир ипакка,  
 Пайдо булсанг гулдастадай бир,  
 Мисол уксук гулсафсар, ёлғиз,  
 Асир бўлиб гулларинг ичра,  
 Боғланардим сенга умрбод...

Жин, парийлар, Раҳмоннинг кўзича, ошиқ-машуқ йигит-қизлар қиё-  
 фаларида бир-бирлари пинжларига суқилишиб, висир-висир, қи-  
 қир-қиқирлар билан у ён-бу ён ўта бошлайдилар.

### ЙИГИТ

(Бир қўли билан  
 севгилисининг белидан олиб)

Жоним, бир кун кўрмасам,  
 Олам кўзимга зиндон.  
 Ярим тунлар дам-бадам  
 Кириб борай дейман ҳам.  
 Акангиздан кўрқаман,  
 Отангиз кўзи ёмон...

### ҚИЗ

(Йигитнинг елкасига юзини  
 босиб)

Бизни билиб-билмай сиз,  
 Ҳар кимга тенг қилмангиз.  
 Маҳалламизда ёлғиз  
 Маданий оила биз.  
 Қачон кўргингиз келса,  
 Катта очиқ деразам.  
 Адам ўзлари кеча  
 «Майли» деди, сўрасам.

### ЙИГИТ

(Ҳовлиқиб)

Бирга булсайдик тезроқ.

### ҚИЗ

(Эркаланиб)

Ешмиз, уйнаб олайлик.

### ЙИГИТ

Ҳар кимлардан ҳар қадам  
 Чўчиб юрмасдик бундоқ.

### ҚИЗ

(Ноз билан)

Ёмонмас-ку шундоқ ҳам,  
 Юринг, боққа борайлик.

### КЕТАДИЛАР

Бошқа йигит

(Севгилисини қучиб)

Йўқ энди ҳеч армоним,  
 Сиз ҳам йўқ деманг, жоним.

### ҚИЗ

Уяламан, қўйворинг,  
 Бўлди... қўлингиз олинг.

### ЙИГИТ

(Қўйиб юбормай)

Қоп-қоронғу ҳаммаёқ,  
 Бирпас турайлик шундоқ.

### ҚИЗ

(Ёлбориб)

Аввал боққа кирайлик,  
 Бир жойда утирайлик...

## КЕТАДИЛАР.

Урта ёш эркак ва аёл қиёфасидаги алвастилар пайдо бўладилар.

### АЁЛ

Тақдир кўзи кўр экан,  
Гул эдим, кулга тушдим.  
Бирмас, учтани кўрган  
Қуп-қуруқ тулга тушдим.  
Эркак булсин — топармон,  
Йуқ эсами, бур түзсин.  
Қобил эрларга борман,  
Майлига, у йул түссин.

### ЭРКАК

Сиздек хотиним бўлса,  
Бошингиздан сочиб зар,  
Гулга ўрардим, кўрса  
Куйиб ўларди қизлар.

### АЁЛ

Рост, бу ҳаёт — вафосиз,  
Келмас асло кутганинг.  
Улганингга парвосиз,  
Вақти келса туққанинг.  
Ёнчиқларинг қаппайиб,  
Билмай босар-тусаринг,  
Бораркан сен анқайиб,  
Унг келару тушларинг;  
Тушиб кетасан ногоҳ  
Хазинага жарангос.  
Мақтаб кейин ҳар маддоҳ,  
Кўз бўяб, қош қоқар, ноз...  
Булсанг агар сен хушёр,  
Айриб зерни забардан,  
Топмай элда эътибор,  
Бошинг чиқмас хатардан.  
Ундайларни ит қопар,  
Ҳатто туя устида.  
Бевақт ажал ҳам топар  
Илон чақиб тушида.  
Шунинг учун ақли бор, —  
Чекмас бекор азият.  
Бир кун булса ҳам, эй ёр,  
Яйраганинг ганимат!

### ЭРКАК

(Аёлни қучиб)

Кўр булмасам мен аҳмоқ,  
Бир бетайин қиз учун

Хор булмасдим бунча, оҳ,  
Қузим очдингиз бугун.  
Майли, кечмас ҳали ҳам,  
Иккимиз ҳам тул эмас.  
Уйнаб-қулайлик, одам  
Бир-бирига қул эмас...

### АЁЛ

(Эрқаланиб)

Кўрган булсайдим аввал...  
Хотинингиз... эҳ, афсус...  
Қандай бахтли у аёл,  
Тушинган эр экансиз!..

### ЭРКАК

Оҳ, жонгинам, бас, энди  
Сизники мен, бир умр.

### АЁЛ

Кўз очиб, сиздай эрни  
Кўрмовдим ҳеч, жон ҳузур...

### ЭРКАК

Сиз — йўқотган армоним!

### АЁЛ

Гир айланар ҳамма ёқ!

### ЭРКАК

Ерга тегмас оёғим...

### АЁЛ

Ушланг сиз ҳам маҳкамроқ!

### ЭРКАК

Момик булут бағрида  
Учиб борурман гуё.

### АЁЛ

Худди жаннат наҳрида  
Сузмоқдаман дилоро...

РАҲМОН

(Сеҳрланиб)

Уртоқларим кулганича бор,  
Мен осмондан тушганмидим, ё?!  
Ана ҳаёт лаззати чиндан  
Энди билсам: Ҳаё, аҳд-вафо —  
Ўз нуқсини яшириб элдан,  
Кимдир ўйлаб топган баҳона,  
Ишониб мен нодон, шунга ҳам,  
Йигитман деб юрибман ҳамон.  
Қанча гул-гул қизлар ортимдан,  
Йиглаб эмас, кулиб қолган, рост.  
Оҳ, наҳотки, Раъно ҳам... ўлим!  
Нега шуни билмадим аввал?!  
Кечир, Раъно, увол менга сен,  
Сарсон қилдим шунча сени ҳам.  
Чидаб шунча ҳал-ҳал ёшингда,  
Кутганинга мени — тасанно...

ПАРИЙЛАР

(Ўйин қилишиб)

Тамом, энди унганмас,  
Енгдик охир буни ҳам.  
Раънони ҳам ўйламас,  
Ўйнар кўзда нафси, жам.  
Ўтган кунлари худди  
Ўхшар босириқ тушга.  
Титраб сархуш вужуди,  
Келар нафси жунбушга...

ЖИНЛАР

(Кўкрак керишиб)

Кўрсайди, оҳ Шайтон ҳам,  
Бироқ ўзи кўринмас.  
Айш қилар ё муҳтарам  
Девлар билан кўрамас.  
Балки ҳозир бир зебо  
Тушагига кирар, зор.  
Қайда булмасин аммо  
Доим бизга мададкор.  
У истарки, тирик жон  
Топсин ором ҳар нафас.  
Бу дунёси бор инсон —  
У дунёни ўйламас.  
Меҳмондир жон бир ношуд,  
Учар-кетар эрта-кеч.  
Ўзингники шу вужуд,  
Хор қилма сен уни ҳеч!

ПАРИЙЛАР

(Қошларини чимиришиб)

Биздан ургансин одам,  
Ўргатамиз ҳали ҳам.  
Чириб битмай инсон то,  
Кетмас дилдан ҳеч алам.  
Бир ён — жин, дев, алвасти, —  
Ит хуркитар савлати,  
Аммо, ажаб, шавқи паст;  
Бир ён — одам, галати...  
Бошда гулайиб турар,  
Кўзи очилган улар,  
Қолмай бир зум ортингдан,  
Дузахга ҳам туш урар...  
Биз эсак, биз — аввало,  
Пайдо булиб таманно,  
Бошлаб, асир, ҳар куйга,  
Орқамиздан тавалло;  
Танлаб-танлаб, у қодир —  
Одамий шаън, юз-хотир,  
Суриб ору борини,  
Туфлаб ташлармиз охир!  
Ўсти жинларга дори,  
Дев, алвасти мадори.  
Қуруқ қолмас Шайтон ҳам, —  
Керак унга қарори.  
Шундан кейин одамзод  
Қайга борар, йўқ нажот?!  
Ўз ҳузрини ўйлаган  
Қулдир бизга умрбод!•

## АЛВАСТИЛАР

Баҳор келар ҳар ёққа,  
Чопар қушлар тузоққа.  
Соч ўради лайли тол,  
Солиб узин булоққа.  
Дам ганимат, парийлар,  
Биз-ку, майли, қарилар...  
Танламаймиз энди биз —  
Оқми, қора, сарилар.  
Бизга керакмас совчи,  
Фарқсиз, борми-йўқ сочи,  
Қовуштирар ҳар гурда

Алвасти, жин, парийлар Раҳмон атрофида қул ушлашганларича, ҳар ён сакрашиб, жүр бўлиб куйлайдилар.

### ЖҮР

Кулгу қалбдан  
Тошиб келар, —  
Чоҳи гамдан  
Қочиб келар.  
Раҳм эт унга,  
Қаҳқаҳа ур,  
Кўйиб эркин,  
Бирга югур.  
Бор шодликлар:  
«Жон, — деб, —  
жон-жон...»

Кучоқ очар  
Сенга, жонон...  
Эртани кўй,  
Саробдир ул.  
Шуҳ уйнаб-кул!

### АКС-САДО

Ха-ха-ха-ха...  
Хо-хо-хо-хо!..

### ЖҮР

Хоҳласанг, бас,  
Ўз танангда,  
Жуш урар шавқ,  
Сенга банда.  
Асрама сен  
Уни асло,  
Дам ганимат,  
Сур кайф-сафо.  
Кийиммас у  
Тузиб кетса,  
Пул эмас ё,  
Кўлга етса.  
Омонат у

Бир шиша май, сук оши.  
Кулманг биздан сиз ҳозир,  
Тақдиримиз бир охир.  
Гулларингиз сўлиб тез,  
Ҳидламас қуш-пуш ҳам бир.  
Қариб, ёлғиз қоласиз,  
Ташлаб кетар болангиз.  
Эгасиз ит каби, ким  
Қайга деса, борасиз.  
Шунинг учун — девми, жин,  
Одамми у бетайин.  
Қул солинг, шўҳ, буйнига,  
Уйнанг, кулинг, берманг тин...

Сенга бугун,  
Чириб кетар  
Эрта бир кун!

### АКС-САДО

Ҳаёт — роҳат,  
Айш-фароғат!

### ЖҮР

Ишқу вафо,  
Зару захмат,  
Жафосидан  
Мурод-мақсад:  
Кўнгул хуши —  
Ёр кенг кучоқ,  
Ҳам бой давлат  
Умри узоқ.  
Бошқа бари  
Бекор, ёлгон,  
Ўз-узини  
Алдар инсон.  
Ким биз билан  
Булса дилдор,  
Бу дунёда  
Бахт унга ёр!

### АКС-САДО

Жумла олам —  
Бизга ҳамдам!

### ЖҮР

Эй, кўр одам,  
Кўзларинг оч,

*Ўтар умринг  
Топмай ривож.  
Сен бу ҳаёт —  
Гули якто,  
Битта баргинг  
Қолса ҳатто,  
Яшна, яша,  
Курма завол,  
То тириксан,  
Олдирма, ол...*

*Ҳалол-ҳаром  
Дема нечоғ,  
Эрта жисминг  
Булуր тупроқ...*

АКС-САДО

(Раҳмон қулоғи остида)

*Келинг, меҳмон,  
Оромижон!..*

Нохос, гийқиллаб, боғ томондан Раҳмоннинг шундоқ ёнига енгил бир машина келиб тўхтади. Раҳмон довдираб, узини четга олар экан, чанг тарқаб, машинадан болалик уртоғи Соли тиржайиб тушади.

СОЛИ

*Ажинами, дебман, вей, Раҳмон!  
Чақасини тушириб қўйган  
Девонадан баттар, бемаҳал  
Нима излаб турибсан, диққат?!  
(Раҳмонни бошдан-оёқ кузатиб)  
Ростми, тамом бушаб келибсан?!*

РАҲМОН

(Хижолатда)

*Ҳа... узинг-чи, олмадимми ё!*

СОЛИ

(Жаҳли чиққан бўлиб)

*Олмадимми?.. Менга қара, ҳў,  
Бобай қари, мамашка касал.  
Шундан кейин бошлаб булар ҳам,  
Уйлантириб қўйса, де, қара!...*

Соли аста машинасига уғирилар экан, Раҳмоннинг кўзи машина эшигидан хиёл бошини чиқариб, унга жилмайиб турган чиройли бир қизга тушади.

РАҲМОН

*Хотининг ҳам бопт-а ўзингга,  
Яхши кўриб уйландингми, ё?*

СОЛИ

*Туф, де, кўзинг тегади, гўдак!*



(Аста)

*Қай жаҳонда ҳақиқий эркак  
Кучада ўз хотинини ҳеч  
Эргаштириб юрарми, тентак?!*

(Раҳмоннинг қулогига)

*Қалай, сенга ёқадими шу?  
Тортинма ҳеч, оламан десанг,  
Майли, узим гаплашиб берай!*

РАҲМОН

(Тилини тишлаб)

*Кечирасан...*

СОЛИ

*Нима, мен сенга..  
Аканг чуқир бунингдан ҳам зўр,  
Қанчаларни қулдан чиқарган!  
Остингда бир тойинг бўлса, бас,  
Емиш кўрган тилла балиқдай,  
Думларини ликиллатишиб,  
Узи кела беради булар.*

РАҲМОН

*Ошхонани ташлаб гарчча мой,  
Шофёр бўлиб кетибсан дарров?!*

СОЛИ

(Раҳмонга анграйиб)

*Ишонмовдим, эшитиб, аввал,  
Миянгни еб қўйибди китоб...  
Ресторанда шефман-ку, галварс,  
Ўзимники бу арава ҳам.  
Каттасини оламан ҳали,  
Ҳозирчалик — ўргамчикка бу!..*

РАҲМОН

(Баттар хижолат бўлиб)

*Кечирасан... ўйлабманки, мен...*

СОЛИ

(Машинага утирар экан,  
орқасига ўгирилиб)

*Юравер сен уйланиб, аммо,  
Сен уйлагандаймас бу ҳаёт...*

Соли машинасини гуриллатиб, кета бошлайди. Шунда ҳалиги чиройли қиз машина ойнасидан бошини чиқариб, Раҳмонга ошкора гамза билан, хумор-хумор тикилганча, узоқлашиб боради. Раҳмон ҳам беихтиёр унга тикилган куйи, чангда қолиб кетади.

Раҳмон

(Чанг тарқаб, булут ичидан  
чиқиб келаётгандай)

*Қайдан билган дарров қайтганим?  
Соли эмас, ажинами бу?!  
Мен камфаҳм, эсам, уйламай,  
Кулги булдим яна шунга ҳам...  
Авваллар у ҳалол, тортинчоқ,  
Қиз боладай эди мулойим.  
Йуқ, мен билган у — Соли бошқа,  
Парийдир ҳам ёнидаги қиз?!  
Машинани гуё у эмас,  
Ҳайдаб юрар уни машина.  
Рост, ичида бошқа биров бор,  
Кета берар, қайга деса у.  
Эҳ кундузи бўлсайди ҳозир,  
Билар эдим — ичидаги ким?!*

Машина кетган томондан қўлтиқтаёқли пакана бир одам оқсоқланиб келиб, Раҳмонга рубару бўлади.

ПАКАНА ОДАМ

(Сирли жилмайиб)

*Ўзингиз-ку, аскар йигитча!..  
Хизмат тамом булдимиз дарров?*

РАҲМОН

(Ҳайрон)

*Раҳмат, ота, бетоб бўлиб сал...*

ПАКАНА ОДАМ

(Қайгурган бўлиб)

*Аҳ, шундайми? Ҳай-ҳай, зарарсиз!  
Кунглунгизни чуктирманг ҳеч ҳам.  
Бир вужуднинг ичида инсон  
Баъзан ундай, баъзан бундайроқ.  
Асил йигит бўлибсиз, аммо,  
Танимайроқ турибсиз фақат.*

РАҲМОН

(Ҳайрон ҳолатда)

*Кўргандайман яқин орада.*

Қоронғуми... ё кузларим ҳам...  
Хаёл билан бўлиб баланд-паст,  
Англамайроқ турибман ростдан...

#### ПАКАНА ОДАМ

(Муғомбирона жилмайиб)

Билдим... билдим... ҳеч зарари йўқ.  
Бошимиздан утган, жигарим...  
Театрда ишлагансиз бир,  
Булоқ боши... Раъно... анов чол...

#### РАҲМОН

(Уялиб, эслашга уринади)

Жойидамас бугун эс-ҳушим,  
Туман босган худди кузларим...

(Эслаб)

...Биздан анча олис, тепада —  
Шундоқ булоқ устида, ёлғиз,  
Гоҳ суяниб пахса деворга,  
Хаёл билан утирардингиз?!  
Эсимда бор... бизга қарамай,  
Узингизча жилмайиб гоҳо,  
Бош тебратиб кўярдингиз ҳам.  
Аммо, парво қилмас эдим, мен...  
Лекин... бизни биласиз деб, ҳеч,  
Тушимга ҳам кирмаганди, рост!..

#### ПАКАНА ОДАМ

(Шайтон қиёфасига кириб, ўзича)

Қачон мени кўрибди, тентак,  
Ухламасдан, туш кўрар одам.  
Қайга десам, йўргалар ҳозир,  
Фақат халал бермоқда ақли...

(Яна одам сувратида,  
Раҳмонга угирилиб)

Ажабланманг унча бу сирга.  
Мен-ку сиздан олисда эдим,  
Қўл ушлашиб туриб ҳам хатто,  
Бир-бирини кўрмас одамлар.  
Қанча асрор бўлса оламда,  
Шунча сир бор ҳар бир одамда.  
Бирга ётиб-туриб бир умр,  
Билолмаймиз бир-бировимиз.  
Бошқа одам — ўзга бир олам,

Аёнмасмиз ўзимизга ҳам.  
Фикр қилиб боққан одамга,  
Чумолидан ҳеч фарқимиз йўқ...  
Дейлик, бирон юмуш билан биз,  
Бормоқдамиз ўз йўлимизда,  
Шундай, қорин ғамида тагин  
Борар митти бир чумоли ҳам,  
Ёки бошқа шу хил жонивор,  
Эҳ, уларнинг сон-саноғи йўқ.  
Барининг ўз ташвиш-ғами бор,  
Бизники ҳам эмас кам, аммо,  
Босиб олар, дея, дев, одам,  
Чиқиб турмас бир четга улар.  
Биз ҳам кўрмай уларни доим,  
Босиб-янчиб утиб кетамиз.  
Нелар кутар ҳозир бизни ҳам,  
Елғизгина худога аён...

#### РАҲМОН

(Шубҳаланиб, ўзича)

Бу сеҳрли овозни қачон,  
Қаердадир эшитгандайман?!  
Бир — телба, бир — Шайтон ичида  
Не бор, уқиб бўлмас дафъатан.  
Жон куйдириб сўзлар у шунча,  
Билиб бўлмас юрагини ҳеч.  
Гаплари ҳам қовушиб келар,  
Ҳар бир сўзи сирли, маъноли.  
Аммо ўзи нима учундир  
Ўтиришмас унча кўнглумга.

#### ПАКАНА ОДАМ

Бизни елғиз фалокат эмас,  
Бахт-толе ҳам кутар ҳар қачон!  
Шундай, углим, ҳали кўп ёшсиз,  
Йул бошида турибсиз фақат.  
Ҳар нарсага «лов» этиб ёнманг,  
Бундай қизлар бирмас оламда!..

#### РАҲМОН

(Баттар шубҳаланиб)

Алланечук бугун кўнглум гаш...  
Билганингиз айтинг, аяманг,  
Кўникканман дилсиёликка,  
Эрга бериб юборганми, е?..

#### ПАКАНА ОДАМ

Роппа-роса қирқ кун бўлар...

## РАҲМОН

*Воҳ!*

*(Ҳушини йўкотади.)*

### ПАКАНА ОДАМ

*(Шайтон қиёфасида,  
Раҳмонни суяб, ўзича)*

*Бу улугвор жонзот — одамзод  
Омонат бир кулбага ўхшар.  
Уни биров суяб турмаса,  
Баттар яна юз тубан кетар!*

*(Яна одамга айланиб,  
кузини очган Раҳмонга)*

*Эрталабдан уй ичи билан  
Азиз меҳмон улар Раънога.  
Қувнаб унинг бахтидан бари,  
Яйрар бугун, оғиз-бурни мой.*

## РАҲМОН

*У бойликка ўчмас, биламан,  
Бошқа билан бахтли бўлолмас.*

### ПАКАНА ОДАМ

*(Четга)*

*Жонидан ҳам тўймагандир у,  
Сен гадони кутиб бир умр!..*

## РАҲМОН

*Бу кун унинг бошига тушган  
Ғам-кулфатга сабабкор — ўзим...  
Иулдан уриб аввал Шайтондай,  
Ташлаб кетдим... Минг лаънат менга!*

### ПАКАНА ОДАМ

*(Сергакланиб)*

*Ҳай-ҳай, куфр кетманг бунчалар,  
Фаришта у — Шайтон бўлса ҳам...  
Бас, келганмас Худо ҳам... Биз-чи, —  
Ўзимизга етмас кучимиз!  
Ундан кейин, у — зоти маълум  
Момо Ҳаво авлоди деб бир,  
Бадном қилманг сиз ҳам ўзингиз!  
Лаънат тақмоқ — Яратганга хос...  
Бунингсиз ҳам одамлар ҳозир  
Қорни баланд бўлгани сайин,*

*Курмай ерни, қўшиб нафсига,  
Иймонини ютиб, ўзидан  
Осмон-баланд қавмларини ҳам  
Қора суртиб сариқ юзига,  
Лаънатлашга устаси фаранг...*

(Раҳмонни юпатган бўлиб)

*Биламан, сиз пок йигитсиз, рост,  
Уни сиздай севолмас ҳеч ким,  
Аммо, уғлим, ота-она ҳам  
Боғлаб бермас қизини, ҳозир  
Қул теккунча — қизлар ваъдаси, —  
Сув юзида пуфакка ўхшар...  
Бу думбул пушт аёл зотига  
Ҳайфдир асли муҳаббатимиз!*

Йул бошида атрофни ёритиб, улар томон бурилаётган енгил машина кўринади.

*Ана, қайтар азиз меҳмонлар,  
Шу ерда-ку куёв-қайлиқ ҳам...  
Бошда гижим рўмол новвотранг,  
Оғиб эри тарафга хиёл,  
Хумор-хумор боқиб дам-бадам,  
Яйраб-яшнаб утирар Раъно.*

(Раҳмоннинг елкасига  
қўлини ташлаб, аста) ←

*Майли, отиб бу мен — тентак чол  
Пандларини, барча хўл-қурук,  
Дардларингиз тош тишлаб бир зум,  
Диққат билан назар солинг, сиз.  
Ана, чироқ нурида у ҳам  
Кўриб келар сизни ойнадан.  
Кўрсатмоқда куёвига ҳам,  
Қиқир-қиқир, хир-хир кулишар.  
Эрга тегиб, очилган яна,  
Эҳ, қайтариб бўлса ёшлигим.  
Эсингизни йигинг, титраманг,  
Балли, шундай, келар, кўрарсиз.  
Бир вақт, жамбил сочларини сиз  
Майин-майин силаб титраган  
Иссиқ-иссиқ қўлларингиз ҳам  
Нафасингиз ҳис этиб бирдан;  
Эслаб, уша, олиб қўлингиз,  
Энтикиб, у, ичган қасамлар  
Тилсиз гувоҳ булоқ сувидай  
Ерга сингиб кетмай ҳали ҳам,  
Ваъдалари рост бўлса агар;  
Сизга кўзи тушган ҳамоно,  
Булгангандай этаги, ногоҳ,*

*Дод деб унсиз, қаршингизда лол,  
Лоақал бир ўксиниб боқар.  
Майли, шунда олиб ёқамдан,  
«Туф» денг оппоқ соқолимга сиз!*

Машина Раънолар дарвозасига яқинлаша бошлайди.

Раҳмон  
(Энтикиб)

*Наҳотки, шу унгим бўлса оҳ,  
Энди бунга чидаш мумкинмас?!*

ПАКАНА ОДАМ

(Шайтон қиёфасида, четга)

*Одамдек шум, қасамхўр бўлмас,  
Сал нарсага оғиб эсидан,  
Умид узиб жонидан гўё;  
«Ана кетдим, мана...» дер,*

*бирок,*

*Осмон қулаб, ер ютганда ҳам,  
Пиҳи қайтиб кетига баттар,  
Пайдо бўлар, жин урмай яна,  
Пўст ташлаган кўлвор*

*илондай...*

*(Зимдан Раҳмонни кузатиб)  
Энди мени алдай олмассан,  
Сен ҳам уша одам бўлсанг, бас!  
Чидамоқ — уз касбинг,*

*чидайсан,*

*Ҳали қанча тубанликларга!*

Раҳмон

*Куриб туриб, кўрмас у гўё,  
«Дод!» дейману, овозим чиқмас!*

*Машина келиб тухтайди*

ПАКАНА ОДАМ

*Бир силкиниб Раъно лоладай,  
«Вой» деб, куёв бағрига қулар.  
Билагидан тутиб уни тез,  
Қудаларга эшик очар, шўх.*

РАҲМОН

*Тушар бир-бир  
меҳмон-измонлар,  
Ичкарига йурғалашар, гоз.  
Бироқ нечун кўринмас Раъно,  
Кўр қилдими ё бу чироқлар?!*

ПАКАНА ОДАМ

(Четга)

*Худо урган басирни ҳатто,  
Илон булиб чақар ҳасса ҳам.*

(Куёв-келинни кузатиб)

*Олиб келин белидан маҳкам,  
Тортиб тушга, қуймас тушгани.*

РАҲМОН

(Ҳовлиқиб)

*Кичкиргандай бўлдию, шу зум  
Ўчди Раъно овози... ана,  
Ичкарида ўчди чироқ ҳам...  
Нега қайтиб овоз бермас у?!*

ПАКАНА ОДАМ

*Нима бало, овоз берса у,  
Бориб, ушлаб турармидингиз?!*

РАЪНО

(Ёлбориб)

*Сабр қилинг, жоним, бугунча!*

КУЁВ

(Раҳмон томон қош қоқиб,  
Раънога)

*Қўл ушлашиб сабринисо билан,  
Маза қилиб юрар ана у.  
Бизга сиз ҳам булаверасиз!*

РАЪНО

(Нозли зорланиб)

*Ўлдирасиз мени охири!*

ПАКАНА ОДАМ

*Муҳаббатдан ўлса одамзод,  
Жарга отар у деб бор аёл!*

РАҲМОН

*Ана, тўзғиб сочлари, ёлғиз,  
Машинадан тушиб келар-ку!*

ПАКАНА ОДАМ

*«Ўлдирасиз», дер эди ҳозир,  
Аммо куёв нафаси чиқмас...*

РАҲМОН

*Кўйлагини тўзатиб тез-тез,  
Қараб-қараб ортига ноз-ноз,  
Белларига сирпаниб тушган  
Румолини қулига олар...*

(Қалтираб)

*Ҳозир мени кўради... йўқ-йўқ...  
Қоронгудан чиқиб, машина  
Чироғида сумкачасидан  
-Бир парча ой кўзгу олиб у,  
Ҳар ёғига кўз ташлар, тўймай.  
Лабларини тишлаб, қон талаш,  
Силаб бўйинларини, кулар,  
Зулук-зулук тўлғаниб қошлар,  
Румолини ташлар бошига...  
Икки кўли қоши устида,  
Қотиб қолар, мени кўриб у.  
Йўқ, кўрмади, кўрди, эҳ, худо,  
Наҳотки, шу Раёно бўлса, оҳ?!.*

Раҳмон бошини чангаллаб, катта куча томонга қараб телбанамо чоғиб кетади. Ортидан алвасти, жин, парийлар ҳам эргашадилар.

ПАКАНА ОДАМ

(Шайтон қиёфасида Раҳмон  
ортидан қаҳ-қаҳ уриб)

*Тамом энди, қалайсан, Раҳмон?..  
Бино қилиб йўқ ердан ўзим,  
Яна ундан жудо этдим, бас,  
Бу ҳам сенга битта дарс булур!  
Ҳа, одамзод изми кўлимда.  
Уни эгам яратиб бошда,  
Ташлаб кўйди менга подадай.  
Бир ўзимга огир бу юмуш...  
Яралгандан буён у лойдан,  
Ботиб лойга, авлодини ҳам  
Судрар кўшиб балчиққа, тинмай.  
Аммо, тамом тупроқ бўлиб у,  
Бу дунёдан номи ўчмай то,  
Ҳаққим йўқ ҳеч икки оламда  
Оёғимни узатмоққа, тинч.  
Бироқ, қанча пойлаб уни мен,  
Энди кўлга киритганим он,  
У ақлини ишлатиб, нурдай,  
Чангалимдан учиб чиқадир.  
Ўзларини уриб ўзига,  
Бир-бирига едириб, энди  
Ҳукмим утиб турганда, бирдан  
Мана шундай, Раҳмон ё ўзга  
Сувратида қасос-қасд билан  
Пайдо булар доим бирон кас.  
Унинг азму қудрати билан  
Яна боши бирлашиб одам,  
Бир пул булар асрий заҳматим.  
Сеҳрим ожиз — шунча девлару  
Алвасти, жин, парийлар билан,*



Унга сари, қанча тўйсалар,  
Жинлар, шунча қолар туғишдан.  
Одамлардан бурун, кундан-кун  
Ер ютгандай, камайиб борар.  
Аммо, шукур, ёлғиз юпанчим —  
Парийлардан эндиги мурад.  
Кириб шаҳват жозибалари —  
Жон олгувчи там-там жувонлар,  
Жонон қизлар сувратларига,  
Одамлардан олурлар авлод.  
Бу сувтекин дилором руҳлар  
Ортларидан чоғиб фаҳш одам,  
Вужудидан пок руҳлари ҳам  
Чиқиб, бизга қўшилар бугун.  
Ва чағишиб жинларим билан,  
Кимлигини унутар бутун.  
Ва у қуруқ жасадлари ҳам  
Қулдир мангу авлодларимга.  
Буни кўриб, зор қақшар фалак,  
Бармоқ тишлар фаришталар, лол.

(Хавотир билан)

Бироқ, э воҳ, қасоскор аждод —  
Хурлар билан пок руҳлар яна  
Хабар тоғиб нажотсиз одам —  
Авлодлари қисматларидан;  
Воз кечиб кўк роҳатидан ҳам,  
Изғир замин пучмоқларида.  
Булар билан баттар баробар  
Етиб қасос-қиймат кунлар,  
Кўз олдимда тиш қайраб менга,  
Улғаймоқда Раҳмон, беомон!  
(Атрофга аланглаб, асабий)  
Эй, ҳаромхўр булганч авлодим!  
Оламда бор фасод, касофат,  
Ёвузликлар салтанати бу —  
Ер ютмай то Шайтони даврон,  
Қулларимдан ушланг, югуринг,  
Тўсинг Раҳмон фаҳмини тезроқ!  
Айлантириб эс-ақлини терс,  
Бадном этинг баттар, падарин —  
У ҳам одам бўлгани учун  
Номусига чидай олмасдан,  
Қанотимга кирсин умрбод:  
Бу нафрат, бу қудрат билан у  
Ўз қавмини ўз қавмига қасд —  
Отлантисин қирон-қирпичоқ!

(Унда-бунда Раҳмон ортидан  
бораётган жин, парийларга)

Ҳа-ҳа, чопинг, эндиги барча  
Фаҳшу мараз, офат ишларим —  
Фалокатлар бошида бугун

*Туганоқ — бир мана шу Раҳмон!  
(Парийлар ортидан таъкидлаб)  
Ҳар хил нозу адолар билан  
Елкасига бош куйинг, боринг!  
Кириб-чиқиб поча-енгидан,  
«Севаман» деб, йиглаб, ёлборинг!  
Ишламасин, майли, истаса,  
Ҳеч нарсаси керакмас бизга.  
«Майли, — денглар, — олмасангиз ҳам»,  
Фақат тез-тез келиб турса, бас!  
Нима деса, «хўп» денг, ўлмайсиз,  
Эр керакмас, биламиз, сизга,  
Бир-иккини думалатинг сиз,  
У ёғини ўзим боплайман!..*

(Ёлғиз қолиб)

*Нафсики бор тирик жонивор  
Ихтиёри кўпдан кўлимда.  
Фақат шундай уч-тўрт ношуд, кўр,  
Эл ичини бузар шу кунлар.  
Ақлим ожиз, аммо, қачонлар  
Ичи тушган тарвуз — бу осмон,  
Нимасига ишониб шунча,  
Қиёматни орқага сурар?!.*

Раҳмон бошини чангаллаганича, ҳамон катта кўча буйлаб чопиб боради. Алвасти, жин, парийлар баттар унинг эс-ақлини олмоқ қасдида, юз муқом, ноз-карашмалар билан боши узра жўр бўлишиб, ошиқ-адо куйлаб борадилар.

ЖўР

*Ана уша одамзод,  
Улар сенга бутун ёт.  
Кўнгул берма уларга,  
У бевафо руҳларга.  
Вафо қилмас умрбод  
Сояси бор мавжудод.  
Кимки одамга куяр,  
Одамзод ундан кулар.  
Сен улардан улўғ бўл,  
Биз билан бир уруғ бўл.  
Бошингда паноҳ Шайтон,  
Пойингда завол инсон.  
Жинлар билан дўст-ўртоқ,  
Еб-ич текин, хушчақчақ.  
Бир Раъно деб беқарор,  
Адо қилма узинг, хор,  
Кўй сен уни, мана биз,  
Сеникимиз ҳаммамиз...*

1978—88-йиллар.



## *Ўзбек халқ китоблари*

### «Туркийлар фаҳмига лойиқ» асар

«Чор дарвеш» достони халқимиз орасида машхур булганлигини улуг адиб Абдулла Қодирий «Утган кунлар» муқаддима-сида таъкидлаб утган: «Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик, ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ухшаш дostonчилик, рўмончилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаршига, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зухро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин», «Баҳромгўр»лари билан таништиришга узимизда мажбурият ҳис этамиз». Езувчи «Чор дарвеш»ни халқимизнинг дурдона асарлари қаторига қўшиш билан бирга ўз асарларининг замини халқ китобларида эканлигига ишора қилмоқда.

Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлэмалар хазинасида «Чор дарвеш»нинг турли қўлэзма нусхалари сақланади. 11374 рақамли насрий нусха халқ китоби табиатига мувофиқдир. Қўлэзма билан танишиб чиқилса, асарнинг қачон, қай йўсинда кучирилганлиги маълум булади. Яъни, қўлэзма сўнгида шундай маълумот келтирилади: «Мулло Муҳаммад Солиҳ базоз Ҳўқандий марди солиҳ, мубтадини толиби илм эрди. Қанча яхши ҳикоятга ҳўши бор эрди. Ул киши лафзи форсийни тузук тушунмагонидин каминага илтимос қилдики, «Чор дарвеш» лафзи туркийда ҳам мактуб булса? То туркийлар фаҳмига мувофиқ булиб, андин лаззат ҳосил қилсинлар. Шу билан бу камина форсий китобни туркийга тажаввил қилмак учун киришиб, шаъбон тарих минг икки юз олтмиш тўртда, маймун йилида, Худоёр вал Набиҳон бин Шералиҳон марҳуми ҳукуматида эрдик, би тавфиқи изди Субҳонаҳу ва таоло, тамом қилдим.» (165а — саҳифа).

Маънавият ота-боболаримизнинг қон-қонига сингиб кетгани, уларнинг узаро суҳбатларида ҳам эл манфаати ётган. Бир солиҳ кишининг эҳтиёжи йўлида етти иқлимга машхур «Чор дарвеш» асари туркийда мактуб булган. Таажжубки, бу

эзгу ишга йуллаган одам ҳақда маълумот бору муаллиф узининг номини ҳам ёзмаган. Бундай ҳолни инсоннинг инсонга булган эҳтироми, деб тушунмоқ керак.

«Чор дарвеш»нинг халқ китоби эканлигига асарнинг узида ҳам старли далиллар бор. Достон муқаддимасининг биринчи хусусияти Тангри-таоло ва унинг сунгги пайғамбари ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васалламга ҳамду сано ифодаси булса, иккинчиси асарнинг халқ китоби эканлигига ишорадир. Яъни, достонгуйлар васфида шундай лутфлар қилинади: «шукурнисор ва ширингуйторлар, суҳанварликнинг ҳушайи чиллари ва саррофлари, арбобиёни суҳандонлар, жавоҳирёни ораста бозори маонийлар, уламоий ҳақойиқасроп ва фузалойи санойи дидори ишқ, суз мадрасасининг дастгуйлари, шафқандуз муҳаққиқлар шундай нақл қиладиларки...» (1а — саҳифа).

Яман мулки савдогарининг ота мулкани совуриши воқеаси ҳам халқона талқин намунасидир. Хожа Аҳмад Яманий вафотидан сунг унинг угли оғир изтиробда қолади. Бундан хабар топган шаҳардаги ноасл туда меросхурни юпатадилар. Бундан кура ота руҳини дуойи хайр бирлан хушнуд қилмакни маслаҳат беришади. Аҳли маслаҳатнинг сийратлари шундай акс эттирилади: «Шаҳарда қанча бесаруполар, шайтоннамолар бор. Алар ҳар кун мардум таомидан қорин туйгазурлар» (9а-саҳифа). Дарвеш уларнинг гапига кириб, узи ҳам куп утмай улардек бечорага айланади: «Уч йил утмай бир эски тун ва бир кулоҳ билан қолдим.»

Асарда шундай сиймолар борки, улар ёзма адабиётдаги мавжуд «Чор дарвеш»лар (масалан, Хиромий достони)да йуқ. Чунончи, қиссаи аввалдаги Равшан вазир сиймоси. Уни Озодбахт ота урнида куради. Подшоҳ, «бу кун тонг-ла улим менга яқиндирки, бир фарзандим йуқ. Мендан кейин тожу тахтимга ким молик булгай ва душманларимдан интиқом олгай» (4а-саҳифа), дея тушқунликка тушганда доно вазир уни юпатади: «Ҳақ субҳонаху ва таолога шунча иш (ношукрлик) Сиздан сазовор эрмасдур. Куфрони неъмат — нуқсони неъмат булгай» (5-саҳифа). Бу гапдан руҳланган подшоҳ хайр-саҳоватни касб қилади. Мазлумларни озод қилади. Ҳар тонг саройдаги хос аъёнлар билан диний мулоқотни одат қилади. Кундузи хайр-садақа, кечалари ибодатга машғул булади.

«Чор дарвеш» — муҳаббат китоби. Ундаги сиймолар оламига Жалолиддин Румийнинг ҳикматли сузлари билан кириш мумкин: «Инсон узига ухшаган инсонга муҳаббат қуйиши билан уз моҳияти, умуман, инсонлик моҳиятини англаб етади». Узгага қараб узини англаш суфийсифат дарвешларнинг бош аъмолларидандир.

Асарда шундай иборалар ишлатилганки, бундай сузлар бугун ҳам халқ тилида бор. Яманлик савдогар меҳмондорчиликда уч кечаю кундуз қолиб кетади. У маъшуқасининг ундови билан базознинг уйига борган булса ҳам рухий изтиробга тушади. Бунни сезган синчков қиз уни юпатади: «Киши уйига

бормоқлик уз ихтиёримизда, аммо қайтмоқлик уй эгасининг ризолиги билан буладир» (26-саҳифа).

Сиймолар яхши-ёмонга ажратилмайди. Китобхон уларнинг ички дунёларини гапларидан, ҳаракатларидан билиб олади. Бундай фазилат дунёвий адабиёт талабларига хосдир. Чунки, кас ҳам, нокас ҳам бахтли бўлишни истайди. Демак, гап тушунчада. Ҳар ким юрар йулини танлар экан, адашаман, деб уйламайди. Шу маънода баён усулидаги холислик асар қадрини оширган. Масалан, Озодбахт ҳикоятдаги Ҳожа сакпараст киссасида маликанинг уз доясини улдириши, ошиқларнинг висолга эришувлари воситаси қилиб қўйилмаслиги мумкин эди. Малика бутпарастлар оиласида усиб улғайган. Энди му-сулмон йигитнинг динига утиб, у билан қочиб кетмоқчи. Шу боис, йулига гов булган доясининг жонига қасд қилади: «Малика доядан бу хабарни эшитиши билан корсозлигини амода қилиб, дояга бир пиёла шароб тутқазадик, ул бечора то қиёмат урнидан туролмайди». (123а-саҳифа). Бу воқеанинг асл моҳияти, қизнинг ёрига интилишида эмас, аслиятидаги шак-кокликнинг огир, синовли шароитларда намоён бўлишидадир.

Асарда ғазал, маснавий, рубоий, байт, шеърлар ҳам келтирилади. Уларнинг ҳар бири жанр талаблари асосида ёзилган:

*Бошим савдоси ул зулфи қародур,  
Қаро мужғони кунглимга қародур. (8-саҳифа)*

Энг муҳими, дostonдаги соддалик жунлик эмас, ундаги равонликни баён деб булмайдди. Масалан, «Ровий шу тариқа айтурким, дарвеш аввал икки тиззаси билан ултириб, тутидек-сўзга кирди. Гуёки, булбули ҳазордoston эрдик, гул ишқида нола қилур эрди. Ҳар сўзлаганда тилидан шакар тўкар эрди» (8а-саҳифа). Бундаги бадий воситалар йиллар давомида бойиб келган. Дарди бийрон этган одам боласининг «булбули ҳазор дoston»га қиёс қилиниши, дарвешлар йиғлаб тилга олишадиган «Бу гардуни дун — буқаламун бизни ватандин жудо қилди» (8а-саҳифа) жумласи бетакроп топилма-ухшатишлардир.

Ҳаёт ва бадийят уйғунлашувига, асосан, бир фазилат — халқчиллик туфайли эришилган. Биринчи дарвеш ҳикоятдаги савдогар бор бисотидан айрилгач, ягона синглисини эслайди. Лекин ундан ёрдам сурашга олдин орияти йул бермайди. Чунки, узига тинч вақтида ундан хабар олишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Ҳатто синглиси чорлаганда ҳам бормаганди. Йўқчилик фақат кулфат келтирарканки, одамлар орасида яшаб, елғизланади. Мушфиқ синглисининг эшигига боришдан бошқа чораси йўқлигини англайди: «Очлик лашкари қаноат мулкани торож қилди». (10-саҳифа). Сузларда инсон сийрати бундан ортиқ жиололанмаса керак.

Айтиш жоизки, «деди», «айтди», «ровийлар айтурларки, «бузрукворлар нақл қиладиларки» сўзлари куп ишлатилади. Биз урни келганда уларни қисқартиришга журъат қилган бул-

сак-да, асосан, бундай халқ оғзаки ижодига хос сўзлар қолдирилди. Бундай ҳолларда қисқартириш асар моҳияти ва табиатига зиён етказиши мумкинлигини ҳис қилиб турдик.

Шу уринда қулёзманинг бир қусурини айтишни жоиз топдик. Биринчи дарвеш ҳикоятидаги маликанинг хиёнаткорлар баззоз йигит ва канизакни жазолаши (куп тадқиқотларда уч олинини, дейилади. Бундай хулоса Малика табиатига туғри келмайди) воқеаси тумтароқ булиб қолган. Меҳмон кириб келгач, савдогар маъшуқасини ошхонадан топади. Шунда Малика айтади: «Йигитнинг канизагини ҳам ҳозир айлаганинда эди, меҳмоннинг яна бир муродини ҳосил айлаган булардинг». Бу гапдан сунг бошқа — Маликанинг савдогар билан саройидаги суҳбати воқеаси бошланади. (30а-саҳифа). Меҳмондорлик хушвақтлиги, меҳмонларнинг сирли ўлдирилишидан изтиробга тушган савдогарнинг савдои ҳолда Маликани излашлари ҳақда ҳеч гап йуқ. Ҳолбуки, Малика хиёнаткорларни бошқа йул билан ҳам жазолаши мумкин эди. Аммо пухта тадбиридан кузланган мақсади, инсон интилса, макр ишлатмай, бировни қурбон қилмай ҳам бойликка эришмоғи мумкинлигини мунофиқларга курсатиб қуймоқчи эди. Мазкур воқеа Хиромий қаламига мансуб «Чор дарвеш»нинг 7713(11) рақамли қулёзмаси асосида тулдирилди.

«Чор дарвеш»нинг, асосан, икки хусусияти фазилат даражасида намоён булади. Булар этиқод ва иймон барқарорлиги ҳамда илоҳий, инсоний муҳаббат ва нафрат ифодаларидир. Одоб-ахлоқ, инсонпарварлик, ватанпарварлик, адолат сингари ғоялар юқоридаги икки фазилатда уйғунлашиб кетган. Биз воқеалар тафсилотига кенгроқ тўхталмадик. Сабаби, асар қўлингизда. Ҳозир унинг узига хос оламига кириб борасиз. Сизни сержило маънолар, ҳаётий ҳикматлар, маънавий сабоқлар кутмоқда.

Муҳаммадҷон ҲАКИМОВ,  
Турғун ФАЙЗИЕВ,  
Илҳом АҲРОР.

# Чор Дарвеш

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Ҳамду беқӣс ва санойи беадад кулли зуҳайаннафос Тангри Таологаки, ун саккиз минг оламнинг одам шаҳристонидин вужуди фақанносига келтургувчи эрур. Саловоту беҳад руҳи пок мутаҳҳар мажлои он ҳазрат Муҳаммад Мустафо саллоллоху алайҳи васалламгаким ҳамалакнот ва мавжудот анинг туфайли турур. Саллоллоху алайҳи ва ала олиҳи ва асҳабиҳи ажмайин.

Андоқ шукрисор ва ширин гуфторлар, куҳан ҳадисларнинг муҳаддислари, суҳанварликнинг хушайи чинлари, саррофлари, арбобиени суҳандонлари, жавохирени ораста бозори маонийлари, уламои ҳақойиқ асрор ва фузалойи санойи дийдори ишқ ҳамда сӯз мадрасасининг дарсгӯйлари, шавқандуз муҳаққиқлари «ЖОМИУЛ ҲИКОЯТ» китобида андоғ ривоят қиладилар...

## ҚИССАИ АВВАЛ

Қадим замонда Рум шаҳри ва унинг Кустантания деган пойтахти бор эрди. Анинг подшоҳи Озодбахт авжи иқболда бўлиб, гуё моҳитобон эрди. Ҳамд ва ҳашми бисёр, ҳазина, дафина, лашкари бешумор эрди:

*Кетиб овозаси чун қоф то қоф,  
Жаҳонда қилгон эрди адлу инсоф.  
Фалакдек қадди эрди чун баланди,  
Аторудек эди чун дасти барди.  
Ва жавохир тахти ҳазорон посбонлар,  
Муниингдек утгон эрмас эрди хонлар.  
Саҳий хайрликни тиғи дод шабгир,  
Зийн осмонни қилди тасҳир.  
Бу шоҳлик бир-ла олди хӯи дарвеш,  
Тариқи раҳнамолик айлади пеш.*

Андоқ одил, раъياتпарвар ва файз кустар эканлигидан фуқаро андин хушнуд эрди.

*Агар жаврики андоқ булгай эрди фитнадин поймол,  
Ани хуснида ҳам булди хумо андоқ пур ва ҳам бол.*

Анинг адлидин раъият, ошёнлар шукр қилур эрдилар. Хуп доврүкли шаҳарлар тахти тасарруфида эрди. Булар Миср, Шом, Ҳалаб ва бошқа шаҳарлардур. Шунча ҳашамат, улуглиги бирлан бир лаҳза Худойи бениёз, Карими корсоз бандалигидан гофил эмас эрди. Мудом тоат-ибодатда эрди. Ҳамиша ниёз юзин ҳақ Таолога сунгон эрди. Ихлос бирла нолиш қилурдики, Худодан фарзанд тилар эрди.

Бир куни у ойнада жамолини куриб, маълул булди. Соҷсоқолига оқ оралаганини куриб, кунгли тийра, афсурда булди. Боғи сабз чароғдек хира булди.

— Қанча муддат умрингни элга паноҳ қилдинг. Бу кунгача ором олмадинг. Бу ёғи энди муйсафидлик «Куллу нафсин зоиқатулмавт». Ҳайф, юз даригки, бу тожу тахтинга соҳиб буладиган бир угил-фарзандинг йуқ, — кунглидан утказди армон билан:

*Афсуски, умри навжувонлик кетди,  
Танга қариликда нотавонлик етди.  
Гар аввалги юз йил комронлик етди,  
Чун топмади маргдин аён сафар кетди.*

Яна айтардики, умр вафосиз бўлиб, қарилигим қилса гар мени маст, фарзанди жавон ушлагай эрди ул дам мени даст:

*Гардун менгаким, жафодунлик қилди,  
Баҳтим каби ҳар ишда забунлик қилди.  
Ки ком сори раҳнамунлик қилди,  
Алқисса, баса, буқаламунлик қилди.*

Озурдаҳол булиб уч кунгача хилватхонасидин чиқмади. Унинг изтиробли ҳолидан аёни умаро, аркони давлат ва хосу ом қоҳиш ва гамда эрдилар. Андоғким, уч кундан сунг, умаролар узаро кенгашиб, вазири аъзам — Равшан ройини подшо ҳузурига киритдилар. Озодбахт ани иззат қилар, ота урнида курар эрди. Шу боис, Равшан ройи подшоҳнинг сиҳат-саломатлигини билиб, раъиятга етказиш хушвақтлигидан умидвор булиб, соҳиби тахт жонибига мутаважжи булди. Дарбонлар анга музоҳам булмадилар. Хосхона эшигига етиши билан подшоҳ овози қулоғига етди. Буюрилдики, ани тухтатманглар, деб. Вазир Озодбахт дийдорига дохил булгач, музаййин адабни бўса қилди. Сунг дуога утди:

*Қилгум дуоки, шоҳнинг умри бақо булиб,  
Иқболи давлат ила ҳусул муддао булиб.  
Минг йилгача бу умр шоҳ халал курмасин.  
Ранжур кунглига ҳақдин бу дам даво булиб,*



Вазир дуодан сунг яна деди:

*Не булди бу гул оразига ҳам гулоб сепасан,  
Ситорани, не сабаб, офтоба ҳам сепасан.  
Ҳазор-ҳазор дийдалар шавқинг узра ашк тукар,  
Сан эшикинг ҳамчу гулоб қайси нобдин тукасан.*

Яна айтди: Ғам нечук сенга ориз булди. Андуҳ ва малолат сабаби нимададур. Подшоҳ кунглидагин таҳрир қилиб, йиғлади: «Эй, падар, қайси хушкунгиллик била айш ва тараб қилурманки, хотиримнинг орқа айвониға ғам лашкари саф тортиб турган бўлса! Нечукдин дилгир булмағайманким, қанча муддатдурки, умримни табоҳ қилдим, хазиналарни беҳуда сарф қилиб лашкар жамъ қилдим. Аларга қанча дунё сарфладим. Куп мамлакатларни тасарруфимга киритдим. Умрим поёнига етай деяпти-ю, бир фарзандим йуқ. Мандин кейин тожу тахтимга молик буладиган, душманларимдан интиқом оладигон зурриёдим йуқ. Вазир доно эрди. Подшоҳга насиҳат оғоз қилди: «Умринг узун бўлсин, эй, подшоҳим, хаёлларингиз шайтоний ва куфрони неъматдур. Куфрони неъмат — нуқсони неъмат саналғай. Жаноб Ҳақ субҳонаҳу ва таолога шунча иш сиздан сазовор эрмас:

*Кимки неъмат шукрин этар неъматини афзун булур,  
Шукрин этмас анинг илкидин берун булур.*

Валинеъмат бузруклар айтибдурларки, дунёнинг вафоси йуқ, умрнинг бақоси йуқ. Сизда фарзанд йуқ булган билан икки кунлик умри фоний ғамини емак ҳожат эрмас. То ҳаёт-сиз, умрни айш билан утқаринг. Муддао ва матлабингиз фарзанда бўлса, ҳар дамни ганимат билинг. Кеча ва саҳарларда Ҳақ таолога ибодат қилиб, тазаррулар қилинг. Бечора-мискинлардан дуойи хайр тиланг. Дарвешлар, беваларға садақалар беринг. Бегуноҳларни зиндондан озод қилинг. То сарвари олам сизга раҳм қилғай, чароғингиз равшан этгай». Равшан рой подшоҳ кунглидин кудуратни аритди, зоил қилди. Подшоҳ буюрдики, эмди шул соатда ҳар тонг боргоҳда хослар билан суҳбат қилишни одат қилурмиз. Бу меҳрибонлик сўзни эшитиб, вазир айтди:

*Жаҳон борича булғил жаҳонда,  
Ямон-яхшидин булғил омонда.*

Вазир дуо қилиб, подшоҳ хизматидин мураҳхас булиб, ташқарига чиқди. Подшоҳ фармонини эшитиб, барчанинг кунгли хуш булди. Аёнлар масрур ҳолда уй-уйларига тарқалдилар.

Подшоҳ қилганига пушаймон булиб, тавба этди. Худога муножот қилди. Андин сунг китоб мутолаасига машғул булди. Бир куни қайсидир китобда уқиб, билди: Кимдаки дилгирлик руй бериб, ҳеч ваяҳ билан даф булмаса, қабристонга бориб,

аҳли қабр руҳига фотиҳа уқисун. Подшоҳ назари китобдаги бу сузларга тушгач, кузи ёшланди. Филҳол кунглида бир фараҳ ҳосил булди. Қабристонга бориб, назари осори илоҳий қилмоққа аҳд қиларкан, ул лаҳза хотиридан утказди: «Аҳли қабрлар бузрук ва соҳиби шавкат эрдилар. Беадоғ мулк ва молларнинг эгаси булганлар. Ғам, нашотлар билан сенга ухшаб умр утқарганлар. Баъзилар фитна, фасод ва фирибдин куз юмдилар. Энди умри гарибони фироқини чекиб, хоки мазаллатга бошларин қуйганлар:

*Муяссар булса, шодлик билан утказ бу дунени,  
Кунглида қолмасин охир дамида онча армони.  
Ғам қолгай на шоди пойдор, эй, беҳабар, билғил,  
Ато этилган булса сенга давлат мулки Сулаймони.  
Бу давлатга тафохур қилмағил, меҳнатга нолиш ҳам,  
Икки юз йил булур сандин худодин булса фармони.  
Бу дунё лаззатиға булма мағрур оқил эрсангким,  
Ҳазар қил андин, охир булмағил бу ишда нодони.  
Сухбат қилиб дунё билан Худодин булмағил гофил.  
Ажал етганда ногаҳон булмағил охир пушаймони.  
Булиб тул элга мубтало гафлат булиб ғолиб,  
Тополмас ҳеч ким охир бу дарда асл давони.  
Тилингда айтасан дунё ёмон деб, кунглинг ошиқдир  
Бу ишдин тавба қил Саъди, агар булсанг мусулмони».*

Шундай қилиб, подшоҳ кунглига, аҳли қабр зиёратига бормоқ хаёли келди. Яна уйладики, агар кундузи қабристонга борса, бу кавкаба, даб-дабаи подшоҳлик ҳамда аҳли лашкар отларининг оёғида қабристон поймол булгай. Кеч киргунча сабр қилди. Вақт етгач, тағйири либос қилиб, бир мушт тиллони киссасига солди. Ташқарига чиқиб, қабристон томонга равона булди. Манзилга етиб, руҳи осудалар учун фотиҳа уқуди. Кейин қабристон оросига қараркан, назари бир чор деворга тушди. Йироқдин чароғ равшанлиги куринди. Подшоҳ, бу рушнолик нима эркан, деб ул тарафга юрди. Анга яқин келиб курдиким, турт дарвеш ҳирқа кийиб, ўлтурурлар. Туртовлари ҳам чор деворга орқа угиришган, бошларини тиззаларига куюб, ҳар бири ўз ҳоли билан мутаввасит булгон эрдилар. Подшоҳ хотирига келдики, бузрукворлар айтибдурлар:

*Муҳташамлик моясидур суҳбати дарвешлар,  
Равзаи жаннат эрур ҳам хизмати дарвешлар.*

Аларни куриб узича айтдики, албатта, буларнинг хизматларига киргил. Алар дамидин дуо талаб қилғил. Шоядки, баракотлари, нафаслари орқали сенга зоҳир булса?! Зора фотиҳаларидин боғланган эшиклар юзингга очилгай?! Бу андиша билан чортоқ аро қадам қуймоқни хоҳлади. Яна уйладики, азмойиш қилмай, танимай кириш нечук булгай? Ажабмаски,

алар бир бури булсалар, оқ либосларда ултирган? Ёки одам суратидаги дев булсалар-чи?! Шундай уй-хаёллар бирлан ултирган эди, дарвешлардан бири акса уриб, бедор булди. Алҳамду-диллоҳ раббил оламин, деди. Бошқалари ҳам анинг садосидин бедор улдилар, хайрбод, дедилар. Дарвешлардин бири уз жойидин туриб чароғни равшан қилди. Қайта жойига ултирди. Подшоҳ, бу дарвешларнинг қанча қуввати булса, зоҳир булгай, дея бир сағана панасига ултирди. Ва аларда нима пинҳон деб, овозларига қулоқ солди.

Ниҳоят, дарвешлардин бири суз бошлади:

— «Эй, биродарлар, кечани ганимат билайлик. Бу гардуни дун — буқаламун бизни ватандан оввора қилди. Жабри беҳад тортдик. Девоналардек биёбонларда сангидик. Селобдек бир лаҳза ором олмаяпмиз. Тонг отса, бозори гардиш афлок бошимизга яна қандоқ тупроқни пош айлар экан. Нечукким, надомати гафлатга ошuftамиз. Эмди шул беҳроқдурким, филжумла аҳволи, саргузаштимизни баён қилайлик. Бир-биримизга махрам булайлук. Эртага не буларини билмас эканмиз, келинглар, кечани бедор утқарайлук...»

## ҚИССАИ ДАРВЕШИ АВВАЛ

Дарвеш икки тиззаси билан ултириб, тутидек сузга кирди. Гўёки булбули ҳазор достон эрди, гул ишқида нола қилур эрди. Ҳар сузлаганда тилидан шакар тукар эрди. Аввал «ҳой-ҳой» деб йиғлади:

*Бошим савдойи ул зулфи қародур,  
Қаро мужғони кунглимга қародур.  
Бу ҳусни гамзаси уқ урди жонга,  
Кеча-кундуз буёлғонман бу қонга.  
Фироқидан ҳолим ҳоли жунундир,  
Кунгил кузи гунча-ғарқоб хундир.*

Эй, дарвеши дилрешлар, камина бу хирқа билан забонароз қилурманким, фақир Яман шаҳрининг аҳлидан булурман. Бир отам бор эрди. Моли куп булиб, ани Ҳожа Аҳмад Яманий дердилар. Андоқ савдогар эрдик, ҳамма савдогарлар у туфайли иш юритардилар, ризқланардилар. Улуғ фарзанди мен эрдим. Мендин сунг бир ҳамширам бор эрди. Отам ҳаётлигида қанча бойликлар билан турмушга берганди. Ун беш ёшга етган эдимки, отам касал булди. Етти кундан сунг қазойи илоҳий билан руҳи тан қафасидин учиб, айнга парвоз қилди. Қариндошлар билан отамнинг кори созлигини қилиб дафн қилдик. Етти кунгача таъзиятга машғул булдик. Андин сунг қариндошлар уй-уйларига кетдилар. Танҳо уй кунжида ултириб қолдим. Юз минг ҳасрат ва армон оғушида қолиб уртандим. Кузларимдин ёш аримади:

*Хаёли ман нимадурки, фалак ҳайронадур,  
Худодин эрса ҳар ишки, фалак мажоли недур?!*

Шаҳарда қанча бесаруполар, шайтоннамолар бор эрди. Ҳар кун мардум таомидин қорин туйғазардилар. Юпун либосдин бошқа ҳеч нимарсалари йуқ эрди. Чун эшитсаларки, Ҳожа Аҳмад Яманий улубдур. Аларнинг неча нафари манинг эшигимга келдилар. Менга қушилиб йиғламоққа мувофиқатлик қилдилар. Кейин менга насиҳат қилмоққа тил очдилар:

*«Бу йиғламоқликнинг ажри йуқдур,  
Андоқки, бунинг гуноҳи йуқдур.»*

Бундай айрилиқ ҳазрат Одам замонидин мерос турур. Узинг тирик булгил. Аммо ато руҳини дуойи хайр бирлан хушнуд қилгил», — деб афсус бирлан фариқат қилдилар. Ҳар қайсиси бир ҳикояни ароға солдилар. Ман аларни дусти жоним билдим. Кеча-кундуз алар бирла умр ўтказа бошладим. Охируламр таъбимни уйин-кулгига роғиб қилдилар. Бу тариқаки, бир лаҳза ҳушёр эрмас эрдим. Ҳамиша шароб ичарға машғул булдим. Ва яна гулзори шоҳидлар, моҳи рӯҳсорлар билан суҳбат тутар эрдим. Муғаннийлар, мутриб хуш илхонлар ҳамиша бустонимда эрдилар. Уч йил шу тариқа утди. Отамнинг қирқ минг тумандан иборат молини тамом сарф қилдим. Рафиқларим хушомадимга ҳам қарамай бир ён кетдилар. Каниз, навкарларим бошқа томон кетишди. Аларнинг ҳар бири молимдан олиб-олиб кетдилар. Эгнимда бир эски тун, бошимда бир кулоҳ билан қолдим. Ҳатто овқатимга сарф қилгани ҳам ҳеч вақом қолмади. Уч кеча-кундуз масжид кунжида ултирдим. Ташқарига чиқарға юзим йуқ. Ул рафиқларимдан бирига дуч келгудай булсам, мандин юзларини угириб утардилар. Туртинчи кун тоқатим тоқ булди. Очлик лашкари қаноат мулкени тарож қилди. Сабр қушим ҳам бетоқат булди. Харобадан ташқарига чиқдим. Қайга боришимни билмай саргардонман. Ногоҳ ҳамширамнинг уйига бориш хаёли хотирамга келди. Эй, дарвешлар, мундин қабоҳатроғи йуқ эдиким, утган уч йил давомида уни кургани бормагандим. Неча бор киши ҳам юборди. Айтибдурки, «қурбонинг булай, биродарим, сен отамдан қолган ягона ёдгоримсан. Ҳаргиз булмайдики, санинг олдинга боролсам. Бир соат булсин, қадам ранжида қилсанг, қузимни нури жамолинг бирла мунаввар этсанг». Анинг интизорлигига бепарво булиб юраверибман. Вақт етдики, ҳамширам уйига равона булдим. Анинг эшигига етишим билан, биродаринг келди, деб хабар булди. Дарҳол менга пешвоз чиқди. Бир аҳволдалигимни куриб, фарёд қилди. Сочларини ёйиб, кукрагига муштлай кетди. Ҳарчанд тараддуд қилмай, узимни йиғидан тухтатолмадим. Ушал вақт ҳамширам мени кучоқлаб олди, юзимга юзини суртиб, буса қилди. Эҳтиром билан уйига бошлади. Олдимга лазиз таомлар куйди. Баъдаз таом сарупои малукона кийгизди...

Бир куни ҳамширам айтдики, «Уйимда яшашга-ку рӯзилик бермайсан. Жонимни сенга фидо қилур эрдим. Билурманки, менинг уйим була туриб, бошқа уйда туришинг ҳам маслаҳат эрмас. Сафар қилгин, тожир сафар қилмоқда турур», — дея олдимга эллик туман зар қуйди. Айтдики, жами тужжорлар Шом тарафиға борурлар. Сен ҳам матолар харид қилиб, бир соҳиб эътиборга ҳавола қилгил. Башарти Шомда аларни қулинга таслим қилгай. Узинг неча кундан кейин қофила ортин борурсан. Токи, интизор ҳамширанг дийдоринга туйсин. Бу суздан қувониб, айтганларини қилдим. Матолар харид қилиб, бир марди тожир ихтиёрига бердим. Қофила жунагач, ҳамширам билан ун кунча қолдим. У менга насиҳатлар қилар, мен ҳам васъе айём дилгир булиб қолгандим. Бир кун маркаб ва хуржунга керакли ашеларни жойлаб, ҳамширам билан хайрлашдим. Йулда ҳеч қийналмай Шом шаҳрига етдим. Қарасам, дарвоза боғланган. Узимни йул ранжидин қутқариб, тонг отиши — дарвоза очилишини кута бошладим.

Ярим кеча эрди, ун турт кунлик ой тиниққанидан кеча субҳи содиқдек равшан. Келиб ҳандақ лабида ултирдим. Шаҳар қалъасиға боқдим:

*Қалъаки, фалаксифат маҳкам,  
Қанча васф айласам ҳануздир кам.*

Бу ҳолда мутаҳаййир бўлиб ултуриб эрдим, бир кишининг қалъа буржидан арқонда қандайдир сандиқни тушираётганлигини куриб қолдим. Сандиқ ерга етгач, у гойиб булди. Уғри булса керак, қолган уғрилик молларини олиб келишга кетди, деб уйладим. Аммо бир соат утса ҳам келмади. Кейин кунглимда, бу менинг насибам булса керак, Тангри таоло менга иноят қилди, деб қувондим ҳам. Таҳияти кордин гофил эрдим. То доми таъмага умидим ва ғамим зиёда булди.

*Ажиб ранжлар тортдим таъмадин,  
Ул тоғларга етдим таъмадин.*

Эй, дарвешлар, гуёки қазоу қодири азалда тақдир қалами билан сарнавишт булгон эканманки, ҳаргиз табдил булмагай:

*Қазо ҳар ким сорига уқ отарки, бил  
Ани қайтаргали ҳеч булмагай йул.*

Алқисса, жониби қурғон тагига равона булдим. Не уй бирла сандиқ ёнига етдим. Сандиқнинг оғзи очиқ. Кошки, қузим анга тушмаса эрди. Сандиқда бир нозанин ётардики, чун сарви хиромон, жони жаҳон эрди. Аммо нозаниннинг тани хайжар жафосидин мажруҳ эрди. Рухсори аргувони заъфарон, зулфи қон ила оғушта булган эрди. Бағоят нотавонлиқдин беҳуш ётурди. Эй, дарвешлар андоқки сарнавишт эрди. Кунглим мойили ул моҳи шаби чаҳорда руз булди. Қандай золим сенга

бундай зулм қилди, дея кузимдин ашки ҳасрат тукиб абри навбахор янглиг зор-зор йиғладим. Овозимдин ул дилором ҳушига келди. Ҳазин овоз ила нола қила бошлади: «Эй, золим, бераҳм ситамкор, эй, номувофиқ озор, шунча қилган яхшилиқ ва меҳрибончиликларимга жавобинг шуми? Тутган намаким ҳаққи хурлик билан улдурумисан? Кимки тоифаи ёмонга яхшилиқ қилса, оқибати шу буларкан-да? Бузруклар турғи айтар эканлар:

*Ёмондан келмагай ҳеч яхшилиқ, бил,  
Яхшилиқ қилса ҳам анга агар эл».*

Ширин мақол ул дилбар ноласини эшитиб, кунгилни қулимдан бой бердим. Айтдимки, «балоғардонинг булай, сени бу ҳолда кургунча кузим кўр була қолсин эди? Гулсан-ку, узсам, қулларим кесилмасму? Сени кургач, кунглимда меҳрингдан булак ҳеч нимарса қолмади». Овозимни эшитиб нозанин дард чекди: «Кимсанки, менинг ҳоли нотавазимга йиғларсан?» Айтдимки, «Сенга ихлос боғладим жони дил билан, ғарибу бекасу бехонумонман, сенга чун мубтало нотавазиман, гирифтори жамоли зулфи ҳолингман. Эй, нозанин, сенинг узинг қайси осмон ойи, қайси дарёнинг дурри яктосисан? Қайси элдин булурсан? Аслинг ким? Қайси ситамкор, бадкирдор сенга бундай зулм қилди?» Нозанин бетоқат булиб яна нолишга кирди: «Эй, жавон, дардимга қошки даво булолсанг. Яхшиси, мени улдириб, бир гушага дафн айла. Гуё мени курмадинг, аҳволимни ҳеч кимсага ошкор ҳам қилмагайсан? Сенга уз қонимни баҳақ қилдим, мени улдириб бу расволиклардан халос қилсанг. Мени бошимдаги балолардан қутқарсанг, Худодан уз ажрингни олурсан». Ул нозанинга қурбон ва тасаддуқлигимни баён айлар эканман, яна ул ҳур мадҳуш булди. Тўхматга қолмай, бировнинг хунига гирифтор булмай, деб ани ташлаб кетишни ҳам уйладим. Аммо унга булган ишқим далолат қилиб қуймасди: «Бу ишни сарамжон қилмасанг, номингни ошиқи содиқлар дафтарига дохил қилмагайлар». Қизни шаҳарга олиб кирсам, анинг муолажасига кушиш қилсам. Сихат топса, жамоли жони нотавазимга оромбахш булгай», — дейман узимга узим.

Саҳар вақти булди. Шаҳар дарвозасини очдилар. Отда — сандиқни олдимга олиб кирдим. Қайга боруримни билмайман. Субҳи содиқ — жаҳон мунаввар булгач, бозор бошига етдим. Халқ мани бу ҳолда курсалар шарманда булурман, деб кунглимда Яратганга илтижолар қилур эрдим. Ногоҳ унг тарафимга қарадим. Энди очишайтган карвонсаройга назарим тушди. Мен ичкарига кириб саройбонни чақирдим. Бир хужрани тайин қилди. Сандиқни дарҳол анга олиб кирдим. Эшикни маҳкам қилдим. Кангир ва палосимни солиб, қизни ётқиздим. Сунг хонани ташқаридан маҳкамлаб, табиб излагани кетдим. Мени бир бинога йулладилар. Анда бир марди маҳосин сафид ултуриб, неча шогирдлари хизматига машғул эрдилар. Кўри-

шиб, ҳол-аҳвол сурашдик. Сунг беморим бор эрди, бир назар солсалар, дедим. Ул менга эргашиб карвонсаройга келди. Кузи қиз-ғулчага тушиб, айтди: «Эй, ёри бераҳм, шундоқ нозанини бу суратга солмоққа нечук қулинг борди?» Ва жонибимга қараб бир силли қаҳру ғазаб билан урдик, то ҳануз анинг захри фаромуш булмагон. Мен — бечора, ул мард нозанини таниб қолди, деб қурқдим. Унинг оёғига йиқилиб, этагини уптим. Ва ёлвордимки, Ҳақ субҳонаҳу ва таоло номига қасам ичаманки, бунга заҳмларни мен етказганим йуқ. Бу мажруҳ қиз ҳамширам булади. Яман аҳлидан булурмиз. Ота-онам, биродарим, бирла Ҳаж сафари қилдик. Ҳамширам ҳам ҳамроҳ эрди. Йулда уғри ва қароқчилар йулиқдилар. Бошимизга то зиёна<sup>1</sup> уйнатдилар. Ота-онам, биродаримни ҳалок қилишди. Уйладимки, ҳамширамдан ҳам жудо булдим. Тус-туполонда узимни панага олишга улгурдим. Талончилар қофила оросидан чиқиб кетишгач, қайтдим. Қарасам, қофила қатлгоҳга айланган. Фақат ҳамширамнинг ним жони бор эрди. Мажруҳни сандиқ аро солиб, субҳ вақтида шаҳарга кирдим. Шояд, бу ҳамширам онамдан бир ёдгорлик булиб қолса, дедим. Ул мард фикрга толди. Эллик туман зар берсанг, анинг муолажасини қилурман, булмаса ихтиёринг, дея эшикка йуналди. Бунча сармоям йуқ эрди. Табибни тухтатолмадим. Хаста бошида ултириб, йиғламоқдан, худога муножот қилурдан бошқа иложим йуқ эрди. Дафъатан ҳаёлимга, табиб — мато берсам рози булурмикан, деган фикр келди. Карвонсаройдан чиқдим. Қулогимга таниш овоз эшитилди. Қарасам, матоларимни топширган ушал мард турибди. Мени куриб, ҳужрадан матойингни ол, деди. Мен шукри илоҳийни бажо қилиб, матоларимни олдим. Дарҳол ушал табибни топиб келдим. Ва неча матоларни анга бердим. Мутаважжи булунг, дедим. Ул ханжарзаданинг рамақи жони боқийдур, муолажасига мумтоз булгил, дедим. Андин сунг ул мард бир қозон сут иситди. У сиймбарнинг аъзоларини тамоман ювди. Заҳмларини авайлаб тикди, малҳам қуйди. Кунда икки марта малҳам қуйгани келурман, деди. Сендин лозим шулки, андин бохабар булгайсан, бежо ҳаракат қилса, тикиши сукилади, деб тайинлади. Бул фақир банда ул нозаниннинг бошида ултирдим. Белга ҳиммат камарини боғлаб, осойишни узимга ҳаром қилдим. Хунолуда ашкимни анинг жамолига туқар эрдим. Куну тун Худойи таолодан саломатлигини тилардим. Ул жарроҳи мард кунда икки маротаба келар эрди. Ун кунлардин сунг ул неку ҳисол соғайди. Кунглим ул нигорга янада гирифтор булди. Бир ишқим юз булди. Анинг ҳусни улашган севинчдан йиғлардим. Ул ҳам ошуфталигимни билиб дилдорлик қилур эрди. Йиғлаб, зорланишимни истамасди. Мен эса юзларимни анинг оёқларига суртар эрдим. Қирқ кун деганда ҳама жароҳатлари битди. Табиб сулувнинг ҳаммомга бормоқлигига руҳсат берди. Бундан сарви-

<sup>1</sup> То зиёна — қамчи.

кад хушқол булди. Шул кечани истироҳат бирла адо қилди. Эртасига бомдод намозидан кейин, кунглим таом хоҳиш қилдур, деди. Шунда менда бир ҳол руй бердики, бундай аҳволни душманларимга ҳам раво кўрмайман. Шул вақтгача нигор менинг қўлимдин таом тановул қилармикан, деб орзу қилардим. Бугун таомга майл қилганида ҳеч вақом қолмаганди. Ҳатто сотмоқ ва гаровга қўймоқ учун ҳам ҳеч нарса йўқ эди. Хижолатдан бошимни кутаролмасдим. Ул зебо аҳволимни фаҳм айлаб, табассум айлади. Сунг қоғоз-қалам келтиришимни суради. Мен довод-қаламни ҳозир айладим. Менга бисёр дилдорлик этиб, икки калима руқъа битиб, қоғозни менга тутди. Шаҳарнинг Чор-Су бозорига бориб, жавоҳирфурушлик дуқонидаги оқсоқолга бергил, деб тайинлади. Ва анинг нишонларини айтди. Уя муйсафид нима берса индамасдан олиб келишимни, уқтирди. Илмим йўқлиги туфайли руқъа мазмунидан бехабарман. Вақтики, айтилган кишига келиб учрадим. У руқъани уқиб, буса қилди. Филҳол дуқонидан чиқиб, анинг уйига равона булдик. Уйга дохил булгунимизча менга бисёр меҳрибонлик қилди. Мени меҳмонхонасига қўйиб, узи хилватхонасига кирди. Кўп утмай кимхоб дастурхон бирла уралган бир табақ олтин олиб чиқди. Ва бир гуломини чақиртириб, йигитнинг манзилигача етқаргил, деди. Мен уқиб, кузимга ёш олиб қайтардим. Ҳолим шул ерга анжом топдими дея толеим билан жанг қилар эрдим.

*Сарнигун даврон мани қилди зеру забар,  
Эй, фалак йўқдур менингдек, бевафо, бесар!*

Гулом табақни хужамиз эшиги остонасига қўйиб қайтди. Уни алҳол хонага олиб кирдим. Анча оғир экан. Дастурхонни очишимиз билан зару тиллолар сочилиб тушди. Муни кургач ҳайрон қолдим. Бу сарви равон қайси хонадондандурки, бир руқъасига эътибор бериб, шунча бойликни бериб турса?! Бунинг сабабини сураган эдим, ул моҳваш, бундан кунглингга малол келмасин, деди. Айтдики, «бор сармоянгни менинг саломатлигим йулида бой бердинг, мани узингга қарздор қилиб қўйдинг. Энди яхшиликларингни қайтаришим керак». Унинг бу гапидан хижолат булиб, дедим:

*Ераб, ошуби замон булғай сенингдин, бас, йироқ,  
Бизга лутфинг соясидин не ҳам эрди яхшироқ?!*

Андин сунг ул нозанин ҳалол таом ҳозир қилгил, деди. Муҳайё айладим. Баъдаз, фароғи таом айтдики, ай, фалони, агар муҳаббатингга содиқ эрсанг менинг ҳар не амримдан чиқмагил. Мен, ҳар не фармонинг булса бажо қилурман, дедим. Ундай булса, бозорга бориб узинг учун либоси фоҳира харид қилгин, деди. Андақ тааммул қилгандим, андуҳгин булди. Бунақада орамизда қандоқ сазоворлик булгусидир, деб ранжиди. Бундан кейин ҳар нимарса қилсам, сен қарши чиқсанг, сендин



жон қадар ранжида булурман, дея изтиробга тушди. Филҳол бозорга чиқиб, икки кийимлик либос келтирдим. Унга маъқул бўлмади. То анга маъқул кийим топилганча бозорга бир неча бор қатнадим. Андин сунг ул сардори хубоннинг фармони билан ҳаммомга бориб, янги либосларни кийиб келдим. Мени, эрқаланиб, олдига ултиргизди. Орамиздаги завқ-шавқ кудратидан қузимга ёш қуйилаверди. Мен ҳам он қадар анга меҳрибонликлар қилдим. Сунг айтдиким, токай бу саройда юрармиз. Эмди акобирсифат бир ҳовли бунёд айлагил, деди. Қанча зар ва тиллоларни сарф айлаб, уста наққошларни ишлатиб, бир ҳовли тайёр қилдимки, курган одам писанд қилгулик эди. Яна бир куни ул нозанин, юзини беркитгани ниқоб келтиришимни суради. Келтирдим. Сунг, саройбон тайин қилгин, анга бир неча динор бериб, рози айлагилки, хоналарни дид билан безатсун, деди. Шундай қилдим. Ниҳоят, баиззату сериқболнинг қадами ул уйга етди. Келишимиз билан айтдики, энди менга ҳам бир либос лозим. Бундан хурсанд бўлдим. Фақат анга муносиб либосларни танлай олармиканман, деган андишамни аён айладим. Хур жисминга бу жаҳоний либослар муносиб эрмас, сенга беҳиштона кийимларни қайдин топурман, дедим. Шом подшоҳи бино қилгон, «Қасрия» саройига борурсан. Анда бир дукондор йигит бордур. Ул Шом подшоҳидин ҳам бойдур. Анда мен хоҳлаган либос мавжуддир. Бориб саройи Қасрияни куриб, ҳайрон қолдим. Деворларига тилладан нақшлар ишланган. Не мато истасанг, топурсан. Дукондаги йигитни айтмайсизми? Йигирма беш ёшларга борган. Юзи монанди офтоб. Атрофидаги қуллари бемисл одоб сақлаган, сўзлари, ҳаракатларида итоат зуҳури намоеън. Хуллас, йигитнинг шоҳона аҳволини куриб томоша қиласан.

Ул йигитга бориб, эҳтиром билан салом айладим. Унга яқинлашарканман, сеҳрли лутфларига ҳайрон қолдим. Менга энг яқин танишимдек муомала қилди. Меҳрибонлик, меҳмоннавозлик қилди. Сунг не нарса лозимлигини суради. Мастура-миз учун бир қур либос керак, дедим. Кузимга чиройли куринган кийимликларни танлаб олдим. Баҳоси ўттиз туман зар булади, деганди, иккиланмай бердим. Икки гуломини ҳам рози айладим. Йигит, аҳволимни кўрдими, қайси шаҳарданлигимга қизиқди. Яманлик эканлигимни билдиргандим, у мен билан бир кеча улфат бўлмоқ хоҳиши борлигини айтди. Бир мастурам бор, ани ташлаб ҳеч жойга боролмайман, дея узримни айтдим. Баҳона қилаяпсан, деб мендан астойдил ранжиди. Ноилож, уйга билдириб қайтаман, дедим.

Уйга етганимда ягонаи даврон пешвоз чиқди. Бугчани олиб, кийимликларни бир-бир кўраркан, ул йигитнинг аҳволига қизиқди. Йигитдан мамнун бўлганимни баён айладим. Анга меҳмон бўлгани келурман, деб ваъда берганимни ҳам айтдим. Гулюз айтдики, агар менинг ризолигимни тилар эрсанг, берган ваъданга амал қил. Менга сенинг хизматинг басдир, дедим. Сендин ранжида булурман, ёлгон ваъда хуб эмас, деди ул нозанин.

Эй, дарвешлар, ошиқларнинг наздида маъшуқларнинг ризоси фарзи аиндир. Алҳол дард олуца кунгил бирла йигит дуконига бордим. Менга мунтазир булиб турган эркан. Тавозеъ бирлан уйига бошлади. Маконига дохил булдик. Беҳиштона бир бог. Анда олий иморат қад ростлаган. Шоҳона безатилган булиб, айш-тараб учун барча шароит муҳайе. Ҳовуз лабидаги супада жой қилинган. Кабоб тайёр, соқийлар май қуймоққа шай. Ултириб, бир-бир май нуш қилдик. Тутилган жомлар сони купайди. Мажлисга созандалар ҳозир булди. Алар ҳам бода ичиб қизишганларидан сунг, куй чалишиб қушиқ навозиш қилдилар. Хуш овозларидан, гуё қушлар кукдин тушишарди. Парилар рашк этар даражада базм булди. Аммо ул йигит негадир йиғламоққа тушди. Мен мастликдан қулимни гарданига қуйиб, юзи-кузидан ёшларини артдим.

*Хублар шармин тукарда қилдилар бу ихтиёр,  
Бу суҳбати базмни яхши пайдо қилдилар.*

Йигит дафъатан, киши узига лозим курганини биродаридан пинҳон тутмоғи хуб эмас, дедию чиқиб кетди. Куп утмай, бир сиймтани бошлаб кирди. Ул уз жамоли бирла мажлисни янада мунаввар қилди. Хаёлимдан кечди:

*Хублик сийрати сенга таслимдур,  
Одамизот ҳам сенга таслимдур.*

Мезбон тотли суҳбатдан сунг, азиз биродаримга навозиш қилиб берсанг, деди. Нозанин созни қулига олиши билан гули қаҳқаҳдек очилди. Оламни шүришга тулдирди. Кокилларини орқасига ташлаб, навозиш қилгани, ҳамманинг ҳуши учди. Мен ҳам узимдан кетдим. Йигит мени майдин маст, деб билдими, жой солиб ётқизди. Хизматкорларига ташқарига чиқиш учун рухсат берди. Улар ҳоли қолиб, кабобхурлик, майхурлик қилиб, бир-бирларининг «бол сузларидан тотиб» ултирдилар. Бу ерда гафлат босиб ётсам, тарки одобдан булур, деб улар қошига келдим. Йигит яна дилнавозлик қила бошлади. У шундай одоб билан мурувват курсатардики, одам боласи бу қадар меҳрибонлик курган эмасдур. Мухтасари калом, икки кеча кундуз масти лоҳас булдим. Туртинчи кечага келиб, ярим тунда уйқум қочди. Ул нозанин ёдимга тушди. Узимни, ул сиймбар уйда танҳо қолди, мен бунда айшу тарабдаман, дея маломат қилдим. Хафаликдан узимни уйқуга солдим. Алар бошқа улфатчилик қилмади. Вақтики, улар ичкарига — ҳарамларига кирганларидан сунг, хизматкорлар кумагида ҳаммомга равона булдим. Баданимни шароб олмошидан олиб, уйга қараб йул олдим. Уйлайман, ул меҳрибон оғринса, не узримни айтарман? Аммо ул нозанин табассум бирла эшик очди. Иччимдан ёнардим, изтиробим сабабини билгач, киши уйига бормоқлик одамнинг уз ихтиёрида, аммо қайтмоқлик уй эгасининг ризолиги билан булур, дея мени хурсанд қилди. Ва

утган кунларда не иш билан шуғулланганлигимни суриштирди. Мен йигитнинг меҳмоннавозлиги, одамияти, меҳрибонлиги ҳамда маъшуқасининг хусни ва сулуки, латофати навозишга мойиллигини бирма-бир баён қилдим. Андин сунг нуктадонлик бустонининг шамани шакарафшонлик билан дедики, узингни эр санасанг, кишининг сенга тутган нони курсоқингда қарз булур, агар тавонолигинг булса, ани меҳмон қилмоқ тадоригига қушиш қилгин. Ундан хафа булдим: Шундай ҳам қилган ишимдан хижолатдаман. Киноя қилишинга ҳожат йўқ. Ул сулув айтдики, сузимни таъна билмагил. Матлабим шулдирки, ани ҳам меҳмондорликка чорлаб келсанг. Сен ҳам анга зиёфат бергин. Мен, таклифингни-ку, жон деб қабул қилурман, лекин у даражада зиёфат беришга шарт-шароитим йўқ, дедим. Ул зебонинг юзида табассум ёйилди. Ҳеч нарса-нинг гамини ема, Худога таваккал қилиб чақириб келавер, тагин уддасидан чиқмасман, деб уйлаб фикрингдан қайтиб юрма, деб тайинлади. Ул санамнинг раъйи учун ани таклиф қилгани йўлга тушдим. Аммо йигитнинг узр айтиб, уйимизга келмаслигини жуда-жуда истардим.

Йигит мени кўриб тавозеъ билан кўришди. Аҳволимни сураб, гўломига ишора қилди. Кумуш хумчада шарбат келтирдилар. Олдин йигитнинг узи нуш қилди, сунг менга берди. Ичдим, жуда хушбўй ва хуштаъм экан. Бу қандай неъмат булди, деб сурадим. Бу шарбат ханди анбар — оби фарқ, турлик гул ва гиёҳлардан тайёрланган бўлиб, бош оғригини даъф қилади, кунгил қувватини оширади, деди. Бир соатлар утгандан кейин кайфим оша бошлади. Сархушлигимдан каминанинг ҳам кулбасига қадам ранжида қилсангиз, дея таклиф қилдим. У, энди дўстимсан, бундай хоҳиш қиларкансан, албатта, уйингга борурман, деди. Асргача вақтимиз шу тариқа утди. Сунг дукондаги ишларини йиғиштирди. Мен мастлик беҳудлик била кулбамиз тарафга йўл олдим. Йигит қулини гарданимга қўйган, мен ҳам бир қўлимни елкасидан оширган ҳолда борардик. Бир вақт узимга келгандим, беҳаржлик ва бибизотлик ваҳми босди. Бу йигитни қай тариқа меҳмон қилурман, деб уйлардим. Юрагим уйнаб, оёқларимда мадор қолмади. Қоронғу кириши билан андин бир гушага қочдим. Йигитни узимдан йироқ тутмоқчи булдим. Қазоро заргар кучасига кириб қолибман. Ул заргар мени ошuftаҳол кўрди. Узимга келмоқлигимга кумаклашибди. Кузимни очсам, йигит ҳам бошимда турибди. Ноилож ул йигит билан йўлга тушдим. Заргар, йигитга, уйларидин зоҳиран адашибдурлар, дея бизга ҳамроҳ булди. Дарвозамизни нишон бериб қайтди. Заргардан кунглим норози бўлиб, алҳол дарвозага назарим тушди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта, супириб, сув сепилган. Жуда куп кишилар тарадуддалар: ясовуллар, эшик оғалар, фаррошлар, сақолар ва бовурчиларнинг ҳар бири уз иши билан банддур. Беҳудлигимдан йўлимни галат қилдимми, деб уйладим. Аммо яхшироқ мулоҳаза қилсам, ул одамлар менга нисбатан хизматкорлик одобини қилиб турардилар. Вақтики, дарвозага етганимизда икки ораста кийинган

гуломбачча бизга пешвоз чиқишди. Бирининг қулида суроҳи мураассоеъ коса ва биллур жом, яна бирининг қулида олтиндан ясалган идишда кабоб. Пиёлани шаробга тўлдириб олдин менга ҳавола қилдилар. Мен йигитга ишора қилдим. Ул олиб нуш айлади. Андин сунг ичкарига кирдик. Уйлар беҳиштона чароғон, зебо, атлас тушамалар кузни олади. Ҳовлимиз субҳи Навруздек музайян ва мунаввар. Турфа гуллар ифоридан сархуш тортасан. Токчаларда ҳар хил шишаларга солиб қўйилган шароблар. Булбул, тутти, шорак, қумри каби қушлар гуё азалдан бу ҳовлини макон айлагандай. Улар хушбўй атрлар, шаъмлар шуъласи завқидан сайрашарди. Бир қарашда ишрат учун барча шароит муҳайё бўлиб қуринарди. Лаъл ва дурдин минолар, тилло ва нуқрадин суроҳлар, моҳи само, шўхсанг мутриблар хушнавозлик билан мажлисни барорига келтирурдилар. Хизматкорлар чобуклик билан ҳар сўздан боҳабар бўлиб, саф тортиб туришарди. Ул йигит уйга дохил бўлиши билан уни олқишлаб садо бердилар. Меҳмон улугловчи ваъзларни қуриб, мутаҳаййир булди. Мен йигитдан баттар ҳайрон эдим. Меҳмонни ултиргизарканман, ул покиза табиат — сийимтаннинг қуринмаслигига ажабланардим. Анинг жустижуйига ҳар тарафга югурдим. Ҳатто уз жойидан ҳам топмадим. Бир хилватга кириб уйқуга кетган, ҳордиқ чиқараётган булса керак, деб ошхонага юзландим. Ошпазлар турлик таомлар бажо айлашга овора эдилар. Хурлиқомиз ҳам ошхонанинг бир кунжида кабоб пишираёттир. Эғнида бир жанда, юзига ниқоб тортилган, суратини табдил айлаган. Ани бу ҳолда қуриб ўйларим чувалди. Қулларини упдимки, шунча хизматкорларнинг бири бўлиб, меҳмоннинг ҳурматини жойига қуяётганлигидан ҳаяжонда эдим. Кайфиятини сураб калом қилдим. У эса, менга, меҳмонни танҳо қўйиб, узи канорда юрмаклиги одамгарчилик расмига тўғри келмаслигини эслатди. Бундан янада масрур булдим: Эй, жону жаҳоним, ҳар дам жамолингни курмасам туrolмайман. Ҳуснинг ақлимни уғирлаб олмиш?!

*Манга маън этма ошуфталиқни — уйлагил,  
Эмас Мажнун жаҳонда узга маъшуқага моил.*

Жонон каломимдин ханда айлади. Сунг, назмгуйликнинг вақти эмас, ҳозир меҳмоннинг хурсандчилигини ўйлаш керак, деди. Яна менга айтдики, узингни ақибирсифат, улуглардек тутгил. Анга тилла танга ва хилъат жома инъом этмақдин тақсир қилмагил. Хизматингда булган қулларга амр қилмоқдан, тобеъ булмаганларини жазоламоқликдан ихтироз этмагил. Сен шу қулларнинг махзумисан, ҳукмронлик этгил. Меҳмон сени уйингда ночор курса, асло тарабнок булмагай.

Яна бир иш қилсанг. Йигитнинг маъшуқасини ҳам ҳозир айлаганингда эди, меҳмоннинг яна бир муродини ҳосил этган булардинг, деди.

Меҳмоннинг ёнига қайтиб, унга бу таклифни айтган эдим, жон деб рози булди. Канизларнинг бирини юбортириб, ул

санамни ҳозир этдик. Мажлисга тагин куй-наво қушилди. Зие-фат андоғ даражага етдики, ул йигит қилган меҳмондорчилик учун хижил булди. Уч кеча-кундуз айш-ишрат оғушида булдик. Туртинчи кун, бир замон уйқу элитган экан, куз очсам, меҳмонлардан, ҳовлидаги ғалағовурдан асар йуқ. Ҳатто ул дилбарим ҳам курунмайди. Кунглимга икки меҳмон ғами тушди. Меҳмонхонага кириб, теравроқ назар солсам, уралган икки гилам ётибди. Саросимага тушиб, очдим. Не куз билан курайки, икки улик — бири ошноий азизим булса, иккинчиси чанг урган каниз. Бошим гарангсиб ташқарига чиқдим. Нотаниш бир мумин келиб, салом айлади. Сунг мени узига эргаштирди. Йул юриб хушнасим бир масжидга келдик. Шу ерда кун ботишини кутасан, деди ул ҳамроҳ менга, ярим кечаси ул дилдор васлига молик булурсан. Вақтики, ёнимга хизурваш бир нуруний келди. Ортидин юришимни суради. Бир нарсага ҳайрон эдим: Нега ул маҳлиқо мен билан хуфена учрашмоқчи? Ул мард мени бир нақшли дарвозадин олиб кирди. Ичкарида ҳам бир неча эшиклардан кириб бордик, охир бир хонага киргандик, нуруний менга, шу ерда кутгин, деди. Бир замон ул пари намудор булди.<sup>1</sup> Хиром айлаб олдимга келди. У янада очилиб кетган, либоси маликаларга хос, шамъи жамолидан куз қувонарди.

*Хиромон келди ул сарв олдимга боз,  
Хазорон лутф айлаб, ҳам ишва, ноз.*

Аҳволимни суради. Мен анинг дийдоридин мадҳуш, қувватим йуқки, дам урсам. Куп лутфлардан сунг, ул айтди, мен учун куп озорлар тортдинг. Бор бисотингни муолажамга сарфладинг. Худойи таоло сенга хайр берсун. Мен сени ҳамиша дуо қилурман, сен ҳам мени фаромуш қилма, дея эшикка овоз берганди Хожа сарой кириб келди ва менинг олдимга икки халта зар келтириб қуйди. Яна бир гуломига буюрдик, от ва салоҳ келтиришсин. Сунг айтдики, сенинг бу шаҳарда қолмоқлигинг мумкин эмас. Узримни қабул айла, хайрлашмоқдан бошқа чорамиз йуқ.

Эй, дарвешлар, мен анга ялина бошладим:

*Эй, сарви хушхиром, қайда ул эъзоз,  
Ушшоқлар, дил уртар, бу ноз-не ниёз?!*

Ул нозанинга, мен-ғамзада бечорадин икки калима суз эшитинг, дедим. Ул, айт, деган маънода қош чимириб қаради. Айтдимки, умринг дароз улсин. Вақтики, сен узинга улимни раво куриб, мени улдириб бир четга дафн қилгилки, аҳволимдан ҳеч ким хабар топмасин, дегандинг. Мен ноодам булганимда эди, ул суҳанинг буйича иш қилган булардим. Энди

<sup>1</sup> Мазкур воқеа Хиромий қаламига мансуб «Чор дарвеш»нинг — 7713 (II) қулъмаси асосида тўлдирилди.

менинг гапимни эшитгин. Менга сенсиз зиндагонликнинг кераги йуқ. Ё узингга мени хизматкор қилиб сақлагил. Ёки бир гуломингга буюргин, мени улдирсин. Сен утадиган йулнинг бир четида дафн айлашсин. Аҳли неклар ёмонлик қилувчиларга ҳам яхшилик қиладилар. Мен-ку, сенга хубликдан бошқани раво курмасман. Менга нега ёмонлик қилмоқдасан?!

*Ёмонлик ёмондин келур, бил ани,  
Зулматга мукофот ажиб равшани?!  
Ким нокасга мукофот қилур,  
Бу хубликни Тангри таоло билур.  
Ё мани фикри дилафгоримни қил.  
Ёки улдиргил, мани қоримни қил.  
Мундин узга менда йуқ фикру ҳавас,  
Иккисидин тут бирини — зоримни қил.*

Ул нозанин, бу сузлардан нафъ йуқдур, сен бир марди гарибсан, мен эса подшоҳ қизиман. Орамизда қандай мувосилат пайдо булғай, деди. Мен умидсизликка тушиб, ҳеч булма-са, булиб утган воқеанинг сабабини баён эт, деб сурадим. Ул, сирим узим билан қолур, деб кетишга чоғланди. Қанча ялинсам ҳам парво қилмай эшикдан чиқди. Унга талпинмоқчи эдим, Ҳожа сарой ва канизаклар қуймадилар. Инъомларини қабул қилмасам ҳам, зурлаб мени кучага чиқариб юбордилар. Гирён булиб яна масжидга мақом олдим. Кечаси ул уйда ултуриб навҳа қилур эрдим. Олти ой шу минвол била кечди. Аҳволимдан хабар оладиган одам йуқ. Андоқ заиф, нотавон ҳолга келдимки, назари тушганинг раҳми келарди. Охири худойим Ҳожа саройнинг кунглига раҳм солди. Масжидга кириб келган эди, намозхонлар унга аҳволимдан хабар бердилар. Нега бу куйга тушганимни англадилар. Ҳожа сарой олдимга келганди беихтиёр дедим:

*Жон берурман, озурда қосид, еткур хабар,  
Мажлис ул нозинда утса ҳарф ман агар.*

Ул хожа ҳолимни куриб, ҳарамда — малика ҳузурида йиглайдур. Ул йигит нобуд булса, қиёматда Худойи таолога не жавоб берурмиз, дебди. Малика кунглида раҳм уйғонибди. Ҳожа саройга тайинлабдики, анинг бошида тургил, яхшилаб муолажа қилайликки, шояд сиҳат топса?! Фақат андоқ қилгилки, ҳеч киши матлаъ булмасин. Худо курсатмасин, жон таслим килса, мен айтган жойга дафн қилурсизлар.

Ҳожа сарой келиб бошимга ултирди. Муолажа учун табиб еллади. Оғзимга шарбат томизди. Кеч булганда мени пюзанининг олдига олиб борди. Дилбари ширин аҳволимни куриб гоятда ачинди. Уз ҳақимини муолажам учун банд айлади. Табиб курдики, менда заифликдан узга хасталик йуқдир. Файр аз шарбатки, мақдуйи дил ва ламнои лутфи нозанин булғай. Уч кундан сунг даволашга утди. Чиндан бетоб эрканман, кун сай-

ин қувватга тула бошладим. Нозанин ҳам бошимдан кетмай қолди. Куз ёшини равон қилгани қилган эди.

*Ошиқнинг дардига маъшукдин узга йуқ даво,  
Бечоралик шарбатин Фарҳодга Ширин тутар...*

Менинг ҳам кузимдан ёш аримас, ул наргиснинг куз қорасига мукамал булиб, севинчимни яшира олмасдим. Ул ҳам мушфиқона навозишлар била дилдорлик қилар, жон афғор қилур эрди. Унинг дийдори, мени эъозлашларидан кунглимдаги бор ранжу алам йуқ бўлди. Йигирма кундин сунг аввалги ҳолимга келдим. Хусусан моҳитобоннинг ёнимда булгани жонимга оро солди.

Бир куни кечаси Малика айтдики, не матлабинг бор. Иккимиз билан булиб утган воқеанинг важини билимоқчиман, дедим. Ул куники, сенинг мулозаматингга етдим. Куп мушоҳада қилурман, аларнинг кашфи зоҳир булмас экан, юрак гуссадин қондур. Умрбод ғамга асир булурман. Ул сулув айтдики, айтсам тилим куйгай, айтмасам дилим:

*Агар изҳор этар булмас, тиғи забон куйгай,  
Гар пинҳон қилсам дар сийна мағзи устухон куйгай.*

Мендаги ҳаққинг эвази учун ҳам ул сирни очмасам булмас. Умримни ризолигинг йулида сарф қилурман. Сенинг роҳи салоҳингни истарман.

Мен Шом мамлақати подшосининг қизиман. Ота-онамининг мендан булак фарзандлари йуқ. Мен алар бағрида эрка ва эркин ўсдим. Узимни таниғондан сунг кунимни айш билан утказа бошладим. Бузрукзодалар, кадхудоларнинг соҳибжамол қизлари менинг хизматимда булиб, кунимиз боғларда, шомимиз ширин суҳбатлар оғушида кечарди. Хушгул ва хушсурат қанизларим ҳар бир ишорамга маҳтал эдилар. Бир қусурим туфайли шум қисмат дастига тутилдим. Куп шароб ичмакликдин дилгир эрдим. Бир оқшом анинг хумори тутди. Юрагим уйнаб, қул-оғим титрарди. Атай қулимга жом олмадим. Чунки, тарки шароб айламакни узимга лозим курган эдим. Бир Ҳожа саройим бор эрди. Ул менга буза ичмоқликни маслаҳат берди. Шароб хуморини буза даъф қилур, деб туриб олди. Келтиргил, дедим. Бир соат утар-утмас олиб келди. Ёнида нотаниш угил бола ҳам бор эрди. Анинг муйловлари энди сабза урган, эғнида эски чопон, бошида наमत кулоҳ, белини қувга билан боғлаган. Қулига сават тутиб олган эди. Ани куришим билан юрагим куйди. Анга раҳмим ҳам келди. Бунини Ҳожа саройга айтдим ва порай ибот қилдим. Ҳожаи сарой табассум қилиб айтдики, маликам, кишига ҳақорат кузи билан қарамоқлик яхши эмас, ҳали ахтар<sup>1</sup> шул уғулнинг қучоғида бул-

<sup>1</sup> Ахтар — юлдуз.

гай?! Филҳол гулом келтирган бузани қадаҳларга куйдилар. Ҳар қайси қизга бир миқдор буза берилди. Мен ҳам ичдим. Бир лаҳза утмай кайфиятим узгарди. Бир вақт қарасам, ушал уғулни канизаклар ураб олишган, алар уртасида алланечук гафго кутарилганди. Келиб сабабини сурадим. Ҳожаи сарой айтдики, уғилнинг масхарабозлик лаҳқати бор. Бузахонада масхарабозлик қилур. Ҳожаи сарой ани менинг ёнимга чорлаган эди, хуш қилиқлар қилди. Мен ҳам кулдим. У кетар чоғида қаҳва олиб келган кузасини нуқрага тулдириб беришларини буюрдим. У менинг хоҳишим билан ҳар куни қаҳва олиб келар, бизни кулдириб, кузасини нуқрага тулдириб кетарди. Олти ойгача шу куйи қатнади. Шунча вақт утса ҳам, биздан он қадар фойда курса-да, куриниши уша-уша: эғнида эски тун, бошида намати кулоҳ. Ҳеч тағйир булғони йуқ. Бундан таъсирланиб, кузасини зарга тулдириб беринглар, дедим тайинлаб. Аммо олти ой бу минвол билан утса ҳамки, ҳамон эғни юпун. Охири бир куни сурадим. Саркорларим берган шунча зарни не қилдинг? Либосингни тағйир бермайсан? Ул айтдики, сиз берган зарларнинг барини устодим олиб қуйди. Мен анинг даргоҳида фақат қорин туйдиргани юрурман. Ота-онам йуқ, бир тифлидурман. Мени юз динорга ижора қилиб қуйган. Дарров Ҳожа саройини чорладим. Дедимки, бу уғилни олдингда сақлагил. Анинг аҳволига узим мутакафил булурман. Анинг учун анча либоси фоҳира тартиб қилдим. Яхши таомлар бердим. Бора-бора у ночорликдан бутунлай халос булди. Муборақхона шароитларига мослашиб, ҳатто кунгилхушлик қиладиган — шароб ичадиган одат чиқарди. Ҳусни зиёда булди. Шухлик ва маъшуклиги юз чандон ошди. Анга шу қадар урганиб кетдимки, бир лаҳза курмасам туrolмасдим. Анинг ҳам менда ишқи борлигини мажлис аҳилларининг бир нечаси айтганди.

*Юрагинг титроғини рангинг учтоғининг билур,  
Ошиғи бечораки, ҳар қайда расво булур.*

Уч йилгача анга ишқибозлик қилдим. Сунг доялар, сарой аёнлари маслаҳат қилдиларки, энди ҳарамга келмасин. Магар келса ҳам, хуфена келсин, мулоқот воқеъ булсин. Мулозимлар қаторида юрса ҳам булади. Узига ҳам нафи тегади. Маслаҳатлари менга маъқул булди. Дарҳол анга минг тилла танга санаб беринглар, дедим. Отамнинг саркори Малик тужжорга хабар юбордим, анинг учун бир дукон қуриб бердилар. Ва керакли матоларга тулдурдилар. Барча саркорлар манинг хотирим учун анга ружуъ қилур эрдилар. Уз ҳовлимга яқин анинг учун бир ҳовли сотиб олдим. Ани гулом ва хизматкорлар билан таъмин этдим. Уйидин ҳовлимга нақиб ковлатиб, боғимдан чиқадиغان қилдим. Халқ уйкуга кетиши билан маҳрами рози Ҳожа сарой ва дояи маҳрамм ҳаракати бирла ёрим висолига етардим. Тонггача суҳбат айлардик. Он қадар гафдон булса ҳам ҳазил-мутойибаларимдан қизариб кетар, терга ботарди. Ҳижоб ва хижолат анга мастули булур эрди. Менга тариқи мулозимлар-



дек сулук қилур эрди. Кузимга нимадандир ранжигандай бу-  
либ куринарди. Бир кеча сабабини сурадим. Шаҳар атрофида  
бир боғ сотилаётган экан. Икки минг туман зарга олсанг ҳам  
арзон булиб, баҳоси минг туман экан. Ушал уйни олгани зари  
муқлигидан хафалигини айтди. Буюргандим, айтилган зарни  
келтириб бердилар. Боғни ихтиёрига олди. Бир кеча ани икки-  
миз сайр айладик. Хуб жаннати боғ экан.

Ҳамиша анинг ризолиги йулида куним кечарди. Еса ер-  
дим, ичса ичардим. Қувонса қувониб, йиғласа йиғлардим. Ри-  
зойи маъшуқани ихтиёр қилмак ошиқлар мазҳабидаги фарзи  
тайндир.

Бир оз муддат утди. Бир кеча яна рухсорида малоллик зоҳир  
улганини курдим. Сабабини суриштирдим. Бир муғанний кани-  
зак бор эрди. Чанг ва танбурни сайратиб чалар, булбулдай  
хушхон экан. Одоб ва хизматкорликка беназир ул канизакни  
измига олмоқликни истабди. Икки юз туманга анинг ҳовлиси  
хизматига банд булиб юриши учун, канизакни сотиб олдим.  
Уша кечаси канизакни суҳбатимизга қушдим. Канизакни ҳам-  
ма ишга қобил курдим. Ҳаётда курмагани — ҳеч нағма андин  
қолмаганлигини билдим. Анга либоси заррина тортиқ қилдим.

Бир кеча ул йигит учрашадиган жойимизга келмади. Доя-  
ни хабар олгани юбордим. Ул жонсарақ ҳолда қайтди. Менга  
ҳеч нима дёёлмай, тақсиротимни бул кеча маоф қилгил, бош  
огригим тутди, дея узини панага олди. Англадимки, нимадан-  
дир озори бор. Узим йигитни курмакка бордим. Бориб кур-  
сам йигит канизакнинг тиззасига бошини қуйиб етибди.  
Қизнинг юз-кузига қадалиб қолган. Бу ҳолни куриб, англа-  
димки, аларнинг бир-бирларига майллари бор. Менда ишқ  
гайраги мастули булди, танимга титроқ кирди. Алар мени  
куришиб, уринларидан сапчиб турдилар. Узимни мағрур тут-  
дим, ҳеч нима демадим уларга. Йигит касаллигини, канизак  
узига меҳрибонлик курсатаётганлигини важ қилди. Шундан  
сунг йигитни уйлайдиган булдим. Шубҳалар дастидан осойи-  
шим йуқолди. Канизакни уйлаб рашк утида ёнардим. Йигит  
яна бир кеча келмади. Бетоқат булиб анинг талабига одам  
юбордим. Уйда йуқ экан, деб хабар келтирдилар. Юракда  
гайрат оташи ёнди. Фигонимдин дуд чиқди. Ҳама уйқуға  
кетганда анинг уйига бордим. Канизакларидин бири айтди-  
ки, алар келишингиздан хафсираб, боғга кетдилар. Бу хабар-  
ни эшитиб, олам кузимга қоронғу булиб куринди. Не хаёллар  
билан боғга равона булдим. Дарвоза маҳкам экан, ҳазор ма-  
шаққат билан девордан ошиб тушдим. Ой тулишган вақт  
эди, ҳаммаёқ кундуздай равшан. Йигит билан канизакни та-  
ниб оларга яқинлашдим. Иккиси ҳам бир-бирларига ишора-  
тона қилиқлар қилур эрдилар. Мен бир канорада ултирдим.  
Канизак рубаруйимда булиб, йигит менга орқа угирганди.  
Беихтиёр рубойи уқидим:

*Не қилдим бу фалакка бевасила буддим доғимда,  
Ажал даввоси ҳамон кеча-кундуз суроғимда.*

*Қаробактлик булур мувоиздин ортук, ой мусулмонлар,  
Булак не мажлис равшан булар эрса чарогимда.*

Мендин садо чиқиб, канизакнинг менга кузи тушди. Қўлдаги жомни қўйиб, қўли бирла йигит жонибига туртди. Йигит ҳам менга қаради. Бир оз тўлгондилар-да, бир-бирларига буҳтон сузлар айта бошладилар. Канизак, ошиқлик нима учундирки, мени дарбадар қилиб, олиб қочибсан, деса, йигит, худо жазойингни бергур, менга тева сотиб эрдингни, мен уйимни тарк қилсаму, сен тарк қилмайсан, дерди. Йигитга, энди нега бундай номардона гаплар айтурсан, базмларингни мен ҳам томоша қилсам не булгай, деб кесатдим. Йигит менга узимни ҳалок қилмасам сен менинг ҳолижонимга қўймайсан, деса канизак истехзо билан ханда айлар, орамиздаги утни алангалатарди. Йигит ханжарини чиқариб узига урмоқчи булди. Мен бориб қулига епишдим. Қурбонинг ва тасаддуғинг булай. Нега узингни улдирурсан, улдирмакка мен лозимман, мана мени улдиргин, дедим. Ул ҳам қаҳр-ғазабданми, мастликданми ханжарни биқинимга урди. Сунг узимдин кетиб не булганини билмадим. Маълум булдики, мени улди, деб хаёл қилишгану сандиққа солиб шаҳар деворидан ташқарига туширганлар. Ажалим етмаган экан, бошимда ҳозир булдинг. Аҳволимга мутакафил булдинг.

Эшитдингики, бир мардуми нокасни жону дилим билан ардоқлаб, бечоралиқдан баланд мартабага еткардим. Яхшиликларим эвазига бевафолик қилганлари майли, қонимни туқишди. Мен ҳам ноҳақ туқилган хуним эвазига икковини ҳам улдирдим. Вақтики, ул уйда, уралган гилам орасида боши кесик икки жасадни қуриб, ҳайрон қолдинг.

Ул барнонинг сузларини эшитиб, андин сурадим. Ул нонқурни уйга таклиф қилиб келганча, барча шароитни муҳайё қилдинг. Отанг матлаъ булмадими?

Рум ва Шом мамлақати подшоҳлари бир йилнинг олти ойини Хунгор подшолигида утказур эрдилар. Ушал айёмда Маликанинг отаси ҳам Хунгор подшоси хизматида экан. «Сен ул йигитни меҳмон қилмоқ талабида борганингда — баён қилди у — бошимга чодир ташлаб, онамнинг ҳузурига бордим. Мени қуриб фарёд қилди. Саломатман-ку, йиғламагил, деб ани овутидим, онамнинг қўл-оёғини буса қилдим. Яна уч кун менга руҳсат беришини сураб, ёлвордим. Шукрки, менинг йуқолганим халқ орасида ифшо булгон эмасди. Муҳри барокат ҳам бажо эрди. Уттиз уч корхонадин эҳтиёжбоп нарсалар уйга келтирилди. Сен ҳаддин зиёд маст булиб, менинг тадбиримдин беҳабар қолдинг».

Ул санамдан, мен руқъа олиб борган жавоҳирфуруш ким эди, деб сурадим. Малика айтдики, у қаҳвафуруш эди. Вақтики, у ҳар сафар қаҳва келтирганда, анинг кузасини зарга тўлириб берардим.

Сунг ул нозанин айтдики, мандин кўнгил узганинг хул эрди, дея тагин менинг марди ғариблигим, узининг подшоҳ

қизи эканлигини юзимга солди. Мен анинг оёғига йиқилдим. Хоки пойини қузимга суртдим, қуз ёшларим била намладим. Куп илтижоларимдан сунг кунглида раҳм уйғонди. Айтдики, бу шаҳарда туриб кунглингни овламоғим, ризойингни истамакликнинг сурати йўқдир. Сени деб тарки диёр қилурман. Бу ердан кетурмиз. Сахроларда кун кўрсак ҳам майли, бирга бўлурмиз, деб куп дилдорлик қилди.

*Манки бердим дил ва дилимни ба туфони бало,  
Уй тинчлиги бузилди, ғамга бўлдим мубтало.*

Шул айёмдин бошлаб Маликанинг ишоратини кута бошладим. Бир куни Ҳожа сарой кушкида ултириб эрдим, бир одам эшикдин кириб келди. Тез юргилки, фурсат қулдин кетадур. Ортидан равона бўлдим. Таблхонага келдик. Икки яхши отни эгарлаб берди. Тагин икки жавоҳир тула хуржин, икки даста салоҳ келтирди. Сунг Малика чиқиб келди. Иккимиз отга миниб шаҳардан ташқарига чиқдик. Биебонга юзландик. Кеча-кундуз йул юрамиз. Кунда икки марта отларга дам берамиз. Узимиз ҳам ҳордиқ чиқариб тановул қилиб оламиз. Йул устида суҳбатлашиб борқанмиз, Малика такрор сурардики, мен сени деб диёримни ташлаб кетаяпман. Ота-онам ҳажрини зиммамга олмоқдаман. Сен ҳам ана у йигитдек бевафолик қилмайсанми? У рустойи ситамкордек ор-номусимни поймол қилмасмисан? Мен анинг учун жон беришга тайёрлигимни айтиб, кунглига таскин берардим.

Бирор ойча йул юрдик. Иссиқ ҳаво ташналикни юз чандон оширади. Бир куни олдимиздан азим бир анҳор чиқди. Андин кечиб ўтмоқликнинг иложи йўқ эди. Мен нозанинга, шу дарахт соясида бир лаҳза ором олгил, мен куприк қилиш ҳаракатида булай, дедим. У сүзимни маъқул қуриб, курсатган жойимга қарор топди. Мен дарёнинг юқори-қуйи тарафларига айланиб юрдим. Охири бир гузар топдим. Қайтиб дарахт камарига келгандим, ул нозанин кўринмайди. Ҳарчандки, ҳар тарафга югураман, ундан дарак йўқ. Узимча, кимдир уни йулдан уриб, қайтиб уз юртига олиб кетган, деб уйладим. Ва шунча йул машаққатини тортиб, Шом мамлакатига етиб келдим. Йўқ, уз юртида ҳам йўқ у! Уч йилки, уни қидираман. Бориб кўрмаган шаҳрим қолмади. Ҳеч бир ердан хабарини топмадим. Анинг бу дунёда сурати борлигига ортиқ ишонмадим. Дилдоримнинг ҳажрига дош беролмаслигимни билиб, жонимга қасд қилмоққа чоғландим. Йул юриб, бир тоққа етганимда беихтиёр анинг узосига чиқдим. Энди узимни ташлай деб турганимда, қасрдандир бир марди обид пайдо бўлиб, мени тухтатди. Мен, гардуни буқаламун, кажрафтор уйинларида бетоқат бўлиб, узимни тоғдин ташламоқчиман, дедим. Ул обид табассум қилиб айтдики, йўқотганингни топгусисан. Анинг васлига яна стурсан. Қўстантания шаҳрига бор. Унда сенга уч дарвеш рафиқ бўлурлар. Уларнинг ҳар бирида ҳам бир матлаб

бордур. Биргаликда Қустантания подшоҳи хизматига етур-сизлар. Сизларнинг ташрифингиз билан подшоҳ муроди ҳосил булур. Сизлар ҳам йўқотганларингизни анинг туфайли топурсизлар, деди-ю дарахт тагидаги чашма бошига борди. Қуръон тиловат қилурга утди.

Шу куйи сиз азиз дарвешлар, васлингизга етдим. Тонг отса бу гардуни буқаламун бошимга яна не савдолар солур? Холо хуш булайлик. Сизлар ҳам саргузаштларингизни бир-бир сўзланглар. Фурсат ганиматдур.

Ровиени дафтар, нақллари ширин, муътабар дарсгуйлар шундай ривоят қиладиларки, Озодбахт подшоҳ бир четда туриб, эшитган саргузаштига таажжуб қилди. Одам боласининг бошига шунча кулфат раво курилганидан изтиробга тушди. Кунглида қозиал ҳожат номига муножот қилди:

*Эй, ҳама ҳастизи ту пайдо шуда,  
Хоки заиф аз ту тавона шуда.  
Хастии ту сурат пайванд не  
Ту бакас, кас бату монанд не  
Зер нишин илмат коинот,  
Бо ту қойим ва ту қойим базот.  
Онки тағйир напазираз туйи,  
Онки намурда аст намурт туйи.*

Эй, Аҳад, Эй Самади вожиб ул таъзим ва эй, нукдорандайи арши азийм.

*Аҳдо сомъе ал муножот,  
Ҳамдо кофи ал муҳиммот.  
Ҳеч пушида аз ту пинҳон нест,  
Олам ал сард вал хуфени,  
Ҳар дуоеки мекунад баъда  
Истижоб бо муҳиб ал даъвоти.*

Шундай шукроналарни кунгилдан утказиб турганди иккинчи дарвеш уз саргузаштини бошлади.

## ИККИНЧИ ДАРВЕШ ҚИССАСИ

Иккинчи дарвеш сўзламак учун бош кутарди. Неча роз очмоқликка оғоз қилди:

*Азизлар сизлардин тилаким будур,  
Хирад суз таъмин чандон билур.  
Бу ерда сўзимдир фародон, билинг,  
Не сўзларман ул сўзга бовар қилинг.  
Кими бошида хуши бордур озроқ,  
Ки бир соат ҳарфимга солсун қулоқ.*

Эй, азизлар, камина подшоҳзода эрди. Отам Ажам мулкиниг ҳукмдори булиб, мендан булак фарзанди йуқ эрди. Шу боис, мени уз аҳдига соҳиб қилиб эрди. Ҳар вақтимни айшишрат билан утказардим. Таъбим шикорга куп мойил эрди. Бир кун иродайи имкон қилдим. Анча тайёргарликлар курилганди. Қарчиғай, лочин, итолғу, бургут ва тозилар шикор учун шай эди. Шикаргоҳга етганимизда амирзодалар, бекбаччалар, паҳлавонлар садо урмакликка машғул бўлдилар. Мен ёлғиз узим баланд бир тепага чиқиб, атроф жонибни томоша — тафарруж қилур эрдим. Ногоҳ бир оҳуга кузим тушди. Кунглимга ул оҳуни тирик тутмоқ ҳаваси келди. Анинг ортидан слиб бораётган шикорчиларни тўхтатдим. Тарафимга келиб, менга ҳам чап бериб қочди. Аҳли лашкарга, ҳеч ким ортимдан тушмасин, дедим. Қулимда каманд билан анинг ортидан равона буддим. Ул, йироқлашиб қолсам, утлашга машғул булар, яқинлашсам тагин қочарди. Чошгоҳдан гуруби офтобгача дашт-биёбонни кездим. Отим югуришдан қолди. Қаҳр манга мастули булиб, камонни қулга олдим. Отган уқим нишонга бориб етди. Оҳу яраланиб, судралғудай юра бошлади. Узини тоғликка яширди. Мен ҳам орқасидан бориб, тоғ узасига чиқдим. Бир гумбазга кузим тушди. Анга қараб бордим. Гумбаз эшиги пойидан чашма оқаркан. Қул-юзимни ювиб олдим. Гумбаз ичидан бир овоз келди. Қулоқ тутсам, биров: «Эй, рафиқи ҳамдам, сенга қайси золим, хунхур бу зулмни раво кўрди. Уша манинг куйимга тушиб, рафиқларидин баҳра курмасин». Ажиб бир ҳолатга тушиб, ичкарига кирдим. Қарасам, бир оқсоқол оҳуни кучоқлаб олган, тинмай йиғлаб, уқ отгани маломат қиларди. Ёнига бориб салом бердим. Қаро либосда ул тағинам мулзам кўринарди. Ул мард мени куриши билан таъзим қилмоққа урнидан турди. Ман кўймадим, узим бориб олдига утирдим. Айтдимки, эй, бузруквор, бу беадабликни ман қилдим, тақсиротимни афу қилгин. Ул, гуноҳингдан мен эмас, Худойи таоло кечгай, деди. Оҳу жасадидаги уқнинг захмини боғлашга бир оз тутуниб, сунг суҳбатга ултурдик. Таом келтирди. Тановул қилдик. Гумбазнинг турт суфаси булиб, анинг бирига парда тортилганди. Ул мард ушал суфага борди. Ва нола қилди:

*Эй, фалак сенга айлағум нола,  
 Кузимдин хун тўкурман — бу не вола?!  
 Курдим нега бунча зулму ситам,  
 Бу сабабдин кунглим доимо пурғам,  
 Қисмат, мудом дейсан: «Нола, уйғонгин»,  
 Ахир, шундай ҳам одамлар дили сангин.*

Марди пир аҳволини кўриб ажабландим. Ичкарига кирдим. Анда бир тахтда нозанин санам ултирибди. Эғнида фарангча либос, бир оёғини узотиб латифона ултирур. Ул мард юзқузини анинг пойига суртарди. Аммо ул санам анга ҳеч илтифот қилмасди.

*Хати фаранги, холи банди эрди, лаби бадахшони,  
Манинг моҳимда камлик шунчадурким бу мусулмони.*

Алқисса, эй дарвешлар, бул ҳодисотга ақлу ҳушим кетди:

*Дилу динимни элтди, тоқат ҳушимни ҳам олди,  
Бани сангин дили бошимга ҳайронлиқни ҳам солди.*

Беихтиёр ҳушимдан кетдим. Бир вақт узимга келганда ул пир юзимга сув сепарди. Манга бу гапни айтиб йиғларди:

*Сен бедил булдинг, мисли ман мубтало анга,  
Мен-ку бечорамаи, бечора улдинг сен, нега?!*

Бузруквордин, бул кимдир, оти нимадир, қайдин қулга киргиздинг, деб сурадим. Ул, буни узидан сурагил, деди. Илгари бориб, салом қилдим, жавоб бермади. Айтдимки, эй, гулузор нозанин, саломга салом билан жавоб бермаклик вожибдир. Магар бировдан озурда бўлсанг, айтгил, анинг иложини қушиш қилай. Шунда ҳам ул малак жавоб бермади. Яқинроқ бориб оёғига бош урмоқчи эдим, қулим тегиб кетди. Не куз билан курайки, тошдан ясалган ҳайкал экан.

Нуронийга алам билан қарадим: Эй, гумроҳлигинин жоҳил, эй, шайхи шаъбадабор, бу не нақши куфроналикдир? — сурадим ундан. Ул пир табассум қилди. Айтдики, кошки сенинг гузаринг бу жонибга тушмаса эрди? Ман қайдин рози булурманки, бир изтиробга иккимиз шерик булсак. Айтдимки, «Илоҳим манинг куним анинг ҳам бошига тушсин», дея ҳали узинг дуойи бад қилган эрдинг. Мана, кунинг бошимга тушди. Энди фикри дилафгоримни қилурсан. Бу соҳиби суратким, бу матлуб қайси халқнинг ариғи канорасидандур. Узинг кимсан, бу суратпарастликдан муддаоинг не? Менга жавоб бергил», дея қайта-қайта сурадим. Ул пир айтди: Бу ҳикоят этгулик, эшитгулик эмас, бу — макони қалб булган бир сирдур. Уз бошингга можароларни бошлама. Азият чекмайман, десанг, бу суратга кўрмадим, дегил. Туш кўргандим, утиб кетди, деб тасаввур қилгин, дея кўп насиҳат қилди. Мен эса сузимла турдим. Бу розни менга қашф айламаслиқнинг иложи йўқ, деб туриб олдим. Пир, бундан мақсадинг нима, деб сураган эди, ошиқман, ошиқи шайдоман, дедим кузимга еш олиб. Пир айтди:

*Эй, угил, кори ишқ кори эмас,  
Қилмагил ишқибозлик бози эмас.*

Тагин кўп насиҳатлар қилди. Қулоқ солмадим. Айтдимки, то баён қилмасанг қулимни ёқангдан олмасман. Пир айтдики, агар айтсам, бечора булурсен. Бечоралиқдан ҳайиқмасман, дедим. Ноилож қолган пир сузлай бошлади.

Аслим Ироқ заминидан булур. Мени Нигмон сайёҳ, дейди-

лар. Молим старлилигинин ҳамиша тужжорлик қилардим. Бир навбат йулим Фаранг юртига тушди. Менга куп савдогарлар рафиқ булдилар. Мен қофилабоши эрдим. Фаранг шаҳрига яқин ерда — дарёнинг нариги ёқасида Некном шаҳри буларди. Бу шаҳарнинг ҳукмдори булак эди. Фаранг шаҳри карвонсаройига тушиб яшай бошладим. Бир неча кун утгач, ул бегоҳ ҳужрада тургандим, бир Хожа сарой гуломлар билан кириб келди. Карвонбоши ким, дея савол қилди. Мардум мени курсатди. Эҳтиром курсатишганди, мен ҳам таъзим бажо келтирдим. Хожа сарой айтди, мусулмон савдогарлар келишган деб, подшоҳимизнинг суюкли қизлари — Малика эшитибдилар. Ажам матоларидан харид этмоқчи эканлар.

Алар билан бошлашиб саройга келдик. Сарой ҳовлисида ажиб бир чаманзор бор эркан. Ундаги фаранги санамлар оғушида бир санамга кузим тушди. Анинг нозик андоми, гулбузори, моҳи рухсори, оҳу нигоҳи, писта лаби, сиймин ғабзи, мушкони муйи, каманд гийсуви, гунча даҳони, ширин забони, оромни жони, борик миени, тамоном нози, сарупо оби ҳаёти теварагидаги хуршидлиқолардин узгача эди. Маликанинг бедумоқ ултириши ҳам унга ҳусн бағишлаб турарди. Ундан кузимни узолмай қолдим. Кунгил қўлдин кетди. Ақлу ҳушим ҳам учди. Асири жамоли булдим. Ултирсам, қарорим, юрсам, қуввати рафторим йўқ. Бир лаҳзадан сунг ул нозанин бош кутарди. Мунислик билан айтдики,

*Илиндикни доми дилға маътал эрмас анда чун бемор,  
Чу булбул ул ниҳолдин бул устиға ултирғил.*

Санамнинг лутфомуз нигоҳини, ул ишва, хуби фитна ангизини мушоҳада қилдим. Беихтиёр тилимни дуога очдим.

*Умидим шулки, қадди ниҳолинг булмасин чун ҳам,  
Булмасин бошимдин марҳаматинг асло кам.*

Нозанин табассум қилди. Анинг олдига фақат молимни эмас, жонимни пешкаш қилдим. Ул узига маъқулларини олиб, қолганини қайтарди. Эртага тонг-ла матоларим қийматини келиб олишлигимни билдирди. Жамоли фархундаҳол, фариштамисолни яна бир бор кўриб, кузимни равшан қилмоғимдин бахтиёр эрдим.

Карвонсаройга қайтдим. Ҳужрам кунжида ултириб йиғламоқни оғоз қилдим. Кечани уйқусиз, азият билан утқардим. Тонг отиши билан саройга ошиқдим. Подшолик дархонаси олдида сарой Хожаси кутиб турган экан. У туфайли ичкарига дохил булдим. Ул хур назари менга тушди. Меҳрибонлик курсатиб, мени шундоқ ёнига ултирғизди. Матоларим қийматини сўради. Дедимки, не лутф сиздин булса, ушал хуб булғай?! Малика ишора қилганди, зар келтириб, олдимга қўйдилар. Мен бошимни қуйи солиб, кузимни ҳижобдан очмасдим. Кунглимда, бундан кейин нима қилурман, деб тухтатди. Бир соат

таваккуф қилгилки, сенда ишим бор, деди. Вақтим чоғ булиб ултирдим. Келтирилган шарбатни хупларканман, дедим:

*Кимнингки қайғуси куп, кузин ҳайрони булай,  
Менга оҳудек қараб тургонининг қурбони булай.*

Бир оз вақт утиб таом келтирдилар. Ул нигор ҳам мен билан бирга тановул қилди. Дастурхонни йиғиштирганларидан сунг, гуломлар ҳар тарафга кетишди. Хилват булди. Малика менга юзланиб дедики: Дастмоянг қанчадур? Айтдимки, ун минг тумандур. Дедики, ҳар йили қанча нафъ қилурсан?! Айтдимки, гоҳ йили булурки, ун минг фойда ҳосил булур. Гоҳ йили булурки, харжни ҳам қопламайдур. Деди: Фаранг сафаридин қанча нафъ қилмоқни кузлагансан? Айтдимки: Худо берганини?! Сунгра, Малика мақсадга утди: Бир хизмат буюрсам уддасидан чиқармисан?! Ҳайрон булиб тургандим, агар бажо келтирсанг, Фаранг сафаридан кузлаган нафъингни олиб кетурсан, деб қушиб қўйди. Нафъдан гапирманг, не фармонингиз бўлса, тайёрман, дедим. Малика истехзоли кулди. Менга муфт хизматкор керак эмас, шартимни қабул қилсанг, хизматимни буюрурман, деди. Сунг, сиз шунга рози булсангиз, майли, деб кундим. Сенга хат берурман, бир ерга олиб борурсан. Фақат ҳеч ким бу сирга маҳрам булмаслиги керак. Йўқса хатарда булурман.

*Бош хатарлидур, агар бу йўлда турур гаддорлар,  
Бу оғир юкни кўтариб орқасига юрсалар.*

Ул дилбар айтди: Мендан беш юз туманни олиб, молингни дарёнинг ул тарафига утказ. Мабодо киши хабардор булса, фақат молу амволинг торожга кетар. Бу суҳандин таажжубда эрдим. Аммо индамай, берилган беш юз туман зарни олиб, карвонсаройга қайтдим. Мен айтдимки, дарёнинг у тарафидаги шаҳарга борурман. Бу шаҳарнинг подшоҳидин зада булдим, ул шаҳар ҳукмдорини одил дейдилар, дедим. Баъзи савдогарлар менга эргашиди. Дарё буйидаги карвонсаройга жойлашиб, кундузи Малика урдасига келдим. Сарой ҳожаси мени анинг хузурига олиб кирди. Нозанин қулимга бир хат берди. Қулидан ангиштаринини ҳам чиқариб менга тутди. Ул шаҳарнинг шимол тарафига қараб йўл олурсан, бир фарсанг йўлни босиб утгандан сунг, богга старсан. Шул боғ эшикида беш юз одам бордур. Бир йиғит аларга амирдур. Оти Қайхусрав. Ангиштаринни анга бергил. Сунг хатни курсатгил. У ҳар не деса, қилгин ва забоний мундоғ дегил:

*Саломин етқурур бул нотавони,  
Ғарибдур, мубталодур, хаста жони.  
Ки, эй, ёри азизим, меҳрибоним,  
Таманнойи дилим, ороми жоним.  
Фироқингда юроким гарқу хундир,  
Билолмасман, бундай аҳвол нечундир?!*



Охирлар, йулга чиқдим. Ул нозанин тайин этган боғга етдим. Курдимки, бир жавони шерсавлат курсийи чорзин устига ултирибдир. Беш юз чоғли яроғликлар анинг хизматида. Мени куриб илгари чақирдилар. Нега келганимни суриштирдилар. Йулимни йуқотдим, деб баҳона қилдим. Кайхусрав сурадики, савдогармисан, дед. Орий, дедим. Узинг билан жавоҳир олиб юрурмисан, деди. Мен ул ангиштаринни қулига тутдим. Мени боғ ичига олиб кирди. Ангиштаринни қандай қулга киргиздинг, деди. Малика нишона учун сенга юборди, дедим. Нима юмуш билан келдинг, деди. Мунда нома бордурки, жавоб тиларман, дедим. Сунг ул мард мени боғ уртасидаги хиёбонга йулларкан, тайинлади. Пулот қафас ичида бир йигит бор. Номани анга бериб жавоб ол, ҳамда тезроқ чиқиш ҳаракатини қил. Токи, ҳеч киши воқиф бўлмасин.

Айтилган жойга бордим. Ҳақиқатан қафасда бир йигитни тутқун ҳолда курдим. Ёши йигирмаларга борган, эмди хатти гард оразига мисли янги ойдек тортибдур:

*Санобар қоматиға хизмат айларда жудо қолди,  
Булиб девона жолда муяссар дар ҳаво қолди.*

Анга яқин бориб, салом қилдим. Ул йигит бош кутарди, секин аҳволимни сурди. Жониб муштоқдин келтирдим, дея номани қафас раҳнасиндин қулига бердим. Кузидин ёш равона булди. Номани мутулаа қилгондин сунг, дедими, ул ёри вафодорга дегилки, бир иш қилсинки, йул узасидин тикон кутарилсин. Вагарна ҳар қандай тадбир ҳечдир. Яна еткурғилки, анга фидо булайин, ҳарчанд билурманки, эмди висоли менга муяссар булмайди. Аммо уни бир кунни ёстугимнинг бир ёнида курмоқни орзу қилурман. Яна дегилки, нома ва пайғом юбормоқликни тухтатсин. Фитнаю фасод азим булғай. Ул шу сузларни айтиб йиғларди. Ногоҳ боғ эшигида ғала-ғовур эшитилди. Жаъми сипоҳилар мукамал ва мусаллаҳ булиб боғ ичига кириб келдилар. Бир ҳаромзода қул олдимга келди-да, шартта шамширини суғуриб бошимга урди.

Эй, дарвешлар, ул пир бошини менга курсатди. Бошининг чап тарафида захми куруниб турарди. Ул пир айтдики, мен узимдин кетиб йиқилдим. Узимга келсам, атроф қоронғу, мени бир одам орқасига кутариб олган, ҳамроҳи билан сузлашиб борарди. Бири айтардики, бу мусулмонга нукбат булди, турфа сиррики, ҳайрон қоларсан. Ани ташлаб кетайлик. Иккинчиси айтардики, Малика иккимизни ҳам сиёсат қилишларини истайсанми? Уларнинг гапларини эшитиб, айтдим, эй, ёронлар, бу нечук қасам сирридулки, афсус емоқдасизлар? Айтдиларки, қайси сир бундан беҳроқ булғайки, маъшуқ ошигини улдиргай? Дедим, маъшуқ киму унинг ошиғи ким? Айтдиларки, маъшуқ подшонинг қизи Малика, ошиқ унинг амакиваччасидур. Ул жавоникни, сен нома етказган, бошинга ғавғони сотиб олган. Мен айтдим, маъшуқ ошигини нега улдурдур? Дедилар, айтар булсак, суз дароз булур. Биз ортга қайтармиз. Мен айтдимки, агар мени узларинг билан олиб борсанглар, худойи

таоло сизлардан рози булгай. Улар изларига қайтишиб, мени подшоҳ даргоҳига олиб келдилар. Матлабим шул эрдик, ул нозанинни яна бир бор курсам, жамолидан кузимни мунаввар қилсам, майли, ҳузурида жон берсам. Ҳамонки, мени келтирдилар. Ушал боғдаги бир дарахтнинг остига қўйдилар. Ва узлари одамлар тўпланган томон ошиқдилар. Мен ҳам бир амаллаб ул тарафга бордим. Ҳавз лабига қафасдаги йигитни қўйишди. Ва машғал ёндирдилар. Подшоҳ зар курсида ултирибди. Ногоҳон боғ хиебони равшан булди. Канизаклар қуршовида Малика куринди. Ул қиз хизмати подшоҳга етиб сажда қилди. Подшоҳ ул нозанинни буса қилиб, ёнига утқазди. Мен сарой хожасидан сурадимки, бу не роздир. Айтдики, бу йигитки қафасда турур аввалги подшоҳнинг уғли булгай. Подшоҳ ўлими олдидан биродарига васият қилган. Яъни деганки: Менинг фарзандим ёшдур, у балоғатга етгунча сен анинг урнида тахтга ултиргил. Вақт етса, тахтни уғлимга топшир. Қизингни анга бергил. Шунда подшолик наслимиздан кетмагай!

Юрт ҳукмронлигига угил билан қиз номзод эрдилар. Улар бир-бирларига кунгил ҳам боғлагандилар. Угил эр булиб етилди. Қобилияти аҳволида зоҳир булди. Аммо подшолик ширин экан. Энди подшоҳ вазирга машварат қилибдурки, угул билан қиз муомаласини нима қилурсан, деб. Вазир, угилни девонага чиқариб, бандга солмоқлик маслаҳатини берди. Подшоҳга вазирнинг ройи хуш келди. Уғлини қафасга солдилар. Қиз бу ҳолдан гамгусор булди. Анинг дафъига мутаважжи булди. Ани халос булиши учун кушиш қилур эрди. Бундан қурққан подшоҳ, девона угулни ҳақимлар боғда даволасинлар баҳонасида, уни боғга элтишни буюрди. Уни пулотдан ясалган қафасда сақлашиб, улдириш ниятида номуносиб дорилар ҳам бера бошладилар. Зоҳирий улдиролмайдиларки, унинг бевафолигидан хабардор паҳлавонлар узларини ҳам тирик қўймайдилар. Сен келтириб берган номада шундай сузлар ёзилганди: Агар сен рози булсанг, мен отамни улдириб, сени банддан озод қилсам.

Душманлар бу хабарни подшоҳга еткурдилар. Подшоҳ, сенинг, қафасдаги йигитнинг ва амир Кайхисровнинг бошини олиб келишга фармон берди. Андоқким, ани бажо келтирдилар. Бёҳуш булганинда, сени улди, деб хаёл қилиб, ташлаб кетганлар. Подшоҳ жиянини қандай дафъ қилиш чорасини тагин вазирдан суради. Вазир айтдики, агар подшоҳим рози булсалар, мен Маликани кундирайки, йигитни унинг узи улдирсин. Шунда мардум подшоликдан кўрмас. Қиз, бадном булгани учун улдири, деб уйлар. Вазир подшо розилигини олгач, қизнинг ҳузурига борди. Келиб насихат қилди. Айтдики, нимага номусни ўзингга ва подшоҳга писанда қилурсанки, мардум, подшоҳнинг қизи ошиқ булибдур, демоқда. Бу сухан даф булмоғлигини хоҳлайсанми? Шунда отанг ҳам сендан рози булгай. Сен ул йигитни улдиришинг керак. Қиз сукут қилди. Бу ризолик аломати, деб вазир шод булди, подшоҳга хабар бергани югурди. Кечаси булди, вазир қизни олиб бораётганди, сенга маликанинг назари тушди. Дедикки, бу бечорани йулдан олинлар. Кутаришга урингандик, нола қилдинг. Билдикки,

жонинг бор экан. Буни курган Малика бизларга муқаррар қилдики, бу савдогарни юз эллик ашрафий билан дарёдан уткариб, мусулмонларга топширинглар, деб амр қилди. Бу ёғи ни-ма булур, алҳол, курурмиз.

Сарой ҳожаси утган воқеани айтиб тугатгандин сунг, тиг ушлаган Маликага ажабланиб қарадим. Ана у қафасдаги йигит жонибига равона булди. Қафаснинг олдига етиб бориши билан, шамширни улоқтириб, узини йигитнинг оёғига ташлади. Ва айтдики, балоғардонинг булай, матлабим шул эдики, яна бир бор дийдамни жамолингдан равшан қилсам. Андин булак марг барҳақдур. Қиз шу сузларни айтиб, хушидан кетди. Подшоҳ, қизни бир гушага элтишни буюрди. Сунг, вазирга эътироз билдирдики, хоҳлайсанки, уғилни қуйиб, мени улдирсинлар. Алҳол вазир уғилни улдирмоқлик учун, гилофидин тигни чиқариб, ул томонга равона булди. Яқин боргандики, бир тарафдин уқ учиб келди-да, вазирнинг сийнасига тегиб, орқасидин чиқди. Вазир оҳ, тортиб жаҳаннамга кетди. Атрофни «ушла-ушла» садолари буркади. Подшоҳ узидан қурқиб, саройга қочди. Мен бу ҳолатни куриб, беҳол булдим. Узимга келсам, хужрада ётибман. Бир фаранги ҳақим бошимда ултириб, захимни боғламоқда. Вақтики, менинг захим битди. Рафиқларим аҳволимдин матлаъ эрдилар. Бу вилоятга етдимки, бу макон менга хуш келди. Ва офтобпарастлардан йироқ булганимдин тоб-тоқатим қолмади. Сангтарош ва наққошларни келтириб, Маликанинг ҳайкалини бино этдим. Ғуломларимга минг туман зар бериб қуйганман. Улар тирикчилигимдан хабардордурлар. Узим ушал кундан бери тимсоли ул маъшуқага ишқибозлик қилурман:

*Чун бермаса даст ул висол,  
Тутқумки, бу доман хаёл.*

Эй, дарвешлар, шу сифат ҳусну жамол, хулқу камол ул нозаниннинг дарагини эшитдим. Анингдек шайдойи санам булдим. Ва ул марднинг қулини буса қилдим. Қизнинг эндиги аҳволини сурдим. Ул мард айтдики, икки йил илгари бир ғуломим Фаранг мулкига бориб қайтди. Андин эшитдимки, Маликанинг отаси охири ул йигитни улдирибди. Малика ул боғдан жой олмиш. Олдига ҳеч кимни қуймасмиш. Зоҳири шулки, ибодатга машғул эрмиш.

Ул мард нозанин сифатларидан қисса қилди. Мен эса андин дуо сўрадим: дилим ва диним бақайди Малика гирифтор булгай.

*Бор ишқим бемаҳоба келтириб дилга ҳужум,  
Тоқатимнинг мағзи жуш урди бу савдо шуридин.*

Ул мард дардимни ҳазилга йуйди:

*Эй, уғил, кори ишқ кори эмас,  
Қилмағил ишқибозлик — бози эмас?!*

Мен айтдимки, эй, мард, то васлига етмасам, ором олмасман. Ёки анинг ҳавосидан жон берурман. Алқисса, эй, дарвешлар, камина куп йиғладимки, марднинг менга юраги куйди. Сунгра куп насихатлар қилиб, йўлни нишон берди. Тариқи ишқдан таълим берди. Либосимни тағйир этди. Қулимга бир мушт тилло тутди. Дуо қилиб кузатди. Мен даштга — ишқ биёбони сари юзландим.

Йулда куп ажойиб ва ғаройиботларга дуч келдим. Заҳматларни бошдан утказдим. Заҳм едим. Қумликларда етдим. Ҳар дам нолаю афғонимни фалак авжига етгарур эрдим.

*Қоматини қилди ҳам чун бори анбуҳ фироқ,  
Оҳ тортарманки, юз оҳ, зи андуҳ фироқ.*

Алқисса, эй, дарвешлар, ўзимни Фаранг шаҳрига еткурдим. Бир аҳволдаки, терим устихонга ёпишган, сочим белимга етган эрди. Фаранг шаҳрида ҳам жоним ором топмади. Ҳарчанд ҳар кимдин бир васила бирлан аҳвол сурдим. Ҳеч кимдин ҳавосига жонни муаттар қилгудек суз эшитмадим. То бу ҳаддига етдики, жондан туйдим. Ваъзи ҳаётдан дилгир булдим. Юзимни хоки мазаллатга суртиб, субҳгача зорланиб, худодан анинг васлини сураб зорланардим. Андоғки, бир тонгда чиққан офтоб қисматим шомини ҳам ёритди. Шаҳарда сарсон булиб юрарканман, Чор-Суга етдим. Ногоҳ бир тарафдан наъра тортилди. Назар солсам, шер суратлик, паланг ҳайбатлик, миррих салобатлик бир йигит. Маҳосан чун мушки анбарво эрди. Қадди мисли санобар, кузлари чун товус эрди. Сочлари ҳам Мажнун монанд. Белида заррин камар, бошига тилло занжир уралган. Олмас тиги, ҳамойил ва ханжарини икки синонлик узосига ташлаган. Чун силоби ғуруш билан келар эди. Унинг ортидин офтоб талъат, қамарий сурат, ун тўрт кунлик ойдек икки ғулом сарупое мурасеъ кийиб, бир тобутни кутариб келаётирлар. Улар Чор-Суга етишлари билан тобутни ерга қуйдилар. Йигит тобут устига келиб йиғлай бошлади. Халойиқ девор оша қараб, эшик тирқишларидан муралашарди. Ул шерсурат наъра тортиб, икки байт ўқиди:

*Билинглар, эй, халойиқ, манки, султонимдин айрилдим,  
Дилу жон лаззатидин, балки, жононимдин айрилдим.  
Юроким лаҳза-лаҳза қон эрур, меҳнат била ғамдин,  
Нечукдин йиғламасман, эмди дармонимдин айрилдим.*

Ул шерсурат чун абри навбахордек йиғларди. Сунг ғуруш қила-қила тобут атрофидан айландию бир томон равона булди.

*Муҳит ғамни кургон дилга улфат булмайди билгил,  
Чароғники дуди бошида бор эрса тез ёнғай.*

Ул шерсавлат йигитнинг ваъзини эшитгандан, оҳ тортганини кургонимдин сунг, яна умид қила бошладим. Ўзимни ишонтирдимки, бузруқлар айтганлар ҳар вақт кишига бир мушкул пеш келса, пири комил маслаҳатини олсин. Андин муолажа талаб қилсин.

*Келмаса рост ақлга ҳар иш,  
Айла девоналик, ҳузур эрмиш.*

Узимга дедимки, шунча муддат шаҳарда юриб, комилга йулиқмадинг. Энди узингни шу девона ихтиёрига топширмоқдан бошқа иложинг йуқдир, дея анинг орқасидин равона булдим. Халойиқ мени тухтатди: Эй, жавони гариб, қайга борурсан, жонингдан туйганмисан?

*Ерон, ҳазар қилингки, бу шўх улдурур мани,  
Ошиққа маълум этмайин ҳеч гуноҳни.*

Эй, дарвешлар, мен ҳам ўзимни девонаҳол тутдим. Насихатларига қулоқ солмадим. Одамлар орасида, бир дардманд бор эркан. У айтдики, бу девонадин қул тортинглар:

*Девонаки, девонани курса ҳуши келгай...*

Эй, дарвешлар, шунча маломат бирлан, эл доманимдин қул тортди. Мен ул шермонанд ортиндин маконига келдим. Ичкарига кириб кетганди, эшик олдида мутахаййир булиб турдим. Бир лаҳзадин сўнг бир гулом чиқиб келди. Мени ичкарига бошлади. Кириб қарасам, ажиб, сафоли бир боғ ҳамда шаҳнишин бир иморат диққатимни тортди. Ҳовлида ҳалиги тобут, йигит эса унга боқиб шамдай куяр эди. Мен анга яқинлашиб, салом бердим. Ул девона йигит бош кутариб, айтдики, эй, аблаҳ, нега ортимдан эргашиб келасан, бошдин жудо булмоқчимисан, дея қиличини менга ҳавола қилди. Мен жойимдан жилмай, бошни ҳам қилиб туравердим. Айтдимки, дининг ҳаққи-ҳурмати мани ҳалос қилгилки, тириклик менга ҳаромдур. Ул қиличини қайта тортди. Аммо бир силли қулоғимга урдик, беҳуш булдим. Бир вақт узимга келсам, йигит бошимдан кучиб турибди. Одоб сақлаб, сақраб урнимдан туриб, қаршисига утирдим. Ул айтдики, эй, гариб бечора, нима касбинг бордурки, ақл сарриштаси ихтиёрингдин кетибдур, уз жонингдан туйибсан?! Мени куриши билан қочмайдиған одам бу шаҳарда топилмайди. Мени забун қилдинг. Энди ҳар не булсин, рост айтгилки, сенга раҳмим келди. Айтдимки:

*Тифллардек йиғламоқдин узгани билмасдурман,  
Ҳеч ким дардим билмагандай узим ҳам билмасдурман.*

Ва яна дедимки:

*Ҳолимни сурмаки, дилгир буларсен,  
Жонингдин охири сер булурсен.*

Эй, дарвешлар андоғ йиғи менга мастули булдики, ул йигитнинг ҳам кўнгли бузилди. Айтдики, магар ҳеч нимани мениндин пинҳон тутмасанг, не матлабинг булса, қулдан келгунча бажо келтирурман, деб ишонтирди. Мен пирдан эшитганларимни, биебонда курган машаққатларимни, бу ерга келиб ҳам умидсизликка тушганларимни бир-бир баён қилдим.

Йигит фикрга толди. Сунг бошини кутариб, одамнинг бошига не савдо тушмайди, дея изтироб чекди. Охири муддаога кучди: «Шаҳзодам Малика васли орзусида эди. Зулмдан нобуд булди. Холо ул қиз мусулмон булган. Эй, жавони ғариб, яхшироқ огоҳ булгилким, ушал кеча вазирни уқ отиб улдирган мен эрдим. Бу тобут ҳам подшоҳзодамники. Мен анинг фироқида сарупо, бараҳна қилиб, кучама-куча юрурман. Подшоҳ газабга тулиб, аҳволимга мазоҳамат қилур эрди. Мен подшоҳдан булак, ҳар кишиким ул мазлум ҳаққига зулм қилгон эрса, ани улдурдим. Ахир, подшоҳнинг узи келиб шаҳзодани улдирди. Уша кундин бери, бир ойда бир маротаба шу тобутни кутартириб, шаҳар айланаман. Охират расмини адо қилурман. Мардум менга ҳар нима деса ҳам, золимларни улдирмакликдан тақсир қилмайман. Сен ҳам Малика учун куп озорлар чекибсан. Сенга ани курсатурман. Гарчанд мендан бошқага уни курмаклик насиб этмаган эди. Худойи таоло менинг кунглимга раҳм солиб, толеъингни ёр этмоқда. Аммо бир шартимга қулоқ сол. Ани курган вақтингда, оҳу зорлиқ қилмагайсан. Унинг курган аламлари старли. Агар қоидага хилоф иш тутсанг, узингдан кур. Тилка пора қилурман.

Мен ул мардга айтдим:

*Ошиқ дилнинг муҳитамал жабри бор...*

Йигит бу гапимдан табассум қилди. Бугун эмас, эртага тонг билан албатта, олиб борурман, деди.

Эртасига эрталаб ул жавони мард мукамал ва мусаллаҳ булиб чиқиб келди. Фуломига ишора қилганди, менга либоси фоҳира келтириб берди. Соч-соқолимни олдирди. Йулга тушарканмиз, тобутнинг бир томонидан кутариб боришимни айтди. Мен, бир гуломи билан тобутни елкамизга олиб ул диловурнинг ортидан борардик. Анча йул юриб бир боғ эшигига етдик. Боғ уртасида бир наҳри азим бор эркан. Турт тарафи дарахтзор. Ишорат қилди, тобутни ерга қўйдик. Ул жавон бир наъра тортганди, боғ ларзага келди. Куз унгимдаги киз ростдан чиқиб келди. Ани куриб, уздин кетаёзим. Сари пойи либосга яширинган. Нозанин йигит муқобилига келиб ултирди. Йигит нақл қиларди, киз эшитарди. Йигит нақлини поёнига етқариши билан, гулбўзор йиғлашга тушди. Эй, дарвешлар, бу ҳолни куришим билан яна жонимга жунун лашкари юзланди. Оҳ тортгандим йигит бедумоқлик билан қараб қўйди. Қуйган шарти ёдимга келиб, узимни наъра тортмоқликдин тутдим. Бир замон йигит тагин нақл қилди. Эшитаркан қиз ангишт қўлини кўзига олиб борганди, тагин изтиробга тулаёзим. Бир вақт ул моҳваш урнидан туриб кетди. Йигит ҳам унга эргашди. Орадан бир соатлар утгач, йигит мени олди-га боришимни талаб қилди. Борсам, аҳволимни суради. Сунгра не бахтки, ул паҳлавон айтдики, алҳамдулиллоҳ, толеъинг кулганга ухшайдур. Бахтинг бандидин чиқди. Қувонганимдан узимдан кетай дедим: Наҳотки, сарви хиромон васлига муясар булсам?! Ул айтдики, муддаойимга етдим, деявер. Сен ҳа-

қингда нималар деганимни билармисан? Мен айтдим: Фақат шуни биларманки, сиз нақл қилиб турдингиз, ул қиз йиғлаб тинглади. Ул лаҳзаким, аҳволингни бу қаторда васила қилиб, анга баён қилдим. Нақлни бир ерга етқурганимда, аввалгича муомалада бўлди. Дийдорига эришиш учун ошиғини улдиргани боғга борганини эслатганимда Малика йиғлади. Шу пайт сен чеккан дардларни тукиб солдим. Бул мусофир, подшоҳзодалардан, дедим. Васлинг йулида бутун борлиғи, шоҳона макеидан, ҳатто жонидан кечмоққа тайёр. Агар шул ғарибга дили хублик қилсанг, аввалғи кунлар талафи шу булғай. Ман ҳар кимки, сенга ҳамроз булса, анга дуст турарман, валлоҳ ихтиёр яна узингдаур, дедим. Ул айтдики, ман бу ишни қиладиган булсам, отамнинг қулидан халос булурманми, деди. Бу менинг қулимда, ҳеч кишининг сизларга душманлик қилишларига йул қуймасман, дедим. Малика сукут қилди, Кун ботганда ани юборурман, боғ эшигида кутиб олғип, дедим. Сунг у билан бирга менинг ҳовлимга келинлар, деб тайинладим. Малика сузимни ерда қолдирмади. Энди бу ёғи сенинг ишинг. Кечаси боғ эшигига борғил. Ани олиб ҳовлимга келтир. Сизларни узим муҳофаза қилурман, дея елкамга уриб қўйди. Мен шижоатли паҳлавон қулларини ўпдим.

Ниҳоят кеч бўлди. Ул мард бир гуломига тайинлади. Бу киши билан борғил. Боғнинг бир гушасида ором олиб тур. Улар йулга тушишгач, олдинда юриб келаверасан. Мусофирда, йулини йуқотиб юрмасин, деб хуп таъкидлади.

Ташқарига чиқиб йулга тушгандик, гулом менга бир мунча ҳамроҳлик қилди. Кейин қаён кетганини билолмай қолдим. Гуломнинг, турги борсангиз, боғга етасиз, қайтишда шу ерда кутиб тураман, деган гапига ишонмасам буларкан?! Анчайин оввора бўлгандин сунг зурга манзилга етдим.

Бир замон дилбари жонон, моҳи тобонни хира қилиб, чиқиб келди. Ҳаяжоним байтга айланди:

*Ёки бу моҳни уйқуда кўрдим,  
Ёки бул кечада кунни кўрдим.*

Узимни оёғи остига ташладим. Ул нозанин айтдики, турмак, дил изҳори қилмак вақти эмасдур. Биз йулга тушдик. Хушвақтликдан бор ғаму андуҳларим баргараф бўлди.

Ногоҳ ул паҳлавоннинг ҳовлисига борур йулни фаромуш қилганимни сездим. Субҳгача ҳар маҳалла ва ҳар кучани кезиб, музтар бўлдим. Ул нозанин ҳам ҳар лаҳза таъриз қилур эрдик, эй, саргашта, бахти баргашта уйинг қайси маҳаллада бўлур. Тонг отмоқда, мардумнинг менга кўзи тушса иккимиз ҳам расво булурмиз. Санамнинг койиш қилишида ҳам жон бор эрди.

Менда эса оройи сузламоқ йук, ҳар тарафга саросима бўлиб югурар эдим. Ич-ичимдан худога нола қилар эрдим: Холиқо, бундан сунг қанча машаққат булса тортаман. Маъшуқамнинг васлига етай деганимда, раҳнамолик қилган. Тагин ҳижрон дардига мубтало булмоқликдан ортиқ шармандалик борми?

Илтижоларим Яратганга етдими, бир кучага дохил булдик. Бир ҳовлининг эшигига қулф солинган. Ҳайрон булиб туриб қолдим. Ёлгоннинг бир илдизи ночорликда экан. Малика, нега турурсан, деганида, айтдимки, хизматингизга боришимни билмаган гуломим эшикни боғлаб, қаёққадир чиқиб кетибди. Шунда Малика ердан тош олди. Қулфни ушатмак керак, дедида, уни уриб синдирди. Қурқувдан қул-оёғим бушашиб кетди. Уз-узимга айтардим: Соҳиби уй ким булгай, унга не жавоб берурман? Ичкарига кирдик. Беҳиштга тушиб қолгандай булдик. Турфа дарахтлар, ариқдан сув эмас, гулоб оқаётгандай. Булбуллар шохсор дарахтларда зикри мулки маннонга мунтазам эрдилар. Иморатлар мунаққаш маликона, фаршлар шоҳона солинган. Ул нозанин ҳовлини бемалол айланди, мен эса соҳиби ҳовли сингари бисотимни куз-куз қилаётгандай унга эргашиб юардим. Ногоҳ бир хонага кириб кузимиз яшнади. Унда май ва лаъл ранго-ранг эрди. Хонтахта устида уроғлик дастурхон. Оҳиста бориб уни очдим. Қарасам, бир лаган товук гушти қовуриб қуйилган. Буни куриб нозанин эркаланди: Гуломинг эшикни боғлаб кетган булса ҳам, ичкарида барча шарт-шароитларни тайёрлаб кетган экан. Менинг диққатим эса эшикка қадалган. Уй эгасининг ҳайбат ва шиддатидин хайиқар эрдим.

Малика бир журъа олиб нуш қилди, бир журъани менга берди. Нуш қилиб, кунгилдан ғам-хавотирни фориг айладим. Бир неча мартадан жом кутардик. Сунг Малика дастурхонни очмоқлиғимни сўради. Очгандим, нозанин лагандаги қовурдоқдан бир оз тановул қилди. Кунглига бир гап келмаслиги учун мен ҳам унга қушилиб едим.

Энди бир-икки калима сўзни Маликанинг отасидан эшитсак. Ровий айтурки, Маликанинг йуқолганидан хабар топган мулозимлар, бу хабарни зудлик билан подшоҳга етказдилар. Подшоҳ вазирга, умароларига амр қилдики, лашкарлар Маликани излаб топишга жалб этилди. Йуллар, чегараларга одам қуйилди. Уни топиб келган кишига инъомлар берилиши баён этилган руқъалар битилди. Яна қирқ маккора хотинлар ишга солинди. Улар кучама-куча, маҳаллама-маҳалла изғиб юришарди.

Шундай маккоралардан бири бизга таниш кучага кириб келди. Курарки, бир ҳовлининг эшиги очиқ. Бемалол ичкарига қадам қуйди. Ул бизни куриши билан дуога сўз очди: «Эй, жавон, эй, нозанин, ҳаргиз бошларинг ҳам булмасин. Душманлар ва бадҳоҳлар ҳар балога гирифтор улсинлар. Аламдийда деб уйлаб, унга юрагимиз куйди. Ул нозанин унга, эй модар, қайдин булурсиз, қайга кетурсиз, нимага мунча паришон ва гирёнсиз, деди. Пиразан айтди, балогадониин булай, сизларга деярли ҳамсоя булурман. Уйим бу ердан узоқ эмас. Ҳомилали бир қизим бор эрди. Икки кундирки, дард тортадур, ваъзи ҳамал булмайдир. Ҳозик заифалар маслаҳат бердиларки, кабоб тановул қилса, тезроқ снгил булур. Уйимда ҳеч нарсам йук. Муҳтож нотавонман. Эшигингизга келишимдан мақсадим, хайралаблиқдур. Садақа бирла тараҳҳум қилсаларингизлару зора мушкулум осон булса?!»



Эй, дарвешлар, биз бузруклар ҳикматидин беҳабар экан-  
миз:

*Уйингга киргизма қари даллани,  
Кирану чиқарар юз раҳлани.*

Ул санам икки ноннинг орасига икки товуқ гуштини куйиб, кампирга тутди. Тагин садақа ҳам бериб, тайинлади: Эй модар, вақти-вақти келиб туринг. Хожатингизни чиқариб турарман. Алҳол ҳозир тезроқ борингки, қизингиз озурдадир, интизор булиб ётмасин.

Пиразан дуо қилиб чиқиб кетди. Куп утмай ташқаридан шиддатли шовқин эшитилди. Эшик тарафга куз солиб, узимга-узим айтдимки, янги бало муборақ бўлсин. Боғчанинг бир кунжидан ташқари куринарди. Бир дарахт панасида туриб, қарадим. Шери яздондек паҳлавон йигит ҳалиги пиразанни ушлаб қийнамоқда. Кузатиб турдим, у кампирни уриб улдирди. Шукри илоҳийни бажо келтирди. Бу ҳолатни куриб танимдаги жон омонат булиб қолди. Ул йигитнинг ногоҳ менга кузи тушиб, овоз берди: Эй, жавон, эй, бедавлат, беандиша бери кел!..

Бордим. Ул елкамга қул ташлаб айтди, одамки бир улуг ишга қул урдими заррача бепарво бўлишга ҳаққи йўқ. Ёвуз одамлардан қочибсизлар, ақалли яшириниб олган уйингизнинг эшигини маҳкамласангизлар бўлмасмиди? Сунг, ул паҳлавон уликни менга курсатиб, танирмисан, деди. Ҳозиргина курганлигимни айтдим. У айтдики, бу пиразан подшоҳнинг жосусларидан эди. Ҳозир шаҳарга бир ут тушганки, ҳулу қуруқ баравар ёнмоқда. Мен доҳили куча бўлдим. Пиразанни кўрдим. Кабобни четга улоқтириб айтур эрди: Подшоҳнинг қизини топдим. Либосини подшоҳга нишона учун олиб бораётибман. Мен айтдимки, бу кучада менинг уйимдан булак вайрона йўқ. Мабодо подшоҳнинг қизи ҳовлимда бўлса, деб гумонсираб, кампирдан аҳвол сурадим. Пиразан айтдики, ҳомилали қизим бор эрди. Мана бу уйга кириб, садақа сурадим. Бир қиз кабоб бериб, уз кийимидин берди. Унда сенга мен оху гушти берурман, дедим. Ул, ниманидир сездими, мени дуо қилиб кетмоқчи бўлди. Мен уни шартга ушлаб мунда келтирдим ва улдирдим. Энди кунглингни хуш тутгил. Менинг уйимда ҳеч кимнинг сизларга дасти етмас. Мени Бехзодхон Хиромий дейдилар. Подшоҳ тигим дами ваҳшатидин ухлолмайду. Мен подшоҳнинг отасига амирлик қилганман. Ажали етиб укаси тахтга ултиргандан кейин ҳам ишимни давом эттирдим. Подшоҳзодани қатл қилганларидан сунг, маккор ҳукмдордан қайтдим. Талончилик, босқинчиликка утдим. Ҳазабланган подшоҳ лашқарини юборди. Барини қиличим дамидан утказдим. Амир лашқари билан келди, уларни ҳам қочирдим. Охири подшоҳ мен билан сулҳ тузишга мажбур бўлди. Бунга ҳам кунмас эдим, аммо бир кеча, боқамол ҳазрати Алини тушимда кўрдим. Ҳазрат амир-ал-мўминин Алининг қулларида бутни синдирдим, мусулмон бўлдим. Мени ҳаром емоқдан товба қилдирдилар. Ул вақтдан буён бу шаҳарда тураман. Ҳақ таоло-

га ибодат қилишга машғулман. Улфат тополмай дилгир булсам, шикорга борурман. Мана, узим ҳақда баён қилдим, сен ҳам саргузаштингни айт. Мен ҳам аввалдин ҳозиргача булган воқеани қолдирмай сузладим. Ул паҳлавони замон кулди. Айтдики, эй, раҳмати Худо сенга булғайки, шу ишларни хуп қилибсан. Агар мени гуломликка хитоб қилсанг, сендан рози буларман. Йўқса, сендан ранжигайман. Бошимни қуйи солиб, жим утирганимни қуриб, таскин берди, бу уйда кўнглинг нимаики истаса барини қилавер, хижолат, аламга йул бермагил.

Мен йигитнинг гапларидан хушхол булиб, Малика олдига келдим. Паҳлавон оҳу гуштидин қабоб тайёрлашга тутинди. Ҳовуз лабига ултиргани жой қилди. Қабоб пишгач, уни тилло табоққа солди. Шу аснода Малика уйқудин уйғонди. Ул паҳлавонни рупарасида қуриб, эътироз қилди: «Қайга кетиб эрдинг, биз келганда нега уйда йўқсан?» Паҳлавон гуломлардек бошини қуйи солди. Айтдики: «Эй, сарви равон, афу қилинг, гуломингиздин бир густоҳлик утди. Ташрифингиздан хабарим бор эрди. Аммо сизларга лойиқ пешкаш йўқ, деб саҳрога бордим. Бу оҳуни сайд қилиб келтирдим. Энди ихтиёрим узларингда. Нима буюрсаларингиз бажарурман, фармонбардорман».

Мен ул паҳлавоннинг бу наъв сулукидан қизариб кетсамда, сир бой бермаслик учун ҳеч нима демардим. Ул шери мард одамгарчилик расмини янада давом қилди. Бир суроҳи тула май ҳозир қилди. Бисоти нақлдин ёйди. Бир жомни тулдириб менинг қулимга, иккинчисини ул нозанин илгига тутди. Фаросатли санам ул шермарднинг узига ҳам жом тутишни талаб қилди. Йигит одоб билан жомни нуш қилди.

Алқисса, эй дарвешлар, олти ойғача шу уйда турдим. Ул мард кечаю кундуз беминнат хизмат қилар эди. Бир кеча, хилватда менга у айтди: «Бу уйда қанча турсанг, шунча хизматингдаман. Агар ўз вилоятингга борур ниятинг булса, сени ва маъшуқангни манзилга етказишни зиммамга олурман».

Узимнинг ҳам умидим ота-онам юртига қайтиш эди. Ахир, улар шикорга чиққанимдан кейинги аҳволимдан беҳабардурлар. Бир кун ул нозанинга арзимни айтдим. Розилик берди. Жунаш тараддудига тушдик. Беҳзодхон дарҳол уч от, уч даста яроғ, жавоҳир тула икки хуржунни муҳайё қилди. Учовлон мукамал ва мусаллаҳ булиб йулга тушдик. Малика йўқолгандан кейин шаҳар дарвозаси доимо маҳкам турарди. Подшоҳ аъёнлари руҳсати билан кириб-чиқиларди. Вақтики, биз дарвозага етдик. Ул паҳлавон ҳайбат билан дарвозабонларни уйқудан бедор қилди. Дарвозабонлар, сизлар ким буласизлар, дейишди. Паҳлавон ростини айтди: «Мен Беҳзодхон Хиромийман. Бу йигит подшоҳнинг қуёви, қиз эса Маликамиз буладилар. «Дарвозабонлар, кечаси дарвозани подшоҳ ҳукмисиз очолмасмиз, дейишди. Беҳзодхон отдан тушди. Бамайлихотир бориб дарвозани очаркан, аларга айтди: «Бориб подшоҳга айт, қизинг ва қуёвингни Беҳзодхон ҳомий булиб олиб кетди, дегин. Тагин уғринча чиқиб кетишган, деб уйла-

масин. Агар ул золим, бемурувват хоҳласа ортимиздан лашкар юборсин. Сенларга зарар етказмайманки, гапимни подшоҳга етказинглар».

Бехзодхон лоф ураяпти, деб уйладим. Шаҳардан чиқиб кетарканмиз, олдимиздан бир анҳор чиқди. Унда куприк солинганди. Куприк бошига қарасак икки минг чоғли лашкар. Бехзодхон уларга ҳамла қилди. Лашкарнинг бир қисмини улдирди, бир қисмини ярадор қилди, яна бир қисмини эса пароканда қилиб ташлади. Сунг, куприкдан утишимизга ишора қилди. Утиб, яна йул юра бошладик. Ногоҳ ортимиздан туёқ овозлари эшитилди. Паҳлавон, подшоҳ яна лашкар юборди, деди. Ва бизга тепалик ортига яшириниб туришимизни тайинлаб, узи лашкарга пешвоз чиқди. Бу жанг ҳам қуз олдимизда булди. Ул шеру заррон узини лашкарга урди. «Уз хунларинг буйинларингда эканлигини билмаганларинг учун ҳам менга қарши чиққансанлар» — деб наъра тортар, кўтарилган қиличларга чап берар, узи бехато санчарди. Узоқ олишувдан сунг кофирлар тўдаси қочмоққа мажбур булдилар. Тагин уларни анча жойгача қувиб борди. Бир вақт қайтиб келиб, анҳор лабига тушди. Қул-оғини покиза қилди. Биздан нима учундир узр зўради-да, отга минди. Яна йулга равона булди. Кечаси йул юриб, кундузи бир манзилга тўхтадик. Отларни утлатдик, узимиз ҳам тановул қилиб олдик. Худди шу тахлит уч ой йул босдик. Ниҳоят, юртимнинг қаламравига кирдик. Отамга одам юбортириб, ташрифим дарагини етказдик. Отам амир умаролари билан беш фарсанг йул юриб бизга пешвоз чиқди. Уртамызда кечилмаган бир дарё қолди. Дарёнинг у тарафида отам лашкари билан, бу ёндин эса бизлар етиб келдик. Мен мунда туриб, отам олдин от солса, одобдан булмайди, деб унинг истиқболига шошдим. Унга етиб оёғига йиқилдим. Ногоҳ кўрдимки, гавгойи баланд булди. Ман минган от байтал булиб, боласини нозанин минганди. Боласи онасининг сув кечаётганлигини куриб, саркашлик қилган, жilовини Маликанинг қулидан қутқариб, узини дарёга ташлаган. От дарё уртасига етганда, гирдоб уни Малика билан биргаликда тортган. Бехзодхон Маликани қутқармоқ учун узини дарёга ташлади. Улар гоҳ юмалаб, гоҳ юзага чиқиб, охири сув остига кўринмай кетдилар. Сув биладиган — обий одамлар сувга тушиб, излаб чиқдилар, улардан асар топишолмади. Оҳларим дуди фалакка урлади. Куп жазоъи қилдим, фойда булмади.

Эй, дарвешлар, қанча муддат ранжу алам чекиб, Малика васлига етгандим, ундан жудо булдим. Ҳаммасидан ажиброғи шул эрдик, ул шердил, паҳлавони замон бахтим йулида мардлик, дарбозликлар қилди. Охири мен учун фарқи дарёйи ситам булди. Филҳол ёқамни пора-пора қилиб, бош яланг, оёқяланг булиб саҳрога юзландим. Бунни отам, аркони давлат манъ қилишди, булмади. Биебонларда чун абри навбахор йиғлаб юрдим. Кунглимга, узимни ҳалок қилмоқ ҳаёли келди. Қазодин юриб тоғга етдимки, бир обйди равшан замирни

курдим. Куръон тиловат қиларди. У менга ҳам Қўстантания шаҳрига борар йўлни нишон берди. Алҳамдулиллоҳ, сизларнинг хизматларингизга етдим. Курайин-чи, буёғи қандай анжом булур?!

Ровий ривоят қилибдурки, ул дарвеш ўз саргузаштини айтиб, тамом қилганда муаззин бомдод намозиға азон айтди. Подшоҳ Озодбахт дили шавққа тулган куйи саройға қайтди. Бомдод намозини ўқиб, аркони давлатға куриниш бериб, жойиға ултирди. Сунг, ўз ясовулларидан бир нечасини гўристонға юборди. Андаги турт дарвешни келтириб, хизматимға ҳозир қилинлар, деб буюрди.

Энди икки калима сухан дарвешлардан булур. Ровий айтурки, дарвешлар фарзи намози бомдоддин фориг булиб, хоҳладиларки, равона булсалар. Шул вақтда подшоҳ ясовуллари етиб келди. Дарвешлар подшоҳнинг муборак таклифини эшитишгач, ҳайрон булдилар. Сарой томон келишаркан, «подшоҳнинг биз ғарибларға не иши бор экан», «Балки, бирор юмуши, сўзи бордур» деган алфозда бир-бирларига сузлаб, мутаҳаййир булишарди. Ахийри улар ҳукмдор даргоҳиға етдилар. Подшоҳни бир-бир дуо қилишиб, сунг бир четта таваққуф ила ултирдилар. Подшоҳ аркони давлатни мураҳхас қилди. Кейин дарвешларнинг олдига келишларини суради. Мулойимлик билан йул ранжи ва меҳнатини суради. Маҳрамлари шарбат ва неъмат ҳозир қилдилар. Шарбат ичиб, тановул қилиб олишганларидан сунг, подшоҳ сузға оғиз очди: «Хуш келиб-сизлар, қадамларингиз сафо келтирур. Қайдан келурсиз ва қаён борурсизлар? Не мақсадларинг бордур?» Дарвешлар уринларидан туриб, таъзим бажо келтиришди. Ва подшоҳнинг умри ва давлати янада зиёда булишини тиладилар-да, дедилар: «Биз ғариб ва бечора, ватанларидин оввора булган, саргашта кезиб юрган, жаҳон курган, куп ранжу захмлар тортган, гам захрини нуш этган, дарёи қуруқликда сайр этиб, бир дам осойиш курмаган дарвешлар булурмиз». Подшоҳ, равшанроқ баён қилинлар, деди. Дарвешлар айтдилар:

*«Дардимиз дармони йўқдир, алғиёс,  
Ҳижронимиз поёни йўқдир, алғиёс.»*

Эй, ҳукмдор аҳволимиздин тулароқ гапирадиган булсак, вақтингиз, тоқатингиз етмайдами, деб курқамиз». Подшоҳ уларнинг узрини эшитиб кулди. Икки дарвеш ўз саргузаштларини нақл қилишганларида шундоқ ёнларида туриб эшитганлигини ошкор қилди. Энди ҳам эшитсам керак, деб дарвешларни ларзаға солди. Сунг, саргузаштларини айтишни давом эттиришларини суради. Дарвешлар бошларини куйи солдилар. Подшоҳ курдики, аларнинг сузламакка ҳоллари йўқ. Узи уларға бир ҳикоят сузламоқлигини оғоз қилди: дарвешларнинг қулфи диллари очилди. Суҳбатимизға қушилиб, шоҳона шафқат қилдингиз, дедилар.

# ОЗОДБАХТ ҲИКОЯТИ ЁХУД ХОЖА САКПАРАСТ ҚИССАСИ

Ривоят қилганларини билмак ва эшитмак керакким, подшоҳ Озодбахт Ҳақ субҳонаху ва таоло номини тили-ю дилида зикр қилгандан сунг, ҳикоят қилишга утди.

Тахт менга отамдан меросдур. Рум мулки менинг зери нигинимга кирди. Эшитдимки, мулки Бадахшондан шаҳримизга савдогарлар дохил булишибди. Бениҳоя мол билан келганлари кулоғимга етди. Уйладимки, аларни ҳузуримга таклиф этсам, суҳбатлари орқали юртларининг аҳволидан хабардор булсам. Подшоҳлари қандай сиёсат юргизар экану элнинг тинчлигини қай тахлит ўтаётган экан? Замонанинг яхши ва ёмонликларидан мағлаъ булсам?!

Талабим буйича улар орасидан бир мард савдогарни даргоҳимга ҳозир қилдилар. Ул савдогар менга бир қути пешкаш қилди. Олиб қарасам, вазни уч мисқолча келадиған лалъ. Шундай хушоб, хушранг эдики, ҳайрон қолдим. Ҳазинамизда ҳам бундай тошни кўрган эмасман. Ул мардга иззат-икром курсатдим. Дарқам барот бердимки, ҳеч ким унга йул хирожи, бож тўлаши учун мазоҳимат еткурмасин. Мулки Румда ҳеч ким андин хирож талаб қилмасинлар.

Мен ҳар куни лаълни олдиртириб томоша қилардим. Аҳли мажлис ҳам ҳар сафар уни таъриф этишгани этишган эди.

Орадан бир йилча утди. Бир куни мулкимизга ҳар тарафдан элчилар ташриф буюришди. Улар билан булган бир мажлисда, ушал лалъни ҳазинасидан олиб келишини талаб қилдим. Уни қулимда кўрган Фаранг элчиси хўп таъриф айлади. Аммо бир вазираим бор эрди. У отамга ҳам вазираик қилган. У урнидан туриб, мени дуо қилди. Сунг менга арзи борлигини билдирди. Ижозат бердим, у сўзлади: «Подшоҳимиз саломат булсинлар, фикри ожизим шундайки, бу уч мисқол тош ҳар қанча бемисл булса ҳам, уни бу қадар таъриф этишингиз дуруст эмас. Бу ҳукмдорлик шаънингизга лойиқ эмас. Қанча элчилар даргоҳингизда ҳозирдур. Диёрларига бориб, ҳолатингизни хўп нақл қилсалар ажаб эмас. Подшоҳлар орасида беиззат булмасангиз, деб кўрқаман. Подшоҳимга маълум булсинки, Нишопур шаҳрида бир савдогар бор. У ҳар қандай етти мисқол келадиған ун икки дона лалъни итининг буйнига қалода қилиб, уни парвариш қилур».

Вазирадан бу суҳанни эшитиб кўп дилгир булдим. Унга нисбатан булган газабимни яшира олмадим. Жаллодларни чақириб, бошини танидан жудо қилинлар, деб буюрдим. Шунда Фаранг элчиси урнидан туриб, олдимга келди. Ва суради: Нечун уз вазираингизга улим ҳукмини раво кўрурсиз? Айтдимки, ёлгон сўзлагани учун! Элчи айтди, шаҳриёр, ёлгончилиги зоҳир булмаган кишига бундай жазо лозим эмас. Мен айтдимки, ёлгон айтаётгани шундай ҳам аён эмасми? Савдогарлар не учун юртма-юрт кезадиларки, итларининг буйнига қимматбаҳо лалъ оссалар?! Бу хабарда рост нима қилсун? Элчи айтдики, савдогарларнинг ҳам ҳар тури булгай, узини куз-куз қилмоқ

учун ҳам шундай ожизликка борадиганлари йук, дейсизми?  
Агар шундай булса, бир бегуноҳнинг уволига қоласиз-ку!

*Вазирлар подшоҳ ақлидурлар,  
Жаҳонда ҳар не булгонин билурлар.*

Ҳозирча газабингизни босишга чорангиз бор. Сузининг рост ва ёлғони зоҳир булгунча, уни зиндонда сақлашингиз мумкин. Шоядки, вазирингиз бегуноҳ булса?!

Элчининг маслаҳатига кирдим. Вазирни зиндонга буюрдим.

Эй дарвешлар, бу хабар вазирнинг оиласига етибдур. Аҳли аелининг фиғони чиқибди. Ровий айтарки, вазирнинг оқила бир қизи бор эрди. У хусни ва ақли бирла ажралиб турарди. Вазир анинг учун алоҳида уй тартиб бериб, соҳибжамол канизлар, умароларнинг ожизалари аларнинг ихтиёрида эди. Кечаю кундуз фароғатда умр утказар эрди. Қазодин ушал кунни қиз бошқа маҳваш билан уйин-кулги қилиб турганда, онаси уйига оху фарёд кутариб кирди. Сочларини юлиб, кукрагига мушт уриб нолий бошлади: «Нима булур эрдик, Худойи Таоло сенинг урнингга кузи кур булса ҳам бир угил берганида?» Қиз хафа булдики, угилнинг илгидин келадигани не эканки, менинг қулимдан келмаса? Онаси айтурки, отанг подшоҳ хизматида беодобона сўз айтибдур. Уни зиндонга буюрибди. Айтган сузи шул эмишки, Нишопур шаҳрида бир савдогар бор экан. Ун икки дона лаълни итининг буйнида қалода қилмиш. Подшоҳ бу сузни ёлғон билиб, уни қариганида банди айлади. Қиз онасини овутибди. Худо билан мажодила қилмоқлик тугри эмас. Бало-ю қазога рози булмоқ, сабр айламоқ лозимдир. Худодин ҳар не келса, шукр қилсак, балолар албат даъф булғай.

Бир хожазода бор эрдик, у вазирнинг қизига дуст эди. Қизга ҳам саркор, ҳам гулом, ҳам сирдош эрди. Қиз ани хилватга чорлаб, куп жазъа қилди. Отасини зиндондан халос қилмоғи учун ердам суради. Нишопур шаҳрига узи билан бирга боришини илтимос қилди. Хожазода рози булди. Уша куннинг узиеқ бозорга борди. Нишопур эли эҳтиёжига мослаб моллар харид қилди. Барча сафар анжомларини муҳайё қилди. Вазирнинг қизига мардона либос кийдири. Биргалашиб йулга тушишди. Она бечора қизининг бедарак кетганлигидан куйди. Аммо бадном булмоқликдан қурқиб, унинг йуқолганини сир тутди.

Вазирнинг қизи ва Хожазода биргалашиб, қаъи манозил ва тайи мароҳил қилиб, охир узларини шаҳри Нишопурга еткардилар. Юкларини карвонсаройга тушириб, узларини йул гардларидан фориг қилмоқлик учун ҳаммомга бордилар. Рум мулки расмига кура либоси фоҳира кийиб олишди. Сунг Нишопур шаҳрини сайр қилгани чиқишди. Сайр қила-қила Чор-Суга етдилар. Жавоҳирфурушлик дуконига кузлари тушди. Диққат билан қарадилар, ҳар жавоҳирларки, устма-уст тахланган. Зар камарли гуломлар хизматда эрурлар. Ёши элликларга борган, мутабаррак либосли киши лула болишни така қилган. Қанча нафар улуглар ул дуконда сандали устида ултирибдурлар. Вазирнинг қизи, отам айтган савдогар шу булса керак, деб уйлади. Яна бир манзарани куриб, савдогар шул экан, деган хулосага

келди. Дуконнинг бир тарафига икки пулод қафас турур. Икки гулом қулида шамшир бир-ла қафаслар олдидан урин олишган. Яқинроқ бориб қарасалар қафасларнинг ичида биттадан одам қамалган. Сочлари елкаларига тушган, юзлари заъфарон, этлари устихонларига епишиб кетган. Дуконнинг бир тарафига эса ипак гилам солинган. Сандал устига балоғуш қилиб, устига зарбофт палос тушалган. Анда тилло занжирда бир ит ётадурки, буйнида ун икки лаъл осиглиқдур. Итнинг тилло лаганда туддириб қуйилган сутга қарагиси ҳам келмас, икки қамар талъат гуломбачча итнинг хизматида эдилар. Бирининг қулида товус патидан бодпаз, бирининг қулида руймоли зарбофт булиб, итнинг оёқ-қулини губордин пок қилар эдилар.

Вазирнинг қизи бу ҳолни куриб, отасининг гапи рост чиққанидан шукри илоҳийни бажо келтирди.

Ровий шундай ривоят қиладурки, Чор-Су буйлаб Хожазоданинг ҳусни шуъласи роҳ гузарлар юракига ут солди. Номии тиллардан тушмади. Мардумнинг Хожазода мусофирни куриб, мутаҳаййир булганлигини Хожа сакпараст эшитди. Бир гуломини юбориб, Хожазодани дуконига таклиф этди. Ул моҳи некруй ташриф буюрди. Хожа сакпараст мусофирни куриб лол қолди. Унга кунглини олдириб қуйди. Хожазода фаросат билан билдики, сакпарастнинг ранги мутағаййир булди.

*Юракка ут тушганин ранги учгондин билур,  
Ошиқи бечораки, ҳар қайда расво булур.*

Сакпараст Хожазоданинг елкасидан қучиб, пешонасидан буса қилди. Уз ёнидан жой берди. Куп меҳрибончиликлардин сунг, суради: «Эй, фарзанд, қайси гулистоннинг гули булурсан. Қай бустоннинг сарви озоди эурсан? Қайси садафнинг дурисан, қай тарафга азми ихтиёр қилгансан?» Хожазода айтадурки, эй, падарни бузруквор, Рум мулкидин булурман. Отам савдогар эди. Энди кузи ожиз булиб қолган. Сафар қилмоққа қуввати етмайди. Отам мени имтиҳон қилиш учун сафарга йуллади. Сув йулидан қурқсам-да; отамнинг раъйи учун Ажам мулки сафарига отландим. Овозингизни эшитиб бу шаҳарга ҳам кириб утай, дедим. Мана, сиздан меҳрибонлик куриш шарафига муяссар булиб турибман.

*Мусофир матлаби улдир жаҳонда дуруст дийдори,  
Вагарна неъмат ҳақ ҳар қаерда булса эрди бисёри.*

Хожа сакпараст ихтиёри қулидан кетиб, деди:

*Хуш келибсан, менга хуш келди келганинг сенинг,  
Ҳар қадамингга фидо эрди булса минг жоним менинг.*

Сакпараст Хожазодага, мулозим ва хизматкорларни қай манзилга қуйгансан, букюржилки, каминанинг ҳовлисига келсинлар, булак жойда турмоқлигингиз хуп эмас, деди. Хожазода куп узрлардин сунг, охири розилик берди. Белгили гуломлар боришиб, Хожазоданинг буюм ва анжомларини жавоҳирфурушининг уйига келтирдилар. Хожа сакпараст билан Хожазода кечгача дуконда сўхбат қурдилар. Сунг жавоҳирфурушининг ҳовлисига равона булдилар. Ортларидин ҳалиги ит ва бандилар ҳам олиб келинаётганди. Улар Хожа сакпараст уйига етдилар. Хо-

жазода ажабтовур иморатни куриб лол қолди. Айниқса, ичкарига киргач, малукона хоналар, ҳовли поёнидаги ҳовуз унинг диққатини тортди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта. Меҳмон ва мезбон ҳовуз лабида тартиб берилган уринга жойлашдилар.

Бир замон Хожазода гуломларнинг ит сандалисини ҳам ҳовуз лабига қуйиб, унинг олдига ҳам дастурхон тушаганликлари, тилло лаганда унга таом берганликларини куриб ажабланди. Хожазода олдига тортилган нозу неъматларга қўл ҳам чузмай, итдан куз узолмай қолди. Итнинг қорни туйғач, тилла идишда сув тутдилар. Сунг ит сандалига бориб ётаркан, икки гуломбачча зар румол билан унинг оғзини арта бошладилар. Сунгра итдан ортган таомни бандилар сақланган қафас ёнига қуйишди ва уй соҳибидан қафас калитини олиб, бандиларни чиқаришди. Ҳамда мушт ва шапалоқ зарби билан итнинг пасхурдасини аларга едирдилар. Кейин яна қафасга қамаб қуйдилар.

Андин сунг Хожа сакпараст олдидаги таомдан тановвул қилишга утди. Қарайдики, меҳмоннинг таомга қўли бормайду. Хожа ҳайрон қолиб, бунинг сабабини сурайдур. Хожазода кунглидагини тортинмай айтдики, бу фёлингиз менга хуш келмади. Итнинг сарқитини одамга бердингиз-а?! Сак наҳси лаиндур. Ёки фаранглар мазҳабида ани наҳс билмайдиларми? Ёхуд ана у иккиси итдан ҳам наҳсроқми? Ҳеч ким бунчалик итни парастида қилмайду. Узингни Худонинг бандаси санайдиган бўлсанг, нега итни олдингда сақлайсан? Унинг қорни туймагунча таомга қўл чузмайсан? Узи Худонинг бу икки бандасини нечук ҳибсда сақлагайсан? Ҳар банданинг сири Худонинг узига аён. Аммо зоҳиран сени мусулмон, дея олмайман. Шундай булгач, менга таоминг ҳам даркор эмас.

Хожа жавоҳирфуруш бу маломатларни маълуллик билан эшитди. Сунг айтди, эй, фарзанд, сенинг қавлинг ҳақдур. Бундайлигини узим ҳам билурман. Шаҳар мардуми мени бекорга Хожа сакпараст, деб атамайдилар. Жаъми мушрик ва кофирларни Худо лаънатласин, мен, алҳамдулиллоҳ, мусулмонман. Билсанг, мен шу номни кутариб юришга мажбурман. Бунинг сирини, айтганингдай, ёлғиз Оллоҳнинг узи билур. Ҳеч кимга ошкор этолмайман уни. Шу учун ҳам икки навбат бож ва закот берурман. Мусулмон мусулмонсан, деб закот олур, кофир сакпарастсан, дея бож ва жузя ундира. Кел, эй, фарзанд, шу сирни билмоқлик умидидан кеч. Менда оройи айтмоқлик йўқ, сенда оройи эшитмоқлик булмасин. Бу сирли ҳангомани гапирмак ва тингламакнинг узи ғуссадур.

Хожазода уй соҳибининг утинчини тушунгандай бўлди. Матлаби отасини қутқариш эканлиги эсига келди. Сакпарастнинг қилмиши тўғрилиги эса матлабига эришувининг узи эканлигидан қувонди. Мезбондан узр сураган қуйи таом емакка мутаважжи бўлди.

Алқисса, эй, дарвешлар, икки ойгача Хожазода ул шаҳарда сайр қилиб юраду. Жавоҳирфуруш анга урганиб қолди. Бир дам уни курмаса ҳаёли мунқатъи булур эрди. Бир кеча Хожазоданинг кунгли тулиб, йиғлайверди. Уй соҳиби бунинг сабабини суради. Меҳмон айтди, эй падар, кошки сизнинг хизматингизга мушарраф булмасам эрди. Сиздин жудо булгандан сунг фироқингизга қандоқ чидарман? Яна сизни курмоққа



муяссар булармиканман? Побуслигингиз шарофати билан кузимни мунаввар қилармиканман? Ёки ажал қули ёқамдан ушлармикан?!  
Хожа ҳам шу ташвишда эканлигинин, ушбу байтни айтди:

*Бугун шамъи рахингдин дур булғум,  
Субҳдек чароғон булғум яна...*

Хожа меҳмоннинг бошини силаб айтдики, эй, кузимнинг нури, сенга не ният ҳамроқ булди. Нега энди бу пир — қулингдин жудо булурсан? Бошингдан бу хаёлни бадар қилгил. То тирикман, сени ҳеч қасқа юбормасман. Ажам мулки Рум вилоятидан кам эмас. Агар ота-онанг фикрида булсанг, уз одамларим — муътамадларга буюрайин, аларни келтирсинлар. Мен жаҳонни кўп кезиб қанча мол-мулкка эга булдим. Уларга ворис буладиганим булмаса? Ёшим бир жойга борди. Истайманки, менга бажойи бир фарзанд булсанг. Паймонам турса, уз қулинг билан тупроққа топширсанг, дейман. Хожазода айтдики, ота-онам менга бир йилдан ортиқ қолиб кетишимга рухсат бермаганлар. Иулимга интизор булиб турган булсалар керак. Ота-она розилиги Худонинг розилигидур. Энди мен бандага рухсат бериб, сарафроз қилсангиз. Ҳеч булмаса, уларни бир бориб куриб келсам. Сунг яна сизнинг мулозиматингизда булурман. Рум вилоятида ҳам олимлар, эшонлар кўп эрур. Аларнинг зиёрати учун биз билан бирга борсангиз-чи? Хизматингизда булардим, деб кўп таваллолар қилди. Хожазода охири жавоҳирфурушни рози қилмоққа эришди.

Алқисса, Хожа жавоҳирфуруш гумашталари ва хизматкорларига сафар тадоригини куришларига фармойиш берди.

Хожа жавоҳирфуруш кўп ганж, бисёр мол, бешумор хизматкорлар билан Нишопурдин чиқдилар. Унга эргашган савдогарларнинг ҳам моллари беадоғ эди, Хожа жавоҳирфурушнинг моли юз тевага юкланган, уткир шамширли йигитлар, гуломларнинг ҳар қайсиси този нажод отларга минган. Ул моҳваш ҳам зуҳра чинини атрофида монанди парвиндек эди. Бир тевадаги тахти равонда қалодайи заррин ва зарббфт билан ёпинган ҳалиги ит, бошқа тевадаги тахти равонда бандилар сақланган икки қафас жойлаштирилганди.

Қустантания шаҳрига бир манзил қолганда Хожанинг боргоҳини урнатдилар. Вазирнинг қизи жавоҳирфурушдан рухсат олдики, улардан илгарироқ бориб, узига тобеъ одамлар орқали уларга ҳовли тартиб берса? Қиз туғри онасининг ҳузурига бориб, оёғига йиқилди. Волидасининг аччиқ таъна ва дашномларини эшитди. Унга айтдики, сендан берухсат борган булсам ҳам дуоларинг ҳимоясида эрдим. Сени хотиржам қилмоқ учун отамни банддан қутқармоқ ҳаракатида юрибман. Огоҳ булгилки, Хожа жавоҳирфурушни шаҳримизга олиб келиш шарафига муяссар булдим. Менга яна бир-икки кун муҳлат бергил. Токи уз ишимни ниҳоясига еткурай. Отамни зиндондан озод қилай. Онаси унга розилик берди. Шаҳарга яқин бир сабззорда хийма ва саропарда барпо қилиб, Хожа сакпарастни анда кутиб олди.

(Давоми келгуси сонда)

## МУНДАРИЖА

### ҚУТЛОВ

Шеър — юрак гули. (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Қуддус Муҳаммадий билан шоир Рауф Толиб суҳбати) . . . . . 3

### НАСР

Усмон Азим. Сиз билмайдиган замонларда. Ҳикоялар . . . 11  
Омон Мухтор. Гузаллик тушунчаси . . . . . 132  
Тоҳир Малик. Шайтанат. Учинчи китобдан боблар . . . . 134

### НАЗМ

Исмоил Тулак. Муҳаббатнинг руҳи ёнди кузингда . . . . . 51  
Усмон Бек. Кунглим қирғогидан учган оққушим . . . . . 53  
Жамол Сирождин. Мен сени изларман . . . . . 56  
Сафия Дилхун. Қалдирғоч тилидан эртақлар айтди . . . . 57  
Жамшид. Ҳаётим гул исидан шан . . . . . 60  
Чулпон Эргаш. Раънонинг савдоси. Ҳаёлий-кечмиш дос-  
тон . . . . . 61

### САОДАТ АСРИ ҚИССАЛАРИ

Аҳмад Лутфий. Учинчи китоб. Ҳижрат юртида тонг . . . . 62

### МУШОИРА

Қувониб уйғонмоқда кунлар . . . . . 126

### МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Чор дарвеш . . . . . 178

---

● Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоқча булган материаллар муаллифларга қайтарилмайди ● Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади ● Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — 83, Буюк Турон кўчаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ● Обунага монъелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент — 700000, Амир Темур тор кўчаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

---

Теришга берилди. 5.04.97 й. Босишга рухсат этилди 19.05.97 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт-ҳисоб табоғи 18,48. Адади 11.655 нусха. Буюртма № 1243.

---

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА  
«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.